

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
КАФЕДРАСИ

КАСБИЙ *ПСИХОЛОГИЯ*

ФАНИДАН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

5140900-КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

САМАРҚАНД - 2012

Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан 28. 08. 2008 йил тасдиқланган «Психология» фани намунавий дастури асосида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Касбий таълим» бакалавр йўналиши талабалари учун тайёрланди.

Мазкур маърузалар матни ёрдамида талабаларнинг замонавий психология фани сирларини эгаллашлари, таълим муассасаларида таълим тарбия тизимини самарали ташкил этиш, шахсни ҳар томонлама баркамол комил инсон сифатида тарбиялаш ҳамда уларни эркин мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

Маъруза матни Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедрасининг йиғилишида 26. 08. 2012 йил 1 - сонли баённомаси билан чоп этишга тавсия этилди.

**ТАЙЁРЛАГАН: Г.Б.АМИРОВА - ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ.**

**ТАҚРИЗЧИЛАР: А. САИДОВ – САМДУ ДОЦЕНТИ, П.Ф.Н.
Ж.СУЛТОНОВ - ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ, П.Ф.Н.**

• Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимиз тараккиёти ва истикболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдири, авваламбор, давр талабларига жавоб берадиган юкори малакали, онгли, тафаккурга эга булган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ...

И.А.Каримов

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади—таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни утмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тула ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Дунёга янги қуш билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг қушини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юқсалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Педагог ихтисослигини танлаган ҳар бир инсон қимларни уқитаётган ва тарбиялаётганлиги учун узига жавобгарликни олади. У узининг қасбий тайёргарлигига жавоб бериш билан бирга педагог, уқитувчи, тарбиячи, муаллим булиш ҳуқуқига эга булиши учун жуда қулаб мажбуриятларни олиши зарур. **Муаллимлик қасбининг шарафлилиги, нақат, унинг уқитувчи, турли билимларни ургатувчи ва моҳир тарбиячи булганлиги учунгина эмас, балки унинг узи танлаган қасб-ҳунар йуналишидаги барча мутахассисликлар буйича маҳсус қанларни ва уларнинг пойдевори булган фундаментал қанларни ҳамда уқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган булиши шарт.**

Мақкур маърузалар матни Самарқанд қишлоқ ҳўжалиқ институти Қасб таълим (Ветеринария, Зоотехния, Агрономия) йуналишлар буйича таълим олувчи бақалаврлар учун мулжалланган булиб, унда психологик билимлар буйича зарурий таърифлар ва йуланмалар ҳамда психология соҳасидаги ҳозирги қамон аҳборот технологияларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган.

Маълумки ҳар бир педагог, албатта, унга давлат қамият томонидан қуйиладиган талаблар асосида педагогикавий қасбнинг ҳусусиятлари, маданиятлари ва вазифаларини юкори даражада тушунган ҳолда илмий ва илмий-услугий изланишлар натижасида ихтисослик қанларини собит қадамлик билан тула-туқис эгаллаб, бу қанларни юкори даражада талабалар онгига сингдираолиш усул ва услублардан фойдаланган ҳолдагина бу шарафли қасбнинг билимдонига айланишини қукур ҳис қилиб, узлуқсиз ишлаши кераклигини билиши зарур.

“Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзланган олий мақсадга – озода ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”.

И.А.Каримов.

1-МАВЗУ

ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ. ЯНГИ ДАВР ПСИХОЛОГИЯСИ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРДАГИ ТАЪРИФИ

РЕЖА:

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонунни ҳаётга тадбиқ этишда психология фанининг ўрни.
2. Шарқ ва Ғарб олимларининг психологик қарашлари.
3. Психология фанининг предмети, мақсади. вазифалари.
6. Хулоса.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилганидек, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, етук ва баркамол қилиб тарбиялаш педагог - ўқитувчилар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Албатта бу вазифаларни амалга оширилиши учун юқори малакали педагогик кадрларга эга бўлишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Замонавий психология фанини таълим-тарбия тизимига тадбиқ этиш борасида олий таълимда касб-хунар коллежларида фаолият олиб бораётган психологлар ҳамда касбга йўналтирувчи мутахассис кадрлар “Психология масалалари” бўйича қуйидаги давлат талабларига эътибор бериши лозим. Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиши; Халқ таълими тизимида психологик хизмат, унинг мақсад ва вазифаларини билиши; Психологик тадқиқот методларини билиши ва ўз фаолияти давомида улардан фойдалана олиш малакасига эга бўлиши; Педагогик ҳамкорлик психологиясини билиши ва уни амалиётда қўллаш малакасига эга бўлиши; Психологиянинг соҳалари, унинг назарий ва амалий масалалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; Педагогик қобилият турларини билиши ва эгаллаши; Психологик-педагогик ташхис ва унинг таълим-тарбия жараёнида ташкил қилишдаги ўрни ва ролини билиши, айрим психологик ташхис методикаларидан фойдаланиш малакасига эга бўлиши; Ёш давлари психологияси, бола руҳий ривожланишининг ёш хусусиятлари, бола шахси шаклланишида ижтимоий ва табиий омилларнинг роли ҳақида замонавий таълимотлардан хабардор бўлиши; Ўқувчиларни тарбиялашда “Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги” концепсиясининг асосий ғояларини билиши; Ота-оналар билан ишлашда оиладаги шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола шахсининг шаклланишига таъсири ҳақидаги психологик билимлардан фойдалана билиши; Таълим-тарбия жараёни психологияси (педагогик психология) муаммолари, изланишлар, бу соҳадаги янгилик ва ютуқлар ҳақида маълумотга эга бўлиши; Педагогик жамоа ва ўқувчи-тарбияланувчилар гуруҳларида шахслараро муносабатлар хусусиятлари ҳақида ҳамда жамоадаги психологик иқлим ва уни яхшилаш йўллари ҳақида билимларга эга бўлиши керак. Ҳозирги замон психология фанининг долзарб муаммолари мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал этишда миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда диққат-эътиборимизни қуйидагиларга қаратиш лозим. Ўқувчиларни мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш; Ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш, ташхис ва психологик хизматни йўлга қўйиш; Иқтидорли ёшларни психологик танлаш услубларини яратиш; Оила ва оиладаги шахслараро муносабатларини ўрганиш методларини такомиллаштириш; Шахс хусусиятларини ўрганишда психодиагностика, психокоррекция, психопрофилактика, маслаҳат, консультация, маъриф ва маърифий ишларни тўғри амалга ошириш; Шахсни мулоқатга ўргатишга оид тренинг машқлари тизимини йўлга қўйиш; Таълим-тарбия

тизимида ўқувчи ёшларнинг интеллектуал-зеҳн, билим, қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш; Ўқувчи шахси фаолиятига якка тартибда ёндашиш; Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиш; Педагогик жамоа ва ўқувчилар гуруҳларидаги ўзаро психологик иқлимни ҳисобга олиш; Ўқувчи шахси хулқ-атвори хусусиятларини ўрганишда психологик-педагогик консилиумлар ўтказиш; Замонавий психология фанининг янгиликларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Инсон ўзини ўраб олган ижтимоий муҳитда яшайди ва ҳаракат қилади. У ҳар қандай эҳтиёжга муҳтождир ва уни қаноатлантиришга (қондиришга) интилади. Теварак - атрофдаги муҳитдан ҳар хил ахборотлар (информациялар) қабул қилади ва ўзини шунга мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Дунёдаги реал образларни миёсида онгли шакллантиришга киришади, шунга қараб ўзининг шу муҳитда қандай ҳаракат қилиш кераклиги туғрисида, у ёки бу воқеага қандай ёндашиш учун режалар тузади. Ўзининг олдига қўйган мақсадларини ўз ҳаракат натижаларига солиштириб кўради, ўз бошидан жудда катта ҳиссий (эмоционал) ҳолатни кечиради. Ҳаёт фаолиятидаги баъзи камчилик ва хатоликларни тўғрилаш йўллари ажратади. Бунинг учун ўйлайди, фикр юритади, ҳаяжонланади. Баъзан ўзини тута олмай пессимизмга берилиб кетади. Ниҳоят, ўзини тутиб олади, ўз олдига қўйган мақсадга эришишга бутун кучини қаратади. Мана шу ҳолатларнинг ҳаммаси кишининг психик фаолияти ҳисобланади. Ана шу психик фаолият қонуниятларни ўрганувчи фан психология фанидир. “Психология” сўзи иккита грек сўзларидан - “псйче” - жон, рух ва “логос” - таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор бўлган ҳолатлар ва жараёнлар унинг предметини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предметини ҳар биримизнинг ташқи олами ва ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ходисалар, ҳолатлар ва шаклланган ҳислатлар ташкил этади. Психология бўйича адабиётларда унинг предметини қисқача қилиб, психикадир, деб таърифлайди. Психика - бу инсон руҳиятининг шундай ҳолати, у ташқи олами (ички руҳий олами ҳам) онгли тарзда акс эттиришимиз, яъни билишимиз, англашимизни таъминлайди. Лекин бу қисқа таърифлардан психикага алоқадор жараёнлар онгнинг акс эттириш шакллари экан, деган юзаки хулосага келиш нотўғри бўлади. Чунки инсон психикаси ва унинг руҳий оламига алоқадор ходисалар ва жараёнлар шу қадар мураккаб ва хилма-хилки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай қоламиз. Шунинг учун ҳам одамларнинг билимдонлиги нафақат ташқи оламда рўй бераётган объектив ҳодисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиши билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг усуллари билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутати.

Психиканинг 3 та таркибий қисми мавжуд бўлиб, булар қўйидагилар:

Психик жараёнлар (сезги, идрок, хотира, хаёл, диққат).

Психик ҳолатлар (эмоционал ҳолатлар).

Психологик (руҳий) хусусиятлар (темперамент-мижоз, ҳарактер, қобилиятлар).

Агар психология тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қадим ўтмишларга бориб тақалишини эътироф этиш мумкин. Чунки одамзот ўзининг ўзгалардан, атроф-муҳитдан айри англай бошлаган даврдан бошлаб, унда ўзига хос руҳий ҳолатлар ва жараёнлар туғрисида тасаввурлар шакллана бошлаган. Лекин ана шу тасаввурлар ва тушунчаларни яхлит тизимга солиб, унинг қонуниятлари туғрисидаги дастлабки уринишлар унинг фан сифатида шаклланишининг ибтидосига туғри келади. Умуман рух ҳақидаги ғоялар қадимдаёқ Сукрот, Платон, Арастуларнинг фалсафий қарашларида шаклланган. Психология фанининг ўз олдига вазифа қилиб қўядиган проблемалари жуда хилма-хил бўлиб, у энг аввало, психик фаолиятнинг асосий қонунини белгилаш, унинг ривожланиш йўллари аниқлаш, ҳар бир психик процесснинг асосида қандай механизм борлиги, унинг ўзгариш жараёнларини очиб бериш масалаларини ўрганади. Психология психик фаолиятнинг у ёки бу шароитда қандай рўёбга чиққанлигини ўрганиш билангина шуғулланиб қолмасдан, бу

жараёнларни қандай бошқариб бориш масалаларини ҳам илмий асосда ўрганади. Шунинг учун ҳам илмий психология бошқа барча ўрганилаётган предметлар орасида энг асосий фанлардан ҳисобланадики, унинг жамият ривожланиши билан аҳамияти янада ортиб ва такомиллашиб бораверади.

Турли мазмундаги таъсиротлар туфайли пайдо бўладиган ҳиссий ҳолатлар психик (рухий) ҳаётимизнинг турли-туман кўринишларидирки, буларнинг ҳаммасини психология фани, жумладан, умумий психология ўрганади.

Ташки муҳит таъсиротлари билан муносабатда бўлиш туфайли одамда вужудга келадиган рухий (психик) ҳолатларнинг йиғиндиси п с и х и к а деб юритилади.

“Психика” термини юнон тилидаги псухикос (рухий, жонга оид) сўздан олинган бўлиб, юксак даражада ташкил топган тирик материя - бош миyanинг объектив оламни сезгилар, идрок, тасаввур, хотира, ҳиссиёт, иродавий ҳаракатлар каби формаларда акс эттириш демакдир.

Психология тарихида психиканинг пайдо бўлиш проблемасига оид бир қанча фикрлар мавжуддир. Булардан бири философия тарихида Декарт номи билан боғлиқ бўлган “антропопсихизм” назариясидир. Бу назариянинг моҳияти шундаки, у психиканинг пайдо бўлишини одамнинг пайдо бўлиши билан боғлайди ва психика фақат одамларда мавжуддир деган ғояни олға суради. Бу психиканинг пайдо бўлиши проблемасига бир томонлама ёндашишдир.

Психология тарихида психиканинг пайдо бўлиши ҳақида яна бир қанча турли-туман фикрлар бор. Узоқ асрлар давомида психика (рухий ҳаёт) ва унинг пайдо бўлиши, тараққиёти масалаларига ҳар хил нуқтаи назардан ёндашиб келинди. Бундан миллиард йиллар бурун неорганик (жонсиз) материя негизида органик (жонли) материя вужудга келди. Рухий ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ана шу даврдан бошланди. Узоқ тарихий давр жараёнида ривожланган жонли организм оддий хужайрадан олий босқичгача - инсонгача бўлган тараққиёт даврини босиб ўтди.

Психиканинг тараққиёти унинг ҳаракати, ўзгаришидир. Қадимги философлар рухий ҳодисаларнинг ривожланишини турлича талқин этиб келдилар, уни илоҳий кучга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Масалан, грек философи Фалес (эрадан аввалги 624-547 йиллар) одамнинг рухий ҳаётини буғ шаклида тасаввур қилган ва унинг асосида сув ётади деган. Анаксимен эса (эрадан аввалги 588-525 йиллар) рухий ҳаётнинг манбаи ҳаводир деб таълим берган. Гераклит (эрадан аввалги 544-488 йиллар) рухий ҳаётнинг манбаини олов деб тарғиб қилган.

Қадимги философиянинг машҳур намояндалари Сократ (эрадан аввалги 469-399) ва Платон (эрадан аввалги 427-347 йиллар) ҳам инсон психикаси, рухий ҳаёти ҳақида бутунлай бошқача назарияни олға сурганлар. Уларнинг фикрича, тана ва жон бошқа-бошқа қисмлардир. Гуёки жон инсон танасига “идеал” дунёдан киради-ю, маълум вақтдан сўнг яна ўша дунёга қайтиб кетади.

Машҳур философ Демокрит эса (эрадан аввалги 460-370 йиллар) инсон организми атомлардан ташкил топган, унинг руҳи майда атомлардан иборат деган фикрни олға суради.

Психология тарихида психика ва унинг тараққиёти ҳақида турли-туман фикрлар юқоридагилардан ташқари ҳам жуда кўп.

Психик ҳодисаларни материалистик нуқтаи назардан талқин этишда машҳур грек философи Аристотелнинг (эрадан аввалги 384-322 йиллар) хизмати каттадир.

Аристотель қадимги философлардан биринчи бўлиб психологияни алоҳида фан сифатида қаради, психик ҳодисаларга материалистик нуқтаи назардан ёндашди. Машҳур

философнинг “Этика”, “Риторика”, “Метафизика”, “Ҳайвонлар тарихи” каби асарларида турли психик ҳодисаларга оид фикрлар жуда кўп. Буюк олимнинг “Жон ҳақида” номли асари психология тарихида биринчи соф психологик асардир.

Аристотель ўзигача бўлган философларнинг, жумладан, ўз устози Платоннинг психологик қарашларини таҳлил қилди.

Аристотельнинг психологик таълимотида руҳ ва тананинг ўзаро муносабати проблемаси муҳим ўрин тутди. “Руҳ, - дейди Аристотель, ўз табиатига кўра ҳукмрон асосдир, тана эса тобе нарсасидир. Форма материяга нисбатан қандай бўлса, руҳ ҳам танага нисбатан худди шундай. У (руҳ) ҳаётга маъно ва йўналиш беради, руҳ таъсир қилади ва ҳаракатлантиради, тана эса таъсирланади ва ҳаракатга келади. Руҳ тирик тананинг сабаби ва манбаидир”.

Аристотельнинг руҳ ва тана муносабатига оид таълимотига ҳос ғоя шундан иборатки, руҳ ва танани алоҳида-алоҳида қараш илмий нуқтаи назардан тўғри бўлмаганидек, руҳни бирламчи, тананинг манбаи дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу каби жузъий етишмовчиликларнинг манбаи Аристотель яшаган давр, муҳит ва шароитнинг таъсири натижасидир.

Аристотельнинг турли психик ҳодисалар ҳақидаги фикрлари ҳозирги психология фани учун ҳам муҳим назарий аҳамиятга эга. Унинг сезгилар, ҳиссиёт, иродавий ҳаракатлар, тафаккур, тасаввур ҳақидаги ва бошқа психик ҳодисаларга оид фикрлари бунинг далили ҳисобланади.

Аристотельдан кейин ҳам философларнинг психологияга оид фикрлари турлича формада баён қилиниб келинди.

Эпикурнинг (эрадан аввалги 342-271 йиллар) фикрича руҳ бутун организмга тарқалган жуда нозик жисмдир, уни ғайрижисмий дейиш алаҳсирашдан бошқа нарсаси эмас.

Ўрта асрларга келиб Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам Аристотелнинг психологик таълимоти ҳукмрон бўлиб қолди. Бу таълимот кейинчалик метафик ёки рационалистик психология исми билан юритилди.

Метафизик деб аталишининг сабаби шундаки, бу таълимотга асосан руҳ ғайрижисмий бир нарсаси деб тушунтирилади. Унинг текшириш методи қуруқ мулоҳазадан иборат бўлиб, тажрибадан ажралган ҳолда бўлганлиги учун рационалистик номи билан ҳам юритилади.

Руҳнинг моҳияти, кучи, танага бўлган муносабати, тана ўлгандан кейинги тақдири масалаларида ўрта аср мутафаккирлари турли-туман мулоҳазалар баён қилдилар. Аммо, улар бу соҳада Платон ва Аристотельнинг фикрларига ҳеч қандай янгилик кирита олмадилар.

Ўрта аср психологик қарашларида Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг психология соҳасидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиё халқлари бошқа дунёвий фанлар қатори психология фани соҳасида ҳам бой меросга эга. Халқимизнинг буюк намояндалари, бутун дунёда номи тарқалган мутафаккирлар, олимлар ва шоирлар инсон руҳий жараёнларини талқин этишда ўз замонаси учун илғор фикрларни олға сурдилар. Бу мутафаккирлардан Форобий, Ибн Сино ва Берунийларнинг психология соҳасидаги фикрлари, миллий психология тарихи ва ҳозирги мустақиллик даври учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

1X - XI асрларда ижод этган мутафаккирларимиз ҳаёти Ўрта Осиё, умуман яқин ва Ўрта Шарқда иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кучайган, ҳар хил ижтимоий табақалар ўртасида курашлар авжига чиққан, турли-туман ғоявий оқимлар орасида кескин курашлар бошланган бир даврга тўғри келди.

Шу даврда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги каби инсон руҳи (психикаси) ни талқин қилиш борасида ҳам турли йўналишлар ва оқимлар ўртасида кескин кураш кетар эди. Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий ижоди материалистик йўналишни янада ривожлантириш, мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этди.

Абу Наср Форобийнинг (874-950) психология соҳасидаги қарашлари унинг фалсафий фикрлари билан чамбарчас боғлангандир.

Форобий материя ҳақида фикр юритар экан, унинг реал нарса ва ҳодисаларнинг асосини ташкил этишини ва кейинчалик мустақил ривожланганлигини исбот қилишга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, материя - реал нарсаларнинг моддий бошланғичидир, бу бошланғич, асосан тўрт элементдан - тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборатдир. Булар содда субстанциялар бўлиб, уларнинг хусусиятларини кўрсатиб, олов иссиқлик, ҳаво жуда тез бир жойдан иккинчи жойга учиб юришлик, сув совуқлик, тупроқ қаттиқликдан иборатдир. Форобий мана шу содда субстанциялар вужудга келади деган хулосани чиқаради ва мураккаб субстанцияларнинг ўз-ўзича вужудга келмаслиги, балки унинг ривожланишида ўзига яраша қонуният мавжуд эканлиги тўғрисида фикр юритади.

Форобийнинг фикрича, содда субстанциянинг бирлашувидан аввало минераллар - неорганик жисмлар вужудга келади, ундан кейин ҳайвонот ва, ниҳоят, олам жисмлари ривожланишининг олий босқичи - инсон вужудга келади.

Олим мана шу ўсимлик, ҳайвон ва инсонга хос бўлган хусусиятларни қувват деб атади ва уни учга ажаратади - ўсиш қуввати, ҳайвоний қувват, инсоний қувват.

Форобийнинг қувватлар тўғрисидаги фикрини ҳозирги замон терминалогияси билан айтганда -

1. Ўсиш қуввати - бу биологик жараён бўлиб, барча тирик организмларга тааллуқлидир.

2. Ҳайвоний қувват - бу физиологик психик жараён бўлиб, ҳайвонларга ва инсонларга хосдир.

3. Инсоний қувват - бу ақлий, интеллектуал жараёнлар бўлиб, фақат инсонларга хос деб тушунмоқ керак.

Форобий материяни форма - шаклга нисбатан бирламчи деб билади, чунки материя нарсанинг моддий асоси - мазмунидир, форма-шакл эса унинг (модданинг) тузилишидир. Мана шу умумфалсафий фикрлардан келиб чиқиб, олам инсон организми билан руҳий қувватлар ўртасидаги муносабатлар масаласини ҳам ёритишга ҳаракат қилади. Инсон организми ва руҳий қувватларнинг ўзаро муносабатларни худди материя ва шакл алоҳида-алоҳида яшай олмагани каби инсон организми ва руҳий жараёнлар ҳам алоҳида яшай олмайди, улар организмга боғлиқдир.

“Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари” асарида руҳий жараёнлар тўғрисидаги таълимотни асослаб - инсонда туғилганидан озиқлантирувчи биринчи қувват пайдо бўлиб, унинг ёрдамида инсон овқатланади, иккинчидан, сезиш қуввати пайдо бўлиб, бу қувват ёрдамида инсон иссиқ, совуқ кабиларни сезади, учинчи ҳаёл қуввати бўлиб, ҳиссий қабул этилган тимсолларнинг тартибда комбинация қилиш функциясини бажаради, тўртинчи - ақлий қувват вужудга келиб, унинг ёрдамида инсон онгли ва абстракт фикр юритади, санъат ва фан ҳақида билимга эга бўлади, ақли етадиган нарсалар билан шуғулланади, гўзалликни хунуқликдан ажратиш қобилиятига эга бўлади, дейди.

Форобий инсон руҳий қувватларини иккига ажратади; ташқи ва ички қувватлар. Буларнинг турларини кўрсатади ва уларга тавсиф беради.

Ташқи қувватни; 1. Тери сезгиси. 2. Таъм билиш сезгиси. 3. Ҳид билиш сезгиси. 4. Эшитиш сезгиси. 5. Кўриш сезгиси каби беш турга бўлиб, уларнинг бевосита ташқи таъсир

- | | | |
|----|-----------------|---|
| 1. | Ўсиш қуввати | бу биологик жараён бўлиб, барча тирик организмларга тааллуқлидир. |
| 2. | Ҳайвоний қувват | бу физиологик психик жараён бўлиб, ҳайвонларга ва инсонларга хосдир. |
| 3. | Инсоний қувват | бу ақлий, интеллектуал жараёнлар бўлиб, фақат инсонларга хос деб тушунмоқ керак |

натijasида сезги органлари орқали вужудга келишини таъкидлайди. Буларнинг инсонга ҳам, юқори ташкил топган ҳайвонларга ҳам хос эканлигини кўрсатиб ўтади. Ички қувватлар қуйидагилардан иборатдир; 1. Хотира - тасаввур қуввати. 2. Хаёл қуввати. 3. Туйғу – эмоцияқуввати. 4. Нутқ қуввати. 5. Мантикий фикрлаш қуввати.

“Хаёл қилиш ва сўзлаш, фикр юртиш, ақл қувватини Форобий фақат инсонгагина хос деб тўғри тушунади. Инсон ўзинанг шу қувватлара, қобилиятлари билан ҳайвонот олаmidан тубдан фарқ қилади.

Демак, олим ҳайвон психикаси билан инсон психикасининг бир томондан умумийлигини ва иккинчи томондан улар ўртасадаги фарқни тўғри тушуна олади. Психиканинг вужудга келиши ташқи дунёга боғлиқлигини, инсон организмнинг дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар таъсирига жавоб қайтаришини тушуниб етди ва ҳар бир психик жараённинг моддий асоси борлигини таъкидлади. Бу масалада у илмий позицияда туради. Хусусан, инсондаги бошқа сезги органлари ва уларнинг ҳар қайсиси алоҳида вазифани бажариши тўғрисида ва ташқи муҳитдан олинган таассуротларини марказга элтиб, марказ уларни умумлаштириш ҳақида мукамал фикр юритади. Лекин у сезгининг анатомик-физиологик механизмини тушуниб ета олмаган эди.

Форобий фикрича, одам организмнинг маркази юракдир. Чунки юрак бутун тана ва унинг аъзоларини қон билан таъминлайди, қон юрак орқали бутун организмга тарқалади. Иккинчи марказ миядир. Мия ҳам қон билан тирик бўлганлиги сабабли юракка бўйсунди, яъни юракдан қон олади, лекин шу билан бирга, у бутун организм ва унинг аъзоларига раҳбарлик қилади, ўз буйруғига бўйсундиради, уларни маълум мўътадилликда ушлаб туради.

Бу таълимот Аристотелнинг инсон организми аъзоларини бошқариб боровчи ягона марказ юракдир, деган фикрга қарши, масалага илмий нуқтаи назардан ёндашишдир.

Ўз даврининг забардаст олими Ибн Сино (980-1057) илмий меросида психология масалаларига ҳам катта эътибор берганлигини кўраmиз. У ўзидан илгари ўтган олимлар - Форобий, ал-Қонун, ар-Розий ва бошқаларнинг психология соҳасидаги таълимотларини мукамал ўрганди ва ҳаттоки, махсус асарлар ҳам ёзиб қолдирди. Жумладан, “Жон тўғрисида”, “Тушни йўйиш китоби”, булардан ташқари, “Тиб қонунлари”, “Шафо берувчи китоб”, “Донишнома” ва бошқа асарларида психологияга доир кўпгина муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат этган.

Ибн Синонинг психология масалалари билан шуғулланишига биринчидан, ўзидан илгари ўтган Шарқ мамлакатлари олимлари томонидан ёзиб қолдирилган асарларни ўрганиб, фаннинг бу соҳаси бўйича ҳам ўзининг оригинал фикрларини билдириш; иккинчидан антик дунё олим, файласуфларининг таъсири ҳам катта роль ўйнади. Хусусан Аристотель Ибн Синонинг фалсафада “биринчи ўқитувчиси” эди. У Аристотельнинг “Жон ҳақида”ги асари билан яхши таниш эди; учинчидан, олимнинг медицина соҳасидаги олиб борган ишларида одам анатомияси, физиологияси ва нерв системасини яхши ўрганиш ва шу асосда ҳар хил касалликларни даволаш жараёнида кишиларнинг психик хусусиятларини билиш зарур эди; тўртинчидан, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини тўғри ҳал қилишда психологияга мурожаат қилиш ва ундан фойдаланиш зарурлигини англаб етган эди.

Ибн Синонинг психология соҳасидаги таълимоти асосан илмий характерга эгадир, бу унинг тирик организмдаги ҳаётий биологик процессларни тушунтиришида яққол кўринади.

Буюк олим психология соҳасидаги рисоаларида қандай масала юзасидан илмий-текшириш иши олиб бормасин, аввало, текширилаётган объект мавжудми ёки йўқми эканлигини аниқлаш кераклигини уқтиради.

Агар ҳар қандай нарса ва ҳодиса ички ёки ташқи сабаблар билан ҳаракатга келадиган бўлса, демак инсоннинг яшаши ва ҳаракатида ҳам бирорта сабаб бўлиши керак, бундай сабаблардан бири “Руҳий қувватлар” деб кўрсатади олим.

Аристотель ва Форобий каби Ибн Сино ҳам одам танаси ва “Руҳий қувватлар” материя билан шакл тариқасида бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжуд эканлигини таъкидлайди.

Ибн Сино психика ҳайвонлар билан инсонларга хос нарса деб таъкидлар экан, ҳайвонлар психикасининг инстинктив характерга эга эканлигини, инсон эса онгли фикрловчи зот эканлигини уқтиради.

“Инстинкт”, - дейди олим,- шундай қувватдирки, бу ҳайвон онгида мантиқсиз вужудга келади...”.

Кишининг онгли ва мантиқий фикрлашида асосий марказ мия эканлигини тушуниб етди ва мия... сезилувчи суратларни идрок қилади ёки сақлайди. Ҳаёлда сақланган суратларни бирлаштириб ёки бўлиб иш юритади ва шу билан сезги орқали келган суратларга ўхшаган турли суратларни вужудга келтиради, - дейди у.

Бу жараёнлар Ибн Сино фикрича, нервлар воситаси билан содир бўлади, кишидаги нерв системасининг тузилишини кўрсатишга ҳаракат қилади. Олимнинг фикрича, нервларнинг бошланиш жойи бош мия бўлиб, организмнинг барча томонларига тарқалади ва шу туфайли одам ташқи оламдан бўладиган таъсиротга жавоб қайтариш қобилятига эга бўлади.

Ибн Сино Форобийнинг сезгилар тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб, инсонда бешта сезги (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза ва тери-туйғу) мавжуд эканлигини, ўша сезгилар орқали, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг таъсирига жавоб қайтарилиши, уларнинг хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, ҳар қайси сезгининг бош мияда алоҳида бошқариб борадиган маркази бор эканлигини ишонч билан баён этади . Ҳисларнинг бошланиш ўрни мия бўлиб, ҳар қайси (бош) ҳис учун таъсири пайдо бўладиган айрим орган бўлади. Масалан, кўрув маркази миянинг энси қисмида жойлашган бўлиб, бош миянинг ўнг томонидан келадиган нервлар кўз қорачиғининг чап томонига, чап томонидан келадиган нервлар ўнг томонга таралгандир. Бундай нервларнинг ... бир-бирини кесиб ўтиши ҳар иккала кўзнинг баробар тенг кўра олиш учун зарурдир, деб таъкидлайди.

Ибн Сино инсоннинг фикрлаш қобилиятига, хаёл хотираси ва ирода сифатларига юксак баҳо беради ва бу психик жараёнларнинг бир-бирлари билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини англайди.

Айниқса, Ибн Синонинг мижозлар (темперамент) тўғрисидаги фикрлари табиий-илмий жиҳатдан диққатга сазовордир. Бу соҳадаги таълимот қадимги Греция олими Гиппократнинг (милоддан аввалги V аср) гумараль назариясига асосланади.

Ибн Сино ҳам Гиппократ каби одам танасида тўрт хил модда бор(сафро, қон, қора ўт, балғам), шу моддалардан бирортаси организмда кўпроқ бўлса, бу одам мижозининг (темпераменти) типини белгилайди. Олимнинг таърифича, элементларнинг (моддалар) ниҳоят даражада майда бўлаклардаги қарама-қарши кайфиятларининг бир-бирига таъсиридан пайдо бўлган кайфият мижоз деб аталади.

Ибн Сино киши психикасининг индивидуал хусусиятлари масаласи билан ҳам қизиқади. Унинг фикрича, кишиларнинг индивидуал фарқи улар мижозининг мўътадил ёки номўътадил бўлишига боғлиқдир. Масалан, мўътадил мижозли одамларнинг барча ҳаракатлари бир-бирига монанд, тугалланган ва етук бўлади. Бундай типдаги одамларнинг тафаккури, хаёли ва хотираси кучли тараққий этган, ахлокли бўлади, деб таъкидлайди.

Умуман, Ибн Сино психологиянинг кўпгина масалалари юзасидан оригинал, прогрессив фикрлар қолдирдики, бу билан психология фанининг кейинги тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Беруний психология соҳасида ўзидан илгари ўтган олимлар - Форобий, Хоразмий замондоши бўлган Ибн Сино асарларини ва Ҳиндистондаги психологик фикрларни яхши ўрганиб, ҳаётий тажрибалар асосида психология соҳасида оригинал фикрлар қолдирган.

Беруний инсоннинг барча мавжудотлардан устунлигини унинг тафаккурга эга эканлиги билан изоҳлайди. Инсонда идрок, тасаввур, хаёл, хотира каби психик процессларнинг мавжудлиги ва уларни ишга солишни исботлаб беради.

Олим ўқиган, эшитган, кузатишдан олган билимларнинг киши хотирасида мустаҳкам сақланиб қолиши масаласига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ҳам у киши фаолиятида хотиранинг роли катта эканлигини ва унинг аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилади. Берунийнинг асослаб берадиган барча нарса хотирада яхши сақланиб қолинади, уни тез ва осон эсга туширилади, деган фикри диққатга сазовордир.

Олим киши хотираси тўғрисидаги фикрида илмий ва диний нуқтаи назарни баён этади. У бир жойда хотира кишига “Оллоҳ таолонинг берган инъомидир” ва у ҳосил қилинмайди, деган бўлса, иккинчи бир жойда бу фикрни рад этиб, “Хотиранинг юксак даражага кўтарилиши зўр бериб ва кунт билан ишлаш натижасидир”, дейди.

XIX асрнинг охирига келиб психологияда тарихий психология, ёш психологияси ва зоопсихология каби тармоқлар пайдо бўлди.

Тарихий психология одам психикаси ва онгининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари масалаларини ўрганади.

XX аср бошларига келиб барча фанлар учун бўлганидек, психология фанининг тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берилди. Биз XX аср психологиясини тараққиёт нуқтаи назаридан қуйидагича даврлаштиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

1. 20-йиллар психологияси - бу давр психологиясининг тарихида турли оқимлар ўртасидаги кураш, кучли мунозара йиллари ҳисобланади.

20-йиллар психологлари олдида бихевиоризм ва рефлексологияга қарши кураш вазифаси турар эди. Чунки бу даврда бу оқимлар кенг тарқалган бўлиб, рефлексология ҳатто олий ўқув юртларига фан сифатида киритилган эди.

20-йиллар психологиясида ҳар хил фикрларга қарши курашда психоневрология фанлари бўйича биринчи (1923 йил) ва иккинчи (1924 йил) Бутунроссия съездларининг аҳамияти катта бўлди. Бу съездларда эмпирик психология ва рефлексология вакиллари каттиқ танқидга учрадилар ва 1930 йилга келиб бу оқимлар тугатилди.

2. 30-йиллар психологияси - бу йиллар психологияси машҳур рус психологлари Л.С.Выготский, П.П.Блонский ва И.П.Павловлар номи билан боғлиқдир. Бу даврда умумий психология, болалар психологияси ва педагогик психология соҳасида бир қанча муҳим тадқиқотлар вужудга келди.

Л.С.Выготский (1896-1934) умумий, болалар ва педагогик психология бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борди. 1917 йилда Москва университетининг тарих-философия факультетини тамомлагач, Гомелда илмий-педагогик фаолиятини бошлайди. А.С.Выготский 1924 йилда МГУга ишга чақирилади, шундай сўнг психология институтида, Н.К.Крупская номидаги тарбия Академиясида ишлайди. Ана шу даврда унинг психологик тадқиқотлар олиб бориш соҳасидаги фаолияти бошланади.

Одамда олий нерв психик функцияларининг пайдо бўлиши, психик процессларни ўрганиш усуллари, одам онгининг ижтимоий-тарихий моҳияти, логик хотира, ихтиёрий диққат, тушунча ва тафаккурга оид фикрлари 30-йиллар психологиясида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Л.С.Выготскийнинг “Танланган психологик тадқиқотлар” (Москва, 1966), “Юқори психик функциялар тараққиёти” (Москва, 1960) каби асарлари 30-йиллар психологиясига кўшилган муносиб ҳиссадир.

Иван Петрович Павлов (1849-1936) машҳур рус физиолог-психолог олимидир. И.П.Павлов биринчи бўлиб олий нерв фаолиятининг қонуниятлари ҳақидаги таълимотни яратди.

Рязандаги диний билим юртини 1864 йилда тамомлаб, семинарияда ўқишни давом эттиришга киришган И.П.Павловни семинария таълими қизиқтирмайди. Шундан сўнг И.П.Павлов Петербург университетига ўқишга киради. У университетда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга илмий иш ҳам олиб боради. И.П.Павлов 1874 йилда университетни олтин медаль билан тугатгач, медицина-хирургия академиясининг учинчи курсидан ўқишни давом эттиради. Академияда ўқиш давомида 10 дан ортиқ илмий асар яратади. Бу асарлари учун ҳам у олтин медаль билан мукофотланади.

И.П.Павлов 1879 йилда ўқишни аъло баҳолар билан тугатиб, профессор С.П.Боткин лабораториясида ишлайди ва 1883 йилда медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлайди. 1890 йилда академиянинг профессор лавозимиغا кўтарилади ва 1891 йилдан бошлаб экспериментал медицина институтининг физиология бўлимини бошқаради.

И.П.Павловнинг 1904 йилда овқат ҳазм қилиш органлари соҳасидаги тадқиқотлари Нобель мукофотини олади. Шундан сўнг И.П.Павлов кенг шуҳрат қозона бошлайди. 1913 йилда унинг ташаббуси билан олий нерв фаолиятини ўрганиш учун экспериментал медицина институти қошида махсус бино қурилади ва бу ерда махсус камераларда шартли рефлекслар ўрганила бошлайди.

И.П.Павлов раҳбарлигида 1921 йилда Ленинград яқинидаги Колтуши (ҳозирги Павлово) кишлоғида биологик станция қурилди. Кейинчалик бу станция психологик тадқиқотларнинг илмий марказига айлантирилди.

Академик И.П.Павлов умрининг охиригача экспериментал медицина лабораторияси ва Колтуши кишлоғидаги биологик станцияга раҳбарлик қилди.

Шундай қилиб, академик И.П.Павлов ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган психологик тадқиқотлар 30-йиллар психологияси тараққиётида муҳим ўрин эгаллади ва бу даврга келиб психология фани ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

3. Ватан уруши йиллари психологияси. Ватан уруши даври барча фанларга бўлганидек, психология фани олдида ҳам ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу йиллар психологиясининг асосий масалалари жангчиларда ва фронт орқаси меҳнаткашларида юқори ҳарбий - иродавий сифатларнинг таркиб топишига (чидам, тоқат, қатъият, жасорат, мардлик, қаҳрамонлик, ҳужумкорлик, сақланиш, ҳарбий қуроллардан моҳирона фойдаланиш, учувчилик маҳорати, кўриш, эшитиш сезгирлиги, самимий ўзаро ҳурмат, дўстлик, биродарлик, меҳрибонлик ва ҳ.к.) муносиб ҳисса қўшишдан иборат эди. Психология фани бу каби вазифаларни муваффақият билан уддалади.

4. Ватан урушидан кейинги давр психологияси. Бу даврда барча фанлар қатори психология фани ҳам ўз тараққиёти сари дадил одимлади. Психологик билим турмушнинг барча соҳаларига кириб борди. Бунинг натижасида психология фанлари тизимида бир қанча янги тармоқлар вужудга келди. Лекин совет ижтимоий тузуми ҳукмрон бўлган бу шароитда миллий психологик хусусиятларни ўрганиш йўлга қўйилмади. Психология соҳасида йирик мутахассислар тайёрлаш учун республикамизда шарт-шароит яратилмади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда психология фанини олий ўқув юртларида ўқитиш йўлга қўйилган бўлса ҳам, бу фанни ўқитишда асосан Россия психологлари томонидан ёзилган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиб келинди. Бу манбаларда ўзбек халқининг ва умуман Республикамиз халқларининг психологик ўзига мослиги акс этмай келди.

Саволлар?

- 1.Психология фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
- 2.Психология фанининг яратилиш тарихи?
- 3.Ҳозирги замон психологияси фанининг долзарб муаммолари?
- 4.Психологик хизматнинг вазифаси?
- 5.Шарқдаги психологик қарашлар?
- 6.Ғарбда психологик қарашлар?

2 Мавзу: Психология фанининг илмий-тадқиқот методлари, тармоқлари бошқа фанлар билан алоқаси ва уларнинг вазифалари.

РЕЖА:

1. Психология фанининг асосий методлари.
2. Ёрдамчи методлар (тест, анкета, суҳбат, биография)
- 3.Ҳозирги замон психологиясининг тармоқлари.
4. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

“Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзланган олий мақсадга озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди” (И.А.Каримов).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш учун давлат таълим стандартлари асосидаги узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш йилда кенг миқёсидаги ишлар амалга оширилмоқда. Бунда таълимнинг инсонийлиги, миллий мустақиллик принципларига, халқимизнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси, умуминсоний кадриятларни адроклаш руҳига алоҳида эътибор берилмоқда. Миллий

дастурнинг стратегик мақадларига эришиш янги педагогик ва ахборот технологиялари, янги ўқув режа ва дастурлари, ўқув методик мажмуалар, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг, замонавий шакл ва услубларини қўллашнинг ўрни, аҳамияти каттадир. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг бой миллий тарихий-маданий анъаналар, урф-одатлари, умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ва педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Таълим-тарбия ва шахсни ҳар томонлама камол топтириш устиворлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Мустақил Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизимида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури” га мос равишда ислоҳ қилиш, шубҳасиз, таълимимизни ривожланган, демократик мамлакатлардаги таълим тизими ютуқлари билан бойитиш, уйғунлаштириш орқали ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини юксак даражага кўтариш, уларда мустақиллик руҳи, эътиқод ва ахлоқий сифатларни шакллантиришдек маъсулиятли вазифаларни қўяди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмида таъкидланганидек, шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида эътироф этилган. Ҳар бир фанда бўлганидек, психология фанида ҳам турли-туман психик ҳодисаларни ва ҳар бир шахсга хос бўлган индивидуал хусусиятларни ўрганиш учун қўлланиладиган бир қанча усуллар - йўл-йўриқлар бор. Бу усулларнинг моҳияти шу фаннинг мавзу баҳсига асосланади. Психологиянинг мавзу баҳси ҳаракатдаги материянинг алоҳида хусусияти билан боғлиқ бўлганлиги туфайли унинг усуллари ҳам ўзига хос мазмунга эгадир. Ҳар қандай усул маълум методологик тамойилларга асосланади.

Психология фани тарихида психологик ҳодисаларни ўрганиш учун қўлланилган биринчи усул ўз-ўзини кузатиш усулидир. Бу усул психология фани тарихида “интроспекция”, яъни ичдан кузатиш, кўриш деб юритилган.

Шундай экан, ўз-ўзини кузатиш усулидан фойдаланиш керакми, йўқми. Албатта керак. Чунки психологик тадқиқотларда ўз-ўзини кузатиш билан боғлиқ ҳоллар жуда кўп. Субъектив усулсиз истаган шахснинг психологик сифатларини тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Бу усулсиз тиббиётда беморни даволаш мумкин эмас. Шунинг учун кузатиш усули психология фани учун жуда зарурдир. Лекин ўз-ўзини кузатишнинг салбий томонлари ҳам бор. Бу усул билан тадқиқот олиб борганда ҳар бир шахс ўз манфаати юзасидан субъектив хулоса чиқариши, ўз шахсидаги айрим салбий сифатларни бошқаришда ҳам мавжуд деб ҳисоблаши, бунинг натижасида бошқалар ҳақида нотўғри хулоса чиқариши мумкин.

Кузатишнинг самарали усули сиртдан кузатиш ёки ташқи кузатишдир. Ташқи кузатиш усули ҳамма вақт маълум мақсадга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида шахснинг турли руҳий жараёнлари (сезгилари, хотираси, идроки, хотираси, хаёли ва ҳ.к.) ҳамда шахсий хусусиятлари (қизиқиши, қобилияти, темпераменти, характери ва ҳ.к.) ўрганилади. Ташқи кузатиш (бир шахснинг бошқа шахсни ўрганиши) доимо маълум мақсадга қаратилган бўлиб, аниқ режа билан кузатишни тақоза этади. Бу усул ёрдамида психик ҳодиса ҳар томонлама ўрганилади.

Ташқи кузатиш усулининг ижобий томони шундаки, бунда исталган психик ҳодиса табиий шароитда қандай юз берса, шундайлигича текширилади. Шунга қарамаздан, руҳий ҳолатларнинг намоён бўлиш қонуниятларини аниқлашда фақат ташқи кузатиш усулидангина фойдаланиш етарли бўлмайди. Шунинг учун бу усул бошқа усуллар билан ҳамкорликда қўлланилади.

Объектив (ташқи) кузатиш усули ёрдамида тўпланган маълумотлар махсус манбаларда қайд қилиб борилади ва маълум вақтдан сўнг таҳлил этилиб, изланаётган хулосалар аниқланади.

Психологик ҳодисаларни тадқиқ этиш учун қўлланиладиган усуллардан яна бири суҳбат ёки савол-жавоб усулидир. Бу усулнинг кузатиш усулига нисбатан афзаллиги шундаки, бунда тадқиқотчи ва ўрганилувчи ўртасида бевосита алоқа, мулоқот мавжуд бўлади. Суҳбат жараёнида шахснинг турмуш воқеаларига, бошқа одамларга ва унинг ҳатти-ҳаракатларига бўлган муносабатларида намоён бўладиган психологик сифатлари ўрганилади.

Суҳбат усулининг тадқиқотчи зиммасига юклайдиган масъулиятли томони шундаки, тадқиқотчи биринчи навбатда ўрганилаётган шахснинг тушунча доирасини, турмуш тажрибасини ва индивидуал сифатларини аниқлаши керак. Бундан ташқари, суҳбат усулининг муваффақияти учун тадқиқотчи қуйидаги тамойилларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир;

а) тадқиқотчи ва ўрганилувчи ўртасидаги мулоқот жараёни ўзаро ишонч, хайрихоҳлик ва самимийликка асосланиши;

б) суҳбат жараёнининг табиий, жонли ва бамайлхотирлик шароитида ўтиши;

в) суҳбат жараёнига тадқиқотчининг пухта тайёрланиши, унинг мақсадини олинадиган хулосаларни тўғри тасаввур қилиши, суҳбатни аниқ вақтга мўлжалланган қатъий режа асосида ўтказиши, тузилган саволларнинг аниқ, пухта ва тушунарли бўлиши ва ҳ.к. Демак, суҳбат усули ёрдамида психологик ҳодисаларни муваффақиятли ўрганиш учун тадқиқотчи бу жараёнга пухта тайёргарлик кўрган ва аввалдан ўз олдига аниқ мақсад қўйган бўлиши керак.

Психологик тадқиқотларнинг асосий маҳсулдор усули эксперимент (тажриба) усулидир. Бу усулнинг асосий усул сифатида кенг қўлланилишига сабаб шуки, бунда ўрганилиши лозим бўлган психологик ҳодиса лаборатория шароитида истаган вақтда вужудга келтирилади ва у замонавий асбоблар ёрдамида мукамал ўрганилади.

Психология фанида эксперимент усулининг икки тури бор;

а) лаборатория эксперименти;

б) табиий эксперимент.

Эксперимент усулининг бу икки тури психология фани соҳаларининг ҳаммаси учун баравар қўлланилади. Лаборатория экспериментининг ўзига хос устунлиги шундаки, у экспериментатор (тажриба ўтказувчи) га алоҳида қулайликлар беради. Экспериментатор ўрганилиши лозим бўлган психологик ҳодисани исталган вақтда вужудга келтиради ва унга сарфланадиган вақтдан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Лаборатория экспериментининг айниқса; психик ҳолатларнинг физиологик асосларини ўрганишдаги имконияти каттадир. Шундай қилиб, лаборатория эксперименти психология фанининг энг маҳсулдор усули сифатида аҳамиятга эгадир.

Психологик ҳодисаларни ўрганиш учун қўлланиладиган усуллардан бири а н к е т а усулидир. Бу усул психология фани соҳаларининг деярлик ҳаммасида кенг қўлланилади. Анкета усулининг ўзига хос афзал томони шундаки, бир вақтнинг ўзида бир қанча одамларни, гуруҳ ёки жамоани ҳам ўрганиш мумкин. Бунда анкета варақаларига ўрганувчи томонидан аввалдан тайёрланган саволлар ёзилади ва ўрганилувчиларга тарқатилади. Улар ўрганувчи томонидан белгиланган муддатда бу саволларга ёзма жавоб қайтарадилар. Тадқиқотчи бу жавобларни таҳлил қилиб, ҳар бир шахсдаги, гуруҳ ёки жамоадаги ўрганилиши лозим бўлган психологик ҳодисанинг даражасини аниқлайди.

Одамнинг психологик сифатларини ўрганиш учун қўлланиладиган яна бир усул фаолият маҳсуллари таҳлил этиш усулидир. Маълумки, шахс ҳамма вақт маълум фаолият тури билан шуғулланади. Ҳар бир фаолият ўз маҳсулига эга бўлади. Ана шу фаолият туфайли юзага келадиган маҳсулда шахснинг психологик сифатлари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳар бир одамнинг (у қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъий назар) фаолияти маҳсули шу одамга хос бўлган бир қанча психологик сифатларни англатади. Масалан, талаба томонидан ёзилган шеърнинг мазмуни ўша талабанинг ижодий қобилиятини,

меҳнатсеварлигини, тафаккурини, иродавий сифатлари кабиларни билишга имкон беради, ундаги мустақиллик ва яратувчиликка интилишни кўрсатиб туради. Шунинг учун психология фанида одамни фаолияти маҳсуллари таҳлил этиш усулидан ёрдамчи усул сифатида фойдаланилади.

Психологик ҳодисаларни ўрганиш учун қўлланиладиган ёрдамчи усуллардан бири биография усулидир. Бу усулдан шахсга хос айрим психологик сифатларни ўрганиш учун фойдаланилади. Маълумки, ҳар бир одам ўзининг биографик маълумотларига эга бўлади. Бу маълумотлар шахснинг ёшани, оилавий муҳитини, географик шароитини, улғайиш жараёнини, унинг камолотига таъсир кўрсатувчи факторларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, биографик маълумотларда шахснинг ғоявий йўналиши, дунёқараши, ишонч-этидоқи, ахлокий олами, ижтимоий бурчига садоқати, маслак ва мақсади ҳам акс этган бўладики, буларнинг барчаси унинг психологик дунёсини билишга асос бўлади.

Шахсга хос психологик сифатларнинг турли томонларини тадқиқ этишда психология фанида тест усулидан ҳам фойдаланилади (тест - инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш маъноларини англатади). Тест усули психологияда фақат илмий тадқиқот эмас, балки синаб кўриш, у ёки бу психологик сифатларнинг даражасини аниқлаш учун ҳам ишлатилади. Тест усули ёрдамида қисқа вақт ичида шахсда айрим психологик функцияларнинг, қобилият, малака ва уқувларнинг қай даражада такомиллашгани аниқланади, одамдаги айрим сифатларга аниқ тавсиф берилиб, унинг маълум соҳасига, касбига лаёқати синалади.

Тест усули ёрдамида психологик ҳодисаларни техник воситаларсиз қисқа муддат давомида стандартлаштирилган ҳолда текширилади ва аниқланган хулосаларни математик йўл билан ҳисоблаб чиқиш имкониятига эга бўлинади.

Баъзи тестлар диагностик характерга эга бўлади. Диагностик тестларнинг қиммати тестларнинг мазмунан қандай тузилганига боғлиқ бўлади. Масалан, талабанинг физикага, математикага, адабиётга ёки фаннинг бошқа соҳаларига нисбатан бўлган қобилиятига диагноз қўйиш тестлари ва ҳ.к. Ҳозирги кунда психологик тадқиқотлар олиб боришда илмий асосда тузилган тестлардан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Сўнгги йилларда фан соҳаларининг айниқса, техника фанларининг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида психологияда янги усул - моделлаштириш усули юзага келди. Модел ўрганилиши лозим бўлган психологик ҳодисанинг ясама андозаси ҳисобланади. Моделлаштириш усулининг ўзига хослиги шундаки, бу усул ёрдамида айрим психологик жараёнлар бевосита ўрганилади. Лекин, психик жараённинг (кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва ҳ.к.) моделини юзага келтириш учун шу психик жараённи мукамал билиш зарур. Шунинг учун моделнинг мукамал бўлиши ўрганилаётган психик ҳодисага доир билим даражасига боғлиқ бўлади. Аммо, модел психик жараённинг ўзи бўла олмайди. Моделда психик ҳодиса соддалаштирилади. Бу эса моделнинг янглишлигига, психологик ҳодисанинг нотўғри ўрганилишига олиб келиши мумкин. Умуман, моделлаштириш усули орқали турли психологик сифатларни (сезги, идрок, хотира ва ҳ.к.) ўрганиш мумкин.

Шундай қилиб, юқоридаги усуллар билан психологик тадқиқот олиб борилганда, аввало тадқиқот жараёнига тайёргарлик кўрилади, сўнгра эксперимент босқичига ўтилади (тажриба жараёни), ундан сўнг тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар илмий таҳлил этилади ва ниҳоят, таҳлил туфайли аниқланган хулосалар психологик назария асосида изоҳланади ва тадқиқот тахминининг тўғри ёки нотўғрилиги аниқланади.

Республикамизда демократлашув жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бу жараённинг муваффақияти одамлар маънавиятидаги туб ўзгаришларга боғлиқ. Одамлар кундалик ҳаётдаги икир-чикирларни қанчалик тез ва тўғри идрок қилсалар, жамиятимизнинг маънавий муҳити шунча тез ривож топади ва юксалади. Турмушнинг шу талабига асосланган ҳолда психология фанида турли тармоқларга бўлиниш юзага келди. Бунинг натижасида умумий психологиядан даставвал болалар психологияси, медицина психологияси, санъат психологияси каби соҳалар ажралиб чиқди. Кейинчалик объектив заруриятга асосланган ҳолда бу ажралиш янада жадаллашди. Психология фани олдида ҳаёт ва турмуш томонидан янги-янги вазифалар қўйила бошлади. Бу янги вазифалар, биринчидан,

республикамизда юзага келган янги ижтимоий муҳит, мустақиллик шароити туфайли бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз халқлари онгидаги сифатий ўзгаришлар истиқлол мафкураси туфайли содир бўлди. Бу икки ҳол инсоният тарихида янги мазмундаги ўзаро муносабатларни ва янгича фаолият формаларини вужудга келтирди.

Мустақиллик туфайли жамият ҳаётида юз берган ўзгаришлар натижасида психология фанининг янги замонавий тармоқлари юзага келди. Бу янги тармоқлар жумласига бошқариш психологияси, авиация психологияси, космик психология, фермер психологияси, мулкдор психологияси, тижорат психологияси ва ҳ.к.лар киради. Шунинг айтиш керакки, бу тармоқлар орасида эндигина шаклланаётган, бугуннинг долзарб муаммоларини ечишда назарий ва амалий аҳамияти катта бўлган соҳалар ҳам бор. Фермер психологияси, мулкдор психологияси, раҳбар психологияси кабилар шулар жумласидандир.

Ҳозирги замон психологиясининг турли тармоқларга бўлиниши психология фанига бошқа фанларнинг кўрсатаётган фаол таъсирига ҳам боғлиқдир. Масалан, фалсафа, иқтисод назарияси, физика, математика, биология, адабиёт фанларининг ривожланиши давомида ўз моҳияти жиҳатидан психологик муаммолар туғилади. Бу муаммолар шу фанларнинг услублари асосида ўрганилади. Айрим ҳолларда эса, бундай муаммоларни ҳал этишда психологик услубларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бунинг оқибатида ҳозирги замон психологиясида тобора янги-янги соҳалар ва йўналишлар юзага келмоқда.

Ҳозирги замон психологиясида турли соҳаларнинг юзага келиши жамиятимиз ҳаётида юз бераётган мураккаб ўзгаришлар билан боғлиқ. Чунки психология фанининг объекти одамдир. Одамни ўрганишнинг зарурлиги шундаки, у жамият ишлаб чиқаришнинг асосий элементи, ижтимоий муносабатларнинг субъектидир. Одамнинг ташқи муҳит билан муносабатларига боғлиқ ҳолда унда турли-туман фазилатлар намоён бўлади.

Ҳозирги замон психологияси шаклланишининг турли босқичларида ва амалиётнинг ҳар хил соҳалари билан боғлиқ илмий фанларнинг жуда ҳам кенг тармоқли тизими ташкил этади.

Психология тармоқларини тасниф қилиш учун қуйидаги психологик жиҳатлар асос қилиб олинади: 1. Конкрет фаолият; 2. Ривожланиш; 3. Одамнинг жамиятга, ўзи яшаётган муҳитга муносабатлари.

Ҳозирги замон психологияси тармоқларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Психик фаолиятнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи психология соҳалари-умумий психология, зоопсихология.

2. Кишиларга таъсир этиш, уларга таълим ва тарбия бериш, психик ривожланишни бошқариш, яъни психик тараққиёт шароитларини ўрганадиган соҳа психологияси (ёш психологияси, педагогик психология) 3. Ҳар турли фаолият соҳаларидаги кишилар психикасини ўрганувчи психология-меҳнат психологияси, муҳан-дислик психологияси, спорт психологияси, юридик психология, савдо психологияси, тиббиёт психологияси, санъат психологияси ва ҳ.

Бу тармоқлар ичида яна бир қанча тармоқлар ҳам мавжудки, булар тегишли соҳа одамлари учунгина зарурдир. Масалан, ёш психологияси ўз навбатида мактабгача тарбия психологияси, кичик мактаб ёши психологияси, ўсмирлик психологияси, ўспиринлик психологияси, олий мактаб психологияси, қарилик даври психологияси-геронтология сингари тармоқларга ажралиши мумкин.

Шунингдек, психик ривожланишда нормадан оғган болалар, яъни аномал тараққиёт психологияси ёки махсус психология ҳам бор. Патопсихология - касаллар психологияси. Олигофренопсихология - ақли заифлар психологияси, сурдопсихология - кар-соқовлар психологияси, тифло психология - кўзи ожизлар психологияси.

Умумий психологиянинг мундарижаси психология фанига кириш; психика ва онгнинг тараққиёти; ҳозирги замон психологиясининг аҳволи, тузилиши ва усуллари; шахс ва фаолият; шахслараро муносабатлар; руҳий ҳолатлар; шахснинг индивидуал хусусиятлари каби мавзуларни ўз ичига олади.

Иккинчи муҳим соҳа б о л а л а р психологиясидир. Бу тармоқ боланинг туғилишидан бошлаб мактаб ёшигача бўлган даврда психик жиҳатдан ривожланишини ўрганади. Болалар психологиясини ўрганишнинг ҳозирги кундаги аҳамияти жуда катта. Чунки болалар психик

тараққиёти ўзига хос қонуниятларга асослангандир. Шунингдек, болалар асосан ўйин фаолияти жараёнида психик жиҳатдан ривожланади. Шу нарса ҳам эътиборга лойиқки, кичик ёшдаги болаларнинг шахсий хусусиятлари ва инсоний фазилатлари ҳали таркиб топмаган бўлади. Бунинг натижасида улар идрок қилаётган нарсаларнинг мазмунини ўзларича таҳлил қилиб, тўғри тушуна олмайдилар.

Умумий психологиядан ажралиб чиққан йирик ҳажмдаги мустақил соҳалардан бири п е д а г о г и к психологиядир.

Педагогик психология турли ёшдаги ўқувчиларнинг таълим ва тарбия жараёнида психологик жиҳатдан тараққий этиш қонуниятларини, мактаб ўқув фанларининг илмий ва тарбиявий самарадорлигини ошириш йўллари, ўқувчиларнинг билимларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришининг психологик асосларини ўрганади. Бундан ташқари, педагогик психология ўқувчиларнинг психик тараққиёти билан мактаб таълими ва тарбияси ўртасидаги муносабатни, таълим ва тарбия жараёни махсулдорлигини ошириш усуллари асослаш йўллари тадқиқ этиш мавзусини ҳам ўз ичига олади.

Психология фанлари тизимидаги муҳим соҳалардан бири м е х н а т психологиясидир. Ҳозирги вақтда меҳнат унвдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни оқилona ташкил қилиш ишлаб чиқарувчиларнинг психо-физиологик имкониятларини аниқ билишни тақозо этади. Бу талаб туфайли меҳнат психологияси алоҳида тармоқ сифатида шаклланади.

Психология фанлари тизимида меҳнат психологиясига жуда яқин бўлган тармоқ и н ж е н е р л и к психологиясидир. Инженерлик психологияси ишлаб чиқариш жараёнида одам ва машина ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Ҳозирги замон автоматлаштирилган техника иншоотларини бошқаришда инсон психик фаолиятининг юқори имкониятларини аниқ билиш зарур. Бунда одамларнинг сезгилари, идроки, диққати, тафаккури, ҳиссиёти, хаёли, иродаси каби психик сифатларининг қудрати ғоят катта роль ўйнайди.

Мустақиллик ва жамиятнинг демократлашуви шароитида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга молик соҳа и ж т и м о и й психологиядир.

Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, инсон шахсининг таркиб топиш қонуниятлари, шахсининг психологик тузилиши, ижтимоий муҳит ва шахс, гуруҳ, жамоа, жамиятлараро муносабатларнинг кўринишлари, гуруҳга хос бўлган ижтимоий психологик муаммолар, илмий психология масалалари, оммавий алоқа, оммавий ахборот, одамнинг одам томонидан идрок қилиниши одамлараро ўзаро таъсир, бу таъсирнинг манбалари, турлари, одамнинг ўз-ўзини англаши, ўзига баҳо бериши, жамоада нормал психологик иқлимни таъминлаш йўллари, раҳбар психологияси, раҳбар шахсининг намунавий моҳияти ва оломон психологияси каби психологик ҳоллар бугунги ижтимоий психологиянинг долзарб муаммоларидир.

Ҳозирги кунда муҳим амалий аҳамиятга молик соҳа тиббий психологиядир. Бу тармоқ ҳақимлик фаолиятининг психологик асосларини, хулқ-атворини ҳамда бемор ва ҳақим ўртасидаги мулоқотлар мазмунини ўрганади. Эндиликда тиббиёт психологиясининг психик ҳодисалар билан миядаги физиологик тузилмалар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи нейропсихология, одам психик фаолиятига таъсир қилувчи доривор моддаларни ўрганувчи психофармакология, беморни даволаш учун унга психик жиҳатдан таъсир қилувчи воситаларни ва улардан фойдаланиш йўллари ўрганувчи психотерапия, беморга сўз орқали таъсир этувчи логотерапия, одамнинг руҳий соғломлигини таъминлаш тadbирлари тизимини ишлаб чиқарувчи психопрофилактика ва психогигиена каби ички соҳалари ҳам бор.

Ҳуқуқ тизимини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган психологик муаммоларни ўрганувчи соҳа ҳ у қ у қ психологиясидир. Ҳуқуқ психологияси ҳам ўз навбатида бир қанча қисмлардан иборат; жиноятни очиш жараёнида қатнашувчи шахсларнинг хулқ-атворида содир бўлувчи психологик ҳолатларни(гувоҳ психологияси, айбланувчи психологияси, сўроқ жараёни психологияси) ўрганувчи суд психологияси, жиноятчи шахсининг таркиб топиши, жиноятчининг хулқ-атвори, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари ўрганувчи к р и - м и н а л психология ахлоқ тузатиш, қамалганлар психологик

ҳолатлари билан шуғулланувчи а х л о қ тузатиш меҳнати психологияси кабилар шулар жумласидандир.

Жанговар ҳаракатлар шароитида одамнинг мураккаб кечинмаларини, хулқ-атворини, зобитлар ва уларга итоат қилувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик асосларини, жангчиларнинг ҳарбий техникани бошқаришдаги малака ва кўникмаларини ҳамда ҳарбий таълим ва тарбиянинг самарали усулларида унумли фойдаланиш йўллариини ҳ а р б и й психология ўрганади.

С п о р т психологиясининг мавзу баҳси спортчилар шахси ва фаолиятининг психологик хусусиятларини уларни психологик жиҳатдан тайёрлашнинг шарт-шароитлари ва воситаларини, спортчиларнинг қанчалик машқ қилганликлари ва ўзларини сафарбар қилишга қанчалик тайёр эканликларини кўрсатувчи психологик ўлчовларни, спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган шароитларни ҳамда физкультура ва спорт таълимининг психологик асосларини ва ёшларда спорт малакаларини эгаллаш қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Психология тармоқлари орасида с а н ъ а т психологиясининг алоҳида аҳамияти бор. Бу соҳа шахснинг санъатга муносабат йўллариини, санъат асарларини тўғри идрок қилиш қонуниятларини, санъат асарларидан турлича завқ-шавқ олиш сабабларини ҳамда санъат асарлари таъсирида одамда турли кечинмаларнинг манбаларини ўрганади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда чет эллар билан савдо-сотик ишлари кенг йўлга қўйилляпти. Қўшма корхоналар ҳаётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда жонбозлик кўрсата бошлади. Бунинг натижасида психология фанлари тизимида савдо психологиясига эҳтиёж вужудга келди. Савдо психологияси савдо ходими ва харидор ўртасидаги муносабатнинг психологик асосларини, харидорга маданий хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини, олувчи ва сотувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, модалар ва рекламалар таъсирининг психологик шароитлари мавзусида баҳс этади.

Ижтимоий психологиянинг муҳим бир соҳаси ш а х с психологияси деб юритилади. Бу тармоқ инсон шахсининг индивидуал хусусиятларини - характери, темпераменти, қобилияти, хулқ-атворининг етакчи омиллари, касб-хунарга мойиллиги, кўникмалари ва одатларини ўрганади. Шахс психологиясининг характериология, индивидуал психологик айирмалар типологияси, профессиография (шахснинг у ёки бу касбга яроқли, қобилиятли эканини аниқловчи соҳа) каби бўлимлари ҳам бор.

Ҳозирги психологиянинг нисбатан янги соҳаларидан бири к о с м и к психологиядир. Космик психологиянинг мавзу баҳси космонавтларни парвозга руҳий жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг старт, учуш ва қўниш вақтларидаги психологик кечинмаларини ўрганишдан иборатдир. Психик ҳаётнинг наслий формаларини, одам психикасининг ҳайвонлар психикасидан сифат жиҳатдан, одамга ва турли ҳайвонларга хос ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларини қ и ё с и й психология ўрганади. Қиёсий психологиянинг махсус бўлими з о о п с и х о л о г и я бўлиб, турли ҳайвонларга хос психик ҳолатларни, ҳатти-ҳаракат формаларини ўрганади. Зоопсихологиянинг бир соҳаси сифатида этология ҳайвонлар ҳаракатларининг туғма механизмларини кашф этиш билан шуғулланади.

САВОЛЛАР ?

1. Меҳнат психологиясининг вазифаси нималардан иборат?
2. Ижтимоий психология нимани ўрганади?
3. Психологиянинг тармоқларини айтинг?
4. Ҳуқуқ психологиясининг вазифасини айтинг?
5. Санъат психологияси нимани ўрганади?
6. Психологик методларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Кузатиш методининг вазифалари нималардан иборат?
8. Эксперимент методининг босқичларини айтинг?
9. Сухбат методида нималарга эътибор бериш керак?

3 -Мавзу: Психиканинг тараққиёти. Психология фанининг тарихи.

РЕЖА:

Кириш.

- 1.Психика ва онгнинг ривожланиши.
- 2.Ҳайвонлар психикаси.
- 3.Психиканинг тараққиёти.
- 4.Ҳозирги замон психологиясида оқимлар

Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари қадим замонлардан буён кишини теварак атрофидаги одамларнинг психик жиҳатдан тузилиш хусусиятларини фарқлай билишга ва уларни ўз ҳатти-ҳаракатларида ҳисобга олишга мажбур этиб келган. Ибтидоий одамнинг тасаввурида руҳ танадан батамом ажратилмаган бўлади. Бундай тасаввурлар ҳаёт ҳодисалари ва онгни, шу жумладан, уйку, ўлим, ҳушидан кетиш ва шу кабиларни ноилмий, примитив тарзда талқин қилиш оқибатида таркиб топгандир.

Кейинчалик жамият тараққий эта борган сари, режалаштириш ва ижронинг, жисмоний меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг, маънавий кучларнинг табақалашуви, синфий жамиятнинг пайдо бўлиши ва кишининг мавҳумлаштириш қобилияти ривожлана бориши муносабати билан жоннинг моддийликдан холи табиати ҳақидаги ғоялар пайдо бўлди. Шу билан бирга олдинги, антимистик, афсонавий тасаввурлар ўрнини руҳни борлиқнинг натурфалсафий манзараси нуктаи назаридан тушунтиришга интилишлар эгаллай бошлади. Натурфайласуфлар - Фалес (э.о. VI. аср), Анаксимен (э.о. V.аср), Гераклит (э.о. VI-V. аср) руҳни олам ибтидосини ташкил этувчи нарсалар-сув, ҳаво, оловнинг одамлар ва ҳайвонларга жон ато этувчи шакли тарзида талқин қилишган.

Платон (Афлотун) (э.о. 428-347. аср), бу файласуфлар орасида алоҳида ажралиб туради. У жоннинг қисмлари тўғрисидаги тушунчани яратди. Шундай қисмлар деб ақл-идрокни, жасоратни, орзу-истакни алоҳида ажратиб кўрсатди ва улар тананинг турли қисмлари (бош, кўкрак, корин бўшлиғи) га жойлашган бўлади деган фикрни илгари сурди. Платоннинг фикрича, жоннинг қисмлари одамларда бир хил тақсимланган бўлиб, улардан бирининг бошқаларига қараганда устун бўлиши индивиднинг у ёки бу социал гуруҳга мансублигини белгилайди.

Платоннинг шогирди Аристотел (э.о. 384-322) нинг таълимоти анча илгарилаб кетдики, у психологик фикрларни табиий - илмий асосга қайта қуриб, уни биология ва тиббиёт билан боғлади. Буни ўзининг «Жон тўғрисида» деган асарида баён қилди.

Аристотел руҳий фаолиятни ўрганишнинг тажриба усулини, объектив методни ҳимоя қилиб чиққан эди. Аристотел кишилиқ тафақури тарихида биринчи бўлиб руҳ, жон ва тананинг ажралмас эканлиги ғоясини илгари сурди. «Руҳ дарғазаб бўлаётир, деб айтиш бирор кишининг руҳ мато тўқияпти ёки уй қураяпти дейиши билан баробардир» - деб ёзган эди Аристотел. Жон қисмларга бўлина олмайди, лекин у фаолиятнинг озиқланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл-идрок каби турларига оид саъи-ҳаракатларда намоён бўлади. Ўсимликлар, ҳайвонлар руҳи ва ақл идрокли зот руҳи тўғрисидаги таълимотлари билан Аристотел олий қобилиятлар содда қобилиятлардан ва уларнинг негизида пайдо бўлишини билдирадиган ривожланиш принципини жорий этди. Одамда ҳаёт ва психика ривожланишининг ибтидо даражаси мавжуддир. Сизги дастлабки билиш қобилияти босқичи ҳисобланади. Сизги тасаввурлар шаклида из қолдиради. Аристотел илгари сезги азоларига таъсир ўтказган нарсалар образларининг тасаввур тарзида мавжудлигини кашф этди. У шунингдек бу тасвирлар ўхшашлиги, турдошлиги ва кескин фарқланиши каби учта йўналишда бирлашувини ҳам кўрсатди. Бу билан психик ҳодисалар ассоциацияси (боғланиши) нинг асосий турларини очиб берди. Аристотел организмнинг табиатдан олган имкониятларни фақат ўзининг хусусий фаоллиги орқалигини рўёбга чиқаришига асосланган ҳолда характернинг реал фаолиятида шаклланиши тўғрисидаги назарияни илгари сурди.

Кишининг адолатпарвар ва кўнгулчан бўлиши унинг адолатли ва меъёридаги ҳаракатларни тез-тез такрорлайвериши натижасида рўй беради, дейди.

Гераклит, Демокрит, Афлотун, Аристотелларнинг таълимотлари кейинги асрларда психологик ғояларни ривожланишида таянч нукта, асос бўлди. Аста-секин руҳ ҳақидаги тушунча ҳозир биз психика деб атаётган даражага нисбатан кўлланила бошлади. Психика категорияси замирида онг ҳақидаги тушунча майдонга келди. Киши фақат идрок ва тафаккурга эга бўлиб қолмасдан, балки уларни унга мансублигини эътироф этишга ихтиёрий ҳаракатлар қилибгина қолмасдан, балки бу ҳаракатларни уни ўзи қилаётганини билишга ҳам қодирдир.

Эрампдан олдинги иккинчи асрда Римлик врач Гален физиология ва тиббиёт ютуқларини умумлаштириб, психикани физиологик негизи ҳақидаги тасаввурларни бойитди ва онг тушунчасига яқинлашиб келди. У диққат, хотира, мулоҳаза иштирок этадиган ҳаракатларни киши, масалан, уйкусида бажарадиган ҳаракатлардан чегараланишни кўрсатиб берди. Униси ҳам, буниси ҳам руҳ билан идора қилинади шу тариқа, руҳ ва онг ҳақидаги қарашлар турли даврларда турлича талқин қилиниб, турли фалсафий-психологик назариялар, оқимлар пайдо бўлишига олиб келди.

III асрда Плотин, IV асрда Августин онг ҳақидаги таълимотни яратдилар. Ўрта асрларга келиб диний идеология таъсирида айрим олимлар худонинг руҳсориға етишга даъват эта бошладилар, жумладан X асрда Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино шундай таълимот асосида психикани илмий тушунтиришга муваффақ бўлдилар.

XVIII аср биологик ва психологик билимлар тараққиётида янги даврни очиб берди. Француз олими Декарт (1596-1650) ҳуқ-атворнинг рефлектор табиати ҳақидаги таълимотини яратди. Инглиз олими Гобес (1588-1679), француз олими Спиноза (1632-1677) оламнинг бир бутунлигини, тана ва жон тўғрисидаги таълимотни яратдилар. Инглиз олими Джон Локк (1632-1704) эмпирик (тажриба) асосидаги таълимотни эмпирик психологияни яратди, шундан кейин рус олимлари И.М.Сеченов, И.П.Павлов, И.Е.Введенский, А.А.Ухтомский, инъикос назарияларини яратдилар. Танага нисбатан ҳам, руҳга нисбатан ҳам қарашларда туб бурилиш юз берди. Инсон танаси машинага ўхшатилади, техника қурилмаларининг тузилиши қандай принципларга асосланган бўлса, тана тузилиши ҳам шундай принципларга асосланган деб тасаввур этилади, бинобарин тана ҳам машина сингари руҳни бошқаришига мухтож эмас деб қаралади.

Рефлекс ҳақидаги тушунча организмнинг ташқи таъсирга қонуний жавоб реакцияси сифатида пайдо бўлди.

И. М. Сеченов (1829-1905) «Бош мия рефлекслари» (1963) асарида «онгли ва онгсиз ҳаётнинг барча ҳаракатлари рўй бериш усулига кўра рефлекслардан иборатдир», деган хулосага келган эди.

Онгнинг ҳаракати (психик ҳодиса) руҳнинг танасиз моҳият хусусияти эмас, балки Сеченов тили билан айтганда, "Рўй бериш усулига кўра" (тузилишига, рўй бериш хилига қараб) рефлексга ўхшаш жараёндир. Психик ҳодиса кишига ўз сезгиларини, ғояларини ҳис-туйғуларини кузатиш чоғида бериладиган нарсалардангина иборат эмас. У худди рефлекс каби ташқи қўзғовчининг таъсирини ва унга жавобан ҳаракат реакциясини ҳам ўз ичига олади. Психик жараёнлар онгнинг ўзида пайдо бўлиб, онгнинг ўзида тугалланади, деган фикрни Сеченов мутлақо нотўғри фикр деб ҳисоблаган эди.

Психология фанини ривожланиши натижасида унинг ўрганиш объектига фақат жон эмас, балки уни содир бўлиши "Руҳий" ёки психик ҳодисалардир. Одатда психик ҳодисаларнинг учта катта гуруҳи бор: психик жараёнлар, шахсни психик хусусиятлари ва психик ҳолат.

Психик жараёнлар—бу объектив оламни субъектив акс эттиришнинг турли шакллари. Психик жараёнларни психик функциялар деб ҳам айтилади. Психик жараёнларни асосий турлари қуйидагилардир: сезги, идрок, хотира, тасаввур, хаёл, тафаккур, нутқ, ҳиссиёт, ирода бўлиб, ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: билиш жараёнлари, эмоционал жараёнлар, иродавий жараёнлар. Психик ҳолатлар ва психик хусусиятларни юқорида санаб ўтган эдик.

Психик жараёнларнинг роли нимадан иборат? Бу организмни сигнал ёки бошқарув функцияси бўлиб, ҳаракатни ўзгарувчан шарт-шароитларга мослаштиради ва шу билан фойдали, мослашувчан самарага эришилишини таъминлайди. Психик жараён, маълумки, ўзича эмас, балки мианинг моҳияти, уни тегишли бўлмалари функцияси сифатида ташқи олам ҳақидаги ахборотларнинг қаёққа кетиши, қаерда сақланиши, ва қайта ишланишини кўрсатувчи жавоб фаолиятининг бошқарувчисидир.

И. М. Сеченов психиканинг рефлекторлиги ва фаолиятнинг психик жиҳатдан бошқарилиши ғоясини илгари сурди. Бу муҳим назарий қоидалар И. П. Павлов (1849-1939) томонидан тажриба йўли билан тасдиқланди ва конкретлаштирилди. У ҳайвонларни шунингдек, одамнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати миёна томонидан бошқарилиши қонуниятларини кашф этди. И. П. Павловнинг ушбу қонуниятларга нисбатан барча қарашлари одатда икки хил сигнал системаси ҳақидаги таълимот деб айтилади.

Ҳайвонлар ўз ҳатти-ҳаракатларида биринчи сигнал системасига амал қилади. Ҳайвонларнинг бутун психик фаолияти биринчи сигнал системаси даражасида юз беради. Одамда ҳам биринчи сигнал системасининг сигналлари (конкрет тимсоллар, тасавурлар), унинг хулқ-атворини бошқариш ва йўналтиришда муҳим рол ўйнайди. М: светофор, йўл кўрсаткичлари, белгилар ва хоказолар киши ҳатти-ҳаракатларини қисман автоматлаштиришига хизмат қилади. Ҳайвонлардан фарқли ўларок, одамда биринчи сигналлар системаси билан бир қаторда унинг алоҳида бойлиги ва афзаллиги бўлган иккинчи сигнал системаси ҳам мавжуддир. Иккинчи сигналлар системасининг сигналлари талаффуз этилган, эшитилган, ўқилган сўзлар-иккинчи сигналлардан иборатдир.

Айтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, психикани объектив оламнинг субъектив тарзи, воқеликнинг миёнадаги акси деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

Психология психикани ўрганишнинг ўз конкрет илмий вазифаларига, ўзининг конкрет тадқиқот МАЪРУЗАсига эга. Психология таъсир кўрсатувчи объектлари бўлган субъектнинг ички, психик ҳолатига ташқи таъсиротлар натижасида рўй берадиган ўзгаришлар жараёни қандай кечишини ўрганади.

30-йилларнинг ўрталарига келиб психология фанининг асосий принциплари: детерминизм принципи, онг ва фаолиятнинг бирлиги принципи, психиканинг фаолиятда ривожланиши принципи аниқ ифодалаб берилди.

1. Детерминизм принципи психиканинг турмуш тарзи билан белги-ланишини ва турмуш тарзи ўзгаришига қараб ўзгаришини англатади.

2. Онг ва фаолият бирлиги принципи психологияда қабул қилинган принципи онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш ҳам эмас, аммо бирликни ташкил этади. Онг ва фаолият бирлиги принципи психологларга хулқ-атвори, фаолиятни ўрганаётиб, ҳаракатнинг мақсадларига эришилишни муваффақиятини таъминловчи ички психологик механизмларни аниқлаш, яъни психиканинг объектив қонуниятларини очиш имконини беради.

3. Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиш принципи шунини англатадики, психика агар фаолият самараси ва ривожланиш маҳсули сифатида қараладиган бўлсагина у тўғри тушунилиши ва айнан бир хил тарзда изоҳлаб берилиши мумкин.

Ҳозирги замон психологияси шаклланишининг турли босқичларида ва амалиётнинг ҳар хил соҳалари билан боғлиқ илмий фанларнинг жуда ҳам кенг тармоқли тизими ташкил этади.

Психология тармоқларини тасниф қилиш учун қуйидаги психологик жиҳатлар асос қилиб олинади: 1. Конкрет фаолият; 2. Ривожланиш; 3. Одамнинг жамиятга, ўзи яшаётган муҳитга муносабатлари.

Ҳозирги замон психологияси тармоқларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Психик фаолиятнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи психология соҳалари-умумий психология, зоопсихология.

2. Кишиларга таъсир этиш, уларга таълим ва тарбия бериш, психик ривожланишни бошқариш, яъни психик тараққиёт шароитларини ўрганадиган соҳа психологияси (ёш психологияси, педагогик психология) 3. Ҳар турли фаолият соҳаларидаги

кишилар психикасини ўрганувчи психология-меҳнат психологияси, муҳан-дислик психологияси, спорт психологияси, юридик психология, савдо психологияси, тиббиёт психологияси, санъат психологияси ва ҳ.

Бу тармоқлар ичида яна бир қанча тармоқлар ҳам мавжудки, булар тегишли соҳа одамлари учунгина зарурдир. Масалан, ёш психологияси ўз навбатида мактабгача тарбия психологияси, кичик мактаб ёши психологияси, ўсмирлик психологияси, ўспиринлик психологияси, олий мактаб психологияси, қарилик даври психологияси-геронтология сингари тармоқларга ажралиши мумкин.

Шунингдек, психик ривожланишда нормадан оған болалар, яъни аномал тараққиёт психологияси ёки махсус психология ҳам бор. Патопсихология - касаллар психологияси. Олигофренопсихология - ақли заифлар психологияси, сурдопсихология - кар-соқовлар психологияси, тифло психология - кўзи ожизлар психологияси.

Рухият аталмиш феномен шундай бир мураккаб, жумбокли, мавҳум нарсадирки, у ҳақда хатоларсиз фикрлаш, ўйлаш, гапириш анча қийин кечади. Дунёвий билимларнинг кўрсатишича, физика, химия, биология, тиббиёт . . . ва бошқа фанлар эришган ютуқлар асосида фикрласак, мушоҳада қилсак сайёрамизда ҳаётнинг пайдо бўлиши, хусусан ҳайвонлар ва одамнинг юзага келиши ўзига хос узолқ даврлик ривожланиш тарихига эга. Манбалардан маълумки, ҳаёт дастлаб бир хўжайралилар ундан сўнг кўп хўжайралилар тарзида ривожланиш асосида юз берган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, инсон ва ҳайвонлар психикаси-руҳияти ўртасида маълум ўхшашликлар, фарқлар кўзга ташланади.

Ҳайвонлар психикаси асосан инстинктлардан иборат бўлиб, шартли ва шартсиз рефлекслардан иборатдир. Ҳайвонлар психикаси асосан мавжуд манбалар асосида, қўлга киритилган ютуқлар негизида таъкидлаш мумкинки, шартсиз рефлекслардан иборат экан. Шу билан бирга маълум шартли рефлексларни ҳам тарбиялаш имконияти мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Ҳомо сапиенс»-«ақлли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Ч.Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллат ва элатларнинг кейинги давридаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра, ижтимоий-социал омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивидни ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевоситаа ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни таказо этади.

Социал ёки ижтимоий муҳит-бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул қилинган, тан олинган ижтимоий ҳулқ нормалари доирасидаги ҳаракатларда намоён бўлади.

Демак, ҳар бир шахснинг фъел-атворида атрофдаги дўст-ёрлари, оиласи, тарихий замон, давр, давлат тузуми ва ўша жамиятдаги сиёсат, иқтисодиёт ва мафкураининг таъсири бўлиб, бу таъсир унинг яхлит дунёқариши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади бўндай таъсирларнинг икки хили фарқланади:

- Макро босқичдаги таъсирлар яъни кег маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари;
- Микро босқичдаги таъсирлар, ёки одамни бевосита ўраб турган муҳитдаги ижтимоий мулоқот ва муомиладан таъсирланиши. Бошқача айтганда, бундай таъсирларни шахс бевосита оила муҳити, таълим муассасалари, маҳалла-қўй, меҳнат жамоасидаги ҳамда дўсталари даврасидаги мулоқотлардан олади.

Ҳайвон ва одамлар психикаси ривожланиши, тараққий этиши ва такомиллашиши жиҳатдан бир-бирларига шаклан анча ўхшаб кетади. Ҳозирги кунда ҳайвонлар психологияси-зоопсихологияси айрим чет элларда бирмунча ривожланган қатор ўзига хос тадқиқотлар қилинган. Сўнги маълумотларнинг кўрсатишларига қараганда, юқори

даражада шакилланган айрим хайвонларда инстинктлардан ташқари айрим мураккаброк рухий жараёнлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Инсон руҳияти ўзининг филогенетик ва онтогенетик тараққиёт босқичларида бир мунча юксак чўққига эришган. Филогенетик тараққиёт деганда одам зотининг тарихий ривожланиш даври тушунилади. Онтогенетик тараққиёт эса конкрет бир шахснинг хомилилаик давридаги ривожланиш босқичини очиб беради. Бошқача қилиб айтганда онтогенетик тараққиёт қисқа муддатда (9 ой) филогенетик тараққиётни такрорлайди деган фикрлар мавжуд.

Психологик ва бошқа маълумотларнинг исбот қилинишича, инсон руҳияти хомилилаик давридан бошлаб, чақалоқли, мактабгача ёш давр, мактаб ёши, ўсмирлик, балоғат ёшларида жадал ривожланар экан. Ундан кейинги ривожланиш мазмун, моҳиятни ташкил қилар экан. Инсон руҳиятининг атроф муҳит билан жамият билан боғлаш тарзда ривожланиши-детерминацияси юзага келар экан. Демак, шахс якка ҳолда, изоляция қилинган ҳолатда руҳан ривожланмайди.

Рухий тараққиётнинг ижтимоий детерминациясини психиканинг ривожланиш босқичлари, асаб тизимининг ривожланиши, тил ташкил қилади.

Инсон психикаси эволюциянинг бутун жараёни давомида тайёргарликда ўтади. Психика ривожланишининг таҳлили онгнинг пайдо бўлишида биологик шарт-шароитларнинг аҳамиятини очиш имконини беради. Ривож топаётган меҳнат фаолияти ижтимоий муносабатларнинг ривожини эса меҳнат фаолиятининг такомиллашувига ўз таъсирини кўрсатади. Жонли мавжудотларнинг ҳаёт кечириши муҳити ҳамма жойда бир хил бўлганида ер юзида бир хил турдаги ходисалар ранг-баранг бўлса ҳам уларнинг алмашинуви мавжуддир. Оддий таъсирчанликдан бошланган ўз-ўзини бошқариш қобилияти одамнинг ижодий ақл-идрокида юксак даражадаги тараққиётга эришди.

Инсоният тарихида тил туфайли акс эттириш имкониятларининг қайта қурилиши юз беради: борлиқ киши миёсида янада равшан акс этади. Алоҳида ҳар бир киши тил туфайли жамиятнинг кўп асрлик тажрибасида орттирилган тажрибадан фойдаланади, у ўзи шахсан ҳеч қачон учратмаган ходисалар ҳақидаги билимларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари тил кишига кўплаб ҳиссий таассуротларнинг мазмуни, моҳияти ҳақида ҳисоб бериш имконини яратади.

Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида ижтимоий фазилат касб этади, яъни шахс бўлиб етишади. Индивид ҳали гўдаклигидаёқ, тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар муҳитига жалб этилади. У бу тизимни тайёр ҳолда учратади. Ижтимоий муносабатлар тизимини ўзида мужассамлаштириш субъект деган маънони англатади. Катта ёшдаги кишилар билан ўзаро муносабатларга жалб этилган бола аввало улар фаоллиги объект тарзида субъектга айланади.

Шахснинг фаолиятини йўналтириб турадиган ва мавжуд вазиятларга нисбатан боғлиқ бўлмаган барқарор мотивлар мажмуи шахснинг йўналганлиги ҳисобланади. Талбаларда мавзу бўйича чуқурроқ амалий кўникма ва малакаларни шакиллантириш мақсадида, агар имкони бўлса, маълум хайвонларни кузатиш, маълумотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги замон психологиясидаги оқимлар

Бихевиоризм-АКШда Э.Торндайк, Д.Уотсон каби олимлар дастлаб хайвонларда кейинроқ одамлар хулқини ўрганиш асосида хулқ-атвор психологиясини яратдилар. Бихевиоризмнинг формуласи $S \rightarrow R$ (Стимул реакция) тасирга жавоб беришдан иборатдир.

Необихевиоризм-тажриба йўли билан тасирни ўрганиш, оралиқ узулишлар бўлиши ҳақида, бунинг асосида гештальт яъни тасвир ҳақидаги таълимотдир. Унинг асосчилари Толмен ҳисобланади, худди шу таълимот асосида австриялик врач психиатр З.Фрейд психоанализ таълимотини яратди.

Тушуниш психологияси - бу олдиндан ҳис этиш яъни интуицияга асосланган қараш бўлиб, унинг асосчиси В.Дилтен (1833-1911) ҳисобланади. У табиий илмий ва диний илмий деган икки йўналишдаги фанлар тизимини тақлиф қилди.

Неофрейдизм-австриялик А.Альфред (1870-1937) швейцариялик Юнг Карл Густав аналитик психологияни, америкалик Хорней (1885-1952) психоанализ таълимоти асосида ўз назарияларини яратдилар, унга мувофиқ одам ташқи таъсирга жавобан ўз стратегиясини ишлаб чиқади яъни одамларга интилиш ёки одамлардан қочиш, унга қарши чиқиш ёки ёнбосиш иштиёқида бўлади. Ҳар доим невротик, конфликт ҳолатидан чиқиш йўллари кидиради.

Установка назарияси-таъсирга тайёрлик, олдиндан кўра билиш назарияси. Бу назарияни Россияда Л.Ланге (1858-1921) Германияда Г.Мюллер, Т.Шумен, Н.Ах (1871-16-946), Грузияда Д.Н.Узнадзе (1886-1950) асослаб бердилар.

Маданий тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши ҳақида Н.С.Виготский (1896-1934) назариясини яратди.

Тафаккур назариясини С.Л.Рубинштейн (1889-1960) яратиб муаммога фаолиятли ёндашувни тақлиф қилди.

Ҳозирги кунда психологиянинг болалар психологияси, педагогик психология, касб психологияси сингари тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда.

HOZIRGI ZAMON PSIXOLOGIYASINING TAMOIYILLARI

Psixologiya fanining rivojlanishi qator bosqichlarni o'z ichiga qamrab olib, bu davrlarda samarali tadqiqot ishlari olib borilgan. Aynan tadqiqot ishlarini samarali bo'lishi uchun fan doirasida tamoyillarni ishlab chiqish uchun zarurat sezila boshladi. Bu boradagi ishlar Amerika va boshqa chet el psixologiyasi yo'nalishlarida ham ishlab chiqiladi. XX asr boshlarida bixeviorizm, fridizm yo'nalishlari vujudga kelgan edi. Bixeviorizm psixologiyasi hayvonlarda o'tkazilgan kuzatishlar natijasiga asoslangan bo'lib, uning namoyondalari Torndayk va Uotson hisoblanadi. «Bixeviorizm» ingliz tilida hulq-atvor degan ma'noni bildiradi. Bu oqim psixika va ongni inkor qiladi, hulq bilan tashqi muhit o'rtasidagi munosabatlarni, qonuniyatlarni tekshirishni taklif qiladilar. Ularning fikricha psixologiyaning vazifasi stimulga (qo'zg'atuvchi) ya'ni sezgi a'zolariga ta'sir qilayotgan qo'zg'atuvchiga o'q otish, biror so'rashni ko'rsatish unga qanday javob reaksiyasi bo'lishini yoki bunday reaksiya qanday stimul tug'dirishini oldindan aytib bera olishdan iborat. Bixevioristlarning formulasi «S -> R» dir.

Freydizm yo'nalishiga venalik psixiatr Z.Freyd asos solgan. Uning fikricha odam mohiyatiga ko'ra hayvonga o'xshaydi. Odamning xulq-atvori va xarakatlari ikkita tamoyilga rohatlanish va reallik tamoyiliga bo'ysundirilgan bo'ladi. Bu oqim ham insonning ongiga ishonmaydi. Freyd o'zining psixologik nazariyasining odam haqidagi jamiyat va madaniyat haqidagi umumiy ta'limotga aylantirib G'arb mamlakatlarida katta e'tibor qozondi. 1923-yilda Psixologlarning birinchi syezdida K.N.Karnilov psixologiyani qayta qurish vazifasini ilgari surdi. Psixologiya fanini yuzaga kelishida judayam katta rol o'ynagan ilmiy kadr dar bo'lib yetishishlariga ta'sir ko'rsatdi. Masalan, B.T.Ananyev, P.Bolonskiy, S.L.Rubinshteyn, shuningdek keyinchalik O'zbekistonda ham yirik olimlar yetishib chiqdi. Ular jumlasiga M.G.Davletshin, E.G'.G'oziyev, M.Vohidov, V.V.Tokareva. G.Gaynitdinova, V.M.Karimova, G'.B.Shoumarov, R.Sunnatova va boshqalarni kiritish mumkin. Yuqorida nomlari tilga olingan olimlarni o'zlarining g'oyalari, milliy mafkuralari bilan yoshlarda tafakkur sifatleri «mustaqillik», «tanqidiylik» kabilarni shakllantirishga e'tibor bermoqdalar.

Hozirgi mustaqillik sharoitida psixologiyaga bo'lgan talab-ehtiyoj juda kuchayib ketdi. Yoshlarni ma'naviyatini boyitish uchun ularni dunyoqarashi, tafakkuri, irodasi umuman olganda ongini o'stirish uchun zarur. Buning uchun olimlar experimental ishlarni kuchaytirishimiz, ta'lim jarayonini texnologiyalar asosida qayta qurishimiz zarur.

1-jadval. AQSH va RFdagi mavjud ba'zi psixologik tarmoqlar klassifikatsiyasi

AQSH	RF
Muhandis-psixolog <i>Odam-texnika tizimidagi o'zaro munosabatlar xususida bilimlarga ega bo'lib, texnik moslamalarni ishlab chiqishda ishtirok etadi</i>	Muhandis-psixolog <i>Odam va texnika o'zaro munosabatlariga oid psixologik muammolar bilan shug'ullanadi</i>
Maslahatchi-psixolog <i>Shaxsiy muammolarni hal qilish yuzasidan tavsiyalar berib, testlar o'tkazadi</i>	Siyosiy-psixolog <i>Siyosiy tuzilmalar a'zolariga psixologik maslahatlar berish, siyosiy dasturlarni ishlab chiqishda ishtirok etadi</i>
Madaniyat masalalari bo'yicha psixolog <i>Turli madaniy muhit sharoitidagi odamlar ijtimoiy xulqini solishtirma tahlili bilan shug'ullanadi</i>	Tibbiyotchi psixolog <i>Tibbiy maskanlarda psixologik profilak-tika va psixogigiyena masalalari bilan shug'ullanib, bemorlarning psixologik xususiyatlarini o'rganadi</i>
Klinik psixolog <i>Terapiya va bemorlarning hissiy emosi-onal kechinmalari masalalarini o'rga-nadi</i>	Psixologiya o'qituvchisi <i>Psixologiyaning turli aspektlariga oid ma'ruzalar o'qiydi</i>
Ishlab chiqarish va sanoat psixologi <i>Ishlab chiqarish sharoitlarini ta-komillashtirish hamda xodimlarni tanlash masalalarini o'rganadi</i>	Trener-psixolog <i>Muloqot malakalari oshirish, shaxsning o'z imkoniyatlarini takomillashtirish bo'yicha treninglar o'tkazadi</i>
Salomatlik psixologiyasi bo'yicha mutaxassis <i>Odamlarni sog'lom turmush tarziga o'rgatish va turli kasalliklarni oldini olishga o'rgatadi</i>	Maktab psixologi <i>Maktabdagi o'quv jarayoniga oid muammolar bilan shug'ullanib, o'quv-chilar, ota-onalar va o'qituvchilarga psixologi maslahatlar beradi</i>
Iste'molchilar psixologiyasi bo'yicha mutaxassis <i>Tovarlarning emosional jihatdan iste'molbopligini baholaydi, marketing, reklama va mollarning tovar qiyofasiga oid muammolarni o'rganadi</i>	Menejment sohasidagi psixolog <i>Maxsus maslahatlar, menejerlarni o'qitish va tayyorlash bo'yicha trening-seminarlar tashkil etish, tashkilotlarda axborotlar almashinuvining psixologik tomonlarini o'rganadi</i>
Taraqqiyot psixologiya bo'yicha mutaxassis <i>Inson tug'ilishidan to qarigunicha bo'lgan taraqqiyot davrining psixologiyasini o'rganadi</i>	Reklama sohasidagi psixolog <i>Reklama mahsulotlari tayyorlovchilarga maslahatlar beradi</i>
<i>1-jadvalning davomi</i>	
Psixometriya bo'yicha mutaxassis <i>Testlar, so'rovnomalar va boshqa psi-xologik tekshiruv vositalarini standar-tlashtirish, ishlab chiqish, ma'lumotlar-ni statistik tahlil qilish hamda test nati-jalarini qayta ishlash bilan shug'ulla-nadi</i>	Bolalar psixologi <i>Bola taraqqiyoti masalalari bilan shug'ullanib, ota-onalarga maslahatlar beradi va bolalarni maktabga tayyorlaydi</i>
Ijtimoiy psixolog <i>Shaxsning ustanovkalari, dunyoqarashi va biddiyatlarini, ijtimoiy guruhlararo munosabatlarni, liderlik masalalarini</i>	Huquqshunos psixolog <i>Sud-psixologik ekspertizalar jarayonida qatnashadi, huquqshunoslikka oid jarayonlarning psixologik ta'minoti bilan</i>

<i>o'rganadi</i>	<i>shug'ullanadi</i>
Qiyosiy psixologiya <i>Turli toifadagi hayvonlar xulqini qiyosiy tarzda laboratoriya sharoitida o'rganadi, odam va hayvon xulqiga oid umumiyliklarni asoslaydi</i>	Psixofiziolog <i>Insondagi psixologik va fiziologik jarayonlarning xususiyatlarini o'rganadi</i>
Psixofiziolog <i>Inson xulqining biologik asoslarini o'rganadi</i>	Ijtimoiy psixolog <i>Kichik guruhlar va jamoalar rivojlanishi va psixologiyasini o'rganadi</i>
Maktab psixologi <i>Muvaffiqiyatli o'qishga xalaqit beruvchi omillarni diagnostika qiladi</i>	Zoopsixolog <i>Oliy toifali hayvonlar xulq-atvorini o'rganadi</i>
Eko-psixolog <i>Inson ehtiyojlariga mos tarzda turar-joylar va binolarni loyihalashtirishga yordam beradi</i>	Salomatlik psixologiyasi bo'yicha mutaxassis <i>Psixologiyena va psixoprofilaktika, turmush darajasining infratuzilmasini oshirish masalalari bilan shug'ullanadi</i>

Hozirda Respublikamizdagi universitetlarida psixologiya bo'limlari, kafedra, laboratoriyalar ilmiy fikrlar markaziga aylantirildi. hozirgi zamon psixologlarining tamoyillari quyidagicha:

1. determinizm tamoyili;
2. ong va faoliyatni birligi tamoyili;
3. psixikaning faoliyatda rivojlanish tamoyili.

Determinizm tamoyiliga ko'ra psixika ishlash sharoiti bilan belgilanadi. Va sharoit o'zgarishi bilan o'zgaradi. Hayvonlar psixikasining taraqqiyoti tabiiy saralanish bilan odam psixikasi taraqqiyoti esa paydo bo'lish shakllari taraqqiyoti moddiy narsalarni ishlab chiqarish usullari ijtimoiy taraqqiyotning qonunlari bilan belgilanadi.

Ong va faoliyat birligi tamoyiliga ko'ra, ong va faoliyat bir-biriga qarama-qarshi ham, aynan bir narsa ham emas. Ular bir butunlikni tashkil etadi. Ong faoliyatni ichki rejasini, dasturini tashkil etadi. Bu tamoyil psixologlarga inson xulq atvori, xatti harakatlari va faoliyatlarini o'rganish orqali xatti-harakatlardan ko'zlangan maqsadlarga muvaffaqiyatlarga erishishni ta'minlovchi ichki psixologik mexanizm, ya'ni psixikani obyektiv qonuniyatlarini ochishga imkon beradi.

Psixika va ongning faoliyatida taraqqiy etish tamoyiliga ko'ra, psixikaga taraqqiyot mahsuloti va faoliyat natijasi deb qaralsa, uni to'g'ri tushunish hamda tushuntirib berish mumkin. Bu tamoyil L.S.Vgotskiy, S.L.Rubinshteyn, V.M.Teplov kabi psixologlarni ishlarida aks etgan. L.S.Vgotskiy ta'lim psixikasini rivojlantirishni yo'naltiradi. P.P.Blonskiy esa tafakkurning kichik maktab yoshida o'yinlar bilan o'spirinlik yoshida o'qish bilan bog'liq tarzda rivojlanishini tahlil qildi. S.L.Rubinshteyn «Ong faoliyatda paydo bo'lib, faoliyatda shakllanadi» degan edi.

Мавзуни мустахкамлаш:

Талабаларнинг назарий билимларни қандай ўзлаштирганликларини билиб олиш учун ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб қилинади.

1. Психиканинг тараққиёт босқичларини сананг?
2. Психика ҳақида Ғарб олимларини таърифи?
3. Рух ва жон тушунчаларига таъриф беринг?
4. Психологиядаги оқимларни сананг?

4 Мавзу: Мия ва психика. Олий нерв фаолияти

РЕЖА:

- 1.Олий нерв системасининг тузилиши.
- 2.Ички секретция безлари.
- 3.Онгнинг пайдо бўлиши..
- 4.Шартли ва шартсиз рефлекслар.

Барча тирик организмларда бўлганидек, одам организми ҳам теварак атроф-муҳити билан ҳамиша алоқада бўлади. Одам организмнинг ташқи олам билан муносабатлари нерв системаси ёрдамида амалга оширилади. Организмнинг энг муҳим қисми бўлган мия одамнинг ҳамма ҳаракатларини назорат қилади, бошқаради. Шунинг учун ҳам миянинг тузилиши ва функцияларини ўрганиш учун уринишлар узоқ тарихдаёқ бошланган. Натижада нерв системасининг тузилиши ва вазифаларини тадқиқ этишда маълум ютуқлар қўлга киритилган.

Ҳозирги кунда нерв системасининг тузилиши, вазифалари, ишлаш тамойилларини психологик жиҳатдан илмий асослаш, одам психик фаолиятининг физиологик асосларини батафсил ёритиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Психология фанида психик жараёнлар шахснинг психологик хусусиятлари асосида ётган физиологик асосларини ишлаб чиқишда Россиянинг машҳур психологлари М.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтерев ва П.К.Анохин кабиларнинг хизматлари каттадир. Булар олий нерв фаолиятининг асосий қонуниятларига доир таълимотни кашф этдилар. Бу таълимотга мувофиқ одам миясига узлуксиз равишда ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисалар таъсир этиб туради. Натижада олий нерв фаолиятининг асосий жараёнлари бўлмиш қўзғалиш ва тормозланиш вужудга келади. Бунинг маъноси шуки, қўзғалиш миядаги нерв марказларини ишга солади, уларни фаол ҳаракатга келтиради. Маълум фурсат ўтгандан кейин бу жараён тормозланиш билан алмашинади, яъни миядаги нерв марказларининг фаолияти секинлашади, маълум муддат ишламайди ва бунинг натижасида сарфланган энергия қайтадан тикланади.

Одамда нерв системасининг ўзига хос таракқиёт йўли бор. Невр системаси одам организмнинг барча функцияларини тартибга солади. Унда моддалар алмашинувини таъминлайди, юрак, мускуллар ва қон томирлари фаолиятини бошқаради, организмнинг турли шароитларига мослашувига хизмат қилади.

Умуман олганда, одамнинг нерв системаси организмдаги барча аъзоларнинг ўзаро мувофиқлашган фаолиятини амалга оширишда асосий ролни бажаради. Шу сабабли одам психик ҳаётининг моддий асоси бўлган нерв системаси ав унинг етакчи қисми - бош миянинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини мукамал билмай туриб, психологик ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини тушуниб бўлмайди. Демак, одамда кечадиган барча психологик ҳолатларнинг моҳиятини нерв системасининг назоратсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун нерв системасининг психик функциялар фаолиятидаги ролини қисқача таҳлил қиламиз. Уни анатомик ва физиологик жиҳатдан тўла тадқиқ этишни ушбу тадқиқот муаллифи ўз зиммасига олмайди. Чунки бизнинг мақсадимиз нерв системаси ва унинг етакчи қисми бўлган бош миянинг одам руҳий ҳаётидаги аҳамиятини психологик жиҳатдан ёритишдан иборатдир ҳолос.

Одам психик ҳаётининг асоси бош мия бўлиб, бош мия нерв системаларининг бирлашган жойи - марказидир. Невр системаси организм билан ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро таъсирни ва тўқималар фаолиятини тартибга солиб туради.

Невр системаси хужайралардан иборат. Бу хужайралар ўзларининг узун ва калта ҳажмдаги ўсимталари орқали организмнинг барча қисмларига тарқалади. Невр системасидаги хужайралар ва уни қопловчи оқ пардалар ҳамма ўсимталари билан бирга нейронлар дейилади.

Нейрон анатомик тузилиши ва физиологик хусусиятларига кўра нерв системасининг тузилиш бирлиги ҳисобланади.

Нерв ҳужайрасининг бевосита нерв учларигача бориб етадиган ўсимтаси нейрит деб аталади. Нерв толалари системасининг элементларидир.

Нерв системасини ташкил этувчи нейронлар ўртасида анатомик жиҳатдан бевосита боғланиш йўқ. Улар ўртасидаги қўшилиш битта нейроннинг нейрити охириги тармоқларининг бошқа нейронларнинг ҳужайрасига нозик тегиб туришидан иборатдир.

Нормал одам миёсида 16 миллиардга яқин нейронлар бор. Бу нейронлар организмга кўрсатадиган хизмати жиҳатидан иккига бўлинади;

Рецепторлар

Эффе́кторлар.

Рецепторлар ташқи таъсиротни қабул қилиб миёга ўтказди. Шунинг учун рецепторларни сезги нерв марказлари деб ҳам юритилади. Эффе́кторлар эса ташқи таъсирот натижасида ички органларга буйруқ беради ва уларни ҳаракатга келтиради. Шунинг учун эффе́кторларни ҳаракат нерв марказлари деб ҳам юритилади.

Рецепторлар ва эффе́кторлар бирликда биринчи сигнал системаларидир.

Биринчи сигнал системаси одамда ташқи дунёнинг сезги аъзолари томонидан қабул қилиб олиннадиган акси бўлиб, одам воқеликни энг аввало биринчи сигнал системаси орқали идрок қилади.

Ташқи муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг сезги аъзоларимизга таъсири орқали онгда акс этиши биринчи сигнал системаларидир. Биринчи сигнал системалари одамнинг сезгилари, идроки ва тасаввурларига боғлиқ бўлади. Ташқи муҳит воқеа-ҳодисаларининг сўзлар (ўша нарсаларнинг номлари) орқали онгда акс этиши иккинчи сигналлар системасини ташкил этади. Бу сифат фақат одамларгагина хос бўлиб, бошқа жонзотда йўқ. Одам ташқи таъсиротларни сўзлар орқали акс эттиради ва билиб олади - ўзлаштиради.

Иккинчи сигнал системалари ёрдамида одам фикрлайди, хотирлайди, ҳаёл суради ва , энг муҳими , сўзлайди . Сўз - сигналларнинг сигналидир (И.П.Павлов). Иккинчи сигнал системалари фақат одамлардагина мавжуддир.

Одамнинг нерв системаси уч қисмдан иборат ;

Марказий нерв системаси.

Перифериядаги нерв системаси.

Вегетатив нерв системаси.

Одамнинг нерв системаси уч қисмдан иборат ;

3-жадвал

1. Марказий нерв системаси.
2. Перифериядаги нерв системаси.
3. Вегетатив нерв системаси

Марказий нерв системаси орқа миё ва бош миёдан иборат.

Орқа миё умуртқа поғонасида жойлашган бўлиб, нерв тўқимасидан тузилган. У чамаси 45 см узунликдаги чилвирдир.

Орқа миё бўғим-бўғим тузилган бўлиб, 31 та бўғими бор. Ҳар бир бўғимдан шу бўғимга мос келадиган умуртқаларо тешиқларга қараб йўналувчи орқа миё нерв илдизлари чиқади.

Орқа миё қўл, оёқ, кўз, тана мускулларини идора қилади, томир ҳаракатлари, организмдан тер чиқиш ҳолатларини бошқаради.

Орқа миёнинг узунлиги эмбрион ҳаётининг дастлабки ойларида умуртқа поғонасининг узунлигига тенг келади. Аста-секин орқа миё ўсишда умуртқа поғонасидан орқада қолади.

Шу сабабли, бел, думғаза ва дум нервларининг илдизи умуртқа поғонаси канали ичида анчагина масофагача чўзилиб боради.

Психологик жиҳатдан ҳозирги шароитда одам умрини узайтиришнинг қуйидаги шартлари мавжуддир;

- ижтимоий фойдали меҳнат билан доимо шуғулланиш;
- ақлий ва жисмоний меҳнатни қўшиб олиб бориш;
- фаол дам олиш;
- оқилона овқатланиш;
- ичмаслик, чекмаслик;
- ширин оилавий ҳаёт кечириш;
- фарзандларни меҳр билан тарбиялаш;
- ҳаётда ҳаммавақт хушчақчақ бўлиш;
- нохуш кечинмаларни тоқат билан енгиш;
- ҳаяжонланмаслик ва ҳоказо.

Юқоридаги шарт - шароитларга амал қилинса, шахс ўзини яхши англаб, ҳаётини оқилона ўтказса, мианинг 60 ёшдан кейинги вазн камайиш жараёнини янада секинлаштиришга эришади.

Мия фаолиятини фаоллаштириш, унинг ишлаш қобилиятини ошириш учун вақти-вақти билан дам олдиришнинг муҳим аҳамияти бор. Одам ўз танасини доимо тоза тутса; вақти-вақти билан массаж қилиб турса; фарзандларини, невараларини эркалатса, ўйнатса; кино, театр, музей томошаларига чиқиб турса; меъёрида ва содиқ дўстлар билан овқатланса; севимли китоб ва жарида ҳамда рўзнома ўқиса; ёқимли ашула, музыка тингласа; узлуксиз равишда тоза ҳавода юрса, жисмоний ҳаракат қилса; ўз касби, кундалик бажарган юмушидан рози бўлиб, роҳатланса, ўзини яқин дўстлари даврасида хушчақчақ тутса, табассумни ўзига доимо ҳамроҳ қилиб юрса мия дам олади, унинг толиқишига имкон берилмайди.

Бош мия бир қанча қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмларнинг ҳар қайсисидан ўзига хос функцияни бажаради. Масалан,

ўрта мия

оралиқ мия

олдинги мия

орқа мия

кичик мия

катта мия ва унинг ярим шарлари.

Юқоридаги ҳар бир қисмнинг ўз вазифаси бор. Нафас олиш, юрак ишлаши, қон айланиши, чайнаш, ютиш, сўлак ажратиш, организмнинг тўғри ҳаракатини кетинги мия идора қилади. Мураккаб бўлмаган ақлий фаолиятни (ёзув, чизув ва ҳ.к.) кичик мия бошқаради. Организмнинг ёруғлик, товуш, оғирлик кучига нисбатан жавобини ўрта мия, организмнинг умумий сезувчанлигини оралиқ мия идора қилади.

Кетинги мия узунчоқ мия, варолий кўприги ва миачадан иборат. Ўзунчоқ мия билан варолий кўприги орқа мианинг давоми ҳисобланади. Узунчоқ мия эмиш, чайнаш, ютиш, сўлак ажратиш, қусиш каби мураккаб физиологик жараёнларда қатнашади. , қусиш каби мураккаб физиологик жараёнларда қатнашади. Нафас олишни, юрак ишини идора этадиган, қон томирлар тонусини сақлайдиган марказлар ҳам узунчоқ мидадир.

Миача марказий нерв системасининг пастдаги ҳамма бўлимларига маҳкам боғланган. Миача организм ҳаракатларининг яхлитлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Гавданинг умумий сезувчанлигини ўрта мия таъминлайди. Ўрта мия вегетатив марказ ишини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Шунинг учун оралиқ мия, ўрта мия, варолий кўприги ва узунчоқ мия бирликда мия стволи деб юритилади.

Бош мия бўлақларининг етакчи қисмини (қарийб 80 фоизини) катта мия ва унинг ярим шарлари ташкил этади. Катта мианинг ўнг ва чап шарлари қадоқ модда орқали бир-бири билан туташган.

Бош мия ярим шарларининг ҳар қайсиси мианинг пешона қисми, тепа қисми, энса қисми ва чакка қисми каби тўрт паллага бўлинади.

Бош мия пўстининг қалинлиги бир миллиметрдан беш миллиметргача бўлиб, юзаси ўртача ҳисоб билан 2000 квадрат сантиметрга тенг. Бош мия пўстида 52 та майдон бўлиб, бу майдонлар ўн бир соҳага бўлинади.

Бош мианинг қисмлари ва уларнинг функциялари ҳақидаги таълимотни академик И.П.Павлов яратди. И.П.Павлов тажрибаларининг натижаларига кўра, бош мия қисмларининг функциялари соҳасида одам ва ҳайвонлар мияси ўртасида жуда катта тафовутлар бор. Баъзи ҳайвонларда олдинги мия олиб ташланганда ҳам ҳаёт давом этган. Масалан, олдинги мияси олиб ташланган Сака ўз ҳаётини давом эттирган. У одатдагича ўтирган, ўзига хос ҳаракатларни бажарган.

Олдинги мияси олиб ташланган каптар овқат еган, туртиб юборилса, юрган ва қисман уча олган. Шу тажриба маймунлар билан ўтказилганда бутунлай бошқача ҳулосалар аниқланган. Олдинги мияси олиб ташланган маймунда психик функциялар ва ҳаракатлар тамомила бузилган.

Худди шу тажриба одамлар билан ҳам ўтказилган. Олдинги мияси олиб ташланган қизча фақат ётган, туришга ҳаракат қилмаган, энг оддий нарсаларни ҳам ўрганмаган, уч йилу тўққиз ойдан сўнг вафот этган.

Кўп тажрибаларнинг ҳулосалари шуни тасдиқлайдики, одамда бош мианинг қисмлари бутун бўлмаса, унда тананинг нормал ҳолати, ҳаракати бузилади, психик функциялар тубдан ўзгаради ва ниҳоят ҳаёт давом этмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда психология фанининг қўлга киритган ютуқларига кўра, одам миясининг ўнг ва чап ярим шарлари турлича вазифани бажаради. Ўнг ва чап ярим шарлар бир-биридан шунчалик фарқ қиладики, ҳатто ҳис қилиш даражаси турлича бўлади.

Текшириш ва ўрганишлар натижасида чап ярим шар асосий, ўнги эса тобеъ, иккинчи даражали эканлиги аниқланди.

Тажрибалар кўрсатишича, ўнг ярим шар фаолиятига барҳам берилганда чап томоннинг сезгирлиги ошади, кайфият ўзгаради, ҳушчақчақлик, ёқимтойлик, сергаплик, келажакка умид билан қараш ҳоллари вужудга келади. Чап ярим шар фаолияти тўхтатилганда ўнг ярим шарнинг сезгирлиги ошади. Аммо кайфият ёмонлашади, умидсизлик, жирканиш ҳоллари пайдо бўлади.

Шундай қилиб, чап ярим шар одамнинг қувониши, хурсандчилигига хизмат қилса, ўнг ярим шар одамда нохушлик кайфиятини вужудга келтиради. Ўнг ва чап ярим шарларнинг турлича функциялари ҳиссий ҳолатлар бобида ҳам турличадир. Тажрибалардан, чап ярим шар мавҳумий тафаккур билан боғлиқ ҳолда ижобий ҳиссиётларни, ўнг ярим шар образли тафаккур билан боғлиқ ҳолда салбий ҳиссиётларни вужудга келтиришга хизмат қилади.

Перифериядаги нерв системасининг организм учун хизмати шундан иборатки, унинг нервлари организмнинг қисмларини орқа мия ва бош мия билан боғлайди, организмни орқа мия ва бош мианинг ички қисмлари билан туташтиради. Орқа миядан 31 жуфт, бош миядан 12 жуфт нерв толаси чиқади ва бутун организмга тарқалади.

Перифериядаги нерв толалари организмга хизмати жиҳатидан иккига бўлинади; Сезувчи нервлар - бу нервлар кўриш, эшитиш ва ҳид билиш органларининг фаолиятига хизмат қилади.

Ҳаракатлантирувчи нервлар - бу нервлар организмдаги мускуллар ҳаракатини бошқаради. Вегетатив нерв системалари бош миядан ажралиб умуртқа орқали ички органларга тарқалади. Ўпка, юрак, буйрак, талоқ каби ички органларнинг ҳар бирига вегетатив нерв системасидан иккитадан нерв толаси боради.

Нерв системасининг вегетатив қисми силлиқ мускулларни, безларни, юрак ва томирларни нерв толалари билан таъминлайди, ички органлар ва томирлар фаолиятининг тартибли, нормал ишлашини, безларнинг суюқлик ажратишини ва юрак ишини идора қилади.

Шундай қилиб, нерв системаси организмда ҳаётий жараёнларни бошқарувчи асосий тизим бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда нерв системаси бир бутун тизим бўлиб, организмнинг ажралмас ва етакчи қисми ҳисобланади.

Организмдаги физиологик процессларда секреция безларининг роли каттадир. Секреция безлари ташқи ва ички кабиларга бўлинади. Ташқи безларнинг ишлаб чиқарган суюқликлари организмдан ташқарига чиқиб кетиш учун танада махсус йўллар бор. Кўздан ёш, бадандан тер, оғиздан тупук чиқиши безлар фаолиятининг натижасидир.

Ички безларнинг ишлаб чиқарган суюқлик моддалари гармонлар дейилиб, улар организмдан ташқарига чиқиб кетмайди, балки қонга аралашиб, организмнинг умумий саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ички безлар қуйидагилардан иборат ;

Гипофиз беи. Одам гипофизи олдинги ва орқа паллалардан иборат бўлиб, бу паллалар ўртасида оралик қисм бор. Гипофиз бир неча хил гормон ажратади. Гипофиз беи кулранг бўртиқ ўсимтадан иборат бўлиб, вазни 0,5 граммга яқиндир.

Бу безнинг гормонлари организмнинг ўсишига, семиришига хизмат қилади. Гипофиз беи бош миянинг пастки қисмида жойлашган. Гипофиз безининг гормонлари қон босимига ижобий таъсир этади. Агар бу без нотўғри ишласа, организм ўсишдан тўхтади ва уни ёғ босади, суяк учун зарур бўлган фосфор моддалар етишмай қолади (лилипутларда гипофиз безининг фаолияти бузилган). Умуман гипофиз безининг функцияси жуда хилма-хил бўлиб, унинг организм фаолияти учун аҳамияти каттадир.

Эпифиз беи. Бу без ўрта мияда жойлашган. Унинг ишалб чиқарган суюқликлари жинсий безлар фаолиятига хизмат қилади. Эпифиз безининг фаолияти бузилса, организм бевақт балоғатга етади.

Бўқоқ ёки томоқ безлари. Бу безлар организмнинг умумий тараққиётига хизмат қилади. Бу безлар нотўғри ишласа, организм ўсмайди, унда турли касалликлар пайдо бўлади, ҳаракат сусаяди, ҳаяжонланиш аломатлари вужудга келади, одам уйқусизлик ҳолатига учрайди, меҳнат қобилияти йўқола боради ва энг муҳими, организм оталик ва оналик қобилиятидан маҳрум бўлади.

Жинсий безлар. Бу безлар ҳар бир жинс учун хос бўлган махсус жинсий гормонлар ишлаб чиқаради. Эркакларда мускулларнинг кучли ривожланиши, эркаклар ва аёлларга хос товуш тембрининг фарқланиши кабилар жинсий безлар фаолиятининг натижасидир. Жинсий гормонлар бошқа жинсга бўлган майлликка сабаб бўлади ҳамда одам организмда умумий моддалар алмашинувида кучли таъсир кўрсатади.

Умуман, жинсий безлар организмга чиройли, ёқимли тус беради ва насл кўпайишига хизмат қилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш:

- 1.Марказий нерв системасининг тузилиши?
2. Нейрон нима?
3. Нормал одам миясида қанча нейрон бор?
4. Орқа миянинг узунлиги қанча?
- 5.Кичик миянинг организмдаги вазифаси нима?
6. Бош миянинг пўстлогининг тузилиши?

5- МАЪРУЗА: Шахс психологияси. Шахс ва жамоа.

Шахс шаклланишининг умумий психологик қонуниятлари ва унга таъсир этаувчи жамоа, оила ва шахслараро муносабатлар психологияси. Этнопсихология

Мавзу режаси:

- 1.Шахс ва жамоа.
- 2.Гуруҳлар ҳақида тушунча, реал ва шартли гуруҳларга тафсилот.
3. Гуруҳлардаги психологик муҳит ва уни ўрганиш.
4. Шахс шаклланишидаги психологик-педагогик масалалар.

5. Шахсларо муносабатлар. Этнопсихология

Шахс ва жамоа: Шахснинг ижтимоий моҳияти у мансуб бўлган жамоа аъзолари билан турлича муносабатларда номоён бўлади. Чунки ҳар бир одам конкрет шахс сифатида одамлар қўршовида яшайди. Оилада, боғча ёки макетабда, олий ўқув юрти ёки иш жойида, қаерда бўлмасин, шахс одамлар гуруҳи, жамоа билан муносабатга киришади. Таъкидлаш жоизки шахс муносабатига киришувчи гуруҳ ва жамоалар ҳамма вақт ўзгариб туради.

Аҳил жамоа жамият сифатлари билан айрим шахс манфаатларини ўз ичига олади. Бир томондан, иноқ ва аҳил жамоа шахснинг ижтимоий бахт-саодати учун хизмат қилишни унинг хулқ атворининг юқори мезони қилиб қўяди: иккинчидан, шахсга энг юксак ахлоқий сифатларни сингдиради.

Дарҳақиқат, жамоанинг ўз аъзоларига самарали тарбиявий таъсири шу жамоанинг ғоявий етуқлиги, уюшқоқлиги ва жипслигига боғлиқдир. Шахснинг онглилиги, ғоявий ва ахлоқий етуқлиги, эрки, мустақиллиги жамоадаги умумий ахлоқий муҳитга, онглилик даражасига ва умумий манфаатдорликка боғлиқ бўлади. Шундай экан, шахс ўзи мансуб бўлган жасоадаги турли хил муносабатларга дадил киришмоғи, ўз фаоллигини номоён эта олмоғи зарур.

Шахс ижтимоий мавжудод сифатида ўз меҳнат жамоасидаги одамлар билан муносабатга киришмай яшай олмайди. Республикамиз мустақиллиги шароитида меҳнат жамоалрининг психологик белгилари ўзгача моҳият касб этмоқда. Жамоа таркибидаги ҳар бир шахс ўз меҳнат фаолиятига юксак онглилик, ватан истикболи, бахт-саодати, умумманфаатини кўзлаган ҳолда муносабатда бўлмоғи лозим. Шундай бўлган тақдирда шахс ўз меҳнат жамоаси аъзолари орасида обрӯ топади, унинг меҳнати кадрланади.

Психологик жиҳатдан жамоа гуруҳлардан иборат бўлади. Гуруҳлар моҳият-эътибори билан икки хилга бўлинади 1. шартли гуруҳ; 2. реал гуруҳ. Айрим белгиларга (ёш, жинс, миллий, касбий ва ҳақозо) асосланиб қисқа муддат мобайнида бирлаштирилган одамлар уюшмаси шартли гуруҳ ҳисобланади. Шартли гуруҳ аъзоси нима учун шу гуруҳга тушиб қолганлигини ўзи мутлоқо билмайди. Шартли гуруҳнинг ички тартиб-интизоми, умумий қоидалари, жамоа олдидаги аниқ бурчи ҳам бўлмайди. Шакл гуруҳ аъзолари ўртасида иноқлик, ўзаро ёрдам, симпатик мазмундаги муносабатлар бўлмайди. Чунки улар аввалдан бир-бирлари билан танишган бўлмайдилар, уларнинг умумий мақсади ва манфаатдорлиги ҳам бўлмайди. Шунинг учун бундай гуруҳни бирлаштирган шарт амалга оширгач, гуруҳ ҳам тугайди, тарқалади.

Аниқ мақсад маълум муддат асосида уюшган реал муносабатлар йўли билан бирлашган одламлар гуруҳи реал гуруҳ ҳисобланади. Оила, бир синф ўқувчилари, тилабалар гуруҳи кабилар реал гуруҳлардир. Реал гуруҳ аъзолари ўртасида ҳақиқий ҳамкорлик, ўзаро самимий ҳурмат аниқ муносабат мавжуд бўлади. Реал гуруҳ аъзолари ҳаммаси учун умумий бўлган хулқ ва бурчларга эга бўлади. Реал гуруҳ жамиятнинг кичик бўлаги (қисми) ҳисобланади, жамиятнинг одоб-ахлоқ доирасида фаолият кўрсатади. Реал гуруҳ ижтимоий мақсадга эга бўлади.

Америкалик психолог Т. Митчегошинг фикрича, ўзаро таъсир гуруҳ шароитида қуйидаги омиллар воситасида рўй беради:

- 1) айрим аъзолар бошқаларига нисбатан кўпроқ гапиришга мойил бўладилар;
- 2) юқорироқ мавқега эга бўлган шахслар қарорлар чиқариш жараёнида ҳам бошқаларга тазйиқ ўтказишади;
- 3) гуруҳда асосий вақт ўзаро фикрлардаги келишмовчиликларнинг олдини олишга кетиб қолади;
- 4) гуруҳда айрим одамлар таъсирида асосий мақсаддан четлаш ва мақсадга номувофик қарорлар қабул қилиш ҳолатлари кузатилади;
- 5) барча аъзолар ўзлари сезмаган ҳолла кўпчилик фикрига берилишлари ва гуруҳ таъсирига тушиб қоладилар. Шунинг учун ҳам баъзан мажлисни олиб борувчи раис кун

тартибини эълон ишган бўлсада, ундан чалғиб кетиши ва ўринсиз қарорлар қабул қилиши мумкин.

Лекин гуруҳий қарорлар қабул қилиш жараёнининг энг катта ижобий томони шундаки, унда кўплаб фикрлар туғилади ва ўртага ташланади. Бу фикрлар шундай шароит яратадики, охир-оқибат алоҳда индивидуал фикрлар биров бўлсада, фарқ қиладиган оригинал янги фикр пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам раҳбарлик санъати кўпчилик фикрлашга таянган ҳолда охирида энг маъқул қарорга кела олишдир. Лекин салбий томони шундаки, гуруҳий музокара ва қарорлар қабул жараёни баъзи аъзоларда лоқайдлик («Менга нима» улар гапиришяпти-ку» каби), ташаббуссизлик («Барибир меники қабул қилинмайди, гапириб нима қилдим?» каби) иллатларни ҳам пайдо қилиши мумкин. Бу ўша муҳитда айрим одамлар фикри доимо қўллаб-қувватланган, айрим одамларга эътибор, имтиёз берилган шароитларда, раҳбарнинг айби билан рўй беради.

Хоффман ўз экспериментларида гуруҳий қарорлар қабул қилишга гуруҳнинг таркиби таъсир қилиш мумкинлигини исбот қилган. Унинг фикрича, яхши, сифатли, ижобий фикрлар ва қарорлар гуруҳ таркиби ҳар хил (гетероген таркиб) бўлган шароитларда унинг таркиби бир хил (гомоген) бўлгандан анча кўп ва сифатли бўлади. Гомоген гуруҳларда (масалан, тахминан бир хил ўзлаштирадиган ўқувчилар гуруҳи) қарорлар қабул қилиш мобайнида конфликтларнинг кам бўлиши ва қарорлар тезда қабул қилиниши аниқланган.

Ҳар қандай қарорлар қабул қилиш жараёни психологик жиҳатдан *тавакколчиликка* асосланиши ҳам исботланган. Лекин, тавакколчилик даражаси гуруҳ шароитида индивидуал ҳолатдагидан анча паст бўлар экан. Ўртача гуруҳ аъзосининг бу ўриндаги фикри: «Таваккол шу гапни айтмайчи, номаъқул бўлса, гуруҳ борку, улар маъқуллашганку?». Демак, гуруҳ шароитда қабул қилинган ҳар қандай қарор моҳиятан ижтимоий характерли бўлиб, унинг тўғри ва фойдали, натижалли бўлишда раҳбарнинг — бошловчининг роли катта бўлади.

Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш:

Гуруҳ ва жамоалар тўғрисида гап кетганда, кўпинча унинг «маънавий муҳити», «психологик муҳити» деган иборалар ишлатилади. Чунки, бу нарса ўша ердаги ишнинг яхшилиги, фаолиятнинг самараси билан боғланади. *Ижтимоий психологик муҳит деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал ҳолатни тушунамиз.*

Ҳозирги шароитда илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик психологик ҳол ҳар бир шахснинг ўз гуруҳи аъзолари ўртасида мураккаб ва хилма-хил муносабатларини ҳар томонлама тадбиқ этишдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун психология фанида социометрик (танлаш) усулидан фойдаланилади.

Социометрик усулни Америкалик психолог Джон Морено кашф этган ва шахснинг гуруҳдаги мавқеини аниқлашда ундан кенг фойдаланилган. Психолог М.Воҳидов қайд этганидек, социометрик усулни кичик жамоа ёки гуруҳданги одамларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишда қўлласа бўлади. Лекин жамоа ёки гуруҳ аъзолари бир бирларини яхши билган тақдирдагина бу усулдан самарали фойдаланиш мумкин.

Шундан сўнг талабаларга ёзма жавоб қайтариш шарти билан бир нечта савол берилади: «Сиз кимнинг гуруҳга сардор бўлишини истасиз?», «Ким билан ёнма-ён ўтириш сизга маъқул?», «Дам олиш вақтларини кўпроқ ким билан ўтказишни ёқтирасиз?» ва ҳоказо. Талабалар ўзлари ёқтирган гуруҳдошларининг исми шарифини ёзиб беради.

Исми шарифини гуруҳдошлар томонидан энг кўп такрорланишига қараб, гуруҳ аъзоларининг ўзаро кадр-қиммати ва обрў даражаси аниқланади. Талабаларнинг юқоридаги саволларга ёзган жавобларини таҳлил қилиб, энг кўп такрорланган исм шарифни (номерни) биринчи доирага, ундан камроқ такрорланганини иккинчи доирага, иккинчидан ҳам камроқ такрорланганини учинчи доирага, энг кам такрорланганини тўртинчи доирага рақам билан ёзиб қўйилади.

Биринчи доирага тушган рақамлар (исм, шарифлар) киз ёки ўғиллардан қатий назар гуруҳнинг энг сеvimли ва энг қадрли аъзолари ҳисобланади (4,9 доирадаги ва 7 бурчак рақамлар). Иккинчи айланага жойлаштирилган 2,5,8 рақамли доира ва 13,15,19

учбурчакдаги рақамлар гуруҳдаги обрў эътиборлари жиҳатдан иккинчи ўринни, учинчи доирадаги айланага жойлашган 1,3,6 рақамлар, учбурчакка жойлашган 11,16,18,20 рақамлар учинчи ўринни ва тўртинчи айланага жойлашган доирадаги 7,10 рақамлар, учбурчакдаги 12,14,17 рақамлар номлари энг кам тилга олинган. Тўртинчи ўринни эгаллайдиган талабалар ҳисобланади.

Шундай қилиб социометрия усули орқали ҳар бир шахснинг ўз гуруҳи ёки жамоасидаги мавқеи, обрўси аниқланади. Шу тарзда гуруҳ аъзоларини ўрганишнинг таълим ва тарбия сифатини яхшилашда, меҳнат жамоаларидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда унинг самарадорлигини оширишда катта аҳамияти бор. Яна бир муҳим томони шундаки, гуруҳ ёки жамоадаги ҳар бир шахснинг ўз индивидуал онги ва кайфиятидан ташқари, уларнинг барчасига таълуқли бўлган гуруҳ онги ва кайфияти каби оммавий психологик ходисалар ҳам бор.

Оммавий психологик ходисалар жамоа аъзоларини ягона мақсадга йўллашда, уларни умум манфаати учун хизмат қилишга чорлашда кучли таъсир воситаси сифатида намоён бўлади, жамоа аъзоларини жипслаштиради, ягона мақсадга буйсундиради. Табиийки, яхши кайфият жамоа аъзоларига кўтаринки руҳ бағишлайди, улранинг ижтимоий фалолиятини кучайтиради, айрим ваҳимали ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради, аммо руҳини тетиклаштиради, маънавий оламини эзгуликка йўналтиради, меҳнат қобилиятини оширади.

Шахс шаклланишидаги психологик-педагогик масалалар. Шахснинг ҳар томонлама шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти катта. Оддий нарсаларни ўрганиш учун ҳам тақлид орқали ўзаро мулоқотда бўлиш зарур. Жамият қонун - қоидаларига асосланган ҳолда муносабатлар ривожланади. Индивид билан шахс мулоқоти ўртасида жуда катта фарқни кўриш мумкин. Масалан, гўдак, руҳий касал, онги паст ривожланган кишиларнинг мулоқоти билан етук ривожланган, онги юксак кишининг мулоқоти ўртасидаги фарқ. Онгли шахс мулоқотни бошлашдан аввал миясида ўйлайди, сўзларини режалаштиради. Шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик ривожланишида мулоқотнинг ўрни катта. Масалан, ахлоқий ривожланиш учун оилада, мактабда, боғчада болага катталар мулоқот орқали таъсир қиладилар. Шунингдек, эстетик, ақлий, жисмоний ривожлантириш учун ўқувчига ўқитувчи мулоқот орқали таъсир этишга ҳаракат қилади. Демак, мулоқот таъсир қилиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шахс мулоқотини шакллантиришда унинг ёши, жинси, касби, дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим. Масалан, биз кичик ёшдаги болаларга катталарга нисбатан қўллайдиган сўзларни ишлатмаймиз. Ҳар бир ёш даврига кирадиган кишиларга ўзига хос сўзлар қўлланилади. Бунда сўзнинг таъсир кучи ҳисобга олинади. Шахсни темперамент хусусиятларига қараб мулоқот усуллари қўллаш катта аҳамиятга эга. Шахсда кўникма, билим, малакаларнинг ҳосил бўлишида мулоқотнинг ўрни бекиёс. Оддий кўникма (“тўғри ўтир, қўлингни юв, жойингга бор, салом бер”) ларни ҳам мулоқот орқали сингдирилади.

Шахс мулоқотини шаклланишида унинг тарбияланганлик даражаси муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, шахсга кучли таъсир этадиган сўзларни қўлласангиз ҳам у қабул қилмаслиги, сизнинг берган кўрсатмаларингизга амал қилмаслиги мумкин. Чунки у ёшлигидан муомала маданиятини эгаллаши керак. Мулоқотнинг шаклланишида мақсад тўғри қўйилиши лозим. Мулоқот таълим-тарбия жараёнида, турли вазиятларда ривожланади. Масалан, оилада, маҳаллада, жамоада, гуруҳда. Агар оилада катталар бир-бирларига қўпол муносабатда бўлсалар, бола ҳам уларга тақлид қилиб атрофдагилар билан низоларга бориши мумкин.

Биз олдимизга ҳар томонлама ривожланган, етук, комил инсон (шахс)ни тарбиялашни қўйганмиз. Президентимиз доимо ёшларни эркин фикрлайдиган қилиб тарбиялашни уқтирадилар. Демак, мулоқот фикрлаш билан ўзвий боғлиқ ҳолда шаклланади.

Шахс шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти ҳақида бир неча психолог олимлар ўз фикрларини баён қилганлар. Жумладан, рус психологи Б.Г. Ананьев “Одам билишнинг предмети сифатида” асарида бу масалани чуқур таҳлил қилган. У билимнинг турли

элементларини эгаллаш муваффақиятли ўзлаштиришнинг гарови эканлигини таъкидлайди. Билимларни эгаллаш мулоқот орқали амалга оширилишини ҳам уқтириб ўтади. Агар кишилар ўзаро бир-бирларига ахборот ўзатмасалар, тажрибаларини мулоқот орқали алмашмасалар улар ривожланмай қолишлари тўғрисида Б.Г. Ананьев асосли фикрларни келтиради.

Б.Г. Ананьев фикрича: “Мулоқот ижтимоий ва индивидуал ҳолатдир. Шунинг учун нутқ билан ўзвий боғлиқ, коммуникатив вазифани бажаришда пантомимика, имо-ишоралар мулоқот шакллари сифатида юзага чиқади.”(Танланган психологик асарлар.2-том . 21-.).

Демак, олим мулоқот тушунчасини умумий, ёш ва педагогик психология каби фанлар учун чуқур таҳлил қилиб берган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ва хорижда мулоқот муаммосига қизиқиш ортиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг бир-бирлари билан қиладиган мулоқоти катта аҳамиятга эга. Атоқли психолог олимлардан яна бири В.Н.Мясиҳев мулоқот масаласига чуқур ёндошган, уни ўрганган. Бошқа олимлар мулоқотни нутқ коммуникацияси билан боғлаб ўрганган бўлсалар, В.Н. Мясиҳев мулоқотни жараён сифатида ўрганган. Яъни шахсларнинг бир-бирига мулоқот орқали таъсир кўрсатишларини, бир-бирларини идрок қилиш объекти сифатида таҳлил қилади. Унинг фикрича:”Шахс турлича муносабатларда қарама-қарши сифатларни намоён қилиши мумкин, ”

Тажрибали психолог А.А. Бодалев эса шахс ўйинда, ўқишда, мулоқотда, яъни фаолиятнинг турли соҳасида ўзининг ўрнини билиши зарурлигини уқтиради. У ўзининг “Шахс ва жамият” китобида бу масалага катта эътибор беради. Шунингдек, у бу муаммолар кам ўрганилганлигини таъкидлайди. А. А. Бодалевнинг фикрича, “инсонга мулоқот орқали тарбиялашда бу унга қандай таъсир қилишини аввалдан ўйлаш зарур».(А.А. Бодалев Шахс ва мулоқот. М.17 - с.)

Шахс ривожланишида мулоқотнинг роли тўғрисида психологлар А.А. Люблинская , Д.Б. Эльконинлар болада ўйин фаолияти орқали мулоқотнинг шаклланишини таъкидлайдилар. Мулоқот орқали шахснинг характери, иродавий сифатлари шаклланиши ҳақида П.Я. Гальперин, Н.Ф. Добрўнин, Н.Ф.Талўзиналар ўзларининг тадқиқотларини ўтказганлар.

Шунингдек, Республикамиз психологларидан М.Г.Давлетшин, Э./озиев, Н.П. Аникеева , Н. Сафоев кабилар мулоқот муаммосини турли томондан ёритиб берганлар. Жумладан, профессор Э. /озиев “Муомала психологияси” ўқув қўлланмасида мулоқотнинг барча қирраларини назарий томондан очиб беришга ҳаракат қилган. Профессор М.Г.Давлетшин ҳам “Умумий психология” ўқув қўлланмасида мулоқотни кишиларда қандай шаклланиши ҳақида фикрлар билдирган.

Шахсни мулоқот усулларига ўргатиш. Болаларни ёшликдан аввало оилада, сўнгра таълим масканларида мулоқотга ўргатиб борилади. Мулоқотга ўргатишнинг усулларида бири машғулотлар тарзида шакллантиришдир. Болани боғча шароитида тарбиячи турли машғулотлар ўтказиб мулоқотга ўргатади. Аввал элементар ўзини тутиш, катталарга қандай гапириш, салом бериш, миннатдорчилик билдириш каби усулларни таркиб топширилади. Мактаб ёши даврида ва кейинчалик шахсга ижтимоий - психологик тренинглар ташкил қилиш орқали мулоқотга ўргатилади. Шахснинг ўзи бу усулларга ижобий муносабат билдириши, фаол ҳаракат қилиши зарур. Чунки шахс мулоқотда бўлмасдан фаолият субъекти сифатида ҳам, индивидуал инсон сифатида ҳам тўлақонли ривожлана олмайди. Тажрибали психолог А. А. Бодалев фикрича, ҳатто ўйин фаолиятида бола мулоқотда бўлади .Таълим жараёнининг асосида мулоқотга ўргатиш масаласи биринчи ўринда туради. +олаверса меҳнат таълими жараёнида кишилар доимо мулоқотга эҳтиёж сезади. Мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у инсонни дунёқарашини кенгайтиради ва психикасини ривожлантиради. Яъни барча руҳий жараёнлар мулоқот орқали шаклланади.

Шахснинг иродавий сифатларини ривожлантириш орқали ҳам уни мулоқотга ўргатиш осон бўй беради.

Жамоа муҳитини шакллантиришда иккинчи томон ҳам бор - бу жамоа аъзоларининг руҳий маданиятини шакллантиришдир. Шу мақсадда ўқувчиларга уларнинг инсоний мулоқот, инсон шахси, бир-бирини баҳолаш хусусиятлари («мен ва бошқалар», «мен бошқаларнинг кўзи билан») тўғрисидаги мулоҳазаларини рағбатлантирувчи ахборотни бериш зарур. Уни иншолар, суҳбатлар, тренинглар орқали уюштириш мумкин. Махсус машқлар орқали мулоқот усулларига ўргатиш шунга тааллуқлидир. Руҳий маданиятга ўргатишни ўсмирлик ёшидан бошлаш муҳим, чунки ўз шахси ҳақидаги ахборотга қатъий эҳтиёж худди шу даврда вужудга келади. Ўсмирликда ўзининг «Мен»и хусусида зиддиятли кечинмалар бошланади. Илк ёшлик пайтида - ўз руҳий ҳолати ҳақида ҳаёл суриш кучайган, мулоқот жуда аҳамиятли ва ғоят танлаб ўтказиладиган ёшда инсон шахси, шахслараро мулоқот тўғрисидаги ахборот зарурдир.

Н.П. Аникеева фикрича, бошқа одамлар билан мулоқотда ҳар бир шахс муайян ижтимоий ролни эгаллайди. Роллар шахсни тўлароқ очиб бериши, уни ниқоблаши мумкин. Лекин позиция - ролларни танлаш албатта инсоннинг ўз моҳиятига, унинг кучига, заифлигига, салоҳият даражасига, ўз-ўзини танқид қила олишига, ҳулқ - атворининг пухталигига, ўзининг четдан кўра билиш қобилиятига боғлиқ бўлади. (Жамоада руҳий муҳит. 146-147 бет)

Баъзан мулоқотдаги муваффақиятсизликлар ёшларни бенуқсонроқ, ҳимояланганроқ бўлиш учун ўзидаги энг яхши нарсаларни яширишга, бузишга мажбур этади. Эрта ўсмирлик пайтида йиғит ва қизлар яқкалик ҳолатини бошдан кечиради. Улар ҳис-туйғуларини ҳеч кимга айтишмайди. Ўзи ҳақидаги ва атрофдаги кишилар ҳақидаги ахборот - мулоқот усуллари ва мазмунли мулоқотни ташкил этишга интилишни белгилаб беради. Бунинг учун руҳий тусдаги муайян маълумотларга эга бўлиш керак. Ҳар бир кишига хос бўлган руҳий хусусиятлар асаб тизими тури билан белгиланади ва аввало темпераментда: таъсир кўрсатиш суръатида, ҳам табиий сигналларда (овоз, ёруғлик, ранг, ҳид, ҳароратнинг ўзгариши), ҳам ижтимоий сигналларда (сўз, воқеа, ўта сезгирликда, эмоционал кўзгалувчанликда, ташвишлилик даражасида, экстраверсия, интроверсия) намоён бўлади. Экстроверсия билан интроверсия кишининг руҳий тавсифи сифатида мулоқот соҳасида ёрқин намоён бўлади. Экстроверсия - индивиднинг ташқи дунёга, интроверсия - ички дунёга қарашидир. Асаб фаолиятининг кучли типи билан боғлиқ экстроверсия хусусиятлари устун бўлган кишилар анча киришимли, алоқалар, танишишлар доирасига мойил бўладилар. Улар иштиёқ билан янги танишлар орттирадилар, шовқин - суронли давраларни ёктирадилар. Интровертлар - бу асаб фаолиятининг заиф типига мансуб кишилардир. Улар ўз ички дунёларига берилишга, кечинмаларга мойиллар. Атрофдагилардан кўп ташвишланидилар, улар яқинларнинг тор доирасини маъқул кўрадилар. "Экстроверсия-интроверсия" ўқининг ўрталарида жойлашган кишилар психологияда центровертлар деган номни олган. Улар меъёрида киришимли, меъёрида ёлғизликка мойилдирлар.

Нутқ билан ишлаш орқали ҳам мулоқотга ўргатиш мумкин. Масалан, овозни баланд чиқариб шеър ўқиш, ҳикояни гапириш каби тренинглар ҳам мулоқотни шаклланишига ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги болаларни эса ўйин фаолияти давомида мулоқотга ўргатиш осон кечади.

Мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шакллари кўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта:

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини муаллим эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Ўйиннинг жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини ҳолисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача ўйиннинг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиш кўрсатишни ўргатиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма жамиятнинг янгилашни даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

Яратиладиган янги қўлланмалар олдида талаба - ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янги тафаккурни шаклланиши жараёнидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш талаб этилади.

Психологик жиҳатдан жамоа гуруҳлардан иборат бўлади. Гуруҳлар моҳият-эътибори билан икки хилга бўлинади 1. шартли гуруҳ; 2. реал гуруҳ. Айрим белгиларга (ёш, жинс, миллий, касбий ва ҳақозо) асосланиб қисқа муддат мобайнида бирлаштирилган одамлар уюшмаси шартли гуруҳ ҳисобланади. Шартли гуруҳ аъзоси нима учун шу гуруҳга тушиб қолганлигини ўзи мутлоқо билмайди. Шартли гуруҳнинг ички тартиб-интизоми, умумий қоидалари, жамоа олдидаги аниқ бурчи ҳам бўлмайди. Шакл гуруҳ аъзолари ўртасида иноқлик, ўзаро ёрдам, симпатик мазмундаги муносабатлар бўлмайди. Чунки улар аввалдан бир-бирлари билан танишган бўлмайдилар, уларнинг умумий мақсади ва манфаатдорлиги ҳам бўлмайди. Шунинг учун бундай гуруҳни бирлаштирган шарт амалга оширгач, гуруҳ ҳам тугайди, тарқалади. Аниқ мақсад маълум муддат асосида уюшган реал муносабатлар йўли билан бирлашган одамлар гуруҳи реал гуруҳ ҳисобланади. Оила, бир синф ўқувчилари, тилабалар гуруҳи қабила реал гуруҳлардир. Реал гуруҳ аъзолари ўртасида ҳақиқий ҳамкорлик, ўзаро самимий ҳурмат аниқ муносабат мавжуд бўлади. Реал гуруҳ аъзолари ҳаммаси учун умумий бўлган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади. Реал гуруҳ жамиятнинг кичик бўлаги (қисми) ҳисобланади, жамиятнинг одоб-ахлоқ доирасида фаолият кўрсатади. Реал гуруҳ ижтимоий мақсадга эга бўлади.

Америкалик психолог Т. Митчегешинг фикрича, ўзаро таъсир гуруҳ шароитида қуйидаги омиллар воситасида рўй беради:

- 1) айрим аъзолар бошқаларига нисбатан кўпроқ гапиришга мойил бўладилар;
- 2) юқорида мавқега эга бўлган шахслар қарорлар чиқариш жараёнида ҳам бошқаларга таъйик ўтказишади;
- 3) гуруҳда асосий вақт ўзаро фикрлардаги келишмовчиликларнинг олдини олишга кетиб қолади;
- 4) гуруҳда айрим одамлар таъсирида асосий мақсаддан четлаш ва мақсадга номувофик қарорлар қабул қилиш ҳолатлари кузатилади;
- 5) барча аъзолар ўзлари сезмаган ҳолда кўпчилик фикрига берилишлари ва гуруҳ таъсирига тушиб қоладилар. Шунинг учун ҳам баъзан мажлисни олиб боровчи раис кун тартибини эълон ишган бўлсада, ундан чалғиб кетиши ва ўринсиз қарорлар қабул қилиши мумкин.

Лекин гуруҳий қарорлар қабул қилиш жараёнининг энг катта ижобий томони шундаки, унда кўплаб фикрлар туғилади ва ўртага ташланади. Бу фикрлар шундай шароит яратадики, охир-оқибат алоҳда индивидуал фикрлар биров бўлсада, фарқ қиладиган оригинал янги фикр пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам раҳбарлик санъати кўпчилик фикрлашга таянган ҳолда охирида энг маъқул қарорга кела олишдир. Лекин салбий томони шундаки, гуруҳий музокара ва қарорлар қабул жараёни баъзи аъзоларда лоқайдлик («Менга нима» улар гапиришяпти-ку» каби), ташаббуссизлик («Барибир меники қабул қилинмайди, гапириб нима қилдим?» каби) иллатларни ҳам пайдо қилиши мумкин. Бу ўша муҳитда айрим одамлар фикри доимо қўллаб-қувватланган, айрим одамларга эътибор, имтиёз берилган шароитларда, раҳбарнинг айби билан рўй беради.

Ҳар қандай қарорлар қабул қилиш жараёни психологик жиҳатдан тавакколчиликка асосланиши ҳам исботланган. Лекин, тавакколчилик даражаси гуруҳ шароитида индивидуал ҳолатидан анча паст бўлар экан. Ўртача гуруҳ аъзосининг бу ўриндаги фикри: «Таваккол шу гапни айтмайчи, номаъқул бўлса, гуруҳ борку, улар маъқуллашганку?». Демак, гуруҳ шароитида қабул қилинган ҳар қандай қарор моҳиятан ижтимоий характерли бўлиб, унинг тўғри ва фойдали, натижали бўлишида раҳбарнинг — бошловчининг роли катта бўлади.

Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш:

Гуруҳ ва жамоалар тўғрисида гап кетганда, кўпинча унинг «маънавий муҳити», «психологик муҳити» деган иборалар ишлатилади. Чунки, бу нарса ўша ердаги ишнинг яхшилиги, фаолиятнинг самараси билан боғланади. Ижтимоий психологик муҳит деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал ҳолатни тушунамиз.

Ҳозирги шароитда илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик психологик ҳол ҳар бир шахснинг ўз гуруҳи аъзолари ўртасида мураккаб ва хилма-хил муносабатларини ҳар томонлама тадбиқ этишдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун психология фанида социометрик (танлаш) усулидан фойдаланилади. Социометрик усулни Америкалик психолог Джон Морено кашф этган ва шахснинг гуруҳдаги мавқеини аниқлашда ундан кенг фойдаланилган. Психолог М.Воҳидов қайд этганидек, социометрик усулни кичик жамоа ёки гуруҳданги одамларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишда қўлласа бўлади. Лекин жамоа ёки гуруҳ аъзолари бир бирларини яхши билган тақдирдагина бу усулдан самарали фойдаланиш мумкин.

Шундан сўнг талабаларга ёзма жавоб қайтариш шарти билан бир нечта савол берилади: «Сиз кимнинг гуруҳга сардор бўлишини истайсиз?», «Ким билан ёнма-ён ўтириш сизга маъқул?», «Дам олиш вақтларини кўпроқ ким билан ўтказишни ёқтирасиз?» ва ҳоказо. Талабалар ўзлари ёқтирган гуруҳдошларининг исми шарифини ёзиб беради.

Исми шарифини гуруҳдошлар томонидан энг кўп такрорланишига қараб, гуруҳ аъзоларининг ўзаро кадр-қиммати ва обрў даражаси аниқланади. Талабаларнинг юқоридаги саволларга ёзган жавобларини таҳлил қилиб, энг кўп такрорланган исм шарифни (номери) биринчи доирага, ундан камроқ такрорланганини иккинчи доирага, иккинчидан ҳам камроқ такрорланганини учинчи доирага, энг кам такрорланганини тўртинчи доирага рақам билан ёзиб қўйилади. Биринчи доирага тушган рақамлар (исм, шарифлар) қиз ёки ўғиллардан қатий назар гуруҳнинг энг севимли ва энг қадрли аъзолари ҳисобланади (4,9 доирадаги ва 7 бурчак рақамлар). Иккинчи айланага жойлаштирилган 2,5,8 рақамли доира ва 13,15,19 учбурчакдаги рақамлар гуруҳдаги обрў эътиборлари жиҳатдан иккинчи ўринни, учинчи доирадаги айланага жойлашган 1,3,6 рақамлар, учбурчакка жойлашган 11,16,18,20 рақамлар учинчи ўринни ва тўртинчи айланага жойлашган доирадаги 7,10 рақамлар, учбурчакдаги 12,14,17 рақамлар номлари энг кам тилга олинган. Тўртинчи ўринни эгаллайдиган талабалар ҳисобланади.

Шундай қилиб социометрия усули орқали ҳар бир шахснинг ўз гуруҳи ёки жамоасидаги мавқеи, обрўси аниқланади. Шу тарзда гуруҳ аъзоларини ўрганишнинг таълим ва тарбия сифатини яхшилашда, меҳнат жамоаларидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда унинг самарадорлигини оширишда катта аҳамияти бор. Яна бир муҳим томони шундаки, гуруҳ ёки жамоадаги ҳар бир шахснинг ўз индивидуал онги ва кайфиятидан ташқари, уларнинг барчасига таълуқли бўлган гуруҳ онги ва кайфияти каби оммавий психологик ходисалар ҳам бор. Оммавий психологик ходисалар жамоа аъзоларини ягона мақсадга йўллашда, уларни умум манфаати учун хизмат қилишга чорлашда кучли таъсир воситаси сифатида намоён бўлади, жамоа аъзоларини жипслаштиради, ягона мақсадга буйсундиради. Табиийки, яхши кайфият жамоа аъзоларига кўтаринки руҳ бағишлайди, улранинг ижтимоий фалолиятини кучайтиради, айрим ваҳимали ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради, аммо руҳини тетиклаштиради, маънавий оламини эзгуликка йўналтиради, меҳнат қобилиятини оширади.

Шахснинг ижтимоий моҳияти у мансуб бўлган жамоа аъзолари билан турлича муносабатларда намоён бўлади. Чунки ҳар бир одам конкрет шахс сифатида одамлар қуршовида яшайди. Оилада, боғча ёки мактабда, олий ўқув юрти ёки иш жойида, қаерда бўлмасин, шахс одамлар гуруҳи, жамоа билан муносабатга киришади. Таъкидлаш жойизки, шахс муносабатга киришувчи гуруҳ ва жамоалар ҳамма вақт ўзгариб туради.

Аҳил жамоа жамият манфаатлари билан айрим шахс манфаатларини ўз ичига олади. Бир томондан, иноқ ва аҳил жамоа шахснинг ижтимоий бахт-саодати учун хизмат қилишини

унинг хулқ-атворининг юкори мезони қилиб қўяди, иккинчидан, шахсга энг юксак ахлоқий сифатларни сингдиради.

Психология фанида шахс ва жамоа ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик муаммоларига доир масалани атоқли рус педагоглари Н.К.Крупская, С.Т.Шацкий, А.С.Макаренко кабилар илмий жиҳатдан ёритишга муҳим ҳисса қўшдилар. Бу олимлар томонидан назарий ва амалий жиҳатлардан асосланган бу таълимот жамоанинг ғоят катта тарбиявий таъсир кучидан оқилона фойдаланишга асосланади.

Дарҳақиқат, жамоанинг ўз аъзоларига самарали тарбиявий таъсири шу жамоанинг ғоявий етуклиги, уюшқоқлиги ва жипслигига боғлиқдир. Шахснинг онглилиги, ғоявий ва ахлоқий етуклиги, эрки, мустақиллиги жамоадаги умумий ахлоқий муҳитга, онглилик даражасига ва умумий манфаатдорликка боғлиқ бўлади. Шундай экан, шахс ўзи мансуб бўлган жамоадаги турли хил муносабатларга дадил киришмоғи, ўз фаоллигини намоён эта олмоғи зарур.

Психологик жиҳатдан жамоа гуруҳлардан иборат бўлади. Гуруҳлар моҳият эътибори билан икки хилга бўлинади; 1. Шартли гуруҳ. 2. Реал гуруҳ.

Айрим белгиларга (ёш, жинс, миллий, касбий ва ҳ.к.) асосланиб, қисқа муддат мобайнида бирлаштирилган одамлар уюшмаси шартли гуруҳ ҳисобланади. Шартли гуруҳ аъзоси нима учун шу гуруҳга тушиб қолганлигини ўзи мутлақо билмайди. Шартли гуруҳнинг ички тартиб-интизоми, умумий қоидалари, жамоа олдидagi аниқ бурчи ҳам бўлмайди. Шартли гуруҳ аъзолари ўртасида иноқлик, ўзаро ёрдам, симпатик мазмундаги муносабатлар бўлмайди. Чунки улар аввалдан бир-бирлари билан танишган бўлмайдилар, уларнинг умумий мақсади ва манфаатдорлиги ҳам бўлмайди. Шунинг учун бундай гуруҳни бирлаштирган шарт амалга оширилгач, гуруҳ ҳам тугайди, тарқалади.

Аниқ мақсад, маълум муддат асосида уюшган, реал муносабатлар йўли билан бирлашган одамлар гуруҳи реал гуруҳ ҳисобланади. Оила, бир синф ўқувчилари, талабалар гуруҳи кабилар реал гуруҳлардир. Реал гуруҳ аъзолари ўртасида ҳақиқий ҳамкорлик, ўзаро самимий ҳурмат, илиқ муносабат мавжуд бўлади. Реал гуруҳ аъзолари ҳаммаси учун умумий бўлган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Реал гуруҳ жамиятнинг кичик бўлаги (қисми) ҳисобланади, жамиятнинг одоб-ахлоқ доирасида фаолият кўрсатади. Реал гуруҳ ижтимоий мақсадга эга бўлади.

Реал гуруҳ таркибида референт ёки эталон гуруҳ ҳам мавжуд бўлади. Референт ёки эталон гуруҳ аъзолари шундай одамлар йиғиндисидан иборат бўладики, улардаги фикр-мулоҳазалар, ғоялар, ишонч-эътиқод, дунёқараш, ахлоқий фазилатлар ўзаро уйғун бўлади. Мана шу уйғунлик уларни бирлаштиради ва умумий ҳаракатга йўллайди. Муҳим томони шундаки, референт ёки эталон гуруҳни ташкил этувчилар бу гуруҳга ўз хоҳишлари билан бирикадилар. Бундай гуруҳларнинг юзага келишида бошқа шахсларнинг роли бўлмайди.

Реал гуруҳни унинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар бошлиқ (лидер) бошқаради. Бу бошлиқ шу гуруҳ аъзолари ичидан сайланади ёки тайинланади. Айрим расмий ҳоллардагина четдан тайинланиши ҳам мумкин. Лидер зиммасига гуруҳга бошчилик қилиш, уни умумманфаатга йўналтириш, гуруҳнинг ички тизимида интизом ўрнатиш, гуруҳ аъзоларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш каби вазифалар юкланади.

Лидер гуруҳдаги ҳар бир кишининг бажарадиган вазифасини белгилайди, бажарилиши зарур бўлган иш учун жавобгарлигини таъминлайди, уларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаоллигини кучайтиради.

Реал гуруҳнинг ўз жамоаси олдидagi муваффақияти фақат лидернинг фаолияти билангина белгиланмайди. Гуруҳнинг ютуғини таъминлайдиган муҳим психологик жиҳат шахслараро ўзаро сиғишиш ёки сиғишмаслик масаласидир. Демак, ҳар бир реал гуруҳ ўзининг характер хислатлари билан бошқаларга (ўз гуруҳи аъзоларига) мос келадими, йўқми масаласини лидер биринчи навбатда ҳисобга олиши зарур. Чунки бу масаланинг лидер фаолияти учун ҳам, гуруҳ ҳаёти учун ҳам ғоят катта аҳамияти бор.

Гуруҳнинг муваффақияти учун унинг аъзолари характер хислатлари типи ва бошқа психологик хусусиятлари жиҳатидан ўзаро қовушадиган, сиғишадиган бўлишлари керак.

Агар гуруҳ аъзолари ўзаро қовушадиган бўлса, уларнинг хулқ-атвори бошқаларда ижобий реакция, қовушмайдиган бўлса, салбий реакция вужудга келтиради.

Социометрик усулни америкалик психолог Джон Морено кашф этган ва шахснинг гуруҳдаги мавқеини аниқлашда ундан кенг фойдаланган. Психолог М. Воҳидов қайд этганидек, социометрик усулни кичик жамоа ёки гуруҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишда қўлласа бўлади. Лекин жамоа ёки гуруҳ аъзолари бир-бирларини яхши билган тақдирдагина бу усулдан самарали фойдаланиш мумкин.

Гуруҳ, жамоа ва унинг турлари.

Гуруҳ - бу муайян белгига, масалан, синфий мансубликка, биргаликда фаолият кўрсатишнинг мумкинлигига ва унинг характериға, ташкил топиш хусуситлари ва шу кабилар асосида ажралиб турадиган инсоний умумийликдир. Гуруҳлар ўз белгиларига қараб катта ва кичик гуруҳлар деб фарқланади. Гуруҳлар реал (боғланган), шартли формал (расмий) ва неформал (норасмий) гуруҳларга бўлинади. Ривожланиш даражасига кўра ривожланган (буни жамоа деб аталади), етарли ривожланмаган ёки кам ривожланган гуруҳларга (уюшмаларга, бирлашмаларга, аралаш гуруҳларга) бўлинади.

Катта гуруҳ умумий макон ва замонда ҳаёт кечираётган анчагина одамларни ўз таркибига олган социал умумийликни ташкил қиладиган реал гуруҳлар шаклида бўлади. Бу асосан жамоа деб юритилади..

Катта шартли гуруҳлар баъзи белгиларига кўра(масалан, синфий, жинсий, миллий, ёки бошқа белгиларига кўра, масалан,намойишга чиққан одамлар гуруҳи) шартли гуруҳлар шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Катта шартли гуруҳга кирган кишилар ҳеч қачон бир-бирлари билан учрашмаган, танимаган бўлишларига қарамай бу хилдаги гуруҳга мансуб одамлар умумий социал ва психологик сифатларга эга бўлишлари мумкин.

Катта шартли гуруҳларни уларнинг умумий хусусиятлари фарқланиши натижасида гуруҳларда иш олиб боришнинг илмий асосланган стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради.

Кичик гуруҳлар- ҳамиша боғланган умумийлик бўлиб, унга кирувчи шахсларнинг ўзаро муносабатлар билан боғланганлигидир. Бу гуруҳлар расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Шунингдек, юридик жиҳатидан қайд этилган статусга эга бўлмаган, аммо таркиб топган шахслараро муносабатлар (дўстлик, хайрихоҳлик, ҳамжиҳатлик ишонч ва шу кабилар) тизимига биноан ифодаланадиган норасмий гуруҳлар бўлиши ҳам мумкин.

Расмий ва норасмий гуруҳларнинг айрим белгилари бир-бирига ўхшаб, ҳатто киришиб кетиши ҳам мумкин,яъни расмий ва норасмий гуруҳлар ўртасидаги чегаралар шартли ва нисбийдир.

Ҳар қандай гуруҳлардаги муомала ва фаолият шу гуруҳларга кирадиган одамларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган ҳамда уларнинг қадриятларини, идеалларини, эътиқодларини, дунёқарашини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Гуруҳий ривожланиш даражаси шахслараро муносабатлар шаклланганлигининг белгиси, гуруҳлар шаклланиши натижасидир.

Ривожланиш даражасига кўра гуруҳлар, ижтимоий йўналишдаги уюшмалар, аралаш гуруҳлар, ижтимоий йўналишга зид уюшмалар ва бирлашмалар деб фарқланади. Жамоа гуруҳий ривожланишнинг энг юксак шакли бўлиб, киши шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароит яратади.

Жамоа-шахслараро муносабатнинг, биргаликдаги фаолиятнинг ижтимоий қиймати ва шахсий жиҳатдан аҳамиятли бўлиши билан ўз ифодасини топадиган гуруҳдир. Жамоанинг қанчалик жипслиги, мустаҳкамлиги, кучлилиги унинг ўз-ўзини белгилаши аъзоларига қандай таъсир қила олиши, эътиқоди ва тамойиллари, анъаналари, биргаликда фаолияти мазмуни ва шакли билан белгиланади.

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ишчанлик ва шахсий фазилатларига, ўз статусига, яъни унинг гуруҳда тутган мавқеи ҳақида далолат берадиган, мустаҳкамланиб қўйилган ҳуқуқлари ва бурчларига, унинг хизматлари ва фазилатлари гуруҳ томонидан тан олиниши

ёки тан олинмаслигини акс эттирадиган ўз нуфузига биноан гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида муайян мавқеига эга бўлади.

Жамоа аъзолари ҳар доим кимнидир афзал кўриб, кимгадир эргашиб табақаланиб туради. Буни социометрия усули билан хуш кўришни аниқлаш ҳақида гапирган эдик. Жамоа аъзолари ҳар доим ўзларига алоҳида шахсни ёки кичик гуруҳни тадқиқ қилиш учун мезон-эталон қилиб олади, шундай мезон-эталон референт ёки референт гуруҳ деб аталади.

Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра ўзининг нуфузи ва статусининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан афзал кўрилган шахслар қатъий иерархия зинапоёси тарзида тартиби билан ўрин олади. Поғонанинг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жой олади.

Пешқадам-бу шундай шахси, гуруҳнинг қолган барча аъзолари ўзларининг манфаатларига дахлдор бўлган ҳамда бутун гуруҳ фаолиятининг йўналишини ва характерини белгилаб берадиган энг масъулиятли ечимларни қабул қилишга ҳақли деб ҳисобланадилар. Пешқадам гуруҳнинг энг муҳим муаммоларига энг кўпроқ даражадаги референтлик статусига эга бўлган шахсдир. Пешқадам социометрик –Юлдуз- бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Пешқадам расман гуруҳнинг раҳбари бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Жамоа мустаҳкамлиги унинг интеграциялашуви жараёнига боғлиқ. Жамоанинг интеграциялашуви жараёнига боғлиқ. Жамоанинг интеграциялашуви (алоҳида гуруҳларнинг бирга кўшилиши), яъни унда юз берадиган ички бирлик жамоадаги муносабатлар учун хос бўлган жамоани идентификациялаш (бир хилликка келтириш), чамаланган қадриятли бирлик сифатида жипслаштириш, биргаликдаги фаолият жараёнида муваффақият қозониш ва муваффақиятсизлик учун жавобгарликнинг юкланиши ва қабул қилиниши ҳодисаларида юз беради. Худди шу жараёнда шахснинг жамоадаги сиғишувчанлиги намоён бўлади. Гуруҳдаги сиғишувчанлик, жипслик коэффициенти, унинг шаклланишини тадқиқ қилиш ижтимоий психологиянинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади.

Шахснинг жамоада ва гуруҳда тутган ўрни, таъсирланиш ва унинг даражалари сингариларни социал психология ўрганади. Социал психология у ёки бу социал алоқада намоён бўладиган шахс онги ва фаолиятини, шунингдек, мазкур алоқаларнинг ўзини: яъни уларнинг пайдо бўлиш сабабларини, тузилиши ва ривожланиши (мустаҳкамланиши) босқичлари ва даражалари, инқирози сабабларини ўрганади. Одамлар уюшмасидаги асосий бирлик бу одамлар бевосита бошқа кишилар билан алоқага киришадиган ва ўзининг социал моҳиятини ифода этадиган гуруҳдир. Буни кичик гуруҳ деб аталади. Уларни реал (алоқага киришадиган) ва шартли кичик гуруҳларга ажратиш расм бўлган. Реал одамлардан ташкил топган биринчи гуруҳ (мактабдаги синф ўқувчилари, талабалар гуруҳи, ишлаб чиқариш бригадаси ва ҳоказолар) худди тирик организм сингари ҳаракатда бўлади. Шартли гуруҳ фақат номинал тарзда, рўйхатлардагина мавжуд бўлади. Уларнинг аъзолари вақт ва фазо орқали бир бирлари билан бирлашмаган ва бир бирлари билан алоқага киришмаган бўлади. (Масалан, бир хил номдаги олий ўқув юртининг қайсидир факультети талабалари, масалан математика факультетининг, технология факультетининг талабалари ва ҳоказо.)

Реал гуруҳлар расмий (формал) ва норасмий гуруҳларга бўлинади.

Одамларни уюштиришнинг юксак шакли - жамоадир. Жамоа - бу умумий мақсадлар ҳамда биргаликда амалга оширилаётган фаолиятнинг бир-бирига яқин бўлган мотивлари орқали бирлаштирилган, жамиятнинг бир қисmini ташкил этган, мазкур жамият мақсадларига бўйсундирилган одамлар уюшмасидир.

Гуруҳ ва жамоаларда одамларнинг бир бирига таъсири турли воситаларда амалга ошади. Энг муҳими – мулоқотдир. Нутқ ва имо-ишора орқали бир бирини маъқуллаш ёки қаршилик кўрсатиш, кучларни бирлаштириш ёки эътироз билдириш сингарилар бўлиши мумкин

Назорат учун саволлар:

Шахсга таъриф бериг?

Шахс ва унинг жамоада тутган ўрни ?

Гуруҳ нима, унинг қандай турлари мавжуд?
Ижтимоий гуруҳнинг типологиясини айтинг?
Шахс шаклланишидаги психологик-педагогик масалалар ўрни?
Шахсни мулоқот усулларига ўргатиш ҳақида тушунчангиз?

6-МАВЗУ: Фаолиятнинг психологик таҳлили. Эҳтиёжлар.

Мавзу режаси:

Кириш.

1. Фаолият ҳақида тушунча.

2. Кишиларнинг меҳнат фаолияти ва унинг инсон онги тарақиётидаги роли.

3. Фаолият турлари.

4. Инсон шахсининг фаоллиги.

5. Chet el psixologlari adabiyotlarida o'qish motivasiyasi muammosi

Фаолият шахс билан муҳит ўртасидаги муайян йўналишга эга бўлган ўзаро таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, бу жараён давомида одам ўз олдига онгли равишда аниқ мақсад қўяди ва унга эришади.

Одам фаолиятининг психологик элементи иш бажариш бўлиб, иш бажариш жараёни туфайли одам ўз муҳитига фаол таъсир этади ва олдига қўйган мақсадини рўёбга чиқаради. Ҳар қандай иш фақат ҳаракат орқали амалга ошади, ҳаракат-фаолият ишни реалликка айлантиради.

Шахсдаги барча психик жараёнлар ва психологик хусусиятлар унинг турли-туман фаолиятлари давомида намоён бўлади.

Одам учун энг муҳим сифат ҳисобланувчи онглилик фаолият жараёнида таркиб топади ва шу жараёнда ривожланиб, такомиллашиб боради. Меҳнат фаолиятида онг юзага келади, ўз навбатида, онг одамнинг ишлаб чиқариш фаолиятини янада унумли ва махсулдор қилади. Шу тариқа фаолият инсон онги ривожига, инсон онги эса фаолият равнақига таъсир кўрсатади. Шунинг учун инсоннинг онги унинг фаолияти билан ҳаммавақт узвий алоқададир. Инсон онги билан фаолияти ўртасидаги доимий алоқа онг билан фаолият бирлиги тамойилига асос ҳисобланади.

Психология фанидаги онг ва фаолият бирлиги тамойилига кўра, онг билан фаолият бир бутунликни ташкил этади. Онг фаолиятнинг ички режаси, дастури вазифасини ўтайди.

Одам онгида ташқи муҳит билан алоқа қилишнинг динамик моделлари яратилади. Ана шу моделлар инсон фаолияти асоси бўлиб, булар ёрдамида одам ўзи мансуб бўлган ижтимоий муҳит билан муносабатга киришади. Онг ва фаолият бирлиги психологиянинг хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат ва фаолиятни ўрганиш орқали бу ҳаракатлардан кўзланган мақсадга эришишни таъминловчи объектив қонуниятларни очишга имкон беради.

Психологик қонуниятларга кўра, ҳар қандай инсон фаолияти маълум мотивлар (ички талаб, истак, ҳаракат) асосида юзага келади. Инсон фаолиятини юзага келтирувчи сабаблар одамлар турли-туман эҳтиёжлари, қизиқиш ва мақсадларидир. Иккинчидан, инсон фаолияти анланган мақсад, ижтимоий бурч, ижтимоий талаблар тақозоси билан ҳам юзага келади. Шунини ҳам айтиш керакки, одам ҳамма вақт ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учунгина бирон фаолиятга киришмайди. У кўпчилик ҳолларда жамият талабларини, ижтимоий бурчини бажариш мақсадида фаолиятга шайланади ва фаоллик кўрсатади. Бу билан шахс ўзининг меҳнатсеварлигини ва фаолиятининг ижтимоий моҳиятини намоён этади.

Фаол фаолият туфайли одам ташқи олам билан муносабат боғлайди, ташқи муҳитдаги нарсаларга, бошқа шахсларга таъсир қилади, ўзининг ички хусусиятлари, субъективлиги, шахслик моҳиятини юзага чиқаради. Одамнинг ташқи оламга таъсири ва уни ўзгартириши ҳам унинг фаолияти натижасидир.

Турли даражадаги ҳаракатларга асосланган одам фаолияти ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ маҳсулга эга бўлади. Масалан, талабанинг лекция жараёнидаги фаолияти шу лекция мазмунидан кўзда тутилган билим миқдорини ўзлаштиришдан иборат бўлади.

Одамнинг фаолияти ёшлик давридан бошлаб бутун инсоният тажрибаси билан белгиланади. Фаолияти ёрдамида одам ўзи мансуб бўлган муҳитни ўзига бўйсундиради, уни ўз эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартиради. Шундай қилиб, одамнинг фаолияти билиш ва иродага асосланади.

Республикамизда психология фани тараққиётига катта ҳисса қўшган марҳум М.Воҳидов одам фаолиятига қаратилган ҳаракатларни қуйидаги уч содда элементдан ташкил топган деб ҳисоблайди ;

“Олмоқ”.

“Жойини ўзгартирмоқ”.

“Қўйиб юбормоқ”.

Бу уч элемент турли ҳаракатларда ўз йўналиши, давомати, кучи, тезлиги, темпи, аниқлиги, тўғрилиги, чакқонлиги ва мослиги билан характерланади. Бу ҳаракатларнинг барчаси одамнинг танаси, қўллари, оёқлари ва боши билан қилинадиган ёрдамчи ҳаракатлар билан биргаликда амалга оширилади ҳамда фаолият мақсади, бу мақсад йўналтирилган нарсаларга хос хусусиятлар ва бажарилиши лозим бўлган иш шароити билан боғлиқ бўлади.

Шахс фаолияти жараёнларининг физиологик қонуниятларига кўра, фаолиятни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар организмга турлича таъсир ўтказади. Одам организмидаги мускулларнинг иши фақат бевосита вазифалари билан белгиланиб қолмай, ана шу ҳаракатлар амалга ошириладиган шароит билан ҳам бошқарилади. Мускуллар кўтарилаётган оғирлик миқдорига, итариб юбориладиган буюм қаршилигига, пайлардаги ричагларнинг қайтариш кучига ўз фаоллигини мослаштиради, бунинг натижасида ҳаракатнинг белгиланган йўналиши ва тезлигини таъминлайди.

Инсон фаолиятининг муҳим томони шундаки, одам у орқали табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни билиб олади, бошқа одамлар билан мулоқот орқали ўзини шахс сифатида намоён қилади. Ана шу икки ҳолда ҳам одам фаолияти тузилиши жиҳатидан жуда мураккаблиги кўзга ташланади. Шахснинг фаолияти бир қанча амаллар ва ҳаракатлардан иборат бўлади. Фаолият таркибини ташкил этувчи ҳаракатлар ва амаллар шахс томонидан англланган ҳам, англланмаган ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳол одамнинг ёши ва масъулияти билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, катта ёшли одам бирор фаолиятга киришишдан олдин унинг натижасини, мақсадини англайди. Ёш болаларда эса бундай хусусият бўлмайди.

Шуни ҳам назарга олиш лозимки, фаолиятни амалга ошириш усуллари шахс онгининг минимал иштироки билан бажарилади, чунки фаолият жараёни шахсда ўша соҳани кўп марта такрорлаш туфайли автоматлашган малакаларга айланган бўлади. Аммо фаолиятнинг мақсади бир хил бўлиб, объекти ҳар хил бўлса, ҳаракатлар тизими ҳам турлича бўлади.

Маълумки, ҳар бир шахснинг ўзига хос ички олами бор. Бу ички дунё (маънавият) хилма-хил тасаввурлар, тушунчалар, тинчликларга тўла бўлиб, чексиз ва чегарасиздир. Одамнинг маънавий олами мазмуни у дунёга келган кундан бошлаб турли-туман нарса ва ҳодисаларнинг таъсири ва бошқа одамлар билан муносабатлар туфайли ривож топа боради.

Шу нарса аёнки, ташқи оламдаги нарсалар билан қилинадиган фаолиятга (интериоризация) ва ички ўйланган нарсаларнинг ташқи фаолиятига (экстериоризация) ўтиши ҳоллари ҳам мавжуддир. Демак, одам ҳар бир нарсани аввал ўйлаб, сўнгра амалга оширади, бошқа шахслар билан муносабатлари орқали нутқ ағаллайди.

Шундай қилиб, одам фаолиятининг тузилиши жуда хилма-хил ва ўта мураккаб бўлиб, фақат субъектив моҳиятдан иборат эмас. Одам фаолияти ўзи яшаб турган жамият манфаатларини ифодалайди ва унинг талабларига бўйсунди. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, одам фаолиятига қуйидагича психологик таъриф бериш мумкин; “Одамнинг аниқ мақсадга йўналтирилган руҳий (ички) ва жисмоний фаоллиги фаолият деб айтилади”.

Таърифдан кўриниб турибдики, одам фаолияти ҳамма вақт бошқа шахслар билан муносабатлар тизимидан иборат бўлади. Демак, у ёки бу шахс фаолиятининг рўёбга чиқиши

бошқа одамлар билан ҳам боғлиқ бўлади ва улардан ҳам фаоллик талаб қилади ҳамда улар тақдири учун ҳам аҳамиятлидир.

Шахснинг яратувчилик ва бунёдкорликка асосланган фаолияти кўпқиррали моҳиятга эга бўлади, фаолият соҳибидан бошқа шахслар билан ўзаро алоқа қилиш, ёрдамлашиш, жамоатчилик, ҳамжиҳат бўлишни талаб этади. Ана шундай умуммеҳнатнинг натижасидан халқ, жамият мулки юзага келади ва бу ҳол фаолият соҳибининг халқ ва жамият олдидаги обрў-эътиборини таъминлайди. Фаолиятнинг ижтимоий моҳияти туфайли инсон нутқи юзага келади, ривожланади, онг юксалади.

Инсон фаолияти унинг ёши билан боғлиқ ҳолда қуйидаги уч турга бўлинади;

Ўйин фаолияти.

Ўқиш (таълим олиш) фаолияти.

Меҳнат фаолияти.

Ўйин фаолияти ёшлик даврига - болаликка хос фаолият тури ҳисобланади. Фаолиятнинг бу тури катта ёшдаги одамларда ҳам бор. Лекин катта одамларда ўйин фаолиятининг моҳияти бошқачадир. Болаликка хос ўйин фаолияти бола шахсини ақлий ва жисмоний жиҳатдан камолга етказувчи ғоят муҳим воситадир. Ўйин жараёнида боланинг руҳий оламида жиддий ўзгаришлар юз беради. Чунки ўйин шу қадар муҳим, кўп қиррали ва қудратли фаолиятдирки, боланинг равнақи учун унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Машҳур рус психологлари Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Д.Б.Эльконин ва ўзбек психологи М. Воҳидов болаларга хос ўйин фаолияти ҳақида қимматли тадқиқотлар олиб борганлар. Бу жиҳатдан М.Воҳидовнинг миллий ғоя билан суғорилган асарлари айниқса диққатга сазовордир.

Олимнинг уқтиришича, боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофидаги нарсалар ва ҳодисалар дунёси ҳам кенгайиб боради. Боғча ёшидаги болалар ҳаддан ташқари қизиқувчан ва ўз атрофидаги ҳамма нарса ва ҳодисаларни билишга интилувчан бўладилар.

Машҳур рус педагоги Н.К.Крупская айтганидек, Ўйин бола учун табиий эҳтиёж ҳисобланади. Ўйин фаолияти болани ташқи муҳит билан боғлайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, болалардаги хилма-хил ўйинлар жараёнида бажариладиган ҳаракатлар катталарнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги ҳаракатларига тақлиддан иборат бўлади. Шунга қарамасдан, болаларнинг ҳамма ўйинларини фойдали деб бўлмайди. Шунинг учун болаларнинг ҳар қандай ўйин фаолияти катталарнинг йўл кўринишига асослангани ва улар томонидан назорат қилиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Психологик тадқиқотларнинг гувоҳлигича, болаларнинг ўйин фаолияти уларнинг руҳий ва жисмоний чиниқишлари учун муҳим воситалардан биридир. Дарҳақиқат, катта одамлар учун меҳнат фаолияти нақадар зарур бўлса, болалар учун ўйин фаолияти шунчалик зарурдир.

Болаларга хос ўйин фаолиятининг доимийлиги ва давомийлигининг психологик моҳияти шундаки, улар турли ўйинлар жараёнида ўзларида меҳнат кўникмаларини ҳосил қиладилар. Иккинчидан, ўйин фаолияти давомида уларда умуминсоний кадриятларга асосланган юқори ахлоқий сифатлар шаклланади.

Ўйин жараёнида болалардаги психологик имкониятлар даражаси намоён бўлади ва бу даража тараккий этаверади. Бунинг маъноси шуки, фаолият туфайли болалар ўзлари яшаб турган оламни идрок қиладилар, уни ўзгартириш йўлларини ўрганадилар. Чунки ўйин болалар учун кўп қиррали мураккаб ақлталаб ҳаракатлар тизимини талаб қилувчи фаолиятдир.

Боланинг ўйин фаолиятида унга хос меҳнат, санъат, хаёл, тафаккур, ирода, малака, кўникма ва одатлар каби руҳий жараёнлар ва унинг индивидуал хусусиятлари тўла мужассам бўлади. Бола учун ўйин ташқи оламни билишдан ташқари, қудратли тарбия воситаси ҳамдир.Швейцариянинг машҳур психологи Жан Пиаженинг фикрича, болалар воқеий (реал) дунёдан ташқари хаёллар, афсоналар дунёсида ҳам яшайдилар. Лекин улардаги турли-туман ҳаракатлар ва нарсалар турмушда мавжуд бўлган реал нарсаларнинг тимсолларидир. Сергак, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан етук болалар ў ўйинларида хаёлий тимсоллар ҳам яратишлари

мумкин. У ҳол боланинг ҳаёти мазмундорлиги, яшаш доирасининг кенглиги ҳамда унга берилаётган тарбиянинг сифатига ҳам боғлиқ бўлади.

Шахснинг болаликдаги ўйин фаолияти инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли сифатида ёш авлодни таълим фаолиятига тайёрлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Табиийки, шахс аجدодларнинг ижтимоий тажрибасини бирданига ўзлаштира олмайди. Ўз авлодининг ўтмиш урф-одати, анъана ва тажрибасини ўзлаштириш ҳар бир шахсдан етарли даражада малака, кўникма тушунчаларни ҳамда маълум даражада нутқ эгаси бўлишни талаб этади. Ана шу жараёнлар учун етакчи восита шахснинг болалик давридаги ўйин фаолиятидир. Демак, ўйин фаолияти негизида бола ўзини таълим фаолиятига тайёрлайди.

Таълим фаолияти туфайли шахс билим, ҳаракат ва амалларни ўрганади, турмуш воқеа-ҳодисаларини таҳлил ва умумлаштириш йўли билан идрок қилади.

Таълим фаолиятининг психологик жиҳатлари шундаки, шахс бу фаолият туфайли жамиятга ва табиатга тааллуқли билимларни ўзлаштириш усуллари ва шарт-шароитларини билиб олади, ўзида бу борадаги малака ва уқувларни ҳосил қилади. Шунинг учун шахснинг маълум билимлар, тушунчалар тизими, кўникма ва малакаларни онгли мақсад билан бошқарадиган барча ҳатти-ҳаракатлари таълим фаолиятининг маҳсулидир.

Таълим фаолияти олий зот - инсонгагина хос бўлиб, кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида ўз ичига билимлар, тушунчалар, малакалар, одатлар ва уқувлар кабиларни олади. Билим шахснинг объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни билиб олишга қаратилган тасаввурлари ва тушунчаларидан келиб чиқади. Билим билиш маҳсули бўлиб, тарихий тараққиёт давомида ўзгариб боради, янги билимлар билан тўлдирилади, тобора чуқур, аниқ ва равшан бўлиб боради.

Шахснинг билими воқеа-ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини пайдо бўлиши, ўзгариши ва ривожланишини кўрсатади, воқеалар ўртасидаги ўзаро ички боғланишларни очиб беради.

Ҳозирги вақтда илмий ва диний билимлар ғоят тез суръатлар билан ўсмоқда. Табиат ва жамият ҳақидаги эскириб қолган тасаввурлар ўрнига янги тасаввурлар, тушунчалар пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси шахснинг билиш фаолиятида ўз аксини топмоқда. Шундай экан, шахснинг таълим фаолияти маълум шахслар томонидан аниқ мақсад асосида ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади.

Таълим фаолиятининг мақсади инсон шахсини ижтимоий фойдали меҳнатнинг турли соҳалари учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантиришдир. Бу фаолият одамни турли-туман меҳнат соҳаларига мос равишда ўз ҳатти-ҳаракатларини ва руҳиятини бошқара олишга ҳам тайёрлайди. Шу туфайли шахс маълум муддатга мўлжалланган таълим (ўқиш) фаолияти орқали ўзини инсон яшаши энг зарур бўлган омил - бир умрлик меҳнат фаолиятига тайёрлайди. Табиийки, инсон ўз ҳаётининг маълум пайтидан сўнг меҳнат фаолиятисиз яшай олмайди. Шу сабабли меҳнат фаолияти ўйин ва ўқиш фаолиятига нисбатан одамнинг яшашини таъминловчи энг муҳим психологик фактор сифатида алоҳида аҳамиятга моликдир. Чунки меҳнат фаолияти туфайли одам моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаради. Жамиятнинг моддий ва маънавий ривожига ўз улушини қўшади, ўзининг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий эҳтиёжларини қондиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, шахс доимо фаолиятда бўлади ва шу турли-туман фаолият жараёнида унинг фаоллиги юзага чиқади. Шахснинг фаоллиги унинг ўз муҳитига таъсири ёрдамида амалга ошади. Одам ўзининг фаол ҳаракатлари орқали ўз теварак-атрофига таъсир қилиб, уни ўзига бўйсундиради, ўзгартиради ҳамда ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, шахснинг фаоллиги унинг индивидуал-психологик хусусиятлари - қобилияти, қизиқишлари йуналиши, дунёқараши, ишонч-эътиқоди ва эҳтиёжларида ҳам намоён бўлади.

Австралиялик психолог З.Фрейд (1856-1939) фикрича, шахс фаоллиги унинг аجدодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларининг намоён бўлиши туфайлидир. Бу таълимотга мувофиқ инстинктив майллар жинсий инстинктлар шаклида бўлади. Бу билан

Фрейд шахс фаоллиги манбаи жинсий майллардир, деган ғояни олға суради. Аммо, бу ғоя ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки жамият талаблари, ундаги жамоавий ҳаёт шахснинг инстинктив майлларини тартибга солади, чеклаб қўяди ва одамни ўз жинсий майлларини тийишга мажбур этади.

Психологик қонуниятларга мувофиқ тийиб қўйилган майллар одам бош миясининг онгсизлик қисмига ўтади ва бу қисмдаги ҳар турли “комплексларга” бирлашади. Фрейд бу “комплексларнинг” намоён бўлишини инсон шахси фаоллигининг асосий сабабидир дейди. Кўриниб турибдики, Фрейднинг бу фикри ҳам инсон шахси фаоллигини таъминловчи манбалар ҳақидаги илмий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Илмий психологик таълимотга кўра, инсон шахси фаоллигининг асосий манбаи унинг эҳтиёжлари бўлиб, бу эҳтиёжлар одамни маълум сифат билан ҳаракат қилишга, фаоллик кўрсатишга ундайди. Шахснинг моддий эҳтиёжлари - ейиш, уйку, ичиш, иссиқ-совуқдан сақланиш, кийим-кечак, уй-жой кабиларнинг қондирилиши фақат унинг ҳаракатларига боғлиқ бўлади ва бу эҳтиёжлар қондирилмаса, одам ўз ҳаётини давом эттира олмайди.

Шахсни фаолликка ундовчи яна бир сабаб унинг маънавий эҳтиёжлари - бошқа одамлар билан мулоқот, билим олиш, китоб ўқиш, ашула, музика тинглаш, кино, спектакль кўриш кабиларни қондиришга йўналтирилган ҳаракатлардир. Агар бу эҳтиёжларнинг ҳар бири ўз ўрнида қондирилмаса, шахс етук инсон сифатида ўзини намоён қила олмайди, тараққиётдан орқада қолади.

Мустақил Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахсга хос бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамиятимиз томонидан қабул қилинган умумхалқ қоидаларига асосланади. Республикамизда ҳалол меҳнат қилиш, элим деб, юртим деб, халқим деб яшаш учун интилиш соф виждонли ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида бундай дейилади; “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”.

Умумий психология қоидаларига мувофиқ инсон шахси фаоллиги маълум мотивларга (сабабларга) асосланади. Шахсда моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг турли кўринишлари билан боғлиқ бўлган жуда кўп мазмунли мотивлар борки, бу мотивлар уни ҳамиша ҳаракатга ундайди.

Бу ҳаракатлар жараёнида шахс нафақат ўз эҳтиёжларини қондиради, балки ўзидаги барча психологик сифатларнинг ҳар жиҳатдан мукаммаллашувига ҳам эришади, ақлий ва жисмоний камолотга кўтарилади.

Шахс сифатида танилмоқ учун одам психик камолотнинг муайян даражасига эришмоғи ва ўзини бошқалардан фарқ қилиб турадиган бир бутун вужуд деб билмоғи лозим.

Психологик жиҳатдан шахс деганда муайян қарашлар ва муносабатлари мавжуд бўлган, ўзининг ахлоқий талаблари, фаоллик даражаси ва бошқа муҳим хислатлари билан ажралиб турувчи инсон тушунилади.

Шахснинг таркиб топишида таълим-тарбия, ижтимоий муҳит, фаол фаолиятдан ташқари, табиий шарт-шaroитнинг ҳам катта аҳамияти бор. Дарҳақиқат, одам ҳамиша табиатни билишга интилади, ундаги янги-янги қонуниятларни кашф этади ва табиий ҳодисаларни ўзига хизмат қилишга мажбур этади. Жамият тараққиёти одам меҳнат фаолиятининг узлуксиз тараққий этиш ва такомиллашиш жараёнидир. Бу жараён ўз навбатида одам шахсий сифатларини таркиб топтириб, такомиллаштиради, унда янги мазмундаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилади, қизиқиш ва эҳтиёжларни вужудга келтиради.

Давр шахсининг таркиб топишида унинг ўзи алоҳида фаоллик кўрсатишига жиддий эътибор бермоқ зарур. Шахснинг психологик тараққиётини таъминлайдиган манбалар ва воситалар тўғрисида, айниқса, шахснинг камолга етишида табиий, ирсий ва ижтимоий нисбатлар тўғрисида миллий психологик ғояларнинг муҳим амалий аҳамияти бор.

Миллий психологик таълимотга биноан одам табиатнинг бир қисми бўлиб, тирик мавжудот сифатида махсус табиий ва ҳаётий кучларга эгадир. Бу кучлар шахснинг таркиб топишида

муайян роль ўйнайди. Шуни ҳам ҳисобга олмоқ зарурки, ирсий куртаклар ноқулай ижтимоий шароитда нотўғри тарбия таъсирида мутлақо камол топмай келади.

Chet el psixologlari adabiyotlarida o'qish motivasiyasi muammosi

Ta'lim-tarbiya jarayonida o'qish motivasiyasining o'rni butun dunyo olimlari tomonidan tan olingan va har tomonlama o'rganilgan. O'quv samaradorligini oshirishda o'quv motivasiyasining rolini chet el olimlari o'z tadqiqotlarida tadqiq qildilar. Shu nuqtai nazardan turib, qo'zg'atuvchilardan tashqarida sodir bo'ladigan xatti-harakatlarni tushuntirish bo'yicha bir talay modellar ishlab chiqilgan bo'lib, ularni ko'rib chiqish ichki motivasiyaning mexanizmlarini tahlil qilishda qo'l keladi. Shunday modellardan birini Ollport (1937, 1955, 161) taklif qiladi. Ollport ichki motivasiya bilan bog'liq bo'lgan uchta motivasion tushunchalarni tahlil qiladi; funksional avtonomiya, yetarli darajadagi harakat va «Men»ning jalb kilinganligi. U funksional avtonomiya tamoyilini faoliyat dastavval boshqa sabab bo'yicha paydo bo'lishi mumkin bo'lgan holda, o'zi uchun maqsadga aylanishi holatini tushuntirish uchun kiritadi.

Torndayk o'quv masalalari bo'yicha ikkita kitob e'lon qilgan: «insonda o'quv jarayoni» (1931 yilda rus tiliga tarjima qilingan) hamda ingliz tilidagi «O'qish asoslari» (1932) kitobi.

Uning «Insonda o'quv jarayoni» kitobi ikki bo'limdan iborat. Birinchi bo'limda Torndaykning ko'p sonli eksperimentlari (tajribalari) yoritilgan bo'lib. Ikkinchi bo'limda uning o'quv jarayoni to'g'risidagi fikr-mulohazalari berilgan.

Torndayk tajribalarining alohida tomoni ularning juda tor va cheklangan xarakterga ega ekanligidadir: ular real o'quv jarayoni bilan juda oz darajada bog'langandir.

Amerikalik mualliflar ko'proq o'quv jarayoni anglab yetilgan motivlari bilan emas, balki ayrim jihatlari kamroq fahmlanadigan ko'rinishda bo'lib, o'quv jarayoniga mayl-istak uyg'otadigan muammo o'qishni motivlashtirish masalalari bilan shug'ullanadilar. Bunday ilmiy ishlarning mualliflari, masalan, o'quvchining sonlarni yodlashiga, alohida hatti-harakatlariga qaysi psixologik jihatlar ta'sir ko'rsatishlarini o'rganadilar va shu yo'l orqali motivlashtirishning ayrim komponentlarini aniqlashga harakat qiladilar. Bu sohada ular Torndaykning izdoshlari hisoblanadilar.

Torndayk o'quv jarayonini shunday ta'riflaydi: «O'quv jarayoni u yoki bu javob reaksiyasining ma'lum holati bilan muayyan bo'shliqlikda, ya'ni ushbu reaksiya hamda vaziyat o'rtasida ma'lum aloqa o'rnatilishi bilan izohlanadi.

Torndayk kishi o'zi hohlagan reaksiyaning takrorlanishiga nisbatan ruyxushlikning hamda o'zi hohlagan reaksiyaga nisbatan bo'lgan maylsozlikning ta'sirini o'rganishga harakat qiladi va shunday xulosaga keladi: «Bir xil sharoitda yuzaga kelgan jazolash omillari rag'batlantirish omillaridan ancha bo'sh va kuchsizdir». Keyingi kitobida esa: «Rag'batlantirish umuman o'ziga eltuvchi barcha aloqalarni yoqlash va kuchaytirish an'anasiga ega, jazolash esa tez-tez (lekin har doim ham emas) aloqalarni muayyandan noaniqqa o'zgartirish xususiyatiga egadir», -deb yozadi.

Shunday qilib, o'qish nazariyasida Torndayk uchun ijobiy hamda salbiy mustahkamlash haqidagi masala asosiy jihat bo'lib hisoblanadi. O'z tekshirishlaridan kelib chiqib, Torndayk real inson turli rejadagi o'z ehtiyojlari hamda talablari orqali amalga oshiradigan, uzoq vaqt davom etadigan jarayon hisoblangan o'quv jarayoniga aloqador bo'lgan umumiy tarzda xulosalarga keladi va bu xulosalar, albatta, motivlashtirish nuqtai nazaridan mustahkamlashning alohida bitta tizimiga sig'maydi.

Bruner ham o'qishni motivlashtirish masalasiga Torndaykdan boshqacha qaraydi.

«O'quv jarayoni» nomli izlanishlarida Bruner o'quvchining real, yetarli darajada uzoq davom etadigan o'qish jarayoni tufayli tuqiladigan amaliy va nazariy muammolarni izohlashga harakat qiladi. Bruner yoki o'qishni motivlashtirish, yoki o'qish jarayoniga nisbatan o'quvchilarning moyilligini orttiruvchi omillar haqida emas, balki uning bilan birga, o'quvchining motivlari haqida ham fikr yuritadi. Garchi uning fikrlari umumiy xarakterda bo'lsa ham, ulardagi ayrim yo'nalishlar diqqatga sazovordir. Bu birinchi galda, o'qish jarayonida bilish xarakteridagi motivlarning ahamiyati va yangi narsani bilishdan paydo bo'ladigan ichki qanoat hissi, himoya masalalarining qo'yilishidir.

Ta'lim berishda rag'batlantirish va jazolashning roli haqida juda ko'p yozilgan, lekin «yangilikni ochish»da qiziqishning, ichki kechinmalarning ahamiyati haqida juda kam gapirilgan. Agar biz pedagog sifatida bolalarni borgan sari kattaroq o'quv mavzularini egallashga o'rgatishni istasak, aftidan, o'quv dasturini puxta maydalab o'rganishda ko'proq ichki «rag'batlantirishni» qo'llashimiz lozim. Keyingi paytlarda muhokama etilayotgan predmetning murakkab bo'limlarini o'rganish usullaridan biri shundaki, o'quvchilarning imkoniyatlari hisobga olinsin, ularning o'z qobiliyatlari va kuchlarini yetarli darajada sarflay olishlari uchun sharoit yaratilsin, toki ular samarali mehnat faoliyatidan qoniqish hosil qilsinlar. Tajribali pedagoglar bunday mehnat gashtining kuchini yaxshi biladilar. Biron-bir muammoni hal qilishga chuqur sho'ng'ib ketgan kishi nimalarni his qilishini o'quvchilar bilishi lozim.

Murakkab o'quv materialini o'zlashtirishda ichki motivning moyillik uyg'otuvchi kuch sifatidagi ahamiyati haqida Bruner shunday deb yozadi: «Shubhasiz, masalan, mavzu o'rganilishi jihatidan qanchalik davomli va materiali jihatidan keng bo'lsa, o'quvchi shunchalik ko'p intellektual «rag'batlantirish» olishi kerakki, ana shunda u keyingi mavzuni yetarli qiziqish bilan o'rganishga kirishadi. O'quvchi uchun materialni u qadar chuqur tushunmaslik, deylik, navbatdagi sinfga ko'chish singari tashqi jihatlar rag'batlantirish bo'lib xizmat qilgan hollarda, navbatdagi bilimlarni egallash uchun bo'lgan intilish bola sinfdan-sinfga kuchishni tark etganda, ya'ni maktabni tugatganda to'xtaydi».

Bulardan tashqari, o'rganish predmeti sifatida yangi-yangi mavzular olindi.

Shu munosabat bilan E.Keronning «Yutuqni qo'lga kiritish va undan uzoqlanish motivlari epistemik hulq-atvorning dastlabki aniqlashtiruvchi qismi» nomli ishiga to'xtalish mumkin. Muallif «Epistemik hulq-atvor» terminini qo'llaydi va bu orqali individning o'qish, ma'ruzalar tinglash, masalalarni to'g'ri qo'yish jarayonlarida o'z faolligini oshirishni tushunadi.

Bunday hulq-atvor turli tartibdagi motivlar bilan aniqlanadi. Bu motivlar bevosita buimni egallash maqsadida nisbatan tashqi motivlar shaklida bo'lishi mumkin. Bunga misol qilib o'z ishi uchun yaxshi baho olishga, obru qozonishga nisbatan bo'lgan intilishlarni ko'rsatsa bo'ladi.

O'quvchining ta'limini motivasiyalash va diagnostika qilish haqida fikr yuritgan olimlar G.Levald (1985) va G.Rozenfeldlarning fikricha, bu ish amalga oshiriladigan vaziyatni ham hisobga olish kerak, chunki bu ta'lim motivasion diagnostikasi uchun muhimdir.

G.Levald (1985) ta'lim diagnostikasi vaziyatni, yo'nalishni hisobga oladigan yoki tabiiy sharoitga mos bo'lishi lozim, -deydi. Masalan, rag'batlantiruvchi material haqiqiy hayotga mos kelishi lozim, chunki sun'iy shart-sharoit, muhit shaxsiy xususiyatlarning yuzaga chiqishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Vaziyat nazariyasini diagnostika qilish vazifalarini tadbqiq qilgan G.Rozenfeld (1975) ko'rsatadiki, vaziyat atrof-borliqning vaqtinchalik va fazoviy tavsifidir va u subyekt bilan obyektning integrasiyasi tomonidan belgilanadi.

Bu vaziyatda subyekt faoliyatining turli toifalarini yuzaga chiqara oladi. Buning ustiga, aynan vaziyatlar faoliyatga mazmun bag'ishlay oladi. Vaziyat eng kamida 2006-2007 o'quv yili tomondan tavsiflanadi: maqsad, obyekt, predmet, bilish, usul, chegaralanish (makon), vaqt, hulqning ijtimoiy qoidasi. Bu tavsiyalar asosida diagnostika qilish paytida maktab, oiladagi aniq vaziyatlar ajratiladi. Masalan, maktabda qo'yidagi vaziyat turlari ajratiladi: tanaffus, dars, nazorat ishi: ular o'zlariga, o'quvchi hulqiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. G.Rozenfeld vaziyatni yanada tadqiqi qilish vazifalari sifatida vaziyatning ilmiy turlarini ajratish zarurligini ko'rsatadi.

G'arb psixologiyasida motivasiyasining ikki xil ko'rinishi va ularning o'ziga xos belgilari haqidagi masala chuqur o'rganilgan. Bular ekstrinsiv (tashqi shart-sharoitlar va holatlarga bog'liq bo'lgan holda paydo bo'ladigan) va intrinsiv (shaxs dispozitsiyalari bilan ehtiyojlar, ustanovkalar, qiziqishlar, mayllar, istaklar bilan bog'liq bo'lgan holda paydo bo'ladigan) motivasiyalar. Bu yo'nalishdagi munozaralar X.Xekxausenning «Motivasiya i deyatelnost» kitobida o'z aksini topgan. X.Xekxausen intrinsiv va ekstrinsiv motivasiyasining turli xil konsepsiyalarini olti turini farqlaydi. Bu konsepsiyalar asosiy jarayonlarning munosabatlarida birinchi rejaga qanday komponentlarning chiqishiga qarab biri-ikkinchisidan farqlanadi.

Shunday qilib, bu qo'yida intrinsiv va ekstrinsiv motivasiya bo'yicha alohida-alohida ko'rib chiqamiz.

Birinchi konsepsiyada ta'kidlanishicha, intrinsiv motivlashgan hatti-harakatlar ochlik, chanqoqlik, og'riqdan qochish singari jismoniy ehtiyojlarning qondirilishiga yo'nalmagan. Bu yo'nalishda tadqiqot ishini olib borgan olimlarning ta'kidlashicha, mazkur ehtiyojlar organizm tomonidan buzilgan gomeostazni tiklashga xizmat qilishmaydi. Biroq tashqi hatti-harakatlarda ularni kuzatish mumkin bo'ladi.

Birinchi konsepsiyaga o'xshash motivlashgan hatti-harakatlar maqsadsiz faollik sifatida talqin qilinadi. Masalan, bolalardagi bunday hatti-harakatlarni, xususan, uyinni tadqiq qilgan Ye.Klinger (1971) uyin jarayoni «uyin uchun uyinday» kechishini, aniqroq qilib aytganda, uyinda aniq maqsad yo'qligini, shuning uchun ham uyinning o'zi maqsad ekanligini ta'kidlaydi. R.Uayt (1959) ning fikricha, atrof-muhit bilan o'zaro ta'sir jarayonida individ tomonidan eng katta bo'lgan faolliklar hatti-harakatlarning asosiy qismini tashkil qiladi. Bunday ko'rinishdagi faollikning asosini «harakatchanlik motivasiyasi» deb hisoblaydi olim. Shu bilan birgalikda, samaradorlik tuyg'usi –faollikni motivlashtiruvchi, uning natijasi esa turli ko'rinishdagi komponentlikning oshishi hisoblanadi. Keyinchalik borib umumiy motivasiyadan harakatchanlik ko'rinishiga nisbatan aniqroq motivlar ajralib chiqadi. Bolalarga muvaffaqiyat yoki o'zini-o'zi tasdiqlash motivlari kiradi.

Yuqoridagi konsepsiyada ilgari surilgan fikrlarni Mak-Reynoldsning tasnifi ma'lum ma'noda to'ldirishini kuzatsa bo'ladi. Bu tasnifda hulq-atvorning intrinsiv motivlashgan shakllariga faoliyatning o'zi kechishi uchungina amalga oshiriladigan shakllari kiritiladi. Qandaydir yakuniy holatga yoki maqsadga yetishishga yo'nalgan shakllarni esa ekstrinsiv motivlashgan hulq-atvorga kiritadi. Mak-reynolds muvaffaqiyat bilan bilan, hokimiyat bilan, yordam berish bilan, agressiya bilan yoki birorta maqsad bilan bog'liq bo'lgan motivlarni tashqi motivlashgan (ekstrinsiv) deb hisoblasa, uyinga va estetik kechinmalarga o'xshash faollikning ayrim turlarinigina ichki motivlashgan (intrinsiv) deya fikr bildiradi.

Uchinchi konsepsiyaga binoan, u yoki bu hatti-harakatlar faoliyatning ba'zi optimal darajasini saqlab turi yoki taxlashga yo'nalgan boshqaruv mavjud bo'lsa intrinsiv motivlashgan hisoblanadi. Bu konsepsiya buyicha nazariy yondashuvlar Xebb (1955), Fiske va Maddiga (1961) taalluqli bo'lib, ular «optimal ko'zg'alish (faollik)» haqidagi qoidani ilgari surishadi. Shu urinda Xantning ishlari (1965, 1971) e'tiborga sazovaor. Uning ta'limoti Piajening kognitiv rivojlanish nazariyasi ruhiga hamohang bo'lib, unda psixologik jarayonlar tahlil qilinadi va kirib kelayotgan ma'lumotlar oqimi bilan qandaydir standartlar (chizmalar, talablar, moslashuv darajasi) orasidagi «optimal tafovut» haqida qoidalar ilgari suriladi. Xant insonni ma'lumotlarni qayta ishlash tizimi deb hisoblaydi va uning nisbatan mahsuldorroq faoliyat ko'rsatishi uchun tafovutning bir qadar optimal darajasi talab qilinadi. Idrok qilinayotgan ma'lumot bilan ba'zi ichki standartlar o'rtasidagi tafovut o'ta katta va o'ta kichik bo'lmagandagina ichki motivasiya ko'zg'aladi. Shunday tafovut yordamida faollashgan ichki motivasiya ma'lum hatti-harakatlarni keltirib chiqaradi va u mazkur tafovut yo'q qilinguncha faollikni saqlab turadi.

Desi (1975) Xantning ta'limotini tanqid qila turib, uni yetarli darajada uzviy emaslikda va tugallanmaganlikda ayblaydi. Uning fikricha, Xant ilgari surgan tafovutga nisbatan ehtiyoj nafaqat aniqlangan tafovutni yo'qotish motivasiyasini, balki yangi tafovutni izlash motivasiyasini ham keltirib chiqaradi.

Keyingi, to'rtinchi konsepsiya buyicha De Charms ilk motivasiyani o'z samaradorligini his qilishda, o'zini atrof-muhitdagi o'zgarishlarning manbai sifatida sezishda ko'radi. Bunday o'z harakatlarining sababchisi bo'lishga intilish alohida motivni emas, balki qandaydir boshqarish tomoyilini keltirib chiqaradi. Bu boshqaruv tamoyili ko'plab motivlarni paydo qilishi mumkin.

De Charms o'z fikrlarini qo'yidagicha soddaroq qilib tushuntiradi. Insonga atrofda gilarining talablari, va'da qilingan mukofotlar va mumkin bo'lgan jazolar, tashqi bosim-bularning barchasi kuchli ta'sir ko'rsatadi va ular o'zini o'zi tasdiqlash darajasini, hatto o'zgalarga to'liq bog'liqlik ko'rinishigacha tushirib yuborishi mumkin. Inson bunga qarshilik ko'rsatishga intiladi va bu narsa qanchalik uning qo'lidan kelgani sari, u shunchalik o'zini voqyealarning xujayini sifatida his qila

boradi, u o'z faoliyatidan shunchalik quvonadi va unda shunchalik ko'proq intrinsiv motivasiya kuchliroq bo'ladi. Agar aksincha bo'lsa, shunchalik ko'proq o'zini tashqi holatlarining qug'irchog'iga o'xshata boradi, shunchalik u o'z faoliyatini ma'nosiz va yolqiz tashqi jihatdan motivlashgan his qiladi. Shu o'rinda de Charms tashqi ta'sirlar to'g'risida ikkita xulosa chiqaradi. Shulardan birinchisi qo'yidagicha: agar inson bajarayotgan, yoxud o'z hohishi bilan bajargan ishi bo'yicha taqdirlansa, bunday taqdirlanish instrinsiv motivasiyaning kuchsizlanishiga sabab bo'ladi. Ikkinchi xulosaga binoan, agar odam qiziq bo'lmagan, faqatgina taqdirlanish istagida qilgan faoliyati uchun taqdirlanmasa, unga bo'lgan instrinsiv motivasiya kuchayadi.

Bu yo'nalishda eksperimental tadqiqot tashabbuskori Lipper (1974) va Desi (1975) bo'ladilar. Ular de Charmsning konsepsiyasini rivojlantirdilar. Quyida ularning olib borgan ishlarini alohida-alohida ko'rib chiqamiz.

Lipper o'z tadqiqotlarida D.Bemning o'zini idrok qilish nazariyasiga (1972) tayanadi. Lippening fikricha, agar odam shundoq ham ishtiyoq bilan amalga oshirayotgan faoliyati uchun qo'shimcha taqdirlansa, bunda odam o'zining faoliyatini «o'ta tasdiqlangan» hisoblaydi va bu harakatni o'z ixtiyori bilangina amalga oshirilganligini o'ylab qoladi. Umuman aytganda, Lipper intrinsiv motivasiya bilan taqdirlanish o'rtasidagi aloqlarni har tomonlama tahlil qiladi.

Саволлар?

1. Фаолият деганда нимани тушунаси?
2. Фаолият турларини сананг?
3. Эҳтиёжлар нечага бўлинади?
4. Мотивация нима?

7-Мавзу: Сезгиларнинг психологияси. Идрок тўғрисида тушунча

Мавзу режаси:

- 1.Сезги ҳақида умумий тушунча, физиологик механизмлари
- 2..Сезги турлари.
3. Идрок ҳақида умумий тушунча
- 4.Идрокнинг турлари ва хусусиятлари

Маълумки, одам организми ҳамма вақт ташқи дунё билан муносабатда бўлади. Ташқи кўзғатувчиларнинг сезги органларимизга(кўз, кулоқ, бурун, тери ва ҳ.к.) узлуксиз таъсир кўрсатиши туфайли сезги вужудга келади. Сезгиларда инсонни ўраб турган оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг турли хил белги ва хусусиятлари акс этади. Чунончи, ёруғлик нурлари туфайли кўриш сезгиси, ҳаво тўлқинларининг қулоққа таъсири натижасида эшитиш сезгиси, нафас олиш орқали бурун бўшлиғига ҳаво заррачаларининг таъсири туфайли ҳид сезгиси, бирор нарсанинг қўл кафти ёки терига таъсири натижасида тери (тактил) сезгилари ҳосил бўлади.

Одамнинг ташқи дунёни идрок қилиши сезгидан бошланади. Шунинг учун сезгилар ўз моҳияти жиҳатидан шахснинг барча билимлари учун асос ва манба ҳисобланади. Одам сезгиларисиз ташқи дунё предметлари ва воқеаларини билиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлур эди. Чунки идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ва ҳаёл каби руҳий жараёнлар сезгилар туфайлигина ҳосил бўлади.

Психология фанида сезгиларнинг юзага келиши, уларнинг нерв механизмлари ҳақидаги илмий таълимотни машҳур рус психологи академик И.П.Павлов кашф этди. Бу ҳақдаги илмий ғоялар машҳур олимнинг анализаторлар ҳақидаги таълимотида ўз ифодасини топган.

Сезгилар ёрдамида одам барча предметларга хос бўлган хосса ва хусусиятларни англаб, билиб олади, ўрганади ва улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланади. Сезгиларнинг иккинчи муҳим томони шундаки, одам ўз организмидан сезгилар туфайли ташқи ноҳуш таъсирлардан ҳимоя қилади. Масалан, иссиқдан, совуқдан сақланиш кабилар, оғирликни, аччиқни сезганда одам улардан ўзини ҳимоя қилади. Агар қўлга бирор нарса урилса ёки санчилса, одам дорҳол қўлини тортиб олади, ноҳуш таъсиротлан ўзини ҳимоя қилади.

Сезгиларнинг яна бир муҳим томони шундаки, улар (сезгилар) ташқи дунё тўғрисидаги одам билимларининг манбаидир. Дарҳақиқат, одам сезгилари орқали бўлмаса, бошқача йўл билан ташқи оламдаги на бирор хил жисмни, на бирор хил ҳаракатни била олади. Демак, сезгилар билиш жараёнлари жумласидан бўлиб, идрок, хотира, хаёл, кўз нерви ёки катта ярим шарлар пўстлогининг кўриш маркази зарарланса, кўриш сезгиси юз бермайди.

Шундай қилиб, одамнинг феъл-атвори ва тақдирини аниқлашда кўз муҳим роль ўйнайди, унинг барча хислат ва хусусиятларини намоён этувчи муҳим юз аъзоси бўлиб хизмат қилади.

Эшитиш сезгиларидан бири кул оқ бўлиб, вазифаси товушларни сезишдир. Эшитиш сезгиларининг аҳамияти шундаки, бу сезгилар ёрдамида одам бошқалар нутқини эшитади, ўзгалар билан фикр олишиш имкониятига эга бўлади.

Эшитиш органи бўлган қулоқ ташқи қулоқ, ўрта қулоқ, ички қулоқ каби уч қисмдан иборат. Ички қулоқда эндолимфа деб аталувчи суюқлик модда бор. Бу модда орқали эшитиш марказлари бош мия билан туташади.

Товуш чиқарувчи жисмдан ҳар томонга тарқалувчи ҳаво тўлқинлари эшитиш сезгиларининг қўзғовчисидир. Овоз тўлқинларининг тебранган ҳаво зарралари орқали қулоққа кириши натижасида эшитиш сезгиси вужудга келади. Қулоқнинг ички қисмида тахминан йигирма беш мингга яқин кўндаланг толалардан ташкил топган парда бор. Қулоққа урилган товуш тўлқини ана шу толалардан бирини қўзғайди. Бу қўзғалиш мияга етказилади ва товуш сезиш ҳолати юз беради. Секундига ўн олти мингдан йигирма икки минггача бўлган тебранишдаги товушларни одам қулоғи сеза олади. Бундан ортиқ тебранишдаги товушларни қулоқ эшитмайди. Қулоқ эшитмайдиган юқори тебранишдаги товушлар ультра товушлардир.

Эшитиш аъзоси ҳисобланган қулоқ жуда мураккаб тузилишга эга бўлиб, ҳаво тўлқинидан ҳосил бўлган қўзғалиш ички қулоқ орқали бош миядаги эшитиш марказига етказилади ва бунинг натижасида эшитиш сезгиси юзага келади.

Ички қулоқнинг чиғаноқ қисмида кортий номли аъзо бор. Бу аъзо таёкчасимон ҳужайралардан иборат. Ҳар хил тебранишдаги ҳаво тўлқинлари ана шу аъзо орқали эшитиш рецепторларига етказилади.

Товуш тарқатувчи нарсаларнинг тебраниши ҳаво тўлқинларини юзага келтириши билан бирга одам бош миясида титроқ (титраш) сезгисини ҳам ҳосил қилади. Демак, одам қулоғининг эшитиш имконияти жуда катта бўлса ҳам, у ҳамма товушларни ҳам эшитавермайди.

Ҳид билиш сезгиларининг органи бурун бўлиб, вазифаси турли-туман ҳидларни сезишдир. Ҳид сезгиларининг аҳамияти шахс учун жуда каттадир.

Одам ҳид сезгилари орқали гул, атир каби хушбўй ҳидлардан баҳраманд бўлади. Саломатлик учун зарарли бўлган нохуш ҳидлардан ўзини сақлайди.

Бурун қавагининг юқори қисмида жуда кўп сонли ҳужайралар бор. Ҳидли модаларнинг заррачалари бу ҳужайраларни қўзғати натижасида ҳид сезгиси вужудга келади. Бундан ташқари бош мияда ҳид сезишга хизмат қилувчи махсус нервлар ҳам бор.

Таъм ёки маза тил ва оғиз бўшлиғи орқали сезилади. Бу сезгиларнинг қўзғовчилари оғизга олинган моддаларнинг заррачаларидир. Бу заррачаларнинг тил юзасида жойлашган нерв учларига таъсири уфайли маза сезгиси пайдо бўлади.

Таъмлар асосан қуйидаги тўрт сифатга эга;

Ширин маза.

Нордон маза.

Шўр маза.

Аччиқ маза.

Таъмлар асосан қуйидаги тўрт сифатга эга;

4-жадвал

1.	Ширин маза
2.	Нордон маза
3.	Шўр маза
4.	Аччиқ маза

Сезги органларининг организмдаги ўрни ва қўзғалишига мувофиқ сезги турлари қуйидаги уч гурппага ажратилади;

5-жадвал

1.	Экстерорецепторлар	бу гурппага кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза ва тери сезги органлари киради. Организмдан ташқаридаги нарса ва ходисаларнинг хоссалари шу органлар орқали акс этади.
2.	Проприорецепторлар	бу гурппага мускул-ҳаракат, пай ва бойламларда бўладиган сезгилар ҳамда статик сезгилар киради. Бу гурппага кирувчи сезгиларни ҳаракат ёки кинестетик сезгилар деб ҳам юритилади.
3.	Интерорецепторлар	бу гурппага гавда ичидаги органлар - меъда, ичак, жигар, ўпка, қон айланиш органлари, умуман органик сезгилар киради. Бу сезгилар ички органларнинг ҳолатини акс эттиради.

Тил пардасида маза билиш суугонлари бор. Булар маза билиш куртаклари деб ҳам юритилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тилнинг турли қисмлари турли мазаларни сезиш имкониятига эгадир. Масалан, тилнинг олд қисми ширин мазани, орқа қисми аччиқ мазани, четлари нордон мазани сезади. Тилнинг ўрта қисми эса умуман маза сезмайди.

Маза сезгиларида ҳид сезгиларининг ҳам аҳамияти бор. Чунки ҳид сезгилари орқали одам турли озиқ-овқатларга хос бўлган мазани тўғри сезади ва қабул қилади.

Тери сезгилари ёрдамида организмга бирор нарсанинг тегиши, температура (иссиқлик, совуқлик), оғриқ кабилар сезилади. Тери сезгиларининг хилма-хил функциялари бор. Тери танани ҳимоя қилувчи парда, айриш аъзоси, сезги аъзоси, иссиқлик ажратишни тартибга солиб турувчи аъзо сифатида организмга хизмат кўрсатади. Тери сезгиларининг органлари терининг ташқи қисмидаги таначалардир. Бу таначалар (нуткталар) жуда кўп миқдорда бўлиб, махсус функцияларни бажаради. Масалан, 250 мингга яқин нуқта ёрдамида организм совуқни, 30 мингга яқин нуқта ёрдамида эса иссиқни сезади.

Ҳаракат сезгилари орқали одам кўл, оёқ, бош, бўйин, кўкрак, бел каби қисмлардаги ҳаракатларни ва ўз гавдасининг фазодаги ҳолатини идора этади.

Мускул-ҳаракат сезгиларнинг бир тури статик сезгилардир. Статик сезгилар организмнинг фазодаги мувозанат ҳолатини сақлаш сезгиларидир.

Мускул-ҳаракат сезгиларининг органлари организмдаги мускуллар, пайлар ва бўғинлардир.

Одам ҳаёти ва фаоляти учун мускул-ҳаракат сезгиларининг аҳамияти жуда катта. Чунки сезгиларнинг бу тури одамга ўз организмдаги барча қисмларнинг ҳолати ва ҳаракатларини

билишга имкон беради. Бунинг натижасида одам гавдасидаги ҳар бир ҳаракатни тўғри ва онгли равишда идрок қилади.

Очликни, чанқашни, кўнгил айнишини, ортиқча тўқликни сезиш кабилар органик сезгилардир. Меъда, ичак, ўпка, қизилўнгач ва қон томирлари органик сезгиларнинг органларидир.

Органик сезгилар одам организмининг ички ҳолатини акс эттиради. Органик сезгиларнинг сезувчи нервлари қизилўнгач, ошқозон, ичак, буйрак, жигар, ўпка, юрак ва қон томирларининг юзларида жойлашган.

Шахснинг ўзини хуш ёки нохуш, бардам ёки хомуш ҳис қилиши органик сезгилар фаолияти натижасидир. Бундан ташқари, организм бирор қисмининг оғриши ёки нотўғри ишлаши ҳам органик сезгилар фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун одам организмининг соғлом бўлиши ва нормал фаолият кўрсатишида органик сезгилар муҳим ўрин тутди.

Сезги органларининг организмдаги ўрни ва қўзғалишига мувофиқ сезги турлари қуйидаги уч группага ажратилади;

Экстерорецепторлар - бу группага кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза ва тери сезги органлари киради. Организмдан ташқаридаги нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари шу органлар орқали акс этади.

Проприорецепторлар - бу группага мускул-ҳаракат, пай ва бойламларда бўладиган сезгилар ҳамда статик сезгилар киради. Бу группага кировчи сезгиларни ҳаракат ёки кинестетик сезгилар деб ҳам юритилади.

Интерорецепторлар - бу группага гавда ичидаги органлар - меъда, ичак, жигар, ўпка, қон айланиш органлари, умуман органик сезгилар киради. Бу сезгилар ички органларнинг ҳолатини акс эттиради.

Сезги турларининг ҳаммасида адаптация ҳодисаси мавжуддир. Одам организми ҳар қандай шароитда ҳам ташқи муҳит ўзгаришлари ва таъсиротларига мослашиш, кўникиш имкониятига эга.

Сезги органларининг ташқи муҳит таъсиротларига мослашуви адаптация деб айтилади.

Сезгиларнинг қонуниятлари ҳақида шуни айтиш керакки, одамда сезги ҳосил бўлиши ташқи таъсирга боғлиқдир. Иккинчидан, сезги организмга бирор нарсанинг таъсир этиши биланок ҳосил бўлмайди, таъсир ва сезиш ўртасида қисқа муддатли вақт ўтади. Учинчидан, сезгирликнинг давомийлиги ташқи таъсиротнинг давом этиб туришига боғлиқ бўлади. Агар ташқи таъсир тугаса, қисқа муддатдан кейин сезгирлик ҳам тамом бўлади. Сезгиларнинг кучи аввало қўзғалишнинг кучига боғлиқ. Қўзғалиш қанчалик кучли бўлса, ҳосил бўладиган сезги ҳам шунча кучли бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, одам ҳар қандай ташқи таъсиротни ҳам сезавермайди. Одам сезги ҳосил қилиш учун ташқи таъсир маълум кучга эга бўлиши шарт. Сезги вужудга келиши таъсирнинг кучига боғлиқ бўлади. Бу жиҳатдан одам сезгирлигининг абсолют ва фарқ қилиш каби икки хил чегараси бор.

Ташқи таъсиротнинг билинар-билинемас (салгина) даражадаги кучи абсолют чегара ҳисобланади. Бу чегара ҳар бир одам организмининг титраш суръатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бир одам сезган таъсиротни (эшитган товушни) иккинчи одам сезмаслиги мумкин. Нарсаларнинг таъсири ўртасидаги салгина фарқни ажрата олиш фарқ қилиш сезгирлиги деб юритилади.

Психологик қонуниятга кўра, нарсалар таъсири ўртасидаги фарқ қанчалик кучсиз бўлса, фарқ ажратиш сезгирлиги шунчалик кучли бўлади ва аксинча, таъсиротлар ўртасидаги фарқ қанчалик кучли бўлса, фарқ ажратиш сезгирлиги шунчалик кучсиз бўлади. Фарқ ажратиш сезгирлиги организмнинг таъсиротга мослашувига ёрдам беради, сезги аъзолари сезгирлик даражасининг ўзгариб туришини таъминлайди.

Ҳамма психологик сифатлар сингари сезги аъзоларининг сезгирлик даражаси ҳам одамнинг турмуш тажрибаси, билими ва машқ қилиши орқали ўсиб боради. Яна шуниси характерлики, сезги аъзолари ўзаро муносабатда ва бир-бирига таъсир ўтказади. Агар одам кўриш сезгисидан маҳрум бўлса, унда бошқа сезги турлари (масалан, эшитиш, тери ва

ҳ.к.)нинг фаолияти кучаяди. Бу ҳол психология фанида сезги аъзоларининг компенсаторлик хусусияти деб юритилади.

Сезги аъзоларининг ўзаро муносабатларида сенсбилизация (таъсирот туфайли сезги аъзоси сезгирлигининг ортиши) ва синестезия (бир сезги аъзосига таъсир туфайли бошқа сезги аъзоси фаолиятининг ҳам кучайиши) , ходисалари ҳам бор. Синестезия кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза каби сезги турларида айниқса, кўпроқ учрайди.

Сезгиларнинг таълим ва тарбия жараёнидаги аҳамияти жуда каттадир. Сезгилар ташқи дунёни билишнинг дастлабки формаси бўлиб, улар ёрдамида одам ташқи дунёнинг барча предметларини ва воқеа-ҳодисаларини билиб олади.

Одамнинг билимларини ўзлаштириш жараёнида бошқа психик жараёнлар билан бирга сезги турларининг ҳаммаси тўла иштирок этади. Бутун сезги органларининг ягона фаолиятисиз билим эгаллаш, ўқув материални тўғри идрок қилиш мумкин эмас.

Буюк чех педагоги Ян Амос Каменский ибораси билан айтганда, сезги турлари организмнинг ташқи муҳит билан алоқа боғлашига хизмат қилувчи дарчаларидирки, булар орқали одам ташқи оламдаги ҳамма предмет ва ҳодисаларни англаб, билиб олади ва уларга таъсир ўтказди, ўзгартиради. Агар етти сезги туридан бирортасининг фаолияти бузилса, организмнинг ташқи муҳит билан муносабатларида маълум камчиликлар вужудга келади. Шунинг учун ёшликдан бошлаб болаларда сезги органларининг ва сезгирлик фаолиятининг нормал ривожланишини таъминлаш ота-оналарнинг, тарбиячилар ва педагогларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шундай қилиб, сезгиларнинг одамнинг ташқи муҳит билан алоқасини ўрнатиш, ташқи дунёни билишдаги аҳамияти бекиёсдир. Қомусий олим, педагогик ғояларнинг буюк билимдони Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, сезгилар кўз билан кўриш, қулоқ билан эшитиш, бурун билан ҳидлаш, тил билан татиш ва тери билан тегиб билишдан иборат бўлиб, илм ва маърифат (одамда) фақатгина ўшалар орқали ҳосил бўлади. Машҳур олимнинг “Минерология” асарида одам сезгиларининг манбалари ҳақида айтган фикрлари ҳам миллий психологик билим тарихида муҳим ўрин тутди. Дарҳақиқат, сезгилар ўз кўзғатувчилари орқали кўзғалади. Агар улар меъёрида бўлса, ёқимли ва зарарсиз, ортиқ бўлса, зарарли ва ҳалокатли бўлади.

Идрок ёки қабул қилиш шахснинг объектив реалликдаги воқеа-ҳодисаларни ва предметларни акс эттиришдаги мураккаблик, яхлитлик ва тўлалиги билан сезгилардан фарқ қилувчи руҳий процессдир. Сезгилар ёрдамида предметларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг айрим томонлари, баъзи хусусиятлари билиб олинади. Ҳар бир предмет ёки воқеа-ҳодисада айрим белгилардан ташқари турлича сифатлар ва хусусиятларнинг яхлит комплекси мужассам бўладики, одам уларни бутун формада, яхлит тарзда акс эттиради. Шунинг учун ҳам сезгиларга қараганда идрок веқеликни акс эттиришнинг мураккаб томонидир.

Идрок жараёнида нарсалар образини тўла акс эттиришнинг сабаби шундаки, одам миясида ҳаёт давомида турли-туман кўзғовчилар таъсири туфайли жуда кўп муваққат боғланишлар вужудга келган бўлади. Шунинг натижасида турмуш тажрибасига эга бўлган одам ўзи идрок қилаётган нарсасини дарҳол тушуниб етади. Тажрибасиз одамда эса бундай хусусият бўлмайди, яъни у идрок қилаётган нарсасининг туб моҳиятига тушуниб етмайди.

Идрокни сезгиларга нисбатан яна бир мураккаб томони шундаки, ҳар бир предмет, воқеа ва ҳодиса моддий борлиқ формаси бўлган макон ва замон билан боғлиқ ҳолда қабул қилинади. Чунки моддий борлиқда мавжуд бўлиб, одам томонидан идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳамма вақт макон ва замон жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ бўлади. Демак, одам ҳар бир предметни идрок қилганда унинг фазодаги формасини (куб, учбурчак, доира), катта-кичиклигини (катта, кичик, майда) муносабатларини (бошқа предметларга ва идрок қилувчига нисбатан) ҳисобга олади. Иккинчидан, ҳар бир предмет идрок қилинганда унинг пайдо бўлиш ва ўзгариб бориш жараёнларига эътибор берилади.

Идрок процессида сезги турларининг барчасидан ташқари бошқа руҳий ҳолатлар ҳам иштирок этади. Масалан, одам атиргулни идрок қилганда унинг чиройли шаклини, ажойиб рангини, хушбўй ҳидини, майин барглари яхлит тарзда қабул қилади. Демак, атиргулни

идрок қилишда кўриш, ҳид билиш ва тери сезгилари иштирок этади. Атиргулни идрок қилишнинг бошланиши хотира маҳсули (унинг атиргул эканлигини таниб ажратиб олиш) бўлиб, унинг турли томонлари тўғрисида мулоҳаза юритиш тафаккуридир. Шундай қилиб, истаган предметни ёки воқеа-ҳодисани идрок қилишда ўша нарсанинг моҳиятига қараб руҳий ҳолатларнинг маълум қисмидан фойдаланилади. Дикқат, хотира, хаёл ва тафаккурсиз тўғри, тўлиқ идрок қилиш мумкин эмас.

Идрокнинг нерв механизми ҳам сезгиларникидан фарқ қилади. Бу фикр идрокка хос нерв-физиологик асоснинг мураккаблигидадир. Идрокнинг физиологик асоси бош миянинг катта ярим шарлар пўстлоғида вужудга келувчи мураккаб шартли рефлекс боғланишларидир.

Ташқи таъсир катта ярим шарлар пўстлоғида бирлаштирилади, организмнинг бир қанча қўзғовчилар таъсирига реакцияси бир-бири билан боғланади. Ҳар бир предметдаги хоссаларнинг йиғиндисига қараб одам уларни бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари идрокнинг физиологик асоси биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг фаолияти билан ҳам боғлиқдир. Одам предметларни, воқеаларни фақат кўриш, эшитиш, ҳид билиш орқалигина эмас, балки нутқ орқали ҳам идрок қилади.

Одам томонидан ташқи дунё предметларини ва воқеа-ҳодисаларини идрок қилиш икки хил йўл билан вужудга келади;

Ихтиёрий идрок қилиш.

Ихтиёрсиз идрок қилиш.

Шахснинг аниқ мақсад асосида муайян объектни идрок қилиши ихтиёрий идрокдир. Ихтиёрий идрокнинг зарур шартлари диққат ва кузатиш-кузатувчанликдир. Кузатувчанлик қобилияти шахснинг ниҳоятда қимматли сифати бўлиб, кузатувчан одам идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалардаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқ пайқайди, уларнинг энг муҳим хусусиятларини бир-биридан тез ва тўғри ажрата олади.

Кузатувчанлик қобилияти одамнинг мавжуд шароитни тўғри тушунишига, теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни самарали ўрганишига имкон беради.

Одамнинг предмет ва ҳодисаларни маълум режа асосида изчил равишда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда идрок қилиши кузатиш ёки кузатувчанлик деб айтилади. Кузатувчанлик шахснинг предмет, воқеа-ҳодисаларни ва уларга хос барча сифатларни дуруст, тўғри, аниқ қабул қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Шахснинг муайян мақсадни кўзламаган ҳолда у ёки бу нарсани қабул қилиши ихтиёрсиз идрокдир. Бутун диққати билан лекция тинглаётган талаба бир вақтнинг ўзида коридордаги шовқинни ҳам идрок қилади. Одам гулзорга кирганда, гарчи бир нечтагина гулни узмоқчи бўлса ҳам, гулзордаги бошқа гулларни ҳам идрок қилади. Айрим ҳолларда одам бўлмаган таъсиротларни ҳам идрок этади (бўлмаган предметнинг кўзга кўриниши, бўлмаган товушнинг қулоққа эшитилиши ва ҳ.к.). Буларнинг ҳаммаси ихтиёрсиз идрокнинг мисолларидир.

Демак, шахс теварак-атроф предметлари ва воқеа-ҳодисаларни эҳтиёжларга асосланган ҳолда идрок этади. Лекин айрим ҳолларда эҳтиёжларга асосланмаган ҳолдаги идрокка ҳам йўл қўяди. Ана шундай келиб чиқиб, шахс томонидан идрок қилинадиган барча таъсиротларни эҳтиёжларга асосланган идрок қилиш ва эҳтиёжларга асосланмагани каби икки йўналишга ажратилади.

Умуман эса, идрок қуйидаги турларга бўлинади ;

Идрок жараёнида қайси анализаторнинг етакчи роль ўйнашига қараб; кўриш, эшитиш, тери, ҳид билиш, таъм билиш, ҳаракат идрокларига;

Материянинг яшаш шаклларига қараб; фазони, вақтни, ҳаракатни идрок қилишга;

Фаоллигига қараб; ихтиёрий ва ихтиёрсиз каби идрокларга бўлинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, идрокка қуйидагича таъриф бериш мумкин ; “Объектив реалликда мавжуд бўлиб, сезги органларига таъсир қилиб турган нарса ва ҳодисаларнинг одам миясида умумий тарзда, яхлит ҳолида бутун ҳолича акс этишидан иборат бўлган руҳий фаолият идрок ёки қабул қилиш деб айтилади”.

Идрок шахснинг ташқи олам билан муносабатларини ифодалашдаги мураккаб руҳий жараён бўлиши билан бирга, актив жараён ҳамдир. Шунинг учун шахснинг аниқ объектни идрок қилиши маълум мақсадни амалга оширишдан иборат бўлади.

Идрок қуйидаги турларга бўлинади

6-жадвал

1.	Идрок жараёнида қайси анализаторнинг етакчи роль ўйнашига қараб	кўриш, эшитиш, тери, хид билиш, таъм билиш, ҳаракат
2.	Материянинг яшаш шаклларига қараб;	фазони, вақтни, ҳаракатни идрок қилишга;
3.	Фаоллигига қараб;	ихтиёрий ва ихтиёрсиз

Идрокнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир;

а) предметларни тўғри ва тўлиқ идрок қилиш ўша предметлар мансуб бўлган фонга боғлиқдир;

б) бир фондаги иккита предметни бараварига идрок қилиб бўлмайди;

в) предметлар катта фонда кичик, кичик фонда эса катта кўринадилар;

г) предметни тўғри ва тўлиқ идрок қилиш ўша предмет билан кўз ўртасидаги масофага боғлиқдир. Предмет ва кўз ўртасидаги масофа қанча узоқ бўлса, шунча предмет ўз аксини йўқотгандек кўринади;

д) тўғри ва тўлиқ идрок қилиш (предметларни ва воқеа-ҳодисаларни) шахснинг турмуш тажрибасига, билимига, диққатига, касбига ва тафаккурига боғлиқ бўлади;

е) воқеаларни тўғри идрок қилиш шахснинг ғоявий йўналиши, эътиқоди ва дунёқарашига боғлиқдир. Ҳар бир шахс ўзининг ғоявий йўналишига асосланиб, содир бўлиб турган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига ёндашади, уларнинг келажагини тасаввур этади.

Идрок жараёнида апперцепция, иллюзия ва галлюцинация ҳодисалари ҳам мавжуддир.

Апперцепция¹ идрок процессининг шахснинг аввалги билим ва тажрибалари, қизиқиши, эҳтиёж ва одатлари, умуман, психик ҳаётининг умумий мазмунига боғлиқ бўлишидир. Апперцепция ҳодисаси туфайли кишилар идрокининг мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Шахслар айнин бир хил нарсани ўз билим даражаси, турмуш тажрибаси, дунёқараши ҳамда ижтимоий даражаси, турмуш тажрибаси, дунёқараши ҳамда ижтимоий келиб чиқиши ва касбига қараб турлича идрок қиладилар. Масалан, “реакция” сўзини кимёгар моддаларнинг кимёвий йўл билан бириқиши деб, социологлар тарихий тараққиётда чекиниш деб, физиологлар ва психологлар эса организмнинг ташқи таъсиротга қайтарган жавоб ҳаракати деб идрок қиладилар.

Апперцепция термини баъзан аниқлиги, тўлиқлиги, ёрқинлиги каби сифатлари маъносида ҳам ишлатилади. Апперцепция барқарор ва вақтинча деб аталувчи икки қисмга бўлинади. Барқарор апперцепция шахснинг дунёқараши, эътиқоди, билими ва маданий савияси, касби ҳамда қизиқишларига боғлиқдир. Вақтинча апперцепция эса, фақат шахснинг идрок процессидаги эмоционал ҳолатига - кайфияти, руҳланиши кабиларга боғлиқдир.

Апперцепция идрокнинг бизга таъсир кўрсатаётган бир қанча нарса ва ҳодисалар ичидан айримларини ажратиш олишини таъминлабгина қолмай, баъзан нотўғри идрок қилишга сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Академик И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотига кўра, апперцепция бош миё қобиғи системалилик фаолиятининг натижаси бўлиб, бунда аввалги тажрибада ҳосил қилинган муваққат нерв боғланишлари янги нерв боғланишларининг ҳосил бўлишига муайян таъсир кўрсатади.

¹ Апперцепция - лотинча “ап” (тааллушли) ва “перцептио” жабул бўлиш демакдир.

Шундай қилиб, идрок жараёнига одамнинг билим бойлиги, ишонч-этикоди, дунёқараши, қизиқиши, эҳтиёжлари ва бутун руҳий ҳаёт мазмунининг таъсири апперцепция деб юритилади.

Идрок процессида иллюзия² ходисаси ҳам бор. Сизги органларига бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни нотўғри ёки бузиб идрок қилишдан иборат бўлган психик ходиса иллюзиядир.

Нарсаларни нотўғри, бузиб идрок қилиш шахснинг сезгилари ва идрокнинг хусусиятларига боғлиқдир. Агар одамнинг предметларни тўғри ва тўлиқ идрок қилиши учун зарур бўлган шартларидан баъзилари мавжуд бўлмаса, у иллюзияга йўл қўяди. Муайян шароитларда барча одамларда вужудга келувчи иллюзиялардан ташқари, баъзан одам кечираётган руҳий ҳолат таъсирида ҳам махсус иллюзия пайдо бўлади. Қоронғи кечада каттиқ кўркқан кишига тўнка йиртқич ҳайвон бўлиб кўринади. Одам темирйўлдан узоқлашаверган сайин темир йўл линиялари ўзаро яқинлашгандек бўлаверади. Аслида эса бундай бўлиши мумкин эмас. Катта ва кичик фондаги шарларнинг кўриниши ҳам иллюзиянинг мисолларидир.

Галлюцинация реал воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсирисиз одам онгида турли образларнинг ҳаёлий равишда пайдо бўлишидан иборат психик ҳолатдир. Галлюцинация ходисаси кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва бошқа соҳаларда ҳам бўлади. Галлюцинация психик касалликнинг белгиси бўлиб, бош мия қобиғидаги қўзғалиш процессларининг сустлиги натижасида, баъзан эса нерв системасининг захарланиши ёки толиқиши натижасида рўй беради.

Галлюцинация рўй берган пайтда одам ҳеч нарсани идрок қилмайди. Галлюцинация образлари илгари идрок қилинган нарса ва ҳодисалар миёда қолдирган изларининг ғайри табиий равишда қайта тикланиши, ғайри табиий тасаввурларнинг онгда пайдо бўлишидир. Иккинчи хил қилиб айтганда, галлюцинация ўйғоқлик ҳолатида туш кўриш демакдир. Йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, бўлмаган овозларнинг қулоққа чалиниши, бўлмаган ҳидларнинг димоққа урилиши, йўқ нарсаларнинг баданга теккандай бўлишини сезиш кабилар галлюцинациянинг мисолларидир.

Предметларнинг узоқ-яқинлигини идрок қилишда икки кўз ўқининг бир нуқтага йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳол конвергенция деб айтилади. Масофага қараб, кўз ўқлари йўналишининг ўзгариши ихтиёрсиз равишда содир бўлади. Кўз мускулларининг қисқаришидан юзага келувчи сезиш ҳолати предметларнинг эгаллаган жойини (узоқ-яқинлиги), масофани идрок қилишга имкон беради.

Ҳар бир предметнинг вақтга қараб ўзгариб туриши вақтни идрок қилишнинг шарти ҳисобланади.

Вақт материянинг яшаш шаклларида биридир. Вақтни идрок қилиш муайян объектив вақт бирлигининг одам онгида бевосита акс этишидир. Вақтни идрок қилиш одамнинг руҳий ҳодисаларининг алмашилиши туфайли рўй беради. Вақтни тўғри идрок қилиш вақт бирлигининг (минут, соат ва ҳ.к.) объектив мазмунига ҳамда одамнинг унга бўлган муносабатларига боғлиқ. Одам ўзининг қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос келадиган вақт бирлигини тез идрок қилади.

Вақтни идрок қилиш объектив реалликни, реал ҳодисаларнинг тезлиги ва изчиллигини акс эттиришдир. Одамнинг вақтни қабул қилиши тажрибанинг орта бориши натижасида ўсиб боради.

Одам масофани ва вақтни идрок қилгани сингари фазо-маконни ҳам идрок қилади. Фазони идрок қилиш воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг маконда тутган ўрнини, шаклини, микдорини ҳамда бир-бирига нисбатан муносабатларини уч ўлчовда - баландлик ва узоқликда бевосита акс эттиришдир.

Предметлар фазодаги ўрнига қараб уч бурчакли, тўрт бурчакли, куб, цилиндр кабиларга ажратилади. Катта-кичиклигига қараб эса катта, ўртача, каттароқ, кичикроқ,

² Иллюзия - лотин тилидаги “иллюзио” сөзидан олинган бўлиб, хато, адашиш, янглишиш демакдир.

фазодаги муносабатларига қараб, одамга ва бир-бирига нисбатан узоқ, яқин, ўнг, чап, юқори, паст кабиларга бўлиб идрок қилинади.

Одам фазони баландлик, кенглик ва узоқлик каби уч ўлчовда кўриш сезгилари, тери сезгилари ва мускул-ҳаракат сезгилари ёрдамида қабул қилади. Фазони идрок қилишдаги етакчи қисм кўз билан идрок қилишдир. Масофани қабул қилишда бўлганидек, фазо ҳам бир кўз билан (монокуляр) ва икки кўз билан (бинокуляр) идрок қилинади.

Ҳаракат ҳамма вақт макон ва вақт билан боғлиқ ҳолда идрок қилинади. Одам бирор жисмининг ҳаракатини кузатаётган вақтда (масалан, машинанинги ҳаракатини) унинг ўзига нисбатан жойини (узоқ-яқинлигини) ва вақтини ҳам барабар идрок қилади.

Шундай қилиб, идрокнинг тезлиги, тўлаллиги, аниқ ва равшанлиги ҳамда тўғрилиги одам фаолияти учун жуда зарурдир. Шунинг учун ёшларда тўғри идрок қилишни тарбиялаш муҳим психологик-педагогик муаммолардан биридир.

Ёшларда идрок қилиш фаолияти жуда эрта бошланади. Бола ёшининг улғайиши жараёнида унинг сезги органлари ривожлана боради. Бу ҳол болада идрок фаолиятининг тараққий эта боришига таъсир кўрсатади. Бир ёшга етмаган бола суюқликларнинг рангига қараб, уларнинг мазасини идрок қилади. Чой ёки ширин чойни, анор сувини кўрганда гўдак талпинади. Худди шу тарзда тайёрланган дорини кўргач, стакандан ўзини олиб қочади.

Ёшларнинг идрок жараёни асосан таълим ва тарбия туфайли ҳар жиҳатдан такомиллашади, ихтиёрий идрок ва кузата олиш қобилияти ўсади. Ўз навбатида кузата билиш муваффақиятли ўқишнинг зарур шарти сифатида ўқувчиларда қизиқиш-ҳавас, фикрлаш ва ирода билан бирликда идрок фаолиятини ўстиради.

Идрок сифатларини ўстиришнинг шахс учун аҳамияти шундаки, идрок одамнинг олами билишининг асоси ҳисобланади, одамнинг барча билимлари сезгилар ва идрокдан вужудга келади, инсон хотирасининг маҳсулига айланади ва унинг тафаккури, хаёли, эмоционал ҳолатлари ва иродавий ҳолатларига асос бўлади. Демак, шахсда идрок сифатларининг ўсиши таъсиротлари моҳиятини тез ва тўғри тушунишга имкон беради ҳамда таълим ва тарбия жараёнининг жадаллашувида муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Ёшларда идрокни тарбиялашнинг яна бир муҳим шарти уларда турмуш тажрибасининг орта боришидир. Тажрибанинги йўқлиги туфайли гўдак болаларда идрок доираси жуда тор бўлади. Психолог М.Воҳидовнинг таъкидлашича, гўдак болаларнинг бирмунча аниқроқ идрок қилишлари асосан уч-тўрт ойлик даврда бошланса ҳам, аммо идрок қиладиган нарсаларнинг доираси ҳали жуда тор бўлади. Бола тўрт-беш ойлик бўлганда унинг идроки мазмун жиҳатидан бойиб, анча такомиллашади.

Бола ярим ёшга етганда унда кўриш ва тери сезгилари анча ривожланади. Бу даврда бола ўз атрофидаги нарсаларни идрок қила олади. Шу тарзад боланинги ёши улғайган сайин идрок мазмуни ҳам бойийди. Оила муҳитининг таъсирида боланинги руҳий фаолияти ҳар томонлама ўсади, унда кузатувчанлик, предметлар билан тўғри муносабат таркиб топади, диққат барқарорлашади. Бола идрокининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи факторлардан яна бири боғча ва яслиларда олиб бориладиган кўп қиррали тарбиявий тадбирлардир.

Дарс жараёни, дарсдан ташқари тадбирларнинг ҳаммаси ўқувчидан аниқ мақсадга қаратилган ихтиёрий идрокни талаб қилади. Бусиз ўқувчи билимларни ўзлаштира олмайди. Демак, мактаб муҳити ўқувчидан онгли идрок сифатларини талаб қилади. Бу талабларга тўғри жавоб бериш ўқувчининг табиий зарурий эҳтиёжига айланади.

Идрокнинг таърифи ва унинг хусусиятлари. Сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг киши онгида бутунлигича акс эттирилиши идрок дейилади. Идрокнинг сезгидан фарқи, нарсаларни умумлашган ҳолда, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттирилишидир. Идрокнинг муҳим хусусиятлари унинг предметлилиги, яхлитлилиги, структураллилиги, доимийлилиги (константлилиги) ва англашилганлигидир.

Идрокнинг предметлилиги объективлаштириш ҳодисаси деб аталган ҳодисада, яъни ташқи оламдан олинadиган ахборотларнинг ўша нарсага мансублигида ифода қилинади.

Предметлилиқ идрокнинг белгиси сифатида ҳатти-ҳаракатни бошқаришда алоҳида роль уйнайди. Биз нарсаларга уларнинг кўринишига қараб эмас балки уларни амалиётда қай тарзда ишлатишимизга мувофиқ ҳолда, ёки уларнинг асосий хусусиятларига қараб ҳам баҳолаймиз. Предметлилиқ перцептив жараёнларнинг ўзини, яъни идрок жараёнларнинг бундан кейинги шаклланишида ҳам рол ўйнайди.

Идрокнинг яна бир хусусияти унинг яхлитлилигидир. Сизги аъзоларига таъсир қиладиган нарсанинг айрим хусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади. Яхлит образ нарсанинг айрим хусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинadиган билимларни умумлаштириш негизида таркиб топади.

Идрокнинг яхлитлиги унинг структуралиги билан боғлангандир. Идрок маълум даражада бизнинг бир лаҳзалиқ сезгиларимизга жавоб бермайди ва уларнинг шунчаки оддий йиғиндисини ҳам эмас. Биз ана шу сезгилардан амалда мавҳумлашган ва бир мунча вақт давомида шаклланадиган умумлашган структурани идрок этамиз. Агар киши бирор кўйни тинглаётган бўлса, олдинроқ эшитган оҳанги янгиси эшиттирила бошлагандан кейин ҳам унинг кулогига чалинаётгандай туюлаверади.

Идрокнинг яхлитлиги ва структуралиги манбалари, бир томондан, акс эттириладиган объектларнинг ўзига хос хусусиятларидир, ва иккинчи томондан инсоннинг конкрет фаолиятида гавдаланади, яъни анализаторларнинг рефлектор фаолияти натижасидир.

Идрокнинг доимийлиги, константлиги нарсани идрок қилиш шароитлари ўзгаришига қарамай, нарсага хос бўлган катталиқ, шакл, ранг ва бошқа хусусиятларнинг идрокимизга нисбатан бир хилда акс этишидир. Масалан, ёритиш даражаси ўзгаришига қарамай, биз қорни оқ, кўмирни қора нарса сифатида идрок қилаверамиз. Қизил чироқ остида китоб саҳифаси қизил бўлиб кўринса ҳам уни оқ деб, самолётдан қараганда ердаги одамлар ва нарсалар кичкина бўлиб кўринса ҳам уларни одатдагидай катталиқда деб идрок қилаверамиз. Китоб қандай кўринса ҳам уни тўртбурчак деб, стакандаги қошиқ синиқ кўринса ҳам уни бутун деб идрок қиламиз.

Нарсаларнинг шакли, катта кичиклиги, рангини доимо бир хилда идрок қилиш амалий жиҳатдан ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Идрокнинг константлилиги теварак атрофдаги нарсаларни аслида қандай бўлса шундайлигича объектив равишда билишга имкон беради.

Перцептив системанинг фаол таъсир кўрсатиши идрок константлилигининг ҳақиқий манбаидир. Бир нарсанинг бир неча кўринишда бўлиши унинг инвариантлилиги деб, яъни образ инвариантлилиги, хилма хиллиги деб айтилади.

Идрок яхлитлиги ва константлиги кишининг ўтмиш тажрибасига боғлиқ бўлиб, бу хусусият апперцепция дейилади.

Демак, идрок фақат нарсага эмас, идрок этаётган субъектнинг ўзига ҳам боғлиқдир. Идрокда ҳамиша идрок этувчи киши шахсининг хислатлари, унинг идрок этилаётган нарсаларга муносабати, кишининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари, истақлари ва ҳис-туйғулари у ёки бу тарзда акс этади. (Қандайдир шаклларни «учбурчак», «айлана», «кружка» деб идрок қилиш).

Шундай қилиб, идрокнинг яхлитлиги ва константлиги унинг тескари алоқа механизми мавжуд бўлган ва идрок этилаётган объектнинг хусусиятларига ҳамда унинг ҳаёт шароитларига мослашадиган, ўзини-ўзи тартибга солувчи ўзига хос ҳодиса эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Идрокнинг анланган бўлиши. Гарчанд идрок кўзғатувчисининг рецепторларга бевосита таъсири натижасида ҳосил бўлса ҳам, перцептив образлар ҳамиша муайян маъноли аҳамиятга эга бўлади. Кишининг идроки унинг тафаккури билан, нарсанинг моҳиятини тушуниб етиши билан, унинг кўплаб хоссаларини билиши билан ҳам боғлиқдир. Нарсани

англаб идрок этиш - унга фикран ном бериш, яъни идрок этилган нарсани нарсаларнинг муайян гуруҳига, синфига киритиш, уни сўз воситасида умумлаштириш демакдир. Шу нуктаи назаридан олганда гоҳ шакл, гоҳ фон навбатма навбат идрок этиш, «Икки мазмунли» деб аталадиган расмлар билан тажрибалар ўтказиш диққатга сазовордир. (Кубиклар нечта?, ваза ёки бир бирига қараб турган одамларми? ва ҳоказо расмлар.)

Назорат учун саволлар:

1. Сизгини таърифланг.
2. Сизгининг турларини тавсифланг.
3. Сизгиларга хос асосий қонуниятлар хақида сузланг.
4. Сизгиларнинг таълимдаги ролини тушунтиринг.
5. Адаптациянинг амалий аҳамияти нималардан иборат?
6. Шахсда сезгиларнинг усиши қандай шартларга боғлиқ бўлади?
7. Идрокка таъриф беринг.
8. Идрокнинг сезгилардан фарқини тушунтиринг.
9. Идрокнинг асосий хусусиятларини айтиб беринг.
10. Предметлар ва воқеа-ҳодисаларни нотугри идрок қилишнинг сабабларини айтинг, иллюзия нима?

8 МАВЗУ: Билиш фаолиятининг психологияси. Диққат.

РЕЖА:

1. Диққат тўғрисида тушунча.
2. Диққатнинг физиологик механизмлари.
3. Диққатнинг турлари.
4. Диққатнинг асосий хусусиятлари.

Диққат шахснинг кундалик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган руҳий ҳолатдир. Диққат ҳар қандай шахс учун ва киши фаолиятининг барча турлари учун энг зарур омиллардандир.

Диққат предметлар ва воқеа-ҳодисалар идрок қилинаётган вақтда шахс зарур нарсаларни онг доирасидан ажратиб олиши, зарур бўлмаганларини онг доирасидан четда қолдирилиши қўзғовчилар орасидан саралаш фаолиятига имкон берувчи ғоят қудратли руҳий йўналишдир. Шахснинг диққати қаратилган онги йўналтирилган предмет «фигура», уни қўраб турган бошқа барча ҳоллар эса "фон" тарзида идрок қилинади.

Жиддий диққат жараёнида (берилиб китоб ўқиш, лекция тинглаш, конспект ёзиш ва ҳ.к.) одамда бу ҳолатнинг ташқи ифодалари намоён бўлади. Шахс диққат қаратилган нарсани тулиқ идрок қилиш учун ўзини унга мувофиқлаштиради - туғри ўтириш, дуруст эшитиш ҳалақит берувчи нарсаларни улоқтириш каби ҳаракатларни бажаради. Ортиқча ҳаракатларни тўхтатиб, жиддий диққат ҳолатини сақлаш тадбирларини рўёбга чиқаради, диққатнинг ташқи ифодасига хос бўлган ҳаракатларни кўрсатади. Диққатодамнинг мимикаси, пантомимикаси ва хатти-ҳаракатларида ифодаланади.

Диққат тез ўтувчан, кўчувчанлиги билан психик ҳолатларнинг махсус томони ҳисобланадн. Шахснинг кундалик фаолият давомида бажарадиган ишларининг ҳаммаси диққат объектидир. Диққатиз шахс бирорта юмушни сифатли, мақсадга мувофиқ равишда рўёбга чиқара олмайди.

Диққацезги, идрок. Хотира, ҳаёл каби алоҳида психик процесс эмас. Аммо у психик процессларнинг барчасида фаол иштирок этади. Бу жиҳатдан диққат ақлий фаолиятнинг махсулдорлигини таъминлайдиган руҳий ёки ички фаолликдир.

Диққат билан идрок қилинмаган нарса ва ҳодисалар одам онгида аниқ ва яққол акс этади. Шунинг учун ҳам машҳур чех психологи Ян Амос Каменский диққатни ёруғлик билан

тенглаштиради. Унинг фикрича, диққат-«онг нури». яъни ўқиш ишининг ёруғлигидир, ўқувчилар диққат орқалигина ҳамма нарсани идрок қиладилар.

Хар қандай нарса ёки ҳодисани тўғри ўрганиш учун диққат зарурий шартдир. Бу ҳақда рус психологи К.Д.Ушинский қуйидагича ёзган эди: «Диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради. Болани шу эшикни доимо очиқ тутишга ўргатиш энг муҳим вазифалардандир, чунки бу ўқишнинг муваффақиятини таъмин этадиган шартдир».

Шахс истаган нарсани тўғри ва тўлиқ идрок қилмоқчи бўлса, биринчи навбатда ўша нарсага ўз диққатини қаратмоғи лозим. Ян Амос Каменский ибораси билан айтганда, фақат бошқалар тинглаганда, диққат қилганлигини гапириш лозим. Акс ҳолда фикр беҳуда кетади рециприент (эшитувчи) томонидан ўзлаштирилмайди.

Диққат жараёнида онг доираси тораяди ва ниҳоятда ёрқинлашади. Онгининг бир объектга ниҳоятда тигиз тўпланган ёрқин нуктаси диққатнинг фокуси ёки маркази деб аталади. Ана шу фокусга тушган предметлар одам томонидан тўғри ва тўлиқ сезилади ва идрок қилинади.

Онг бир нуктага тигиз тўпланганда шу нуктага алоқадор бўлмаган барча нарсалар онг доирасидан четда қолади.

Диққат ташқи оламдаги барча предметларнинг одам миёсида тўла ва равшан акс этишини таъминлайди. Бу жихатдан диққат бошқа психик процесслардан ажралган ҳолда содир бўлмайди. Шунинг учун диққат одам руҳий ҳаётининг маълум томони бошқа психик процессларнинг махсус хоссасидир.

Табиийки, одам тетик ҳолатда бўлганда ҳамма вақт фаолиятнинг бирор тури билан банд бўлади, албатта унинг диққати бирор ҳолга ёки предметга қаратилган бўлади.

Диққатнинг таърифи қуйидагичадир: "Киши онгининг бир марказга ёки муайян бир нуктага маълум муддат мобайнида тўпланишидан иборат бўлган руҳий жараён диққат деб айтилади".

Диққат одам руҳий фаолиятининг маълум предметга йўналтирилиши ва тўпланишига кўра қуйидагича турларга бўлинади :

1. Диққатнинг фаоллигига қараб :

- а) ихтиёрий диққат;
- б) ихтиёрсиз диққат;
- в) ихтиёридан сўнгги диққат.

2. Диққатнинг объектига қараб :

- а) ташқи диққат,
- б) ички диққат.

3. Диққатнинг фаолият турларига қараб:

- а) индивидуал диққат;
- б) гуруҳ диққати;
- в) жамоавий диққат;

Ихтиёрий диққат шахснинг ўз диққатини онгли равишда бир марказга тўплаши ёки бирор бир предметга жалб этишидир. Диққатнинг бу тури амалда бирор бир нарсани идрок қилиш мақсади, нияти туфайли вужудга келади. Ихтиёрий диққат олдиндан кўзланган диққатдир.

Ихтиёрий диққат жараёнида шахс ўз онгини бир нуктага тўплашга қийналади азоб чекади, диққатни чалғитувчи шартларга қарши курашади, иродавий куч сарфлайди. Бусиз диққат қаратилган мақсадни рўёбга чиқариш мумкин эмас.

Ихтиёрий диққатнинг шахс фаолиятидаги роли жуда каттадир. Амалий фаолиятда бирор юмушни бажаришга зўр берадиган органлардан ташқари, бутун меҳнат давомида мақсадга мувофиқ диққат орқали ифодаланган ирода бўлиши шарт. Шу билан бирга меҳнат ўз мазмуни ва бажариш усули билан шахсни қанчалик ҳам жалб қилса ва бинобарин жисмоний ва интеллектуал кучларнинг ўйини тарзидаги бундай меҳнатдан шахс қанчалик оз роҳатланса мақсадга мувофиқ диққат орқали ифодаланган ирода бўлиши янада кўпроқ шартлар ҳисобланади. Маъруза ёзиш жараёнида талаба ўз диққатини лекцияни тўғри эшитишга, уни

грамматик қоидалар асосида дафтарга ёзишга қаратади. Талабанинг чарчоғи оша бошлаган сайин диққати ҳам чалғий бошлайди. Бу вақтда ирода кучи ёрдамга келади ва диққатининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ихтиёрийдан сўнгги диққат одамда маълум иродавий зўр бериш туфайли пайдо бўлади ва ихтиёрий диққат ўрнини эгаллайди. Худди ихтиёрий диққатда бўлгани сингари бунда ҳам англанган мақсад бўлади ва бу мақсад шахс онгини бир нуқтага тўплайди. Талабанинг ўқув фаолиятида ихтиёрийдан сўнгги диққатнинг аҳамияти катта. Талаба ўқув фаолиятини бошлашда ихтиёрий диққатни ишга солади. Кейин у мавзуга қизиқиб кетади ва диққати чалғийди кунт билан дарс тайёрлайди давом эттиради. Бу талабанинг ихтиёрийдан кейинги диққати натижасидир.

Ихтиёрий диққатни ҳосил қилиш ва сақлаб туриш учун одам ўз фаолиятига онгли муносабатда бўлиши зарур. Аммо, одамда онгли муносабат ҳам, мақсад ҳам бўлишига қарамай у мақсадга эришиш зарурлигини билиб турса ҳам ўз диққатини бир нуқтага тўплаб ишлай олмайдиган ҳоллари ҳам бор. Бундай ҳол айниқса иродаси заиф одамларда кўлрок учрайди. Чунки улар диққат билан ишлаш учун зарур бўлган иродавий зўр беришга яхши одатланмаган бўладилар.

Шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ва муайян мақсад кўзлаган ҳолда онгнинг бир нуқтага тўпланиши ёки бирор предметга қаратилиши ихтиёрсиз диққатдир. Ихтиёрсиз диққатда ихтиёрий диққатда бўлганидек, одам ўз онгини маълум муддат мобайнида бирор нуқтага жалб этишга куч сарф қилмайди.

Ихтиёрсиз диққат жараёнида иродавий зўр бериш у ёқда турсин, шахс бирор бир нарсани кўрит ёки эшитишни ўз олдида мақсад қилиб қўймайди. Шунинг учун диққатнинг бу тури мақсадсиз диққат ҳамдир.

Ихтиёрий диққат шахснинг турмуш тажрибаси фаолияти билан боғлиқ ҳолда унинг эҳтиёж ва қизиқишлари асосида, маълум ҳиссий ҳолатларни пайдо қилувчи таъсиротлар натижасида вужудга келади.

Ўзининг катталиги, равшанлиги, ранг ва хусусиятлари билан кўзга яққол ташланадиган ўқув материални ўқувчининг идрок қилиши асосан ихтиёрсиз диққат асосида ўтади. Ўқитувчининг қизиқарли ҳикоясини ўқувчилар осон қабул қиладилар, ихтиёрсиз равишда уни берилиб тинглайдилар.

Ихтиёрсиз диққатнинг ўзига хос физиологик асоси бор. Академик А.П.Павлов таълимотича, бу асос ориентировка ёки текшириш рефлексларидан иборатдир. Жумладан, у бундай ёзган эди: "Биз ҳам, ҳайвонлар ҳам ташқи муҳитнинг салгина ўзгариши билан шу ўзгаришнинг сабабига қарата тегишли сезувчи аппаратларимизни мослаштирамиз.

Ташқи кўзғовчи мия ярим шарларига турлича куч билан таъсир этади. Энг кучли ташқи таъсирот доминант деб айтилади. Бу таъсирот қисқа муддат ичида киши диққатини ўзига тортади. Масалан, одам маълум фаолият тури билан машғул бўлиб турган пайтда тўсатдан эшитилган ҳайқирик овози унинг фаолиятини бузади ва диққатини ўзига қаратади. Бу доминантдир.

Доминант муайян нерв участкасидаги кучли кўзғалувчанлик қобилиятига эга бўлган кўзғалиш маркази бўлиб, бу пайтда бошқа нерв марказлари тормозланган бўлади. Доинант марказий нерв системасига келган ҳар қандай кўзғалишларни қабул қилиб, уларга тегишли жавоб қайтаради ва бошқа марказларнинг толрмозланиши эвазига ўз фаолиятини кучайтиради.

Шундай қилиб бош миянинг катта ярим шарлари пўстлоғида содир бўлувчи кўзғалиш ва тормозланиш процесслари диққат фаолиятининг физиологик асосидир.

Диққатнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятлар турли шахсларда турлича даражада учрайди.

Диққатнинг асосий хусусиятлари деганда, унинг барқарорлиги, беқарорлиги, кўлами (доираси), бўлиниши, кўчувчанлиги ва паришонлик кабилар тушунилади.

Диққатнинг узокт вақт давомида бирор бир нарса ёки иш устида тура олиши унча мунча таъсирларга чалғимаслиги унинг барқарорлигидир. Барқарор диққат мақсадга мувофиқ

муддат мобайнида бир нуктада мустахкам туради. Лекин баъзи одамларнинг диққати кучли ва барқарор бўлади. Одам ўз диққатини бирор нарса ёки ҳодисага узоқ муддат давомида муттасил қаратиб тура олса, унинг диққати кучли ва барқарор ҳисобланади. Барқарор ва кучли диққатнинг одам фаолиятида катта аҳамияти бор. Чунки, одам ўз диққатини зарур вақт мобайнида бирор нарсага қарата олмаса, ўз фаолиятининг у истаган турида мақсадга мувофиқ натижага эриша олмайди.

Одам диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши қуйидаги психологик шартларга асосланади: а) диққат қаратилган нарсанинг хусусияти ва аҳамиятига б) диққат йўналтирилган нарсага боғлиқ бўлган фаолиятга; в) нерв системасининг айрим индивидуал имкониятларига.

Бундан ташқари диққатнинг кучи ва барқарорлиги одамнинг Айни чоғдаги ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Унутмаслик лозимки, одамнинг бетоблик, ғамгинлик, руҳий тушкунлик ҳолатларида унинг диққати кучли ва барқарор бўла олмайди. Иккинчидан, кизиқ ва мазмунли бўлмаган ҳолга нисбатан одам ўз диққатини узоқ муддат қарата олмайди. Маъруза мавзуи жонли ва ҳаётий мисолларга бой бўлса, талаба унга ажратилган вақт давомида диққатини ундан кўчирмайди ва ўқитувчи баён қилган фикрларни тўғри ва тўлиқ идрок қилади.

Мақсадга мувофиқ тарзда диққатни бирор нуктада ёки предметга тутат олмаслик диққатнинг беқарорлигидир. Диққатнинг беқарорлиги кўпинча ёшларда учрайди. Ёшларда индивидуал сифатлар мустахкам қарор топмаган бўлганлиги учун уларнинг диққати тез чалғувчан характерга эга бўлади.

Одам фаолиятининг тез қирралилиги диққатнинг турлича кўламини талаб қилади. Диққатнинг кўлами (доираси) бир вақтда унга сингиши мумкин бўлган нарсалар сони билан белгиланади. Кўлами жихатидан диққат кенг ёки тор бўлади. Диққат кўламининг кенг бўлиши шахснинг нарса ва предметларни яхши тушуна билиши учун муҳимдир.

Одамлар ўз диққатларининг кўлами жихатидан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Айрим шахсларда диққат кўлами кенг, айримларида эса тор бўлади. Умуман олганда, одамнинг диққат кўлами бир вақтда идрокка сиғиши мумкин бўлган нарсалар миқдори ёки доираси билан белгиланади. Идрок жараёнида одам диққати қаратиладиган нарсаларнинг қанчаси онг доирасига сиғиши диққат кўлами ҳисобланади. Масалан, аудиторияда мруза ўқиётган домланинг диққат кўлами шу аудитория ҳажмидан иборат бўлади. Китоб ўқиётган талабанинг диққат кўлами китоб саҳифасида ўқиладиган қатордаги сўзлар тартибида бўлади.

Киши диққатининг бир вақтнинг ўзида турли нукталарга жалб этилиши унинг бўлинишидир. Жуда кўп ҳолларда шахс ўз диққатини бир нарсага эмас, бир неча предметга қаратади, бир вақтнинг ўзида бир қанча ишни бараварига бажаради.

Диққатни зарур ҳолларда талаб қилинган соҳаларга тўғри тақсимлай олиш ҳар бир шахсдан шу соҳага оид маҳсус малакани талаб қилади. Тўқувчилик, учувчилик, шафёрлик, актёрлик каби касбларнинг ҳар қайсиси иш жараёнида диққатнинг бир неча объектларга тақсимланишини тақозо этади. Агар диққат фақат битта нарса устида тўпланган бўлса, бундай диққат тўпланган диққат- деб юритилади. Агар одам диққати бир вақтда бир қанча нарсаларга қаратилса, бу ҳол тақсимланган диққат деб юритилади. Аслида айни бир вақтнинг ўзида диққатнинг бир қанча нарсаларга қаратилиши унинг бир предметдан иккинчи предметга ниҳоятда тезлик билан кўчишидир. Чунки, диққатнинг бўлиниши талаб қилинган пайтда у бир ҳолдан иккинчи ҳолга шу қадар тез кўчадики, одам уни пайкай олмайди.

Амалий нуктаи назардан диққат бўлинувчанлигининг жуда катта аҳамияти бор. Буни педагогик жараёнда ҳам яққол кўриш мумкин. Талаба маъруза жараёнида ўз диққатини уни тўғри эшитиш, тўғри ёзиш, ўзини талаб даражасида тутат билиш каби ҳолларга қаратиш орқали ундан кутилган мақсадга эришади.

Демак, диққатнинг хусусиятлари одам фаолиятининг барча соҳалари учун жуда зарур шартдир. Диққат хусусиятлари туфайли одам меҳнат шароитига мослашади, ундаги муҳитга таъсир қилади ва ўз ниятларини амалга оширади.

Айрим ҳолларда учрайдиган диққатсизлик ҳолатлари паришонликдир. Бундай ҳолларда шахс ўз диққатини маълум нуқтага тўплай олмайди, унинг диққати маълум йўналишга эга бўлмайди, тарқоқ тарзда предметдан предметга тез-тез кўчиб юради.

Паришонликнинг икки кўриниши мавжуд. Биринчидан, паришонлик диққатнинг ўта барқарорлиги туфайли содир бўлади. Иккинчидан, шахснинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари асосида диққатнинг бир предметга кучли йўналиши натижасида паришонлик ҳолати юз беради, яъни, одам бирор соҳа билан ҳаддан ташқари банд бўлганлиги учун бошқа таъсуротларни сезмай қолади.

Одамда диққатнинг барқарорлиги, кўлами, тақсимланиши ва тўпланишининг юксак даражада ўсган бўлиши унинг фаолият учун муҳим аҳамият касб этади. Бундай сифатга эга бўлган ўқувчи ўзининг зийрак ва сезгирлиги билан ажралиб туради, билимлари тез ва сифатли ўзгаради.

Шундай қилиб таълим ва тарбия процессининг моҳиятини таъминловчи шартлардан бири ўқитувчининг ўз ўқувчилардаги диққат хусусиятларини тарбиялаш қонуниятларини яхши билишидир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Диққатни таърифланг?
2. Диққатнинг турларини. изоҳланг?
3. Диққатнинг асосий хусусиятлари таълимда қандай рол ўйнайди? Доминантани тушунтиринг.
4. Диққатнинг физиологик асосларини нима ташкил этади?
5. Диққатнинг ўсиш жараёнини айтинг?
6. Ушинскийнинг диққат ҳақидаги фикри?

9 Мавзу: Хотира назарияси, турлари ва индивидуал хусусиятлари.

Хаёл.

(2 соат маъруза).

Режа:

1. Хотира ҳақида умумий тушунча, физиологик асослари.
2. Хотира турлари ва жараёнлари.
3. Хаёл фантазия ҳақида тушунча, физиологик асослари.
- 2 Хаёлни турлари.
4. Хаёл жараёнида агглюция, акцентировка.

Хотира ўтмиш тажрибанинг одам онгида, эсида олиб қолиниши, эсга қайтадан тушурилиши ва таниб олиниши акс эттиришидан иборат бўлган мураккаб руҳий жараён ҳисобланади. Одам хотирасида унинг идрок қилган нарсаларидан ташқари, ўйлаган нарсалари ҳам, яшаб турган даври, ўтмиш ва келажак даврга оид ҳоллар акс этади.

Хотира материалининг муҳим қисмини таниш орқали эсга олинган материал таш қилэтади. Таниш айна чокданоқ қилинаётган нарсани илгари идрок қилинган нарса билан айнанлаштириб булиб, ҳар хил даражада юз беради.

Психологик жихатдан билиш ва таниш бир-биридан тамомила фарқ, қилувчи икки руҳий ҳолат булиб, қайси нарсани олдиндан таниш вазифа қилиб қўйилса, ўша нарса ҳаммаша пухта эсга олинади. Эсда олиб қолиш билан танишиш қанчалик аниқлигини ўзаро бир-бирига солиштирилса, нарсаларни таниш уларни эсга олинишга қараганда анча аниқ бўлишига ишонч ҳосил қилинади.

Хотира материалининг вақтга қараб ўзгаришига доир тажрибани немис психологи Герман Эббингауз ўтказган. Унинг тажрибаларига кўра одам бирон нарсани эсга олганидан кейин бир кун вақт ўтгач унинг 25 фоизини унутади.

Эсга олинган материални қай ҳажмда эсда сақлаш ҳар бир шахсга хос хотира типининг сифатига ҳам боғлиқдир. Бир ҳажмда ва бир хилдаги материал хотира типининг сифатига

қараб турли шахсларда турлича хажмда из қолдиради. Худди шунинг сингари унутилиш жараёни (камайиш миқдори) ҳам ҳар хил шахсларда турличадир.

Хотира процессига хос хусусият шундаки, одамнинг кўрган ва эшитган нарсалари қолдирган из мия пустлоғида ўша нарсаларнинг образи тарзида сақланади. Бунинг натижасида одам истаган вақтда бу образларни ўз онгида қайта тиклай олади.

Хотира процесслари қуйидагилардан иборат:

1. Эсга олиш
2. Эсда сақлаш.
3. Ёдлаш.
4. Қайтадай эсга тушириш.
5. Унитиш
6. Таниб ола билиш

Ўқувчилар хотирасини сифат жиҳатидан қуйидаги тўрт типга ажратиш мумкин:

7-жадвал

№	Эсга олиш	Унитиш
1	ТЕЗ	СЕКИН
2	СЕКИН	СЕКИН
3	ТЕЗ	ТЕЗ
4	СЕКИН	ТЕЗ

Хотира материали эсга олишдан бошланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, эсга олишнинг миқдори хотира типининг сифатига, шахснинг эҳтиёжларига, эсга олинувчи материалнинг характерига боғлиқдир.

Эсга олиш натижасида хотирадаги турли-туман материаллар ўртасида алоқа ўрнатилади. Эсга олишнинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз формалари бор. Ихтиёрий эсга олишда шахс ирода кучи сарфлайди у ёки бу нарсани эсга олишга ўзини мажбур этади. Ихтиёрий эсга олиш билим эгаллаш, санъат ва ҳунар ўрганишнинг муҳим шартидир.

Эсга олиб қолинган билим ичидан айни чокда зарур бўлган маълумотни эсга тушириш қобилияти хотиранинг сермахсуллигини белгиловчи сифатлар ичида энг муҳими ҳисобланади. Хотиранинг шайлиги (хозиржавоблиги) материални эсда сақлаб қолиш жараёнидаёқ пайдо бўлиб боради. Материални эсда олиб қолишда унинг маъносини албатта тушуниб олиш ва бу материал керак бўлади деб, эсга тушириш талаб этиладиган ҳоллар билан уни боғлаб бориш лозим.

Эсга олиш жараёнида одамнинг нарсалардага ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини топа билиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Образли қилиб айтганда, хотира ақл хужрасидир. Бу хужрада жуда кўп токчалар бор, ақлга олинadиган нарсаларнинг ҳаммасини ўз тоқчасига жойлаштириш зарур. Эсга олинган нарсалар бу токчаларда жавон қутиларга солингандек туради. Керакли маълумотни олиш учун муайян кути очилади, холос.

Билим мазмунини хотирага тўлиқ олиш учун ўша соҳа билимига хос системалилик, ўша билимнинг нима учун эсга олинаётгани ундан қачон ва қандай ҳолларда фойдаланиш зарурлигини яхши тушунишнинг амалий аҳамияти катта. Чунки одам ҳамма вақт узи истаган нарсаларнигина эсга олавермайди.

Хотира материалнинг маълум қисми ихтиёрсиз равишда эсда олиб қолинган бўлади. Футбол ишқибози класслар бўйича командаларни, уйинчиларнинг исмини, фамилиясини, ўйин вақти ва жойини ҳамма вақт хотирада сақлаб юради. Бу ихтиёрсиз эсга олишнинг мисолидир.

Эсга олинган материал мазмунан логик ва механик характерга эга бўлади. Агар одам у ёки - бу нарсани моҳиятига, маъноси-мазмунига ҳар томонлама чуқур тушунган ҳолда эсга олса, бундай эсга олиш логик эсга олишдир.

Логик эсга олиш мантикий эсга олиш бўлиб мураккаб ақлий процесснинг якунидир. Профессор К.К.Платонов логик эсга олимнинг босқичларини схема тарзида қуйидагича келтиради:

- эсда олиб қолинган материалнинг маъносига тушуниш
- материални анализ қилиш
- энг муҳим фикрларни ажратиб олиш
- умумлаштирилган материални эсда олиб қолиш,

Логик эсга олиш таълим ва тарбия жараёни учун энг муҳим шартдир. Акс ҳолда ўқувчилар таълим материалининг маъносини тушунмайдилар, қуруқ ёдлашдан иборат бўлган таълим усули ўз ўқувчиларига пухта билим бера олмайди, чунки ўқувчига қуруқ ёдлаб олиш билим бермайди. Ҳар бир ўқувчи ўз зехнини асосий билимлар билан ошириши ва мукаммаллаштириши зарур, чунки агар ўқувчининг олган билимининг ҳаммаси унинг онгида қайтадан ишланмаса, у ҳолда бу билим пуч бир нарсага айланади, қуруқ бир лавҳага айланади, ўқувчи эса қуруқ бир мактанчоқ бўлиб қолади, сарфланган куч ва вақт беҳуда кетади.

Билимларни логик хотира ёрдамида ўрганишда тафаккурнинг роли каттадир. Хотира материали тафаккур ёрдамида атрофлича билиб олинади ва янги маъно, мазмун касб этади. Логик хотира орқали олинган билимлар шахснинг ақлий тараққиётига баракали таъсир этади ва хотирада узоқ сақланади.

У ёки бу нарсанинг моҳияти ва мазмунига чуқур тушунмасдан эсга олиш йўли билан ўрганилган материал хотирада узоқ вақт сақланмайди. Механик эсга олиб қолиш орқали билим эгаллаш кўпинча ёшларда учрайди.

Эсда сақлашнинг янада мураккаб формаси ёдлашдир. Материални - ёдлаш орқали эсда сақлашнинг ўзига хос-мураккаблиги шундаки, бунда хотира эгаси материалга қушимча қила олмайди ёки унинг бирор қисмини тушириб қолдира олмайди, ундан андоза олади, ҳолос.

Эсга олинган материални маълум фурсат ўтгандан сўнг қайтадан эсга тушириш ҳам хотира процесларининг муҳим томонидир. Эсда сақланаётган ёки ёдланган материални қайтадан мақсадга мувофиқ ҳажмда эсга тушириш унинг қай ҳажмда эсга олинганлиги, такрорланиш ритми, хотиранинг ўткирлиги, махсулдорлиги ва ҳозиржавоблигига боғлиқдир.

Қайтадан эсга тушириш процессида реминистенсия ва амнезия ҳоллари ҳам мавжуддир. Зарур пайтда эсга тушмаган ёки аввал унитилган деб ҳисобланган материалнинг кейинчалик эсга тушишидан иборат хотира процесси реминистинсиядир. Реминистенсия материални вақтинча унутиш бўлиб, унинг сабаби нерв системасининг чарчаши, заҳарланиши ёки шахснинг кучли хаяжонланиши кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Қисмангина эсга тушириш ёки бутунлай эсга тушира олмаслик амнезиядир. Бу ҳолатда шахс ҳатто энг оддий нарсаларни ҳам эсга - тушира олмайди. Психопатологик нуқсон, айрим касалликлар ёки бош миё қобиғининг касалланиши натижасида амнезия ҳолати юз беради.

Одам эгаллаган билимнинг қанча вақтдан кейин қанча қисми хотирада сақланишини билишнинг амалий аҳамияти жуда катта. Психологик тадқиқотлар исботига кўра, маъносига тушуниб эсга олишда эришиладиган натижа механик тарзда ўрганилганига қараганда 25 марта юқори бўлади. Маъносига тушуниб эсга олинган билим хотирада узоқ вақт сақланади, аммо у ҳам вақти-вақти билан такрорланиб турилмаса, охири барибир унутилади.

Одам хотираси мазмуни кўриш ва эшитиш (образ хотираси), ҳатти - ҳаракатларни акс эттириш хотираси (ҳаракат хотираси), фикр ва ғояларни (мантикий хотира), -ўз бошидан кечирган ҳис-туйғуларини (эмоционал хотира) акс эттириш каби йўналишлардан иборат бўлиб, доимо эсда сақланиши ва унитилиши керак бўлган мазмун ўз қутичалари фаолиятига боғлиқ бўлади.

Унутиш батамом ва қисман унутиш каби иккига бўлинади. Агар билим батамом эсдан чиқиб кетган бўлса, батамом унутиш, айрим қисмлари эсдан чиқиб кетган бўлса, қисман унутиш деб юритилади. Олинган билимларни унутиш бир қанча сабабларга асосланади. Биринчидан, унутиш эсга олинган билимнинг амалда қўлланишига боғлиқ бўлади. Иккинчидан, унутиш шахснинг ўша билимга нисбатан бўлган қизиқишларига асосланади. Учинчидан, унутиш жараёнида шахснинг индивидуал сифатлари ва нерв системаси типининг ҳам роли бор.

Хотира процессларида таниб ола билишнинг ҳам аҳамияти муҳимдир. Инсон хотирасида ҳамма предметларга хос белгини сақлаб қолиш имконияти бор. Шунинг учун ҳам одам ҳамма предметларни танийди, ўз эҳтиёжлари учун улардан ўринли фойдаланади.

Хотира процессларида аралаш хотирлаш ҳам мавжуддир. Бундай хотирани ассоциация ёки ассоциатив хотирлаш деб ҳам юритилади. Бир вақтда эсга олинган нарса ва ҳодисалар ўртасида мияда ҳосил бўлган боғланиш ассоциациядир. Масалан, одам ўз дўстининг исмини эслаганда, ўша одамга хос бўлган бошқа белгилар ҳам (турар жойи, касб-кори, тузилиши, хулқ-атвори ва х.к. эсланади).

Ассоциация уч хил йўл билан вужудга келади:

1. Аралаштириб эслаш йўли билан;
2. Ўхшатиб эслаш йўли билан;
3. Бир нарсанинг тескарисини эслаш йўли билан.

Ўхшашлик ассоциацияси бир неча воқеа ва ҳодисаларни айна бир вақтда ёки кетма-кет идрок қилишдан ҳосил бўлади.

Ўхшашлик ассоциацияси бирор предмет ёки воқеанинг қиёфаси ёки бу ҳақда туғилган фикр бошқа шунга ўхшаш предметни эслатганда воқе бўлади. Ухшатиш ассоциациясининг бадиий ижоддаги аҳамияти айниқса муҳимдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хотирага қуйидагича таъриф бериш мумкин: "Одамнинг турмуш тажрибасида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни эсга олиши, эсда сақлаши, ёдлаши, қайтадан эсга тушириши, унутиши ва таниб ола билишидан иборат бўлган ақлий фаолият хотира ёки хотирлаш деб айтилади".

Хотира бир қанча турларга бўлинади.

Хотиранинг турларга ажралишида хотира тафсилотларининг эсга олиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари хусусиятларига асосланади ва уни қуйидаги

3 мезон асосида турларга ажратилади:

И. Инсон фаолиятида кўпроқ кўринадиган рухий, фаоллик характериға кўра:

- а) ҳаракат хотираси;
- б) эмоционал (туйғу) хотира;
- в) образли хотира,
- г) сўз - мантиқик хотира кабиларға.

2. Инсон фаолиятининг мақсадига кўра;

- а) ихтиёрий хотира;
- б) ихтиёрсиз хотира кабиларға.

3. Эсга олинган таълим материали, предметлар ва воқеа-ҳодисалари қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кўра;

- а) қисқа муддатли хотира,
- б) узоқ муддатли хотира;
- в) оператив хотира кабиларға булинади.

Ҳаракат хотираға турли хил ҳаракатлар ва уларнинг тизимларини эсга олиш, -эсда сақлаш ва қайта эсга туширишдан иборатдир. Бу хотира турининг ғоят катта аҳамияти шундаки, у юриш, ёзиш ва шунинг каби малакалар қаторида ҳар хил амалий меҳнат малакалари таркиб топишининг асосини таш қилэтади. Агар ҳаракат хотираси бўлмаганда эди, одам бирор ҳаракатни амалға ошириш учун шу ҳаракатнинг ўзини ҳар гал қайтадан ўрганар эди. Амалда жисмоний чакқонлик, маҳоратли фаолият, ҳаққоний меҳнацеварлик туйғусининг доимо ҳукмрон бўлиши яхши ҳаракат хотирасининг асоси ҳисобланади.

Демак, оламнинг ва барча предметларнинг ҳаракатларини акс эттирувчи хотира тури ҳаракат бўлиб, бу хотира одам фаолияти жараёнида намоён бўладиган юриш, югириш, эгилиш, букилиш, сакраш каби ҳаракатлар натижасидир. Шунга асосан: ҳаракатнинг бу тури ҳаракат ёки мотор хотираси деб юритилади.

Одамнинг ҳар бир предметга ҳос булган қиёфасини эсга олиши образ хотирасидир. Образ хотираси одамнинг ҳар бир предметга ҳос муҳим белгисини тушуниб, англаб олишининг натижасидир. Бу хотира шахсга предметлар ўртасидаги тафовутни ажрата олиш ва улардан тўғри фойдаланиш имконини беради. Образ хотираси орқали одам ўзи бевосита идрок қилган нарсаларнинг қиёфасини фикран кўз олдида, гавдалантиради.

Образли хотира тасаввурлар, табиат ва ҳаёт манзаралари, товушлар хидлар, таъмлар билан боғлиқ бўлиб, кўриш, эшитиш, туйиш, хид билиш ва таъм хотираларини ҳам ўз ичига олади. Хотиранинг бу йўналишдаги мазмуни ҳар бир шахснинг фаолият тури билан боғлиқ ҳолда айниқса кучли намоён бўлади. Образли хотира меъмор, хайкалтарош, шоир ва ёзувчиларда алоҳида моҳият касб этади ва тез ривож топади.

Айрим шахсларда образли хотиранинг эйдетик тури ҳам бор. (Эйдетик юнонча "эйдос" сўздан олинган бўлиб, тимсол, қиёфа маъноларини англатади). Эйдетик хотира ташқи таъсуротлар туфайли сезги хотираларининг қўзғатиши мажмуасидир. Эйдетик хотира тимсоллари таъсир қилаётган нарсаларсиз ҳам юзага келади. Бундай хотира эгалари аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг тимсолларини узоқ вақтдан кейин ҳам аниқ, тўлиқ ва ёрқин эсда сақлаш қобилиятига эга бўладилар ва истаган вақтда раво қайтадан эсга туширадилар.

Одамнинг ўз ҳаёти ёки ўзига яқин бўлган кишилар ҳаётида бўлиб ўтган қувончли ёки мусибатли ҳолатларни қайтадан эсга тушириши туйғу хотираси ёки эмоциал хотирадир. Киши, ҳаётида шундай қувончли, хурсандчилик дақиқалари бўладик, одам уларни вақти-вақти билан қайтадан эсга туширишга ўзида эҳтиёж сезади. қиз ёки йигит турмушга, ҳаётга қадам қўйган кунини, оилада фарзанднинг дунёга келиши, унинг мактаб оstonасига қадам қўйиши, етуклик гувоҳномасини олган дамани, олий мактаб талабалигига қабул қилинганлиги, ўзининг ёки яқин кишисининг ҳалол меҳнатига берилган давлат мукофоти (меҳнатнинг халқ томонидан тақдирланиши) кабиларнинг қувончи шунчалар чексиз бўладик, одам буларни тез-тез эсга туширади ва ундан роҳатланади.

Эмоционал хотира шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишларининг қандай қондирилаётганлигини, ташқи олам билан муносабатларининг мазмунини ифодалайди. Бу жихатдан эмоционал хотиранинг ҳар бир шахс учун алоҳида аҳамияти бор. Ёқимли таъсуротлардан завқланиш, бошқа шахсларнинг шодлик ва қайғуларига шерик бўлиш, бадий асар қахрамонларининг кечинмаларини идрок қилиш кабиларнинг барчаси эмоционал (қайғу) хотира туфайлидир. Агар шахс ўз ўтмишини эслаб, ранги-рўйи ўзгарса, ташқи қиёфасида оқариш, қизариш - бўзариш ҳоллари юз берса, ўтган қувончли дамларини ўзгаларга завқ билан ҳикоя қилиб берса қайғули онларни эслашдан ўзини сақлашга уринса, бу ундаги эмоционал хотиранинг кучлилиқ белгисидир.

Ҳикоя эшитиш, лекция тинглаш, китоб ўқиш орқали у ёки бу нарсани эсга олиш сўз хотирасидир. Сўз хотираси нутқ орққали ифодаланувчи мантикий хотира ҳисобланади. Сафар чоғида бир купега тушиб қолган икки суҳбатдошнинг ўзаъро фикр олишувлари, тушунтиришлари. савол-жавоблари мантикий хотирага мисоллардир.

Сўз хотирасининг мазмунини шахснинг фикри таш қилэтади. Чунки, сўз фикрга асосланиб, унинг ташқи ифодаси юзага чиқишидир. Хотиранинг бу турида иккинчи сигнал системаси асосий роль ўйнайди. Мантикий хотира хотиранинг фақат инсонга ҳос махсус тури бўлиб, бошқа турлари билан боғлиқ, ҳолда намоён бўлади ва ривожланади, балки ва тажриба орттиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Агар шахс ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, у ёки бу нарсани эсга олса ёки қайтадан эсга туширса, бу жараёнлар ихтиёрий хотира деб юритилади. Муайян мақсадга асосланмаган ҳолда бирон нарсани эсда олиб қолиш ёки қайтадан эсга тушириш ихтиёрсиз хотира деб аталади.

Инсон ҳаётида ҳамма вақт ўз хотирасини бошқариш назорати мавжуд. Мана шундай шароитларда керакли нарсалар ихтиёрий равишда ўрганиш ва қайта эсга олиш имкониятини ихтиёрий хотира тури беради. Шу билан бирга, хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турлари хотира тараққиётининг икки кетма-кет босқич сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира турлари ўртасида ўзаро мураккаб боғланиш бор. Бу боғланиш эсга олиш жараёнининг махсулдорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шахс фаолияти учун қисқа муддатли, узоқ муддатли ҳамда оператив хотира турларининг муҳим аҳамияти бор. Маълум материал эсга олинган, шахс томонидан хотирада тегишли равишда ишлаб чиқарилиши керак. Бу жараён маълум микдордаги вақт бирлиги талаб қилади, ҳозиргина бўлиб ўтган воқеанинг акс-садоси сифатида кечирилади. Шахс маълум дақиқалар мобайнида шу моментда бевосита идрок қилмаётган нарсаларини гўё кўраётгандай, эшитаётгандай бўлаверади, беқарор бўлади ва тез ўзгаради. Шунинг учун бу жараёнлар қисқа муддатли хотира номи билан юритилади.

Қисқа муддатли хотира бир марта ҳамда жуда қисқа вақт оралиғида идрок қилиши ва шу ондаёқ қайта тиклашдан сўнг жуда қисқа муддатли эсда олиб қолиш билан характерланади: Шахс у ёки бу материални кўп қайтариши ва қайта тиклаши натижасида узоқ, муддат давомида эсда сақлаш узоқ муддатли хотира деб юритилади.

Қисқа муддатли хотиранинг вақт билан боғлиқ томонини эмас. бажарилиши лозим бўлган юмуш билан боғлиқ томонини ифодаловчи хотира тури, оператив хотира деб айтилади. Айрим юмушларни бажаришда одамга оператив хотира қўл келади. Масалан, бадий асар таҳлили, химиявий тажрибалар, математик (тажрибалар) масалалар ечишда дуч келинадиган қийинчиликларни енгишда (ақлий ва фикрий жараёнларнинг самарадорлигини оширишда) оператив хотира одамга назарий ва амалий жихатдан ёрдам беради.

Инсон фаолияти учун хотиранинг сифатли бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Хотира одам биладиган барча нарсаларнинг асосидир. Ҳаётдан олинган барча билим ва тажрибалар хотирада пўлат сандикда сақлақандек сақланади.

Образли қилиб айтганда, хотира ҳеч нарсани йўқотмайдиган, эзмайдиган, кўзга ташланмайдиган, қўлга туширмайдиган тилла сандик. У ёнмайди ҳам, чўкмайди ҳам.

Мустаҳкам ва ўткир хотира қуйидаги хоссаларга эга бўлади

а) сермахсул бўлиб, кўп материални қамрайди:

б) тез эсга олади;

в) аниқ эсга туширади;

г) узоқ, вақт ёдда сақлайди:

д) қайтадан эсга туширишга доим тайёр бўлади. Ўқувчилар хотирасини сифат жиҳатидан қуйидаги тўрт типга ажратиш мумкин:

	Эсга олиш	унутиш
1.	тез	секин
2.	секин	секин
3.	тез	тез
4.	секин	тез

Биринчи типдаги хотира эгаси бўлган ўқувчилар материални тез эсга оладилар ва узоқ муддат хотирада сақлайдилар. Уларда унутиш жараёни секин содир бўлади. Бу тип хотира эгаси бўлган ўқувчилар яхши хотирали сифатида изоҳланадилар. Иккинчи тип хотира эгаси бўлган ўқувчилар материални секин ўзлаштирадилар, аммо уни узоқ вақт эсда тута оладилар. Улар биринчи тип хотира эгаси булган ўқувчилардан билимларни ўзлаштириш жараёнининг секинлик билан фарқ қиладилар, учинчи тип хотирали ўқувчилар материални тез ўзлаштирадилар, лекин бу ўзлаштириш юзаки бўлади ва тез унутилади, Уларнинг материални ўзлаштиришга бўлган ҳаракати механик мохиятга эга бўлади. Тўртинчи тип хотирага тааллуқли ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш жараёни жуда секин бўлиб, ўзлаштирилган билимларни унутиш эса анча тездир. Бу типдаги ўқувчилар кучсиз хотира эгаси сифатида изоҳланадилар улар ҳамма вақт ўқитувчининг диққат марказида бўладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, хотиранинг юқоридаги тўрт типи ҳамма синф ўқувчилари жамоасида мавжуддир. Бу ҳол ҳар бир ўқитувчидан ўз синфи ўқувчиларининг хотира типини билишни ва ана шундан келиб чиқиб, ўқувчиларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишни талаб қилади. Чунки ўқитувчи юқоридаги учинчи ва тўртинчи хотира типига таалукли ўқувчиларни доим назорат қилиб турмаса, уларни ўз устида системали ишлашга мажбур этмаса, уларнинг хотираси шу заифлигича қолаверади.

Куйидаги ҳоллар хотиранинг асосий қонуниятларидир:

- а) мақсад аниқ бўлгандагина-одам у ёки бу нарсани узоқ, муддат эсда сақлайди;
- б) мазмуни тўлиқ тушунилган, логик хотира ёрдамида ўрганилган материал узоқ вақт эсда сақланади;
- в) эсга олинган (ўзлаштирган) материални хотирада сақлаш уни вақти-вақти билан такрорлаб, машқ қилишни тақозо этади;
- г) исталган материални узоқ, вақт эсда сақлаш ва мазмунини чуқур тушуниш учун уни бўлиниши мумкин бўлган қисмларга ажратиш йўли билан ўрганиш ва такрорлаш мақсадга мувофиқдир:

д) хотира далили бор ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва ўнғайроқ эслаб қолади.

Хотирани тарбиялаш муҳим психологик муаммодир. Шунинг учун хотира муаммоларини ўрганиш узоқ тарихга бориб тақалади. Бурхониддин Зарнуджийнинг (ХИИ аср "Ўқувчига таълим йўлида қўлланма" асарида "Билимларни хотирада сақлаш эсдан чиқариш турлари" номли махсус бўлимнинг борлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Тарихда уз хотираси устида ишлаб уни бойитган, ўткирлаштирган ва бунинг натижасида катта муваффақиятларга эришган шахслар жуда кўп.

Мовароуннахрда иккинчи "саҳих," йўналишининг асосчиси, мусулмон оламида энг етук ва машҳур мукаддас шайх, имом ва хофиз Имом Бухорий пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини тўплаб, шайху уламолардан ёзиб олиб, 600 минг ҳадис ёдлаган. Хотирасидаги бу улкан имконият туфайли бу мўътабар зот ислом оламида катта шуҳрат таратган, Қуръон ва ҳадиснинг ёд билувчиси сифатида унинг донғи кенг дунёни забт этган.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий жуда ўткир зеҳн ва хотира эгаси бўлган. У бир марта ўқиган сабоғини қайта такрорламаган, хотирасининг махсулдорлиги туфайли Аристотель давридан ўз замонасигача булган бутун фанларга тааллуқли китобларни ўқиб чиққан ва бу уммондан кўнглини озиклантирган.

Психологик маълумотлар исботича: Мирзо Улуғбек ниҳоятда кучли хотира эгаси бўлган. Унинг хотираси шу даражада ўткир бўлганки, жуда мураккаб математик масалаларни маълумотномаларсиз бемалол ечаверган.

Араб қизи Базл билим олишга ҳеч қандай шароит бўлмаган ҳолда ажойиб хонанда ва созанда, мохир бастакор бўлиб етишади. У 30 минг куйни мукамал ўрганиб, 10 минг оҳангни ўз ичига олган ноёб мусиқий асар яратган. Унинг ҳаддан ташқари сермахсул хотираси, заковати, инсон туйғуларини туғри ифодалаши, латофати ва назокати афғор омmani ўзига мафтун этган.

Ўзбек миллий психологияси тарихида ҳам ажойиб хотира кучига эга бўлган донишмандлар ачагина. "Минг бир кеча", "Чор дарвеш", "Баҳор дониш", "Калила ва Димна", "Тохир ва Зухро", "Алпомиш". "Гўруғли", "Алишер Навоий" ва яна бир қанча халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ёддан айтиб берувчи Куса маддох, Хожи маддох, Собит ота Юнусов кабилар шулар жумласидандир.

Машҳур адабиётшунос ва тилшунос олимлар академик В.А.Абдуллаев, проф.Х.Д.Дониёров, проф.Н.Ш.Шукуровлар ниҳоятда махсулдор ва ҳозиржавоб хотира эгалари эдилар. Проф.Б.Н.Валихўжаев ва проф. С.З.Мирзаев ўз ҳамкасблари орасида катта ҳажмдаги адабий материални ёддан айтиб бера олиш хислатлари билан ажралиб турадилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хотирани ўстиришнинг биринчи ва энг муҳим шарт доимий равишда машқ қилишдан иборатдир. Хотирани бойитиш ҳамиша янги-янги материалларни эсга олиш билан боғлиқ

бўлиб аввал эсга олинган материални мустахкам эсда сақлаш. қайтадан эсга туширавериш натижасида одамнинг хотираси такомиллашиб боради.

Умуман олганда, хотира билим олишнинг асосий шарты булиб, унинг сифат жиҳатидан етуклиги хар кандай касб эгаси учун ҳам бениҳоя катта аҳамиятта моликдир.

Шундай экан, ёш авлод хотирасининг мукаммалигини таъминлаш аввало оила мактабгача тарбия муассасалари, ўрта умумий таълим ходимларининг, хозирги давр миллий психологиясининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Аввало ёшларда хотира сифатларини ўстириш оила шароити билан боғлиқ бўлади. Чунки, боланинг ўзига яқин кишилар ва ўз муҳитадаги предметларни топиши ва тўғри идрок қилиш оиладан бошланади.

Хаёл жараёнининг - бошқа руҳий ҳолатлардан ўзига хос фарқи шундаки, одам хаёл ёрдамида аввал идрок қилган предметларни ва воқеа-ҳодисаларни ҳам тасаввур эта олади. Хаёл жараёни одам онгининг мазмунини фақат у ўз тажрибасида идрок қилган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар билангина эмас, илгари идрок қилмаган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар билан ҳам бойитади. Хаёл туфайли ташқи олам одам онгида кенгроқ хилма-хилроқ акс этади, дунёқараши кенгайиб, тажриба бойийди ва мукаммаллашади.

Яна бар муҳим томоша шундаки, хаёл одамдаги бошқа руҳни жараёнларнинг фаолиятини кучайтиради, идрок тимсолларини тўла ва ёрқин намоён этади. Хаёлда яратилаётган тимсоллар одам эмоционал ҳолатлари учун бой манба, хисобланади. Хаёл туфайли одам келажакка оид истак ва мақсадлар билан боғлиқ туйғуларни ҳис этади. Бундай ҳислар одамни тетик қилади, унинг ғайратига ғайрат қўшади куч ва тетиклик бағишлайди.

Хаёлнинг яна ўзига хос томони шундаки, одам хаёл ёрдамида узок ўтмиш воқеаларини, ўз даврдаги воқеа ҳодисаларнинг моҳиятини, келажакка оид воқеа – ҳодисаларнинг ҳам тасаввур этади. Бу тарзда идрок қилинмаган таъсиротлар тўғрисидаги хаёллар хаёлий тасаввурлардир.

Шахснинг узок, ўтмишдаги авлод-аждодлар ҳаётига доир тарихий асар ўқиши ёки бошқа шахснинг суҳбати ёки ҳикоясини тинглаши натижасида унда ўша давр ва одамлар ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Одам хаёл туфайли ўз хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиши мумкин бўлган натижаларни ҳам олдиндан кўра олади. Хаёл суриш жараёнида юзага келадиган тимсоллар идрок ёрдамида ҳосил қилинган тасаввурлар ва бу тасаввурларнинг хотира ёрдамида одам онгида ҳосил булиши натижасида юзага келади. Шундай экан, хаёл жараёнининг содир бўлиши хаёл тасаввурларига асосланади ва унинг мазмуни шахснинг турмуш тажрибаси ва билим даражасига боғлиқ бўлади.

Хаёл бошқа руҳий ҳолатлардан фарқли ўларок, махсус акс эттириш жараёни сифатида ҳамма вақт ижтимоий тарихий моҳиятга эга бўлиб, кадимга авлод-аждодларимизнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши туфайли пайдо бўлган ва хозир ҳам шу моҳиятни сақлаб келмокда. Эндиликда мустақиллик туфайли жамиятимиз аъзолари онгида вужудга келаятган давр талаби асосидаги ғоялар уларнинг орзу ва ижодий хаёлларида ҳам ўз аксини топмокда.

Инсон ҳаётининг энг мураккаб ва энг фантастик тимсоллари аввал идрок қилинган тимсолларни қайта ишлашга асосланиб, халқ оғзаки ижодидаги пари, дев, шайтон, енгилмас қаҳрамон, садоқатда тенгсиз каби тимсоллар инсон ҳаёлининг махсули сифатида ўша давр муҳити ва шароитини ҳам акс эттиради, халқнинг истак-ўйлари ва орзу-умидларини ифода этади. Демак, дoston ва эртак, хикоялар, афсоналар халқнинг реал хаёллари туфайли яратилиб, халқ маънавиятининг муҳим хм манбаига айланган.

Одамнинг хаёли натижасида вужудга келадиган тимсоллар унинг фаолиятида намоён бўлади. Бу тасаввурлар (тимсоллар) фақат онгнинг мазмунига бўлиб қолмайди! Одамнинг фаолиятида намоён бўладиган тимсолларнинг модели аввало, хаёл ёрдамида тасаввур тарзида мавжуд бўлади, сунгра руёбга чиқади. Фақат одамларгагина хос бўлган руҳий ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин: ўргимчакнинг иши тўқувчининг ишини эслатади, асалари ҳам мумдан уя солиб, малакали меъморларни ҳам уятга қолдиради. Лекин энг ёмон меъмор ҳам энг яхши асаларидан ҳаммадан аввал шу билан фарқ қиладики у

мумдан уя яшадан олдин бу уяни миясида қуради. Мехнат жараёнининг охирида бу жараён бошланмасдан олдинроқ юмушчининг, яъни идеал равишда мавжуд бўлган натижа ҳосил бўлади.

Одамда турли-туман ҳаёллар унинг эҳтиёжлари асосида вужудга келади. Эҳтиёжлар асосида вужудга келувчи ҳаёлларнинг реал ва нореал каби икки хил мазмуни бор. Рўёбга чиқиши, амалга ошиши мумкин бўлган ҳаёллар реал ҳаёллардир. Реал ҳаёллар шахсни олға ҳаракат қилишга чорлайди, уни яратувчиликка, ижодкорликка ундайди куч-ғайрат бағишлайди. Шунинг учун реал ҳаёллар одамнинг ҳаёти ва фаолияти учун муҳим ва фойдалидир. Нореал ҳаёллар эса, аксинча, шахсни руҳий тушкунликка, уз қудратига ишончсизликка дучор қилади, бундай ҳаёллар рўёбга чиқмайди амалга ошмайди, ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун одам нореал ҳаёлларни сурмагани маъқул.

Шахсдаги сиёсий, социал, эстетик ва интеллектуал эҳтиёжларнинг ўсиши унда реал ҳаёлларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Одамда турли реал ҳаёлларнинг вужудга келишида яна бир манба унинг орзу-истакларидир. Шахс ҳамма реал ҳодисаларга нисбатан ижодий муносабатда бўлади, мавжуд нарсалардан кўра афзал ва мукамалроқларига эришишга ҳаракат қилади. Натижада унга бир қанча ижобий моҳиятга эга бўлган ҳаёллар вужудга келади.

Турли ҳаёллар хотира материаллари асосида пайдо бўлади. Чунки, хотира материали (тасаввурлари) ҳаёл ёрдамида қайтадан ишланади, анализ ва синтез қилинади, натижада янги тасаввурлар ҳосил бўлади. Бу-тасаввурларнинг ҳосил бўлиши ва рўёбга чиқишида шахснинг тажрибаси муҳим роль ўйнайди.

Инсон фаолиятида ҳаёлнинг жуда катта аҳамияти бор. Дарҳақиқат, ҳаёл ёрдамсиз одам ўз фаолиятининг бирор соҳасини ҳам амалга ошира олмайди. Масалан: бирор буюм яшаш, дарахт ёки ўсимлик ўстириш, кийим тикишдан аввал одам ундан афзал кутилган натижани тасаввур қилади. Шунинг учун ҳаёл одам фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Одамда -мехнат жараёнида ўз муҳитини ўзгартириш ва бу ишни даставвал ҳаёлда бажариш қобилияти бор ва бу қобилият шахснинг кундалик меҳнати жараёнида ўсиб боради.

Ҳаёл фаолиятининг ўзига хос муҳим томони яна шундаки, у ҳар шахсда кенглиги, мазмуни, реаллиги ва кучи жихатидан алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир шахсдаги ҳаёл жараёни унинг дунёқараши, ғоявий эътиқоди, ахлоқий комиллиги ва ижтимоий-сиёсий қиёфаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Шахснинг фаоллиги доираси қанча кенг бўлса, унинг ҳаёл жараёни ҳам шунча мураккаб ва турли-туман бўлади. Баъзи ҳолларда шахснинг ҳаёл кўлами реал шароит доирасида кенг ва юқори бўлади. Фантастик тимсоллар ва тасвирлар ана шу имкониятнинг натижасидир. Одам ҳаёлининг бойлиги, хилма-хиллиги, мазмундорлиги, ақлий фаолият самарадорлигига ижобий таъсир этади ва унинг махсулдорлигини оширади.

Ҳар бир одамнинг ҳаёли (фантастик имкониятлари) унинг фаолияти махсулида ўз ифодасини топади. Масалан, олимнинг илмий ҳаёли даражасига, шоир ёки ёзувчининг бадиий махсули, унинг бадиий ҳаёл даражасига, муסיқачининг маҳорати ундаги муסיқавий ҳаёл даражасига боғлиқ бўлади ва х.к.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳаёлга қуйидагача таъриф бериш мумкин: тасаввурларнинг қайтадан ишланиши анализ ва синтез қилиниши натижасида реал борлиқ воқеа-ҳодисаларнинг инсон миясида акс этишидан иборат бўлган руҳий фаолият ҳаёл ёки фантазия деб айтилади.

Бош миянинг катта ярим шарлари пўстлоғида аввал ҳосил бўлган муваққат боғланишлар ўртасида янги бирикмаларнинг пайдо бўлиши ҳаёлнинг физиологик асосидир.

Биринчи ва иккинчи сигнал системалари ҳам ҳаёл фаолияти билан мустаҳкам боғлиқдир. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, турли ҳаёлларнинг манбаи одамнинг ташқи дунё воқеа-ҳодисаларини сезиш ва идрок қилиши натижасида ҳосил бўладиган тасаввурларидир.

Проф. И.П.Павловнинг уқтиришича, одамнинг миясида гавдаланиши ва бу боғланишлар бир-бири билан туташиб, янги тарзда пайдо бўлишини хаёлнинг нерв-физиологик негизи деб ҳисобламоқ керак.

Хаёлнинг турлари қуйидагилардан иборат :

1. Кайтадан аниқлаш хаёли.
2. Тасаввур хаёли.
3. Орзу хаёли.
4. Ижодий хаёл.
5. Ихтиёрий хаёл:
6. Ихтиёрсиз хаёл.

Китоб ўқиш, хикоя тинглаш, бошқа шахсларнинг суҳбати натижасида вужудга келган хаёл қайтадан тиклаш хаёлидир. Иккинчи хил қилиб айтганда, аввал бўлиб ўтган хаёлнинг маълум сабаблар асосида бир қанча вақтдан сўнг одам миясида қайтадан тикланиши қайтадан тиклаш хаёлидир. Шунинг учун ҳам хаёлнинг бу турининг мазмуни ўтмишни ифодалайди.

Аввало шуни айтиш керакки, хотира тасаввурлари ва хаёл тасаввурлари ўртасида фарқ бор. Хотира тасаввурлари илгари идрок қилинган предметлар ва воқеа-ходисаларнинг қайтадан гавдаланиши бўлса, хаёл тасаввурларини қайта ижодий ишлаш натижаси ҳисобланади. Иккинчи хил қилиб айтганда, хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларининг такрорланиши бўлмай, балки янгича ҳосил қилинган тасаввурлар тарзида бўлади. Иккинчидан, хаёл тасаввурлари тулиқ, лўнда ва ёрқин бўлиши билан хотира тасаввурларидан фарқ қилади.

Мухими шуки, хаёл тасаввурлари шахсда кучли эҳтиёж, қизиқиш ва идеаллар сабабли хилма-хил Ҳиссиётлар ҳамда яратувчилик ҳиссининг кучли намоён бўлиши асосида вужудга келади. Шундай қилиб бўлиб ўтган, лекин одамнинг тажрибасида учрамаган ва у томонидан бевосита идрок қилинмаган нарсалар ва ходисалар туғрисида тимсол яратишдан иборат бўлган хаёл тури тасаввур хаёли деб аталади. Соддароқ қилиб айтганда, предметларнинг тасвири, чизмаси схемаларига асосланган ҳолда образ яратишдан иборат бўлган хаёл тури тасаввур хаёлидир. Тасаввур хаёли одам томонидан бевосита идрок қилинмаган предметлар ҳақидаги хаёлдир.

Тасаввур хаёлининг инсон учун муҳим томони шундаки, бу хаёл ёрдамида одам бўлажак предметни, нарсани олдиндан идрок қилади. Масалан, муҳандис ўзи яратмоқчи бўлган машинасини унинг схемасидан тасаввур қилади. Меъмор қурмоқчи бўлган биносини чизган эскизидан тасаввур этади.

Орзу хаёлида одамнинг келажакка, эзгуликка интилишлари ифодаланиб, ёқилми ва истиқболли хуш тимсоллар яратилади. Орзу хаёлининг бир йўналиши ширин хаёл тарзида намоён бўлади. Ширин хаёлга ҳос томони шундаки, у аниқ, бир нарсаларга қаратилмаган муаян системага солинмаган бўлади. Ширин хаёл сураётган вақтда шахс ёқилми тимсолларни кўз олдида келтиради, улардан завқланади, руҳий олами равшанлашади.

Одамнинг ёшлик чоғидан бошлаб, унда турли-туман орзулар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлар механизатор муҳандис, космонавт, педагог, врач, қаҳрамон бўлишни орзу қиладилар.

Илгариги образлар асосида янги, янада мукамал образ яратишдан иборат бўлган хаёл тури ижодий хаёлдир. Ижодий хаёл шахснинг турмуш тажрибасида бўлиб ўтмаган, воқеликда мавжуд бўлмаган, аммо уни янги ғоялар ва яратувчилик сари фикр юритишга ундовчи руҳий жараён бўлиб, одамнинг фаоллигини оширади, фикрий ўсишига олиб келади, шахснинг сифатларини ўстиради. Шахснинг ижодий хаёли унинг онгига таъсир этиб, унда янги мазмун вужудга келтиради ва бу мазмун ҳалигача турмушда бўлмаган орзуларни реалликка айлантиради. Мустақил фаолият натижасида ижодий хаёл туфайли бирор соҳада янгилик яратилади. Ана шу янгилик яратишга қаратилган бўлганлиги учун ҳам ижодий хаёл хаёлнинг бошқа турларидан анча мураккабдир. Ижодкорликнинг барча соҳаларида ижодий хаёлнинг роли катта. Агар ихтирочи бирор буюм ясамоқчи бўлса, аввало у шу моделни хаёл ёрдамида мияда ясайди. Ёзувчи бирор образ яратмоқчи бўлса, у шу образга ҳос

хусусиятларни хаёл ёрдамида мияда системалаштиради. Демак, ижодий хаёл натижасида одам онгининг янги мазмуни рўёбга чиқади.

Муайян мақсад асосида аниқ образ яратишга қаратилган хаёл тури билан банд бўлганда унинг ихтиёрий хаёли номоён бўлади.

Гарчи ихтиёрий хаёл жараёнида ирода кучи сарфланса ҳам у ҳамма вақт фаолиятнинг мураккаб тури эмас, оддий ҳаракатларда ҳам ифодаланади.

Ихтиёрий хаёл айниқса бадиий ижод учун жуда зарурдир. Ихтиёрий (мақсадли) хаёл ёрдамига ёзувчи ўз асарининг мазмунини ва темасини аниқлайди, композициясини белгилайди.

Ихтиёрий хаёл одамнинг эҳтиёжи, мақсади, хиссий кечинмалари, тафаккури ва маслаги кабиларни ифодалайди, ҳамиша маълум мақсад ва вазифани бажариш билан боғлиқ бўлади. Масалан, олим яратмоқчи бўлган асарининг мазмуни, шоир ёзмоқчи бўлган бадиий асарнинг ғояси, рассом яратмоқчи бўлган асарининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини ихтиёрий хаёл туфайли рўёбга чиқаради.

Мақсади аниқ бўлмаган ва иродавий кучнинг иштироки пассив бўлган хаёл ихтиёрсиз хаёлдир. Ихтиёрсиз хаёл процессини одам аввалдан ўйламаган, режалаштирмаган бўлади. Ихтиёрсиз хаёл баъзан одам турли орзулар оғушига берилганда ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хаёллар ҳамиша бир-бири билан чамбарчас - боғлиқдир, уларни ўзаро чегаралаш мумкин эмас.

Амалий фаолиятда ихтиёрий хаёл ихтиёрсиз хаёлдан батамом ажралган ҳолда рўй бермайди, ҳамиша беихтиёр қилинадиган хаёл махсулини ўз ичига қамрайди. Ҳар қандай касб эгаси у ёки бу нарсани ихтиёрий тарзда яратаётганда баъзан- ихтиёрсиз равишда бошқа фикрларга ҳам. берилади.

Хаёл процессларида агглюцинация ва акцентировка ҳолларининг ҳам аҳамияти каттадир. Агглюцинация хотира тасаввурларининг бир-бирига қўшиб, ёки улардан фойдаланиб, янги нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган хаёл фаолиятидир. Агглюцинация процессида тасаввурлар қайтадан тикланади, янги тасаввурларнинг мазмунига мослаштирилади. Масалан, инсон хаёлининг махсули бўлган сув парисининг боши ва гавдаси хотинга, думи балиққа, сочи яшил сув ўсимлигига қиёс қилинган. Ана шу уч қисмни хаёл ёрдамида бириктириш натижасида янги образ яратилган.

Агглюцинацияга бадиий адабиётда мисоллар жуда кўп. Чунки, бадиий адабиётдаги образ минглаб-миллионлаб образларга хос сифатларни ўзида ифодалайди.

Акцентировка хаёл ёрдамида айрим образларга хос белгиларни ё нихоятда кучайтириш, ё нихоятда камайитиришдир. Масхара образлари, карикатуралар. лофларда акцентировкага мисоллар жуда кўп.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бошқа руҳий ҳолатлар сингари хаёл суриш ҳам шахснинг ўзига боғлиқдир. Юзага чиқиши мумкин бўлган ҳаётда амалга оширилиши керак орзулар хаақида ўйлаш, шунга эришиш режалари ҳақида хаёл суриш келажакда катта муваффақиятларга эришишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳамма вақт ҳаётга туғри келадиган нарсалар ҳақида хаёл суриш шахс учун жуда фойдалидир.

Хаёл ҳамма касб эгалари учун зарур бўлган руҳий жараён бўлиб, фақат шоирга ёки олимга керак деб ўйлаш нотўғри. Фантазия - хаёл ҳаммада ва ҳамма вақт бўлиши шарт. Одам хаёлсиз бўлмайди.

Хаёл суриш одамда ёшликдан бошланадн. Бола ёшининг улғайиши ва тажрибасининг орта бориши билан хаёли ҳам тараққий этади.

Назорат учун саволлар:

1. Хаёлга таъриф беринг?
2. Хаёлнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақида сўзланг?
3. Орзу ва ижодий хаёл турларини тавсифланг?
4. Хаёл жараёнидаги агглюцинация ва акцентировка

ҳақида сўзланг?

5. Реал ҳаёллар нореал ҳаёллардан қандай фарқ қилади?

6. Шахсда ҳаёл жараёнининг ўсиши ҳақида гапиринг?

7. Хотирани таърифланг?

8. Хотира жараёнларини тавсифланг?

9. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотирага мисоллар келтиринг?

10. Логик ва механик эсга олишнинг фарқи нимада?

11. Хотиранинг физиологик асосини нима ташкил этади?

12. Унутишнинг фойдали ва зарарли жихатлари нимада?

10-Мавзу: Тафаккур ва билиш жараёни.

Мавзу режаси:

1. Тафаккур ҳақида тушунча.

2. Тафаккур ва ҳиссий билиш.

3. Тафаккур операциялари.

4. Тафаккур ва шакллари.

Тафаккур инсои руҳий ҳаётининг, ақл-идрокиннинг, онгли хатти-ҳаракатларининг юксак шакли бўлиб, предметларни, воқеа-ҳодисаларнинг билиш воситаси ҳамда инсон шахсининг кенг кўламли фаолиятини рўёбга чиқаришнинг асосий шарти ҳисобланади. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар онгида тушунчалар, ҳукмлар, ҳулосалар шаклида ифодаланади. Инсон ўзининг тафаккури, нутқи ва онги туфайли табиат оламидаги бошқа жонзотдан устунликка эришди, "табиат тожи" бўлди. Шунинг учун ҳам тафаккур бошқа билиш жараёнларига нисбатан одамнинг ақлий ва жисмоний фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Инсон тафаккур ёрдамида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги ва ҳаққонийлигини аниқлайди. Тафаккур фикрлаш туфайли ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, тахминлар, ҳулосалар чин ёки хато эканлигини билиб олади.

Тафаккур сезги, идрок, ҳаёл, хотирага нисбатан предметлар ва воқеа-ҳодисаларни тўла, аниқ, ҳаққоний ва умумий тарзда акс эттирувчи юксак билиш жараёни сифатида одамга ташқи олам муаммоларини ечиш қалитини беради. Ана шу боисдан инсон тафаккури орқали моддий олам предметлари ва воқеа-ҳодисаларини умумлаштириб, бевосита акс эттиради, улар ўртасидаги муҳим боғланишлар, муносабатлар, хоссалар ва хусусиятларни билиб олади. Шу туфайли ҳам ҳозирги кунда ҳар бир одамнинг илмий ва амалий фаолияти маҳсулини тафаккурсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Инсон тафаккури ташқи оламни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси характерида, объектнинг субъект учун янгилиги ва шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра бир неча йўналишларга эга. Тафаккур фикрлаш фаолияти сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан у ёки бу муаммони ҳал этиш жараёни назарда тутилади. Фикр юритиш давомида муаммони ечимини кидиришни бошқаришда шахснинг ҳиссий кечинмалари муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат фаолияти ва таълим-тарбия жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Индивидуал тафаккур ишлаб чиқариш ва таълим-тарбия жараёнида жамоавий мазмун касб этади. Натижада ўз-ўзини тўғри англаш, ўз фаолиятига тўғри баҳо бериш, жамоа манфаатини ўйлаш, ижтимоий фаолликка интилишга йўналтирилган тафаккур сифатлари таркиб топади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиниши ва тўғри баҳоланиши ҳам тафаккур маҳсули бўлиб, шахслараро мулоқотлар ҳам бир одамдан иродавий қувват, ақлий жиддийлик, чуқур ва кенг тафаккур талаб этади. Шахснинг меҳнат фаолиятини белгиловчи яратувчилик, кашфиётлар, ихтироларнинг барчаси, ундаги амалий ва назарий аҳамиятга маолик бўлган тахминлар, ғояларнинг ҳаммаси тафаккур маҳсулидир.

Маълумки, инсонинг билиш фаолияти ташқи оламни сезиш ва идрок қилишидан бошланиб, сўнгра тафаккурда фикр юритишни ақлий йўл билан акс эттиришга ўтади. Шу билан бирга тафаккур ҳам хиссий билиш аъзоларининг маҳсули, яъни сезгилар, идрок, хотира ва хаёл материалларига асосланган- холда намоён бўлади. Тафаккур ўзи учун зарур ғояларни-хиссий объектлардан олади, шу билан бирга у фикр юритишнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Тафаккур, сезги, идрок, хотира, хаёл ёрдамида моддий дунё билан боғланади, сўнгра ундаги нарса ва ходисаларни, уларнинг белги ва ҳислатларини бош миёярим шарларида акс эттириш имкониятига эга бўлади. Ушбу акс аттиришнинг тўғрилиги амалий фаолиятида онг ва ақл идрок ёрдамида узлуксиз назорат қилинади.

Ташқи дунёнинг предметлари ва воқеа-ходисаларини сезги, идрок, хотира ва хаёл каби руҳий жараёнлар ёрдами билан билиш одам учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин, ташқи дунё таъсиротларини кенг ва чуқур акс эттириш учун булар ҳали етарли эмас. Фикр юритиш орқали атроф-муҳитни чуқур билиш; предметлар ва воқеа-ходисалар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро муносабат ва боғланишларни аниқлаш муаммоли тарзда номоён бўлади. Чунки, инсон олдида муаммо вужудга келмас экан, тафаккур жараёни ҳосил бўлмайди. Тафаккур орқали инсон асосий ва ёрдамчи, бирламчи ва иккиламчи муҳим ва номуҳим жихатларини билиб олади, шу асосда таъсиротларга ўз муносабатини билдиради.

Тафаккур хотирада мавжуд бўлган хабарларни қайтадан ишлайди, умумлаштиради, уларнинг келгусини тахмин қилиш имконини беради. Шунга қарамасдан, воқелик тафаккурда ҳамиша ҳам аниқ, тўғри акс этмайди, баъзан чиқарилган ҳукм ва ҳулосалар амалий тадбиқга тўғри келмайди. Шунинг учун назария билан амалиёт ўртасида узвий боғлиқлик, жипс алоқа бўлиши лозим. Тафаккур назарий ғояларининг амалий мослигини ё тасдиқлайди, ё инкор қилади.

Тафаккур жараёнининг инсон фаолиятидаги роли ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, тафаккур ташқи дунё таъсиротларини умумлашган холда уларнинг ўзаро боғланишларини бевосита сўз орқали акс эттиради. Демак, тафаккур ёрдамида инсон тўплаган билимда фақат инсон зотиға хос бўлган руҳий ҳодисаларнинг идеал тимсоллари яратилади ва умумлаштирилади, авлодлар тажрибаси қайта ишланади, ҳозирги замон ва келажак учун зарур бўлган янги ғоялар илгари сурилади ва янги назариялар кашф этилади.

Инсон ўз фикрини тушунчалар орқали ифодалайди. Фикр кўзгуси ҳисобланувчи тушунчалар бир ва бир неча сўзлардан иборат бўлади. Тил ва тафаккур шу даражада ўзаро боғлиқки, одам ўйлаётганда (фикрлаётганда; гапираётгандек, гапираётганда эса фикр юритаётгандек ўзини ҳис этади.

Одамни фикрлаш фаолияти ижтимоий моҳиятга эга. Инсон тафаккурини ҳам, нутқини ҳам (тилини) меҳнат эҳтиёжи, яшаш учун кураш, меҳнат куроллари яшаш ва улардан оқилона фойдаланишга интилиш, бошқалар тажрибасини ўзлаштириш, ўз тажрибасини бошқаларга ёйишга қаратилган талаблар вужудга келтирди. Нутқнинг шарофати билан тафаккурнинг изчиллиги, давомийлиги ва мантикийлиги юзага келди, аجدодлар маънавий мулкни келажак авлодга элтиш имконияти барпо этилди. Ҳозирги мустақиллик туфайли қайта уйғонган кадриятларни истиклол сари йўналтириб, миллий урф-одатларни давр талабларига мувофиқлаштиришда ғоят муҳим манба сифатида хизмат қилиб ёш авлоднинг маънавий камолотида алоҳида роль ўйнамоқда.

Инсон тафаккури ассоциациялардан (боғланишлардан) иборат бўлиб, бу боғланишлар нарса ва ходисалар ўртасидаги мавжуд объектив муносабатларнинг инсон миёсида акс этиши сабабли вужудга келади. Бош миёянинг бутун фаолияти тафаккурнинг нерв-физиологик негизи бўлиб, миёя пўстининг мураккаб аналитик-синтетик фаолити фикрлаш жараёнининг физиологик асоси ҳисобланади. Бош миёя пўстлогининг бу фаолияти биринча ва иккинчи сигналлар системасининг баравар ишлаши билан изоҳланади.

Тафаккур жарёнида ҳар икала сигналлар системаси бир-бири билан чамбарчаст боғланади. Инсон фикрий жараёнининг нормаллиги учун ҳар икала сигналлар системаси фаол иштирок этиши шарт. Иккинчи сигнал системаси бу ўринда етакчи функцияни

бажаради. Чунки, сўзлар, фикрлар сигнали бўлиб, мураккаб умулаштириш ва абстракциялаш жараёнлари билан мустахкам алоқада бўлади.

Таффакур операциялари деганда, анализ васинтез, таққослаш, абстракция, умумлаштириш, конкретлаштириш, классификация ва системалаштириш кабилар тушунилади.

А н а л и з. Предмет ёки воқеа ходисаларни бўлиниши мумкин бўлган қисмларга ажратиш йўли билан ўрганиш анализ деб аталади. Анализда нарса ва ходисалар амалий равишда қисмларга ажратилиб, уларга хос белги ва хусусиятлар таҳлил этилади. Умуман инсоннинг табиат ва жамиятга оид билим ва тажрибаларини ўзлаштириши анализдан бошланади. Одам ўзининг кундалик фаолиятида тафаккурнинг бу операциясидан хилма-хил мақсадларда кўп мартаба фойдаланади. Талаба бир кунлик фаолияти ёки бир соатлик дарс жараёнида жуда кўп ишиларни таҳлил йўли билан амалга оширади. Тил юзасидан морфологик ёки синтактик таҳлиллар, физик ёки математик масала ва мисоллар ечиш ва ишлаш кабилар фикрий таҳлил туфайли юзага чиқади. Шунинг учун дарс (маъруза, Амалий машғулот) жараёнини анализсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай қилиб, одам анализ жараёнида ўрганилиши лозим бўлган билимни таркибий қисмларга ажратиш орқали бутунни қисмларга, қисмларни эса бутунга бўлган муносабатини аниқлайди, уларни ички боғланишларини мохиятини билиб олади. Одам ана шу йўл билан билим эгаллайди. Техник анализ туфайли предмет ва жисмларни мохиятини тўғри англаб олади.

С и н т е з. Анализнинг тескараси синтез бўлиб, фикрлашнинг бу операциясида бутуннинг қисмларига муносабати аниқланади ва қисмларнинг ўзаро муносабати тўғрисида ҳукм чиқарилади. Синтез жараёнида одам анализ туфайли айрим қисмларга ажратилган нарсаларни фикран бирлаштириб бир бутун ҳолатга келтиради. Анализ жараёни каби синтез жараёнининг ҳам таълим жараёнида катта аҳамияти бор. Ўқувчи товушлардан бўғинлар, бўғинлардан сўзлар, сўзлардан гаплар тузиб ўз фикрини баён этади. Бу синтезнинг натижасидир.

Агар предметлар, воқеа-ҳодисалар анализ қилинмаган бўлса, уларни синтез қилиб ҳам бўлмайди. Одам нарсаларни бутун ҳолда билмаса, анализ қила олмайди. Шунинг учун анализ ва синтез ягона фикрий жараённинг икки томонидир. Масалан: талаба конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, амалий машғулотга ҳозирлик кўриш, курс иши ёки диплом ишини бажаришда ақлий ҳаракатларининг анализ ва синтез операциялари туфайли ўз мақсадига эришади.

Т а қ қ о с л а ш. Таққослаш предметлар ва ўртасидаги ўзаро ўхшашликлар ва тафовутлар тўғрисида ҳулоса чиқаришдир. Одамнинг ташқи олами акс эттиришида нарсалар ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар тафовутини, улар ўртасидаги ўхшашликни топишдан иборат бўлган фикр юритишнинг катта амалий аҳамияти бор. Нрсалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни аниқлашда иборат бўлган фикр юритиш операцияси билишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳар қандай тушуниш ва ҳар қандай тафаккурнинг асосида таққослаш ётади. Одам барча нарсаларни таққослаш йўли билан тўлиқ ўрганади.

Таққослашнинг амалий ва назарий каби икки йўли бор. Конкрет нарсалар бевосита солиштирилса, бу амалий таққослаш бўлади. Агар одам икки ручкани, икки талаба дафтари, дарс ўтилатган икки ёки ундан ортиқ дарсхонани чоғиштира, бу амалий таққослаш бўлади. Одам тасаввур қилинаётган нарсаларни онги орқали фикран солиштира, бу таққослашнинг назарий йўли бўлади.

Маълумки, одам нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммасини бевосита акс эттириш имкониятига эга эмас. Шу боис одам ўз билимини фикр юритиш, мантикий йўл билан бойитади. Нрсаларга хос белги ва аломатларни назарий таққослаш асосида билиб олади. Талаба ўз дустларига хос фазилатларни фикран таққослаш орқали улардаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлайди, уқиган бадий асарларидаги тимсолларни қиёсий ўрганиш орқали уларга тўғри баҳо беради. Демак, талаба таълим жараёнида таққослаш борасида қанчалик кўп машқ қилса, унда таққослаш кўникмаси ўсади ва умумий тафаккур самарали бўлади.

А б с т р а к ц и я - Фикрлаш орқали абстракциялашда нарсаларга хос хислат, хусусият ва белгиларга доир ҳукм чиқарилади. Инсон фаолиятида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос белгиси, сифати ва аломатлари ҳақида фикр юритиш муҳим аҳамият касб этади. Абстракциялаш шундай фикр юритишки, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари англаб олинади ва бу хусусиятлар тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция анализ туфайли вужудга келади. Абстракция мазмунидаги билимлар одам томондаи қийинчилик билан ўзлаштирилади.

У м у м л а ш т и р и ш. Умумлаштириш шундай тафаккур операциясики, бунда нарса ва ҳодисаларга хос хосса, белги, хусусият ва аломатлар ўрганилиб, умумийлик асосида бирлаштирилади. Масалан, темир, пўлат, олтин кабиларни уларнинг ўхшашлик ва умумий белгиларига асосланиб, "металл" ибораси билан номланади. Олма, ўрик, шафтоли кабилар "мева" номи билан аталади.

Тафаккур жараёнида умумлаштириш ҳамма вақт абстракциялаш билан боғлиқ бўлади. Барча умумлаштириш асосида абстракциялаш жараёни ётади. Абстракциялашда нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва муҳим белгалари фикран ажратиб олинса, умумлаштиришда ўша ажратиб олинган ўхшаш, умумий ва муҳим белгиларга суянган ҳолда нарсалар бирлаштирилади.

Одамнинг умумлаштириш асосида фикр юритиши сўз орқали рўёбга чиқади. Масалан: «талаба» сўзида оддий мактабда таълим олаётган минглаб ёшлар ифодаланади.

Психолог Э.Ғозиевнинг уқтиришича, фикр юритишнинг умумлаштириш операциясини қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

Умумлаштириш

мазмунига кўра:	фикрнинг нуншнлаяг.л «--ура :
-элементар	- хусусисийдан умумийга
-эмперик	- умумийдаи хусусийга
-тушунчали	- яккадан умумийга ва ундан хусусийга
- назарий	- умумийдан хусусийга ва ўша умумийдан яна
умумийга	- камроқ умумийдан яна умумийга
	- ягона умумий ҳолатдан янада умумийроққа

Таффакурнинг умумлаштириш операциясини юқоридаги тарзда турларга ажратиш талабаларнинг билимларини ўзлаштиришини осонлаштиради ва умумий ўқув фаолиятини кучайтиради.

К о н к р е т л а ш т и р и ш. Конкретлаштириш йўли билан фикр юритишнинг инсоннинг амалий фаолияти учун катта аҳамияти бор. Бундай фикр юритишда умумий, мавҳум белги ва хусусиятлар якка аниқ нарсаларга тадбиқ қилинади. Конкрет ифодаланган предмет ва воқеа-ҳодисаларни инсон осон ва тўлиқ идрок қилади. Конкретлик белгиси инсон учун энг маъқул ҳисобланади. Воқеликни конкрет идрок қилиш одамни иродавий тенглик, ақлий зўриқиш ва стресс (жиддийлик) ҳолатларидан саклайди.

К л а с с и ф и к а ц и я л а ш. Фикрлаш жараёнида бир туркум ичидаги нарсаларнинг бири-бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумдаги нарсалардан фарқига асосланиб туркумларга ажратиш классификация ёки синфийлаштириш деб юритилади. Масалан: ҳайвонларни сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар, сувда яшовчилар, қуруқликда яшовчилар, паррандалар ва қушлар каби синфийлаштириш мумкин. Ёки ўсимликларни бир йиллик, кўп йиллик дарахтлар, зотлар, маданий ўсимликлар, сабзавотлар, полиз экинлари каби туркумлаштирилади.

Шунинг учун классификациянинг ўрганилиши лозим бўлган нарсаларнинг тартибини аниқлашда, воқеа-ҳодисаларни яхши ҳолда текширишда ва эсда қолдиришда муҳим аҳамият касб этади.

С и с т е м а л а ш т и р и ш. Нарса ва ҳодисаларнинг макон ва вақтдаги ўрнига қараб ёки мантиқий жойлаштирилиши системалаштириш деб айтилади.

Системалаштириш фазовий (маконий) , хронологик ва мантикий белгиларига қараб уч турга ажратилади. Масалан, бошқа бир турдаги кўчатларнинг тартиб билан ўтқазилиши, хонага мебелларни жойлаштириш, тарихий воқеаларни йиллар билан тартибга солиш ёки дарсхонадаги китобларни мавзуга асосан жойлаштириш кабилар системага солишнинг мисолларидир.

Тафаккур формалари (шакллари). Тафаккур шаклларига ҳукмлар, хулоса чиқариш ва тушунчалар киради.

Ҳ у к м. Нарсалар ва ҳодисаларга хос белги, ҳислат ёки хусусиятни тасдиқлаш ёки инкор қилиш йўли билан фикр юритиш ҳукм деб айтилади.

Нарса ва ҳодисаларга хос умумий ва муҳим белгиларни, боғланиш ва моҳиятни хулосалар орқали фикран кенг ва чуқур акс эттиришдан иборат бўлган фикр юритиш формаси тушунча деб айтилади. Инсон нарса ва ҳодисаларни таққослаш, уларнинг ўхшашлик ва фарқини аниқлайди, моҳиятини англайди, фикран уларнинг белгиларини ажратиб, уларни абстракциялаштиради ва умумлаштиради. Бунинг оқибатида одамда оламдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида тушунча юзага келади.

Тушунчалар моҳияти жиҳатидан конкрет ва абстракт тушунчаларга, бўлинади. Предметларнинг ўзини ифодаловчи тушунчалар конкрет тушунчалар деб аталади. Масалан: стол, парта, доска, ручка, дафтар ва ҳ.к. Предметларга хос белги, ҳислат, хусусиятларни ифодаловчи ҳамда нарсалар ўртасидаги ички муносабатлар ва қонуниятларга қаратилган тушунчалар абстракт тушунчалардир. Масалан, ёшлик, севги, ёруғлик, дўстлик, меҳнацеварлик, иродалилиқ ва ҳ.к.

Кўлами жиҳатидан тушунчалар қуйидаги уч турдан иборат :

1. Якка тушунчалар.
2. Умумий тушунчалар.
3. Тўпланма тушунчалар.

Тушунча сўз билан ифодаланади. Аммо ҳамма сўзлар ҳам тушунча бўлавермайди. Фикр юритишда тушунча билан сўз ўзаро боғлиқ тарзда намоён бўлади. Сўзсиз тушунча бўлмайди. Сўз тушунчанинг моддий ва асосий функциясини бажаради. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлардан ҳам ташкил топади. Масалан, мактаб деган тушунча бир сўздан, ўрта мактаб тушунчаси икки сўздан ва олий мактаб талабаси тушунчаси уч сўздан ташкил топган ва ҳ.к.

Ҳар бир сўз муайян мазмунни ва тушунчани акс эттиради. Сўзлар алоқа воситаси сифатида тушунчалар моҳиятини англатади.

Тушунчалар сўзлар воситаси билан шахслараро муносабатларда муҳим роль ўйнайди.

Х у л о с а ч и қ а р и ш. Икки ёки ундан ортиқ ҳукмлардан фикран янги ҳукм ҳосил қилиш, хулоса чиқариш деб айтилади. Хулоса чиқариш жараёнида фойдаланиладиган тайёр ҳукмлар асос бўлиб, уларнинг таҳлилидан чиқарилган янги ҳукм хулоса дейилади.

Хулоса чиқаришнинг уч тури бор :

1. Индуктив хулоса чиқариш.
2. Дедуктив хулоса чиқариш.
3. Аналогия йўли билан хулоса чиқариш.

Бир неча айрим ҳукмлардан умумий хулоса чиқариш индукция йўли билан хулоса чиқаришдир. Фикрлашнинг бу тури ёрдамида айрим факт ва ҳодисаларни ўрганиш натижасида умумий қонун ва қоидалар кашф этилади.

Умумий ҳукмлардан якка ёки жузъий хулоса чиқариш дедуктив хулоса чиқаришдир. Таълим жараёнида умумий ҳукмлардан якка хулоса чиқариш муҳим аҳамият касб этади, талабаларнинг билимларни ўзлаштиришини осонлаштиради, уларнинг мустақил фикрини ўстиради.

Нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшаш бўлган баъзи белгиларига қараб фикр юритишдан иборат бўлган хулоса чиқариш формасига аналогия деб айтилади. Аналогик хулоса чин, хато ва тахминий бўлиши мумкин.

Тафаккур турлари. Одам фаолиятининг турли-туманлиги ва мураккаблиги туфайли унда тафаккурнинг турлича кирралари намоён бўлади. Моддий оламни ўрганиш, амалий ва назарий вазифаларни бажариш ҳамда шахслараро муносабатларда одам фикр юритади. Ана шу фикрнинг характерига, доирасига (ёйиклигига) муҳимлик даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Инсоннинг амалий ва назарий фаолияти ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳамма вақт бири иккинчисини тақозо этади. Умуман, амалий фаолият одам ҳаётида аввалдан мавжуд бўлиб, назарий фаолият (тимсоллар, тасаввурлар, фикрлар) эса кейинчалик вужудга келган.

Инсон ёшидаги амалий фаолият туфайли ақлий ҳаракатларни бажаради, амалий билимларни ўзлаштиради ва бунинг натижасида унда кўргазмали ҳаракат таффакур ўса боради. Таффакурнинг бу тури ёшларга хос бўлиб, улар идрок қилган нарсаларини ўзаро солиштирадilar, анализ ва синтез қиладilar, бўлакларни бирлаштириб, яхлит ҳолга келтириладilar.

Инсоннинг тасаввур қилинаётган нарса ва ходисалар ҳақида фикр юритиши кўргазмали-образли таффакур дейилади. Таффакурнинг бу тури ҳам кўргазмали ҳаракат сингари кўпроқ ёшларда (айниқса 7ёшгача) мавжуд бўлади. Ёш болалар илмий тушунчаларга эга бўлмаганликлари учун асосий кўргазмали образлар асосида фикр юритадилар. Мантикий таффакур ёрдамида у ёки бу нарсанинг тўсатдан ҳал қилиниши ихтиёрсиз (интуитив) таффакурдир. Ихтиёрсиз таффакур жараёни эса мулоҳаза, муҳокама, исботлаш, тахмин каби формаларда номоён бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Таффакур фикрлашга таъриф беринг?
2. Таффакурнинг асосий жараёнлари ва воситалари ҳақида сўзланг?
3. Ҳукм қилиш йўли билан фикрлашнинг ўзига хослиги нимада?
4. Яққа ва умумий тушунчаларга мисоллар келтиринг?
5. Тил ва таффакур бирлигини қандай изоҳлайсиз?
6. Мантикий таффакурнинг таълимдаги ролини айтиб Беринг?
7. Танқидий таффакур ҳақида гапиринг?

11- Мавзу: Нутқ ҳақида тушунча, функциялари, турлари.

Мулоқот психологияда шахслараро таъсир сифатида.

РЕЖА:

1. Нутқ ҳақида умумий тушунча.
2. Нутқни вужудга келиши ва уни идрок қилиш.
3. Нутқ аппарати. Нутқ турлари.
4. Мулоқот тўғрисида умумий тушунча.
5. Мулоқот ахборот алмашиш ва ишларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши тариқасида.
6. Мулоқот тренинги.

Кишилар жамиятда доимо жамоа бўлиб яшайдilar. Ижтимоий меҳнат ва ижтимоий муносабатлар одамларнинг бир-бирлари билан доимий алоқа қилиш заруратини келтириб чиқаради. Бу муносабат, албатта, нутқ, воситасида амалга оширилади.

Нутқ ҳам одам онги сингари меҳнат маҳсулотидир. Нутқ, бошқа кишилар билан алоқада бўлиш эҳтиёжидан ва бунинг қатъий зарурлигидан келиб чиққандир.

Биз нутқ орқали ўз фикримизни, билимимизни, тажрибамизни бошқаларга етказамиз ва бошқа кишиларнинг фикрини билиб оламиз, ўзимизнинг руҳий ҳолатимизни, кечираётган туйғу ҳиссиётларимизни ҳам ифода қиламиз. Биз нутқ ёрдамида бир-биримизга таъсир қиламиз. Нутқ гапирётган кишининг онгида ва қалбда бўлган фикр ва мақсадни ифода

қилади. Биз нутқ воситаси билан бировни хурсанд ёки бировни хафа қилишимиз, уни умидсизлантиришимиз ёки унга тасалли беришимиз мумкин.

Нутқ кучи ҳақида ҳар бир ҳалқда алоҳида мақолларнинг бўлиши ҳам бежиз эмас, бу мақоллар ақлнинг киши руҳига қандай таъсир қилиш кучига эга эканлигини яққол кўрсатади. Масалан, яхши сўз - жон озиғи", "Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил ва х.к.

Кишилар бир-бирлари билан муомала, муносабатда бўлар эканлар, улар у ёки бу тилдаги (ўзбек, рус, француз, немис ва х.к.) грамматик қоидага асосланган сўзлардан фойдаланадилар. Инсонлар тил воситаси бир-бирлари билан муомала қиладилар.

Демак, тил ёрдамида одамларнинг бир-бирларин билан апоқа қилиш воситаларидир.

"Нутқ" ва "тил" терминларининг маъносини кўпинча бир-бирига аралаштириб юборадилар. Нутқ билан тил бир нарса эмас. Тил сўз белгилари системасидан иборат бўлиб, у алоқа қуроли бўлсин, нутқ алоқа процессининг ўзидир. Лекин уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар биргаликда мавжуддир. Ҳар бир тил тарихий тарақққиёт давомида одамларнинг нутқ ёрдамида алоқа боғлаш процессида вужудга келган, ривожланган ва такомиллашиб борган. Ҳар қандай тилнинг мавжуд бўлиши, такомиллашиб бориши кишиларнинг ўша пайтда доимий гаплашиб туришларига боғлиқ. Агар кишилар у ёки бу тилни нутқ орқали бўладиган муомалада ишлатмай қўйсалар, у тил инқирозга учраши, "ўлик тил"га айланиб қолади.

Нутқ фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб қолмасдан, балки тафаккур қилишнинг зарурий воситаси тафаккур қуролидир. Чунки, биз фикр қилиш учун сўздаи фойдаланамиз, фикримизни сўз билан ифода қиламиз ва бошқаларнинг фикрини билиб оламиз. Одатда биз овоз чиқариб ёки овоз чиқармасдан, ўз ичимизда тилнинг грамматика қоидаларига хос ҳолда айтиладиган сўзлар орқали фикр юритамиз.

Тафаккур билан нутқ турли ходиса бўлса ҳам, лекин улар бир-бири билан узвий равишда боғланиб кетган. Ҳар бир кишидаги тафаккурнинг ўсиши шу киши нутқининг ривожланиши билан боғлиқ бўлганидек киши нутқининг ривожланиши ҳам ундаги тафаккурнинг ўсишига боғлиқдир.

НУТҚНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ,

одамнинг индивидуал ҳаёти ва фаолияти давомида ўзлаштирилиб борилади. Биз гапирганимизда, бир томондан. овоз сигналларини қабул қиламиз, иккинчи томондан. талаффуз қилиш нутққа оид мускул аппарати орқали вужудга келишини кўрамыз.

Нутқ, фаолияти учун бош мия катта ярим шарларида пўстининг мураккаб марказлашган, нерв хужайраларининг ишлаши талаб этилади. Нутқнинг анатомик-физиологик асоси энг аввало фонетик Нутқнинг нафас олиш, овоз ва артикуляция мускул аппаратларидан иборатдир. Нафас олиш кишининг ҳаёт кечириши ва ниҳоят овоз чиқариши чиқариши учун катта аҳайимиятга эга бўлиб, у диафрагмадан, ўпкадан, ўпкани, бронхни ва буғизни ҳаракатга келтирувчи мускуллардан иборатдир.

Овоз чиқариш аппарати кекирдак бўлиб, у тўртта тоғайдан иборат. Ана шу тоғайлар ўртасида иккита эластик, хусусиятга эга бўлган мускуллар бор. Буларни овоз мускуллари деймиз. Нафас олиш орқали овоз мускуллари ҳаракатга келиб, тебраниб туради ва ниҳоят улар тарангланиши ёки сусайиши мумкин. Агар овоз мускуллари таранглашса, улар бир-бирига яқинлашадилар, натижада нафас йўлидан чиққан ҳаво овоз мускулларини тебратади ва ниҳоят товуш ҳосил булади.

Бош мия пўстлоғида нутқнинг уч хил маркази мавжуд: э ш и т и ш маркази, х а р а к а т л а н т и р и ш ва к ў р и ш марказлари.

Эшитиш маркази мия чап ярим шари пешона қисмининг пастки томонидаги бурмаларнинг орқа қисмида жойлашган бўлиб, эшитилган сўзларни идрок қилади, бошқаларнинг нутқини тушуниш ва ўзлаштиришни таъминлайди. Бу марказ шикастланса, киши ўзгаларнинг сўзларини эшитишда, уларнинг маъноларига тушунмайди, бу сежорли афазия деб аталади. Афазия натижасида кишида оғзаки ва ёзма нутқ бузилад.

Нутқнинг ҳаракат маркази бош мия чап ярим шарининг пешона қисмида жойлашган бўлиб, гапирувчи кишининг актив нутқини вужудга келтиради. Бу марказ шикастланса,

бошқа кишиларнинг сўзларини эшитиб, унинг маъносига тушунса ҳам, ўзи гапира олмайди. У сўзларнинг қандай талаффуз этилишини эслай олмайди. Бундай касаллик туфайли ички нутқ ҳам бузилади.

Нутқнинг кўриш маркази бош миyanинг орқа қисмида жойлашган бўлиб, кишининг ёзилган хатни ўқиши ва хат қандай белгилар (харфлар) шу марказ орқали идрок этилади. Агар бу марказ шикастланса, киши харфларни танитай қолади ва хатни ўқий олмайди.

Бирок, кейинги йилларда физиологик ва психологик олимларимиз (П.К.Анохин, А.Р.Лурия, А.Н.Леонтьев, Д.Н.Узнадзе ва бошқалар) томонидан амалга оширилган қатор илмий тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, нутқ фаолиятининг физиологик асосини юқорида кўрсатилганидек талқин этиш етарли эмас. Балки, бош миya пўстининг бошқа марказлар каби нутқ марказларининг ҳам қатъий чегаралари ва бир-биридан ажралган ҳолда ҳаракат қилади.

П.К. Анохин тадқиқотларида ҳосил қилинган маълумотлар нуқтаи назаридан олганда, нутқ фаолиятининг физиологик асосини бир неча функционал системаларнинг мураккаб уюшмаси ташкил этади, бу функционал системалардан айримлари нутқ учун ихтисослашган система бўлса, бошқалари ўзга фаолиятлар учун ҳам хизмат қилаверади.

Киши нутқ орқали бошқалар билан муносабатда бўлар экан, буни албатта иккинчи сигнал системаси орқали амалга оширади. Шунинг учун ҳам вақтли боғланишлар вужудга қилаверади. Бу эса ўзининг қатор хусусиятларига эга бўлади. Эшитилган сўзларнинг ҳаммаси эсда сақланиб қолавермайди. Иккинчи сигнал системаси танлаб эсда олиб қолади.

НУТҚ ТУРЛАРИ . Нутқ ўзининг хусусиятига ва бажарадиган вазифаларига қараб асосан уч турга бўлинади : оғзаки, ёзма ва ички нутқ каби.

Оғзаки нутқ. Одатда кишилар бир-бирлари билан муомала ва муносабатда бўлганларида ўзларининг фикрларини овоз чиқариш, гапириш билан амалга оширадилар. Гапирувчи шахс ўз фикрини, ҳис-туйғуларини фақат сўз билан эмас, балки имо-ишора, мимика ва интонацияларда ҳам ифода қилади. Гапирувчи нутқи аниқ, раvon, эмоционал бўлиши керак. Талаба эса, ўз диққатини жалб этиб, маърузачининг нутқини тинглагандагина унинг маъносига яхши тушуниб оладилар.

Кишилар ўртасидаги амалга оширилаётган муносабатларнинг характери ёки хусусиятларига қараб оғзаки нутқ диалогик ва монологик тарзда бўлиши мумкин.

Диалогик нутқ икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг бир-бирлари билан суҳбатлашиш процессидир. Бунда суҳбатдошлар фаоллик кўрсатишлари керак. Диалогик нутқ орқали суҳбат қилаётган кишилар бир-бирларининг фикрларини тез тушуниб олгани ҳолда, суҳбатдошининг айтган гапларини тасдиқлаши ёки унга эътироз билдириши мумкин. Бу хил нутқнинг яна бир хусусияти бор, бунда суҳбатдошларга маълум бўлган айрилик сўзлар тушириб қолдирилиши ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда диалогик нутқ ихтиёрсиз ҳам бўлади, чунки суҳбат давомида янги-янги фикрлар келиб чиқаверади. Лекин бу нутқ изчил ва тўла бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу шароит билан боғлиқ.

Монологик нутқ эса, диалогик нутқдан фарқ қилиб, битта одамнинг бошқаларга қарата нутқ сўзлашидир. Масалан, докладчи нутқи, лекторнинг аудиториядаги ўқувчи, талабаларга қарата маъруза ўқиши кабилар монологик нутқдир.

Монологик нутқнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар энг аввало шундан иборатки, кўпчилик олдада сўзлаган нотик фикрининг мантикий жихатдан изчиллигига, талант бурролиги, талаффузнинг аниқлигига ва ниҳоят фикрнинг таъсирчанлигига эътибор бериши лозим. Маърузачи талабаларнинг ҳам айтилаётган гапларга муносабатини ҳисобга олиб борса яхши бўлади.

Монологик нутқ фақат бошқаларга қаратилган бўлиб қолмасдан, киши ўзи ёзиш конспектини ёки маърузасини ўзича овоз чиқариб ўқиш ҳам мумкин, бу ҳам монологик нутққа киради.

Ёзма белгилардан фойдаланган ҳолда нутқ тузиш мумкин, бу ё з м а нутқ бўлади. Ёзма нутқ, монологик нутқнинг турларидан бири бўлиб, кўпинча бошқалар учун тайинланган нутқдир.

Ёзма нутқнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Аввало ёзма нутқнинг мураккаб ва мукаммал тузилиб ифода қилинадиган нутқ турларидан эканлигини қайд қилиш керак. Чунки, у масофа ва замон эътибори билан узоқда бўлган кишиларга аталган бўлади. Шунинг учун ҳам ёзиладиган хат, мақола, китоб ва бошқа ёзма асарлардаги гапларнинг ҳамма бўлаклари грамматик қоидага мувофиқ ўз жойида ишлатилиши лозим. Бунда гапнинг эгаси, кесими ва бошқа бўлаклари тушиб колар экан, унинг мазмунига тушунмаслик мумкин. Бу яна шунинг учун зарурки, биз ўз билим ва тажрибаларимизни келгуси авлодга фақат ёзма шаклда қолдирамиз, у албатта келгуси авлодларга тушунарли бўлиши керак.

Нутқнинг алоҳида хили ҳам бўлиб, уни и ч к и нутқ деб юритамиз ички нутқ, кишининг ўзига қаратилган бўлиб, ўз ичидан ўйлаб, жим ўтирган вақтдаги нутқидир. Одатда, у овозсиз ўтади. Баъзи ҳолларда эса, у шивирлаб айтилади ёки овоз билан гапирилади. Бундай ҳодиса киши бир нарсадан қаттиқ таъсирланган, ҳаяжонланган ёки бир нарсадан гпушаймои бўлган ёки ўзи ёлғиз ўтирган вақтларда рўй беради. Киши ўзи сезмасдан баланд овоз билан гапира бошлайди ёки айрим сўзларни овоз чиқариб гапириб ҳам қўяди. кўп ҳолларда ичидан ўйланиб ўтирган киши юз ифодасини ўзгартириб, бошини кимирлатиб, қошини чимириб, қўлларини силкитиб ҳам қўяди. Бу ички нутқнинг ҳаракат билан ифода қилинишидир. Бундай ҳодиса айниқса, кичкина болаларда кўп учрайди. Бола ўйнар экан, унинг оғзи ҳам жим турмайди, у ўз-ўзидан гапириб ўйнайди. яъни ўз ичида нимани ўйлаётган бўлса, шуни овоз чиқариб гапираверади.

Ички нутқ, тўла бўлмаслиги, кўпинча қимлардан тузилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан. киши портфелини ахтарар экан, «уйда эсдан чиқиб қолибдику» ёки "олмабман" деб шивирлаб қўяди ва нима олишини унутганлигини ўзи билади.

Ички нутқ тафаккурга табиий равишда боғлангандир.

НУТҚНИНГ БОЛАЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ . Инсон ҳаётида нутқ, маълум даврда пайдо бўлиб, тараққий эта бошлайди. Бу тараққиёт асосан уч. Даврга бўлинади. Биринчи давр - нутқни ўзлаштиришдан олдинги давр. Бу икки ойликдан ўн бир ойликкача тўғри келади. Иккинчи давр - тилни дастлабки ўзлаштириш даври. У ўн бир ойликдан бир ёшу етти ойлик давргача давом этиши мумкин. Учинчи давр - бир ёшу етти ойликдан 3 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бундан кейинги даврда бола ўз нутқида принципиал жихатдан катта ўзгариш бўлмайди. Фақат сўз бойлиги ортиб бориши ва грамматик жихатдан сўз формалари кўпайиб бориши мумкин.

Бола нутқининг ривожланиши, унинг бутун психик процессларининг тараққиёти билан боғлиқ ва бунга яшаш шароити ҳам катта таъсир этади.

Кун сайин жисмоний жихатдан ўсаётган бола ақлий, психик томондан ҳам такомиллашиб боради. Сўз бойлиги борган сари ўса боради. Ҳодиса ва вақеалар нарсалар номини билдирадиган сўзлар, сўнгра феъл, кейинчалик сифат ва сонлар пайдо бўла бошлайди. Масалан, икки яшар бола тахминан 300-500 сўз эгаллаган бўлиши мумкин. Икки ёш билан 5-7 ёш ўртасида боланинг нутқи тез ўса бошлайди ва сўз бойлиги 3-4 мингга етади, Шу билан бирга унинг тафаккури ҳам ривожлана боради. Бола кўрган, эшитган нарсалари тўғрисида кўп савол беради, янги сўз ва тушунчапарни эгаллай бошлайди. Албатта, бунинг учун балага тўғри тарбия бериш, у билан сўзлашиш, эртақлар гапириб бериш, китоб ўқиб эшиттириш керак.

Нутқда ўз вақтида амалий эгаллаб олиш ва сўз бойлигини ўстириш умуман мактабда сифатли ўқиш учун яхши замин бўлади.

Мактабда ўқитиладиган барча фанлар орқали ўқувчининг луғат состави бойиб боради. Болалар ўз нутқида онгли муносабатда бўладилар. Бунга тил ва адабиёт дарслари катта ҳисса қўшади. Чунки, бу фанлар ўқувчиларга ўз нутқини муайян грамматик талабларга жавоб бера оладиган қилиб тузиш қонунларини ўргатади.

Биз олдимизга ҳар томонлама ривожланган, етук, комил инсон (шахс)ни тарбиялашни қўйганмиз. Президентимиз доимо ёшларни эркин фикрлайдиган қилиб тарбиялашни уқтирадилар. Демак, мулоқот фикрлаш билан ўзвий боғлиқ ҳолда шаклланади.

Шахс шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти ҳақида бир неча психолог олимлар ўз фикрларини баён қилганлар. Жумладан, рус психологи Б.Г. Ананьев “Одам билишнинг предмети сифатида” асарида бу масалани чуқур таҳлил қилган. У билимнинг турли элементларини эгаллаш муваффақиятли ўзлаштиришнинг гарови эканлигини таъкидлайди. Билимларни эгаллаш мулоқот орқали амалга оширилишини ҳам уқтириб ўтади. Агар кишилар ўзаро бир-бирларига ахборот ўзатмасалар, тажрибаларини мулоқот орқали алмашмасалар улар ривожланмай қолишлари тўғрисида Б.Г. Ананьев асосли фикрларни келтиради.

Б.Г. Ананьев фикрича: “Мулоқот ижтимоий ва индивидуал ҳолатдир. Шунинг учун нутқ билан ўзвий боғлиқ, коммуникатив вазифани бажаришда пантомимика, имо-ишоралар мулоқот шакллари сифатида юзага чиқади.”(Танланган психологик асарлар.2-том . 21-.).

Демак, олим мулоқот тушунчасини умумий, ёш ва педагогик психология каби фанлар учун чуқур таҳлил қилиб берган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ва хорижда мулоқот муаммосига қизиқиш ортиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг бир-бирлари билан қиладиган мулоқоти катта аҳамиятга эга. Атоқли психолог олимлардан яна бири В.Н.Мясиҳев мулоқот масаласига чуқур ёндошган, уни ўрганган. Бошқа олимлар мулоқотни нутқ коммуникацияси билан боғлаб ўрганган бўлсалар, В.Н. Мясиҳев мулоқотни жараён сифатида ўрганган. Яъни шахсларнинг бир-бирига мулоқот орқали таъсир кўрсатишларини, бир-бирларини идрок қилиш объекти сифатида таҳлил қиладди. Унинг фикрича:”Шахс турлича муносабатларда қарама-қарши сифатларни намоён қилиши мумкин, ”

Тажрибали психолог А.А. Бодалев эса шахс ўйинда, ўқишда, мулоқотда, яъни фаолиятнинг турли соҳасида ўзининг ўрнини билиши зарурлигини уқтиради. У ўзининг “Шахс ва жамият” китобида бу масалага катта эътибор беради. Шунингдек, у бу муаммолар кам ўрганилганлигини таъкидлайди. А. А. Бодалевнинг фикрича, “инсонга мулоқот орқали тарбиялашда бу унга қандай таъсир қилишини аввалдан ўйлаш зарур».(А.А. Бодалев Шахс ва мулоқот. М.17 - с.)

Шахс ривожланишида мулоқотнинг роли тўғрисида психологлар А.А. Люблинская , Д.Б. Эльконинлар болада ўйин фаолияти орқали мулоқотнинг шаклланишини таъкидлайдилар. Мулоқот орқали шахснинг характери, иродавий сифатлари шаклланиши ҳақида П.Я. Гальперин, Н.Ф. Добрўнин, Н.Ф.Талўзиналар ўзларининг тадқиқотларини ўтказганлар.

Шунингдек, Республикамиз психологларида М.Г.Давлетшин, Э./озиев, Н.П. Аникеева , Н. Сафоев кабилар мулоқот муаммосини турли томондан ёритиб берганлар. Жумладан, профессор Э. /озиев “Муомала психологияси” ўқув қўлланмасида мулоқотнинг барча қирраларини назарий томондан очиб беришга ҳаракат қилган. Профессор М.Г.Давлетшин ҳам “Умумий психология” ўқув қўлланмасида мулоқотни кишиларда қандай шаклланиши ҳақида фикрлар билдирган.

Шахсни мулоқот усулларига ўргатиш. Болаларни ёшликдан аввало оилада, сўнгра таълим масканларида мулоқотга ўргатиб борилади. Мулоқотга ўргатишнинг усулларида бири машғулотлар тарзида шакллантиришдир. Болани боғча шароитида тарбиячи турли машғулотлар ўтказиб мулоқотга ўргатади. Аввал элементар ўзини тутиш, катталарга қандай гапириш, салом бериш, миннатдорчилик билдириш каби усулларни таркиб топширилади. Мактаб ёши даврида ва кейинчалик шахсга ижтимоий - психологик тренинглар ташкил қилиш орқали мулоқотга ўргатилади. Шахснинг ўзи бу усулларга ижобий муносабат билдириши, фаол ҳаракат қилиши зарур. Чунки шахс мулоқотда бўлмасдан фаолият субъекти сифатида ҳам, индивидуал инсон сифатида ҳам тўлақонли ривожлана олмайди. Тажрибали психолог А. А. Бодалев фикрича, ҳатто ўйин фаолиятида бола мулоқотда бўлади .Таълим жараёнининг асосида мулоқотга ўргатиш масаласи биринчи ўринда туради. +олаверса меҳнат таълими жараёнида кишилар доимо мулоқотга эҳтиёж сезади. Мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у инсонни дунёқарашини кенгайтиради ва психикасини ривожлантиради. Яъни барча руҳий жараёнлар мулоқот орқали шаклланади.

Шахсининг иродавий сифатларини ривожлантириш орқали ҳам уни мулоқотга ўргатиш осон бўй беради.

Жамоа муҳитини шакллантиришда иккинчи томон ҳам бор - бу жамоа аъзоларининг руҳий маданиятини шакллантиришдир. Шу мақсадда ўқувчиларга уларнинг инсоний мулоқот, инсон шахси, бир-бирини баҳолаш хусусиятлари («мен ва бошқалар», «мен бошқаларнинг кўзи билан») тўғрисидаги мулоҳазаларини рағбатлантирувчи ахборотни бериш зарур. Уни иншолар, суҳбатлар, тренинглар орқали уюштириш мумкин. Махсус машқлар орқали мулоқот усулларига ўргатиш шунга тааллуқлидир. Руҳий маданиятга ўргатишни ўсмирлик ёшидан бошлаш муҳим, чунки ўз шахси ҳақидаги ахборотга қатъий эҳтиёж худди шу даврда вужудга келади. Ўсмирликда ўзининг «Мен»и хусусида зиддиятли кечинмалар бошланади. Илк ёшлик пайтида - ўз руҳий ҳолати ҳақида ҳаёл суриш кучайган, мулоқот жуда аҳамиятли ва ғоят танлаб ўтказиладиган ёшда инсон шахси, шахслараро мулоқот тўғрисидаги ахборот зарурдир.

Н.П. Аникеева фикрича, бошқа одамлар билан мулоқотда ҳар бир шахс муайян ижтимоий ролни эгаллайди. Роллар шахсни тўлароқ очиб бериши, уни ниқоблаши мумкин. Лекин позиция - ролларни танлаш албатта инсоннинг ўз моҳиятига, унинг кучига, заифлигига, салоҳият даражасига, ўз-ўзини танқид қила олишига, ҳулқ - атворининг пухталигига, ўзининг четдан кўра билиш қобилиятига боғлиқ бўлади. (Жамоада руҳий муҳит. 146-147 бет)

Баъзан мулоқотдаги муваффақиятсизликлар ёшларни бенуксонроқ, ҳимояланганроқ бўлиш учун ўзидаги энг яхши нарсаларни яширишга, бузишга мажбур этади. Эрта ўсмирлик пайтида йиғит ва қизлар яқкалик ҳолатини бошдан кечирилади. Улар ҳис-туйғуларини ҳеч кимга айтишмайди. Ўзи ҳақидаги ва атрофдаги кишилар ҳақидаги ахборот - мулоқот усуллари ва мазмунли мулоқотни ташкил этишга интилишни белгилаб беради. Бунинг учун руҳий тусдаги муайян маълумотларга эга бўлиш керак. Ҳар бир кишига хос бўлган руҳий хусусиятлар асаб тизими тури билан белгиланади ва аввало темпераментда: таъсир кўрсатиш суръатида, ҳам табиий сигналларда (овоз, ёруғлик, ранг, ҳид, ҳароратнинг ўзгариши), ҳам ижтимоий сигналларда (сўз, воқеа, ўта сезгирликда, эмоционал кўзгалувчанликда, ташвишлилик даражасида, экстраверсия, интроверсия) намоён бўлади. Экстраверсия билан интроверсия кишининг руҳий тавсифи сифатида мулоқот соҳасида ёрқин намоён бўлади. Экстраверсия - индивиднинг ташқи дунёга, интроверсия - ички дунёга қарашидир. Асаб фаолиятининг кучли типи билан боғлиқ экстраверсия хусусиятлари устун бўлган кишилар анча киришимли, алоқалар, танишишлар доирасига мойил бўладилар. Улар иштиёқ билан янги танишлар орттирадилар, шовқин - суронли давраларни ёктирадилар. Интровертлар - бу асаб фаолиятининг заиф типига мансуб кишилардир. Улар ўз ички дунёларига берилишга, кечинмаларга мойиллар. Атрофдагилардан кўп ташвишланиладилар, улар яқинларнинг тор доирасини маъқул кўрадилар. "Экстраверсия-интроверсия" ўқининг ўрталарида жойлашган кишилар психологияда центровертлар деган номни олган. Улар меъёрида киришимли, меъёрида ёлғизликка мойилдирлар.

Нутқ билан ишлаш орқали ҳам мулоқотга ўргатиш мумкин. Масалан, овозни баланд чиқариб шеър ўқиш, ҳикояни гапириш каби тренинглар ҳам мулоқотни шаклланишига ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги болаларни эса ўйин фаолияти давомида мулоқотга ўргатиш осон кечади.

Мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шакллари кўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта:

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини муаллим эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Ўйиннинг жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини ҳолисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача ўйиннинг қаратиб, ўртоқларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини

ажратиб кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма жамиятнинг янгилиниш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

Яратиладиган янги қўлланмалар олдига талаба - ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янги тафаккурни шаклланиши жараёнидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш талаб этилади.

1. Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг афектив баҳоловчи характерда ва билиш бўйича маълумот алмашишдан иборат бўлган ўзаро таъсир этишдир. Мулоқотнинг тизимида ўзаро бир-бирига боғлиқ жиҳатлари ажратилади: коммуникатив, интерактив ва перцептив. 1. Мулоқатнинг коммуникатив жиҳати бу мулоқатдаги индивидларни ўзаро маълумот алмашинишидир. 2. Мулоқотнинг интерактив жиҳати бу индивидлар мулоқатда нафақат билим ва ғоялар балки ҳаракатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирини ташкил этишдан иборат. 3. Мулоқатнинг перцептив жиҳати мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишдир.

Демак, мулоқот биргаликдаги ҳаракат ехтиёжларидан келиб чиқадиган, алоқа алмашиш, бир - бирига таъсир этиш, бошқаларни тушиниш, одамлар уртасида контакт урнатиш ва ривожлантириш жараени.

Мулоқот ҳаёт кечиришнинг бир шаклидир.

2. Мулоқотнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ва коммуникатив жиҳатдан ташқарида унинг перцептив жиҳати муносабат иштирокчиларининг унинг жараёнида амалга ошириладиган ўзаро идрок этиш юзага келади. Таниқли психолог С. Л.Губинштейн шундай деб ёзган еди: “Қундалик ҳаётга одамлар билан муомалага киришарканмиз, биз уларнинг хулқ - атворига мўлжал оламиз. Негаки биз уларнинг танқидий маълумотларига маълумотлари моҳиятини гўё ўқиб яъни мағзини чақиб чиқамиз ва шу ёсинда контекстда мужассамлашадиган матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз”.

Бундай ўқиш наридан бери тез юз беради, чунки теварак атрофдагилар билан муомала жараёнида автоматик тарзда амал қиладиган психологик ички маъно ҳосил бўлади.

Муомала приоретив жиҳати бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши демакдир. Идентификациялаш - бир киши иккинчи кишини унинг таърифини ўз таърифига англанган ёки англанмаган тарзда ўхшатилиши орқали тушиниш усулидир.

Шахслараро идрок этиш жараёнида тескари алоқа, хабар берувчи функцияни ва ўзини - ўзи бошқариш функциясини бажаради. Стерiotиплаштириш – хулқ -атвор шакллари таснифлаш ва уларни ҳозиргача маълум ва машҳур деб саналган яъни ижтимоий қолипларга мос келадиган ҳодисалар жумласига киритиш ёли билан уларнинг сабабларини ўзгартиришдан иборатдир. Кўп ҳолларда инсонларнинг бир-бирларини идрок этишлари «ижтимоий перцепция» сифатида намоён бўлади. Мулоқотнинг бу жиҳати ижтимоий перцепция ҳақидагина емас, балки шахслар аро перцепция ҳақида ҳамдир. Инсон жамиятда шахс сифатида қабул қилинган сари. Мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л.Рубенштейн айтганидек: «Биз инсонни ташқи хулқ - атворига қараб ўқиймиз». «Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади» деб ёзган еди Л.С.Егодский. Инсонни инсон томонидан идрок этилишида камида 2 киши жалб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. О`зини бошқа инсон таҳлил қилишини ўз ичига идентификация ва рефлексияни киритади.

3. Одамларда самарали муомала ўрнатиш малакаларини тасодифий равишда таркиб топади ёки таълимнинг ёрдамчи махсули сифатида юз беради. Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ - атвори қоидаларига бағишланган оммабop адабиётларни ўқир экан, мулоқот маданиятининг баъзи жиҳатлари билан танишади. Лекин муомала малакаларини махсус ўргатилиши алоҳида бир вазифа бўлиб педагог учун унинг қанчалик муҳим эканлигини тренинг, яъни муомаланинг машқ қилиниши бу вазифанинг ҳал этиш ёлларида бири

сифатида намоён бўлади. Социал психологик тренининг, яъни муомаланинг машқ қилиниши бу вазифанинг ҳал этиш ёлларидан бири сифатида намоён бўлади. Социал психологик тренининг мазмунан икки хил вазифани: 1. Муомаланинг ва шу жумладан педагогик муомаланинг умумий қонуниятларини. 2. Педагогик коммуникациянинг технологиясини егаллаш, яъни профессионал педагогик муомала ва малакалари шаклланишини ўз ичига олади. Психологик педагогик тренининг шаклларида яна бири типик педагогик вазиятларининг мисол учун имтиҳонларни моделлаштирувчи амалий ўйинлари. Муомала тренинг, яъни муомалани машқ қилиш ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш системасида педагогик ишнинг янги шакли бўлиб, педагогик таълим учун жуда истиқболли ҳисобланади.


Боғланиш лотинча сон яъни “яқинлашиш” деган сўздан олинган, муносабатга кирувчилар ўртасида икки томонлама алоқа бўлишини тақоза этади. Бунга еришиш ва уни кўнгилдагидек ривожлантириш шарти муносабатига киришуви шахсларни ўзаро бир-бирига ҳурмати ва ишончидан иборатдир. Агар педагог ўз тарбияланувчиларига ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлса, у ҳар қанча принципаал ва талабчан бўлган тақдирда ҳам, унинг энг арзимас танбеҳлари ҳам таъсирли бўлади.

Муносабат жараёнлари ҳар доим ва барча вазиятларда ҳам сип – силлиқина ва ички қарама қаршиликларсиз юз беради деб тасаввур қилиши ярамайди. Айрим вазиятларда бир-бирини инкор етувчи қадриятлар, вазиятлар ва мақсадларнинг мавжудлигини акс еттирувчи позициялар антоганизми юзага чиқадики, баъзан бу ўзаро адоватни келтириб чиқаради, шахслараро мажаро содир бўлади. Мажароларнинг келиб чиқишига, шунингдек муносабатга кирувчиларнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларига ғов бўлган ва бартараф етилмаган маънавий англашилмовчиликлар ҳам сабаб бўлади. Муносабатдаги маънавий англашилмовчилик - бу айтилган талабнинг, илтимоснинг, буйруқнинг маъноси муносабат боғлашга шериклар учун мувофиқ емаслигидир. Бу ҳол уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва биргаликда ҳаракат қилиш учун тўсқинлик туғдиради.

4. Ҳар қандай маълумотни белгилар аниқроғи белгилар тизими орқали билиш мумкин. Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Булар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва невербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникациядир. Вербал коммуникацияда инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ инсон томонидан қўлланиладиган товушлар сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. Бу жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнда психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади.

Нутқни пайдо бўлиши ва амалда қўлланишини қуйидаги схемада кўриш мумкин:

Нутқни идрок
етиш ва уни
фикрга (ғояга)
айлантириш



Нутқнинг ўзига хос турлари мавжуд – ташқи, ички, оғзаки, ёзма ва хоқозо. Коммуникатив жараёнда ўзаро муносабатга киришувчиларни бир-бирлари тушунишлари жуда муҳимдир.

Буюк француз ёзувчиси Антуан Сент Экзюпери «Мулоқот бу шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади деб ёзган еди. Сўзнинг моҳияти ҳақида Саъдий «Ақлмисан ёки аҳмоқ, каттамисан ёки кичик буни бирор сўз айтмаганигча била олмаймиз» деган еди.

Ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлган. Ёзма нутқ фанда фойдаланиладиган мураккаб умумлашмаларнинг ривожлантиришида, бадиий тимсолларни етказишда муҳим роль ўйнайди. Нутқ ўзининг физиологик негизига кўра ешитиш ва ҳаракат анализаторлари фаолиятини бажаради. Нутқни программалаштириш – нутқий ифоданинг, яъни киши билдирмоқчи бўлган фикрнинг маънавий ўзагини тузишда биринчи босқич ҳисобланади, иккинчи босқич жумланинг синтактик структурасини тузишдан иборатдир.

Новербал коммуникацияга – белгиларнинг оптик кинетик тизими кириб, уларга жестлар (қўл ҳаракатлари), мимика (юз ҳаракатлари) ва понтомимика (ёъл - оёқ, тана ҳаракатлари) қиради.

Жестлар – инсоннинг қўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати бирор бир объектга муносабати ва ташқи оламга ёналганлиги ифодаланади. Мимика – инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти - ҳаракатлари, тасаввурлари, хотирлаши, таажуби ва ҳоқозолар намоён бўлади.

Понтомимика – инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7 % ни, товуш ва интонация 38 % ни, нутқсиз мулоқот еса 55 % ни ташкил етади.

Новербал коммуникациянинг паралингвистик ва екстралингвистик белгилар тизими ҳам мавжуд. Булар локализация тизими бўлиб, у овоз сифатида унинг деапози нутқдаги паузалар, ётал, йиғи, кулгу нутқ темпида намоён бўлади.

Мулоқотнинг мақсадга кўра 8 та функцияси мавжуд: (Л.А.Корпенко)

1. Контакт.
2. Алоқа ўрнатиш.
3. Ундовчилик.
4. Координацион.
5. Тушуниш.
6. Амотив (ҳиссий алоқа) ҳиссиётни ўзгартириш.
7. Муносабат ўрнатиш ўз ўрнини англаш)
8. Таъсир ўтказиш.

Педагогик муносабат деганда педагог ва ўқувчилар коллективи ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг мазмунан ахборот айирбошладан, ўқув тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил етишдан иборат системаси усуллари ва малакалари тушунилади.

Муомала. Инсоннинг узини ураб турган олам билан узаро биргаликдаги ҳаракати одамлар уртасида уларнинг ижтимоий ҳаёти ва энг аввало, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида таркиб топадиган объектив муносабатлар тизимида юз беради.

Мулоқот-одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир.

Муносабат ва мулоқот биргаликдаги фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошланишини ўз ичига олади. Одамлар мулоқотга киришаркан, мулоқотнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатидаги тилга мурожаат қиладилар. Муносабатнинг иккинчи жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар, хатти-ҳаракатлар билан ҳам айирбошладан иборатдир. (Масалан, рўпарадан келаётган машина ҳайдовчисига бормоқчи бўлган йўналишни ишора қилиш ҳар иккала томон учун ҳам қулай ва тежамли эканлиги тушунарли бўлса керак).

Ниҳоят, мулоқотнинг учинчи жиҳати муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларини тақозо қилишидир. Сухбатдошининг ҳолатига, ранги-рўйига, овозига қараб муомала қилиш. Шундай қилиб, ягона муносабат жараёнида шартли равишда учта жиҳатни коммуникатив (ахборот узатиш, интерактив, ўзаро биргаликдаги ҳаракат қилиш) ва

перцептив (ўзаро биргаликда идрок этиш, ҳар икковлоннинг бир хил кўриши, этишиши жиҳатларини алоҳида кўрсатиш мумкин).

Ахборот узатиш, айирбошлаш тарзидаги муносабат.

Одамларни бирлаштирадиган умумий нарса ишлаб чиқариш тарзида тушунилиши, ана шу умумий нарса аввало муносабат воситаси сифатидаги тилдан иборат эканлигини билдиради. Тил- муносабатга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди.

Ахборот узатувчи (коммуникатор) ва уни қабул қилаётган киши (реципиент) «битта тилда» сўзлашганларида мақсадга эришадилар. (Шартли ишора, код, белги ва б.).

Оғзаки коммуникация. Нутқ. Нутқ - бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муомала қилиш жараёни демакдир. Сўзлар овоз чиқармасдан ёки эшиттириб айтилиши, ёзиб кўйилиши, ёки имо-ишора билан олмоштирилиши мумкин. (Масалан, дактилология- бармоқ ёрдамида ишора -маъно англатиш).

Қуйидаги нутқ турлари фарқ қилинади: ёзма ва оғзаки нутқ. Ўз навбатида оғзаки нутқ - диалогик ва монологик нутқларга ажратилади.

Нутқ механизми. Нутқ иккинчи сигналлар тизими негизида амал қилади. Нутқ- И.П. Павлов айтганидай, «сигналлар сигнали»дир.

Нутқсиз коммуникация. Турли соҳа мутахассислари учун айниқса нутқсиз коммуникация хоссаларини яхши билиш жуда муҳимдир. Одамлар ўртасидаги муомалани телеграф орқали ахборот беришга ўхшатиш мумкин эмас. Нутқсиз коммуникация воситаларига қўл, бармоқ, ва юз ҳаракатлари, имо-ишора, оҳанг, пауза, турқ-тароват, кулги, кўз ёши қилиш ва шу кабилар қирадики, булар оғзаки коммуникация воситалари - сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар тизимини ҳосил қилади.

Муомала шахслараро биргаликдаги ҳаракат эканлиги.

Муносабат шахслараро биргаликдаги ҳаракат, яъни одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида таркиб топадиган алоқалари ва ўзаро бир-бирларига таъсирининг йиғиндиси сифатида юзага чиқади.

Ижтимоий назорат ва ижтимоий қоидалар.

Биргаликдаги фаолият ва муносабат ижтимоий қоидалар-одамларнинг биргаликдаги ҳаракати ва ўзаро муносабатларининг қатъиян белгилаб қўядиган ҳамда жамиятда удум бўлган ҳуқ-атвор намуналари асосида амалга ошириладиган социал шароитда юз беради.

Ижтимоий қоидалар доираси беҳад даражада кенгдирки, улар меҳнат интизоми, ҳарбий бурч ва ватанпарварлик талабларига жавоб берадиган ҳуқ-атвор намуналаридан тортиб то одоблилик қоидаларига қадар ҳаммасини ўз ичига олади. (Одамлар бажарадиган роллар ва уларни ижтимоий жиҳатдан баҳоланиши ҳақида).

Ўзаро биргаликда ҳаракат қилаётган одамлар ҳуқ-атворининг бир-бирларидан кутган тахминларига мослигини муносабат жараёнида муваффақиятга эришишнинг зарур шarti ҳисобланади.

Кишининг бошқалардан эшитишга ёки уларда кўришга тайёр бўлган нарсани улардан кутиш мумкинлигини беҳато ва аниқ тахмин қилиш қобилияти ва малакаси одоб дейилади. Нотўғри тахмин қилиш одобсизлик бўлиб, кўп ҳолларда мулоқот узилишига, баъзан можаро - ихтилофларга олиб келиши мумкин.

Шахслараро ихтилоф - конфликт. Муносабат жараёнини ҳар доим ва барча вазиятларда ҳам силлиққина ва ички қарама-қаршиликларсиз юз беради деб тасаввур қилиш ярамайди. Айрим вазиятларда бир-бирини инкор этувчи қадриятлар, вазифалар ва мақсадларнинг мавжудлигини акс эттирувчи позициялар антогонизми юзага чиқадики, базан бу ўзаро адоватни, келтириб чиқаради - шахслараро ихтилоф содир бўлади.

Ихтилофнинг ижтимоий моҳияти турлича ва шахслараро муносабатлар негизини ташкил этадиган қадриятларга боғлиқ бўлади.

Биргаликдаги фаолият жараёнида можароларнинг сабаблари ўрнида икки хил тоифадаги детерминант, яъни ашъевий - амалий келишмовчиликлар ва шахсий прагматик (амалий) манфаатлар ўртасидаги тафовут майдонга чиқади. Можароларнинг келиб чиқишига, биргаликда ҳаракат қилишга ғов бўлган ва бартараф қилинмаган маънавий

англашилмовчиликлар ҳам сабаб бўлади. Муносабатдаги маънавий англашилмовчилик - бу айтилган талабнинг, илтимоснинг, буйруқнинг маъноси муносабат боғлашган шериклар учун мувофиқ эмаслигидир.

Дўстона муносабат. Муносабатга киришувчиларнинг ўзаро яқинлиги билан, бир-бирлари билан муносабатдаги қониқиш ҳосил қилганлигининг юксак даражаси, жавоб тариқасидаги ҳис-туйғулар ва афзал кўришнинг тахмин қилиниши билан белгиланадиган ўзаро муносабатлар ва ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг барқарор индивидуал танлаш тизими сифатидаги дўстлик одамлар муносабатининг алоҳида шакли сифатида юз беради.

Ўзаро биргаликда ҳаракат қила бошлайдиган одамлар ўзаро ҳамжихатлик даражасини баҳолаб оладиган ва муомалага киришган шеригининг кимлиги ҳақида ўзига ҳисоб бера оладиган бўлсагина муомала юз бериши мумкин.

Муомалининг перцептив жиҳати - бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва баҳолаши демакдир.

Ўзаро бир-бирини билиш борасида шахслараро идрок этишнинг учта муҳим механизмнинг таъсири -идентификациялаш (айнан ўхшатиш), рефлексия (фикрни таҳлил этишга, ўз-ўзини англашга мойиллик) ва стереотиплаштириш (бир хил қолипга солиш)ни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Идентификациялаш- бир кишининг иккинчи кишини, унинг таърифини субъектнинг уз тарифича англаб ёки англамай ўхшатиши орқали тушуниш усулидир. (Ўзини «унинг» ўрнига қўйиб кўриш этишмайди).

Ўзини қай тарзда идрок этиши ва тушуниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Субъектнинг у билан муносабатга киришган шериги томонидан қай тарзда идрок этилишини англаб этиши рефлексия деб аталади. Рефлексия бошқа кишини идрок этиш таркибига киради.

Агар ҳар бир киши ўзи муносабатга киришган одамлар тўғрисида доимо тўлиқ, илмий асосланган ахборотга эга бўлганида улар билан бўладиган ўзаро ҳаракат тактикасини беҳато ва аниқ ишлаб чиқиши мумкин бўларди. Лекин субъект кундалик ҳаётда бунақа аниқ ахборотга эга бўлавермайди, бу эса уни уларнинг қилган ишлари ва ҳатти-ҳаракатларининг сабабларини бошқаларга тўнкашга мажбур қилади.

Бошқа кишининг ҳатти-ҳаракатлари сабабини, ҳис-туйғуларини, ниятларини, ўй-фикрларини ва хулқ-атвор мотивларини унга тўнкаш йўли билан тушунтириш каузал атрибуция (лотинча саусо сабаб,ва атрибуто-қўшиб қўяман) яъни сабабий изоҳлаш деб айтилади.

Стереотиплаштириш - хулқ-атвор шакллари таснифлаш ва уларни ҳозиргача маълум ва машҳур деб саналган, яъни ижтимоий қолипларга мос келадиган ҳодисалар жумласига киритиш йўли билан уларнинг сабабларини (баъзан ҳеч қанақа асосиз) изоҳлашдан иборатдир. Муомала тескари алоқа. Муомала муваффақиятли юз бериши учун муқаррар равишда тескари алоканинг мавжуд булишини -субъект томонидан ўзаро биргаликдаги ҳаракат натижаларини ҳақида ахборот олиб турилишини тақозо қилади. Шахслараро идрок этиш жараёнида тескари алоқа хабар берувчи функцияни ва ўзини ўзи бошқариш функциясини бажаради.

Муомалани машқ қилиш. Одамларда самарали муомала ўрнатиш малакалари тасодифий равишда таркиб топади ёки таълимнинг ёрдамчи маҳсули сифатида юз беради.

Ижтимоий психологик тренинг ёки муомала тренинги, яъни муомаланинг машқ қилиниши бу вазифани ҳал этиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Нутқга таъриф беринг?
2. Тил ва нутқнинг ўзаро тафовутини айтинг?
3. Ташқи ва ички нутқнинг шахс учун аҳамиятини тушунтиринг?
4. Оғзаки ва ёзма нутқнинг хусусиятларини изоҳланг.
5. Мулоқот тушунчасини ёритиб, уни инсон ҳаётидаги ролини тушунтириб беринг?

6. Мулоқотнинг асосий функцияларини айтинг.?
7. Педагогик мулоқот деганда нимани тушунасиш?
8. Вербал ва невербал нутқ воситалари нима?
9. Идентификация деганда нимани тушунасиш.?

12- Мавзу: Эмоционал жараёнларнинг умумий характеристикаси. Шахсда ирода психологияси

Мавзу режаси :

1. Ҳиссиёт ҳақида тушунча.
2. Стресс ва уни пайдо бўлиш сабаблари.
3. Эмоционал ҳолатларнинг турлари.
4. Ирода ҳақида тушунча.
5. Иродавий ҳаракатларнинг сифатлари

Ҳиссиёт ёки туйғу - эмоция шахс руҳий ҳаётининг шундай томоники, бунда ташқи таъсиротнинг характери ва шахснинг унга бўлган муносабатлари ифодаланади.

Ҳиссиёт сўзи латин тилидан киритилган бўлиб, “ҳаяжонлантириш”, деган маънони англатади. “Ҳиссиёт” кўп ҳолларда эмотия сўзи билан бир маънода ишлатилади.

Ҳиссиёт шахснинг воқийлика бўлган муносабати ва уни ҳис қилишдан келиб чиқадиган, унинг эҳтиёжи ва қизиқишлари билан боғлиқ ёқимли ёки ёқимсиз кечинмалардир. Бирор нарсадан ҳузурланиш баъзан беҳузур бўлиш, суйуниш, қайғуриш, муҳаббат, қаҳру ғазаб, ғайрат ва шижоат, кўрқис, изтироб чекиш, ташвиш, хотиржамлик каби ҳолатларнинг ҳар қайсиси ҳиссиёт ёки эмотияга мисол бўла олади. Бу туйғулар кишида ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам бўлади. Биз ҳис билан сезги ўртасидаги фарқни ўқувчиларга аниқ тушунтиришимиз зарур. Кўпинча “Ҳидини ҳис қилдим”, “Кўнглим алланечук хавотирни сезаяпти” дейишади. Аммо ҳақиқатда хид билиш-сезишдир, хавотирланиш- ҳиссиётнинг маҳсулидир.

Ҳиссиёт бамисоли инсоннинг кийимидир. Инсоннинг ҳиссиётига кўра, унинг ҳолати ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ҳис-туйғулар - кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатидир. Ҳис-туйғуларнинг кечиши субъект алоҳида ҳис этаётган руҳий ҳолат сифатида гавдаланади. Бунда бирон-бир нарсани идрок этиш ва тушуниб етиш, бирор нарса туғрисида билиб олиш идрок этилаётган, ушуниб олинаётган, маълум ёки номаълум нарсаларга нисбатан шахсий муносабати билан биргаликда рўй беради. Шу ҳолларнинг барчасида ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши хусусида, кишининг алоҳида ҳиссий ҳолати хусусида сўз юритилади.

Ҳис-туйғуни бошдан кечиришнинг турли шакллари: эмоция-ҳиссиёт, аффект, кайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс ҳолати) киради. Эмоциялар - руҳий ҳаяжонланиш, руҳий ҳаракатланиш деган маънони англатади (курқувдан титраш ва ҳ.,к.), кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтиб кетадиган жараёнлар аффектлар (ҳиссий портлашлар) деб аталади. Улар онгнинг анчагина даражада ўзгарганлиги, ҳатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бўзилганлиги, одамнинг ўз-ўзини идрок қила олмаслиги билан ажралиб туради.

Агар оддий ҳиссиёт фақат руҳий ҳаяжонланишни ифода этса, у ҳолда аффект бурондир. Кучли зуриқиш (кўз ёш туқиш, қуқиш) натижасида майда саъи-ҳаракатлар барбод бўлади. Индуктив тормозланиш ярим шарлар қобиғини тобора кўпроқ, даражада эгаллай бошлайди, бу тафаккурнинг издан чиқишига олиб келади, қобиқ ости йўлларида қўзғалиш кучая бошлайди.

Кайфиятлар - анча вақт- давомида кишининг бутун ҳатти- ҳаракатига тус бериб турадиган умумий ҳиссий ҳолатини ифодалайди. У шодлик, қайғу, жиззакилик ёки мулойимлик тарзида бўлади. Кайфиятлар одатда ўзига-ўзи ҳисоб бермаслиги ва сушт намоён

бўлиши билан белгиланади. Асосий ҳиссиётлар стресс ҳолати - инглизча стресс – тазйик кўрсатиш, зуриқиш деган сўздан олинган қизиқиш (эмоция тарзида) - малака ва куникмаларнинг ривожланишига, таълим олишига мойиллик туғдирадиган билимларни эгаллашга ёрдам берадиган ҳиссий ҳолатдир.

Кувонч - қизиқиш, ғайратланиш, изтироб чекиш, ғазабланиш, нафратланиш, жирканиш, қурқув, уялиш -булар ҳиссиётнинг асосий белги ва кўринишларидир. Кишининг фикрлари ва хатти-ҳаракатлари йўналишини белгилайдиган барқарор, чуқур ва кучли ҳис-туйғу эҳтирос деб аталади.

Муҳаббат - ҳиссий ижобий муносабатнинг объектини бошқаларга қараганда ажратиб кўрсатадиган, ҳамда уни субъектининг барқарор ҳаётий эҳтиёжлари ва қизиқишлари марказига қўядиган юксак даражасидир.

Таълим бериш жараёнида талабаларда интеллектуал туйғуларни шакллантириш, билишга қизиқиш ва иштиёқ уйғотиш масаласи ҳамisha долзарб ҳисобланган. Маълумки, агар талаба таълим олишида билимга иштиёқ устунлик қилмаса, агар у доимо янги нарсани билиб олаётганидан шодлик ва бахтиёрликни ҳис этиб турмаса, у ҳолда талаба ўқишда ва меҳнатда юксак натижага эриша олмайди.

Баъзи предметлар, воқеалар, ҳаракатлар шахсни кувонтиради, ҳузур бағишлайди, хурсанд қилади. Баъзи предметлар эса шахсни ҳафа қилади, қаҳр-ғазабини кўзғайди, беҳузур қилади.

Ташқи таъсиротнинг характериға (ижобий ёки салбийлигига) қараб шахс унга нисбатан ўзининг муносабатини билдиради. Ташқи таъсиротнинг ёқимли томонлари шахсда ижобий муносабатларни вужудга келтиради. Маза қилиш, қойил қилиш, ҳузур-ҳаловат, севинч, қувонч, хурсандчилик каби ҳолатлар ижобий муносабатнинг кўринишларидир.

Ташқи таъсиротнинг ноҳуш, ёқимсиз томонлари шахсда салбий муносабатларни пайдо қилади ғазабланиш, ранжиш, ҳафалик, кўрқиш, беҳузур бўлиш кабилар салбий муносабатнинг кўринишидир.

Шахс ўзининг кундалик фаолиятида турли-туман ҳиссий ҳолатларни бошдан кечиради. Агар у хавф остида бўлса. кўрқувни ҳис қилади, муваффақиятга эришса, завқланади, интилиш ва ҳаракатлари тўғри, унумли рўёбга чиқса, қувонади, руҳи кўтарилади. Демак, шахсда турли ҳис-туйғуларнинг вужудга келиш манбаи унинг эҳтиёжлари, натижалари ва истакларидир.

Шахснинг ўз эҳтиёжларини кондириш йўлидаги ҳаракатларнинг муваффақияти ижобий ҳисларни, унинг қийинчиликларга дуч келиши, мағлубиятга учраши эса сабий туйғуларни уйғотади.

Турли эмоциялар шахснинг ҳулқ-атвориға ўзига хос ҳиссий оҳанг беради, барқарор кечинмаларни вужудга келтиради. Баъзан эса, эмоциялар тўсатдан ва шиддатли пайдо бўлиб, тез ўтади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки эмоционал ҳолатлар одамларда турлича кечади. Баъзи одамларда бу ҳилатлар барқарор, таъсирчан, чуқур кечса, айрим одамларда енгил ўтади. Шахслар ҳис-туйғуларининг чуқурлиги. кучи, барқарор ёки бекарор эмаслиги билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Ҳар бир шахсдаги ҳиссий ҳолатлар унинг бой ички дунёси, ғоявий йўналиши, эътиқод ва идеаллари билан боғлиқ бўлади.

Ижобий ҳис-туйғулар шахснинг бутун вужудини қамраб олади, унинг ҳаётини янада мазмунли тўлиқ ва бахтиёр қилади. Бундай ҳислар шахсга қанот бағишлайди.

Ҳис-туйғулар шахс тўғрисида, унинг психик ҳолатлари ва индивидуал хусусиятлари тўғрисида ҳулоса чиқаришга имкон беради. Ҳиссиётларнинг бир мақсадни кўзлаши, принципааллиги шахсни сўзи билан иши бир бўлган баркамол одамга айлантиради.

Ҳиссиётларда субъективлик ва социаллик моҳияти мавжуддир. Ҳиссиётларга субъективик моҳияти нуқтаи назаридан бериладиган баҳо ҳамма вақт ҳам унинг социал моҳиятига тўғри келавермайди. Субъектив равишда ноҳуш, шахсни ранжитадиган кечинмалар социал эътибори билан ижобий ҳиссиёт ҳисобланали. Масалан, уялиш шахс учун ёқимсиз ҳиссиёт бўлиб, азоб ҳисси билан кечирилади. Аммо социал моҳияти нуқтаи

назаридан уялиш юксак. ижобий ахлокий ҳисдир. Агар интизомни бузган студент ўқитувчи томонидан тартибга чақирилганда, уялиб қизармаса, у энг юкори инсоний фазилатдан махрум бўлган бўлади. Ғазаб ёки нафрат субъект учун салбий нохуш ҳолатдир. Лекин, ғазаб, нафрат душманга, ахлоққа хилоф ҳаракатга, интизомсизлик, қонунбузарликка қаратилган бўлса, юксак ахлокий ҳис сифатида ижобий моҳият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳиссиётларга социал нуқтаи назардан ёндашганда юксак ғоявийлик, халқчилик, ва принципиалликка асосланиш зарур. Бу жихатдан Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикри алоҳида аҳамият касб этади: "Ҳазрати Баҳоуддин, қаҳр билан толибга таъсир этиш тўғрими» деб сўрадилар. У киши шундай жавоб берди: "Қаҳр, яъни ғазаб икки хил маънога эга бўлади. Ҳақиқий қаҳр ғазаб камолат сифатидир. Бунда тарбияланувчининг лоқайдлиги учун уни тўғри йўлга йўналтирилади. Сабабсиз қаҳр- ғазабланиш зарарлидир". . .

Эмоционал ҳаракатлар барқарор ёки беқарорлиги нуқтаи назаридан қуйидаги уч гуруҳга ажратилади:

1. Бир неча ой ёки йиллаб давом этадиган узоқ муддатли ҳолатлар.
2. Кунлаб, ҳафталаб, ойлаб давом этадиган ҳолатлар.
3. Секундлаб, минутлаб, соатлаб давом этадиган ҳолатлар.

Эмоционал ҳолатларнинг бу тарзда уч гуруҳга бўлиниши уларнинг таъсир характери ва шахснинг индивидуал сифатларига боғлиқлигидир. Бир таъсирнинг ўзи ҳар қайси шахсга турлича куч билан етади ва турли даражада ҳиссий ҳолатларни вужудга келтиради

Турли ҳиссий ҳаракатларни вужудга келтирувчи сабаблар стимуллар ёки манбалар дейилади. Ижобий ҳиссий ҳолатларам шахснинг ҳаракатларида ифодаланади. Баъзи эмоционал ҳолатлар кучли интилиш, фаол ҳаракатни юзага келтиради, баъзилари эса секинлик билан ўтади. Бу хилдаги пассив ҳиссиётлар синтенталлик деб аталади. Синтенталлик ҳаракатсиз ҳиссий ҳолат бўлиб, бунда шахс сўз билан чекланади, афсус, оҳ-воҳ, кўз ёшидан нари ўтмайди.

Шахсда кўзғалишларнинг юзага келишига қараб ҳиссиётлар стеник ва эстеник кабиларга бўлинади. Стеник ҳолатлар ғайрат уйғотади, шижоатга сабаб бўлади. Масалан, кучли қувонч, катта ғазаб, жанговар руҳ, мардлик, ғалаба ва а.х.

Шахснинг ҳаётий фаолиятини пасайтирадиган, ғайратини сусайтирадиган ҳолатлар эстеник ҳиссиётлардир. Қайғу-ҳасрат, умидсизлик, лоқайдлик, ғам, афсус, ажабланиш кабилар эстеник ҳолатлардир.

Турли эмоционал ҳолатларнинг пайдо бўлиши асосида мия пустлоғи остида рўй берадиган процесслар - шартсиз рефлекслар ётади. Рухий кечкималар организмдаги физиологик ўзгаришлар билан доимо боғлиқдир. Одам турли рухий ҳолатларни бошидан кечираётганида қон айланиши ўзгаради, юрак уриши сусаяди ёки" тезлашади, нафас олиш ўзгаради, овқат ҳазм қилиш ва ички секреция безларининг фаолияти ҳам ўзгаради. Бу ҳолатларнинг ташқи ифодаси ҳам рефлекторлик характерига эга бўлади.

Одам кучли қувондик, қаттиқ қўрқув, ғазаб каби ҳолатларни бошидан кечираётганида унинг ташқи қиёфасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз беради, чеҳраси оқаради, кизаришии, нутк бузилади ёки вақтинча йўқолади.

Кейинги вақтларда жиддийлик вазияти ёки стресс деб аталувчи кескин вазият туфайли юзага келадиган эмоционал ҳолатларни ўрганишга катта эътибор беришяпти. Жиддийлик кишининг жисмоний ёки ақлий меҳнат қилаётган вақтида бирданига вазиятнинг ҳаддан ошиб кетиши ва ҳавфли вазият бўлиб қолган вақтда ҳам тез зарурий чора топиш керак бўлиб қолганда вужудга келадиган ҳаракатдир. Жиддийлик ҳолатида юрак ишида, қон томирлари ва нафас олиш системасида анча ўзгаришлар юз беради. Лекин ички органларнинг қай даражада ўзгаришига қарамасдан, эмоциянинг мазмунини англаб бўлмайди. Масалан. томир уришининг тезлашиши кишининг бирор нарсадан қўрқанидан ҳам, ёки шодланишидан ҳам бўлиши мумкин. Янада кучлироқ стресс ҳолатида кишининг хатги-ҳаракатларида тартибсизлик бўлиши, сўзлаганда ёндашиши, дудукланиб қолиши, фикрлар мантиқий боғланмага бўлиши мумкин.

Одатда, стресс ҳолатининг жуда кучли бўлиши тескари реакция ҳам бериши мумкин, яъни бош мия пўстлоғида умумий тормозланиш процессини вужудга келтириши, кишини пассивлаштириб, фаолиятини тамомила сусайтиради, Лекин жиддийлик (стресс) ҳолатининг нормал кўчишида кишининг ҳаётий тажрибаси, кучли иродаси. ғоявий жихатдан чиниққанлиги катта роль ўйнайди.

Одамда ҳиссий ҳолатлар юзага келиш тезлиги, кучи, давомийлиги жихатидан хилма-хил бўлади. Эмоционал ҳолатлар одамларда турлича тезлик билан пайдо бўлади, секин ёки тез алмашишади. Ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кўзғалади ва яна аслига қайтади.

Кучи жихатидан бўлганя сингари барқарорлиги жихатидан ҳам эмоционал кечинмалар бир-биридан фарқ қилади. Узоқ давом этувчи кечинмалар барқарор, қисқа муддат давом этувчи кечинмалар эса бетакрор туйғулар деб юритилади.

Одам интилишларининг хилма-хиллиги туфайли унинг дунёқараши, эътиқоди ва майллари билан боғлиқ ҳолда чуқур мазмунли туйғулар бўлади. Чуқур туйғуларнинг изи хотирада узоқ вақт сақланади. Одатда, тасодифий туйғулар беқарор бўлади ва хотирада узоқ сақланмайди. Умуман, шахсда юзага келувчи туйғуларнинг кучи, барқарор ва беқарорлиги ва чуқурлиги нерв системаси типига, эҳтиёжларига, таъсиротларнинг субъектив ва ижтимоий моҳиятга ҳамда унинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир.

Ҳиссиётларнинг тезлиги, кучи, барқарор ёки беқарорлиги ва чуқурлиги нуктаи назаридан эмоционал ҳолатлар қуйидаги турларга бўлинади;

1. Кайфият
2. Аффе́кт
3. Эҳтирос
4. Руҳланиш

Кайфият узоқ, муддатли, ўртача кучга эга бўлган руҳий ҳолатдир, одамдаги хурсандлик ёки ғамгинлик кайфияти маълум сабаблар асосида вужудга келади, Шахснинг ўз фаолиятида ютуқларга эришиши унда яхши, тетик кайфиятни юзага келтиради, муваффақиятсизлиги эса маъюслик, руҳий тушкунлик ғамгинлик кайфиятини туғдиради. Одам ўзининг барча психик ҳолатларини идора қилиш имкониятига эга. Кучли ирода эгаси бўлган одамлар ўз кайфиятларини бошқара оладилар, ҳамма вақт уларнинг руҳи тетик, димоғки чоқ, бўлиб юради, улар ўз кайфиятларининг кули бўлиб қолмайдилар. Иродаси мустаҳкам бўлмаган шахсларда кайфият тез бузилади, улар кайфиятнинг кўринишларини азоб бу қийноқ билан ўтказадилар.

Тез пайдо бўладиган ва қисқа муддат давом этадиган кучли эмоционал ҳолат а ф ф е к т д и р. Одам аффе́кт ҳолатида ўзини хатти-харакатларини назорат қила олмайди. Тўсатдан юз берадиган кучли тарздаги кўркув, ғазаб, аччиқланиш, қувонч кабилар аффе́кт ҳолатидир. Бу ҳолат одамда тўсатдан бўлиб, баъзан ҳатто бирнеча минут давом этади. Одамда бу ҳолат бақириш, чақириш, ҳайқириш тарзида номоён бўлади. Бу пайтда тафаккур фаолияти сусаяди, нутқ кескин равишда бузилади. Баъзи ҳолларда аффе́кт ҳолати натижасида организмда кучли физиологик жараёнлар юз беради., организм бўшашади, одам ўзини тута олмайди. Мустаҳкам иродали одамлар аффе́кт ҳолатида ҳам ўзларин тута биладилар. Кучли хафалик ва қувонч ҳолатларини осонлик билан ўтказадилар. Улар аффе́кт ҳолатига кам берилувчан бўладилар. Турли аффе́кт ҳолатларига берилувчанлик ёки берилмаслик нерв системасининг хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Қизгин темпераментли одамлар айниқса аффе́кт ҳолатига берилувчан бўлади. Эҳтиёжлар ижобий ва салбий моҳиятга эга бўладилар. Аниқ нарсга ёки воқеага қаратилган эҳтирослар ижобий эҳтирослардир. Билимга, санъатга, ҳунарга, меҳнатга бўлган эҳтирослар ижобий эҳтирослар жумласига киради. Ичкиликбозликка, қимрга, картабозликка, молпарастлик ва пулпарастликка бўлган эҳтирослар салбий эҳтирослардир. Салбий эҳтирослар жамиятга зарар келтиради, шахсни бебурд ва пасткаш кимсага айлантиради. Фақат ижобий моҳиятга эга бўлган, аниқ мақсадга катта куч ва истак билан интилишдан иборат эмоционал ҳолат руҳланишдир. Одам

фаолиятининг мувоффақиятли маҳсули уни руҳлантиради. Меҳнатга берилган баҳо уни рағбатлантириш ҳам одамнинг оруҳини кўтаради, тетиклаштиради.

ИНСОНГА ХОС ЮҚОРИ ТУЙҒУЛАР инсонга хос юқори туйғуларга ақлий (интеллектуал), ахлоқий ва эстетик ҳислар киради. Бу ҳислар фақат одамлардагина мавжуддир.

АҚЛИЙ ТУЙҒУЛАР бу туйғулар ақлий фаолият жараёнида вужудга келадиган билим жараёнлари ҳамда ижод билан бўлади. Одам бирор нарсани билиб олмоқчи бўлиб қаттиқ ҳаракат қилишини, билим натижасидан қаноатланиш ёки қаноатланмаслигини ўз ҳаёти йўлида учрайдиган нарса ва ҳодисаларни билиб олишга қизиқиш ҳиссини сезади. Билиш жараёни билан боғлиқ бўлган бундай туйғулар ақлий-интеллектуал ҳислардир. Ақлий уринчоқлик билишга қизиқиш, таажжубланиш, ҳайрон қолиш, ишонч, шубҳаланиш, янгилик ҳисси каби кўринишлари бор. Шахсда Янг бирор нарса таъсирида одатда ташқари тарзда пайдо бўлувчи ҳис таажжубланиш ҳиссидир. Одам ўзи кутмаган воқеа тусатдар содир бўлса, таажжубланади. Таажжубнинг ижобий ва салбий моҳияти бор. Агар инсон таъсиротлар мазмунидан мамнун бўлса, таажжуб ҳисси хурсандлик тариқасида ўтади. Хурсандлик йўналишидаги таажжуб туфайли одамнинг билиш фаолияти кучаяди. Унда интеллектуал хурсандлик вужудга келади. Хурсандлик натижасида одам таасиротларни ғоят ўткир нигоҳ ўрганади. Одамнинг билиш жараёнларида ҳайрон қолиш ҳиссиётининг муҳим аҳамияти бор. Шахс у ёки бу нарсанинг сабабини, нарсалар аро ички боғланишларни, зарур фактларни аниқлашда фикрий топқирликка эришувида ҳайрон қолиш ҳисси зўр восита ролини ўйнайди. Нарсалараро боғланиш ва муносабатларнинг тўғрилигига доир чиқарилган хулосаларишон ҳисси, агар бу хулосалар ҳақиқатга зид бўлса, шубҳаланиш ҳисси, фикрий изланиш натижасида ижтимоий аҳамиятга молик масала ҳал этилса, янгилик ҳисси муҳим ижобий кечинма сифатида хизмат қилади.

А х л о қ и й т у й ғ у л а р. Ахлоқий ёки маънавий ҳислар одамнинг бошқа шахсларга, жамиятга, ўз ижтимоий муҳитига бўлган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқий ҳисларга шахснинг ватанпарварлик, ижтимоий бурч, инсонпарварлик, жамоавийлик ва ўртоқларга ўзаро ёрдам ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик, камтарлик, адолатсизликка, текинхўрликка, виждонсизликка, мансабпарастлик, ичкиликка нисбатан муросаииз бўлиш, иззат-нафс, кадр-қиммат каби ҳислари киради.

Мустақиллик даври шахси Ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиши, умум манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиши, ўз халқини ва ватанини чин дилдан севиши ва ардоқлаши зарур. Бундам туйғулардан махрум шахс давримизнинг ҳақиқий фуқороси бўла олмайди.

Давримизнинг илғор ёшлари ўзларининг барча хатти-ҳаракатларида умуинсоний ахлоқнинг юксак тамойилларига асосланиши зарур. Токи улар мамлакатимизда тинчлик ва мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган барча ҳаракатларни ахлоқий деб билсинлар, ғайриахлоқий ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб борсинлар.

Э с т е т и к т у й ғ у л а р. Шахснинг табиат, жамият ва турмушдаги гўзалликни, нафосатга бўлган муносабати, ундан завқ-шавқ олиши эстетик туйғулардир. Турли туман воқеа-ҳодисаларнинг шахсда ҳаяжон уйғотиши, туйғуларнинг натижасидир.

Эстетик кечинма жараёнида инсоннинг ички дунёсида, ҳаётга бўлган муносабатида маънавий ўзгариш юз беради. Эстетик роҳатдан олинган ҳаяжон узоқ вақт сақланади, шахсни орзу-ҳаёлларга, ўй-фикрларга чўлғайди. тоза ҳаво, гўзал табиат манзаралари одам танасини яйратиб, саломатлигини яхшилаш билан бирга кайфиятини, руҳини ҳам ўзгартириб юборади.

Табиийки, олам инсон учун яратилган инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Одам ўз гўзаллиги билан ер юзидаги барча жонзотдан устун туради. Табиат оламидаги бутун мавжудот инсонга хизмат қилади. Одам ўзининг эстетик туйғулари туфайли ҳамиша тозалик ва озодаликка интилади. Поклик инсон саломатлиги учун энг зарур шартдир. Агар одамнинг танаси тоза бўлмаса, у керакли миқдордаги ҳавони ичига ололмайди. Одамнинг бадани элак акби кўзлик бўлиб, тоза бўлмаса ичидаги рутубат кирданўтиб чиқиб кета олмайди.

Натижада одам турли касалликлар (вабо, ришта, тиф, бсзгак, чечак ва х.к.)га гирифтор бўлади. Демак, эстетик ҳислар биринчи навбатда одамнинг ўз организмни, бутун аъзоларини, кийим-кечагини, атроф-муҳитини тоза ва озода сақлаб юриши учун зарурдир.

Юксак ахлоқли ҳислар сифатида эстетик туйғулар одам учун хамиша зарурдир. Чунки, одамдаги тозалikka, гўзалликка, борлиқдан завқланишга интилиш чексиз ва чегарасиз бўлиб, ҳамма ёшдаги одамларга хос ҳисобланади. Одам энг ёшлик чоғидан бошлаб гўзалликка ташналик туйғуларига эга бўла-боради.

Инсон ҳаётида ҳиссиётларнинг роли катта. Қувноқлик, хурсандлик, руҳланиш каби ижобий кечинмалар одамнинг ижодий фаолиятини оширади. Ўз навбатида одамда яратувчилик фаолияти унинг ижобий туйғуларини ривожлантиради ва унда янги мазмундаги тушчуларнинг вужудга келишига хизмат қилади. Натижада одамнинг меҳнат қобилияти ошади, меҳнатнинг унумдорлиги кучаяди. Бу нарса айниқса, илмий ва бадиий ижод жараёнларида яққол кўзга ташланади. Ижодий фаолиятни кучайтириш нуктаи назаридан ижобий ҳислар "учкун" ёки "олов" сифатида хизмат қилади.

Инсон фаолиятининг оддий ёки мураккаблиги билан боғлиқ ҳолда унинг кечинмалари организмнинг ташқи қиёфасида акс этади. Ҳар қандай одамдаги ташқи кўриниш унинг хурсанд, хафа, ғазаб ёки қўрқинч ҳолатини англатади. Иккинчидан, шахсдаги эмоционал ҳолатлар унинг ички аъзолари фаолиятида ҳам ўзгариш юзага келтиради. Ижобий туйғулар вақтида нафас олиш тезлашади, ёқимсиз туйғулар вақтида аксинча, нафас олиш пасаяди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳиссий ҳолатлар билан боғлиқ ҳаракатлар ҳар бир шахсда алоҳида кўринишга эга бўлади. Организмнинг турли-туман ҳаракатлари, имо-ишоралар, кўз имолари, товуш оханглари жилмайиш, кулиш, елка қисиш, ҳўмрайиш каби ифодали ҳаракатларнинг ҳар бири аниқ, маъно касб этади ва маълум мақсадни англатади. Ҳиссий ҳолатлар шахснинг ўз ирода кучини ишга солиш йўли билан ҳам тарбияланади. Бунда одамнинг ўз вазифа ва мақсадларини тўғри англаши, аниқ мақсадга дадил интилиши катта аҳамият касб этади.

Одамдага барча психик жараёнлар унинг ҳаракатлари орқали намоён бўлади, У ёки бу юмушни бажариш билан боғлиқ ҳаракатлар одамдан ғайрат ва шижоат талаб этади. Инсон ғайрат, фаол ҳаракатлар туфайли ўз вужуди эҳтиёжларини қондиради ўз қуввати имконияти билаи яшаш учун зарур бўлган ноз-неъматларни бунёд этиб, ўзини мухтожлик, йўқсиллик балосидан ҳалос қилади.

Фаолликнинг тескараси ялқовлик, дангасалик бўлиб ироданинг бу салбий сифатлари инсон бахти ва саодатининг офати ҳисобланадн. Сустлик, ялқовлик, ишёқмаслик одам, ҳаётини хор-зор этади, уни яшаш лаззатидан маҳрум қилади. Инсон ҳаёти давомида кучи етганича ишламоғи керак. Инсон бу дунёнинг моддий ва маънавий лаззатларидан баҳраманд бўлсин деб унга меҳнат қилиш бахти ато этилган. Сабот ва матонат билан қилинган меҳнат одам ҳаётига шавқ, ва завқ, бағишлайди.

Шундай қилиб, ирода шахснинг онгли ҳаракатларида ўз-ўзини тута билишида ифодаланадиган, мақсадга эришиш йўлида учрайдиган жисмоний ва руҳий қийинчиликларни енгиб чиқишда намоён бўладиган ихтиёрий фаолликдир. Ирода объектив воқеликни, жамиятдаги бошқа шахслар ҳаётидаги заруриятни акс эттиришнинг алоҳида томонидир. Ирода шахснинг ихтиёрий фаоллиги бўлиб, унинг намоён бўлиш даражаси объектив сабаблар, ҳаёт, тартиби ва шароитлари билан белгиланади.

Шахс ўзиинг кундалик фаолиятида бажарадиган барча ишлари маълум иродавий куч сарфлайди. Ҳар бир юмуш ўз характериға қараб иродавий куч, фаоллик талаб этади. Мураккаб фаолиятни рўёбга чиқариш шахсдан иродавий зўр беришда учрайдиган қийинчиликларни бартараф қилиш учун онгли равишда жисмоний ва ақлий куч сарфлашни талаб қилади.

Шахс ҳамма вақт ўз олдига аниқ мақсадлар қўяди ва уларни амалга ошириш учун хизмат қилади. Дарҳақиқат, одам англаб олинган ниятсиз, истаган мақсадсиз ҳеч қандай ишни бажара олмайди. Ҳар қандай иродавий ҳаракат одамдан муайян мақсадни кўзашни талаб

қилади. Одам ҳар қандай иродавий ҳаракатни бошлар экан, ундан кутилган натижани тасаввур этмоғи зарур. Буни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

- мақсадни англаш;
- унга эришиш учун интилиш;
- мақсадга эришиш имкониятларини англаш;
- мақсадга эришиш имкониятдариға мос келувчи ёки уларни рад қилувчи мотивларни англаш;
- мотивлар кураши;
- қарорга келиш;
- ақлий қарор;
- ҳиссий идрок;
- қарорни ижро этиш;
- иродавий зўр бериш;
- ички-субъектив қаршилиқ;
- ташқи-объектив қаршилиқ;
- ички ва ташқи қаршилиқларни енгишда намоён бўлади.
- бажарилган ишга баҳо бериш:

Англаб олинган мақсадни, исталган ниятни амалга оширишда одам бир қанча тўсиқларга ва қарама қаршилиқларга дуч келади. Ана шу тўсиқларни енгиш учун кураш шахсда иродавий зўр бериш ҳиссини туғдиради. Қийинчиликларга қарши курашишда пайдо бўладиган иродавий зўр бериш одамга катта куч бахш этади. Одам қийинчиликларга бардош бериш жараёнида ҳамма вақт ҳам юзага чиқмайдиган куч-қувватни сафарбар этади. Одамнинг иродалилиги турлича намоён бўлади.

Иродавий ҳаракатларнинг сифатлари иккига бўлинади:

1. Иродавий ҳаракатларга ҳос ижобий сифатлар.
2. Иродавий ҳаракатларга ҳос салбий сифатлар.

Ижобий иродавий сифатлар ўз-ўзини тута билиш, дадиллик, қатъият, чидам, тоқат, мустақиллик кабилардан иборатдир.

Ўз-ўзини тута билиш, шахснинг ўз бурчини ўташида, мақсадини рўёбга чиқаришида учрайдиган қийинчилик қаршилиқларни мардонавор енгишида кўринади.

Ўзини тута билиш шахснинг кўрқинчни, ғазабни, оғриқни, чарчашни енгиши жараёнида намоён бўлади. Одамдаги бу иродавий сифат кераксиз бўлган рефлексларга йўл қўймасликда ҳам қўл келади.

«Олтин зангламас» (Шухрат) романининг қаҳрамони Содиқнинг жасорати таҳсинга лойиқдир. У оғир аҳволда ётишига, даланинг совуқ ва изғирин шамолига, масофанинг узоқ, бўлишига қарамай, бинони хавфсизлантириш чорасини амалга оширади, нсча юзлаб солдатларимизнинг соғ-омон келишини таъминлайди. У бурчини ўташ йўлида барча қийинчиликларга бардош беради.. «Машина бормаса бормасин, барибир бораман», - деди Содиқ ғазабдан кўзлари. чакнаб. Бу асабийликдан боши зирқираб кетди, қўллари билан икки чаккасини чангаллади".

Жасур шахсларда бурч ҳисси кўрқоқлик қилишга йўл қўймайди. Улар зарба остида қолганларида ёки муваффақиятсизликка учраган пайтларида бу сифат уларга мадад бағишлайди.

Довжураклик одамнинг хавф-хатарли ишга томон боришига ёрдам беради, уни мардлик кўрсатишга отлантиради. Довжурак одам хавфли вазиятда кўрқинни билмайдиган кишигина эмас, балки ўзида кўрқув пайдо бўлса, ҳам, зарур деб билган ишини қила билувчи одамдир.

Шахсни илғор дунёқараши, ғоявий ва сиёсий етуқлиги, ўзининг ватани ва халқига содиқлиги ва садоқати, юксак онглилиги ва принциплилиги, ўз ишининг ҳақлигига чуқур ишонч, сабр-чидамлилиги, қатъийлиги унинг қаҳрамонлик кўрсатишига шижоат қилувчи омиллардир. Қаҳрамонлик сифати шахснинг фаол фаолияти, жараёнида намоён бўладиган юксак ахлоқий иродавий сифатдир.

Қахрамонлик сифатига эга бўлган кишилар ҳамма вақт фаал ва ташаббускор бўладилар, қийинчиликлардан қўрқмайдилар. Улар ўз Ватани ва халқига катта фойда у ёки бу мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган йўл ва воситаларни ўзи танлайди. Одамнинг ташаббускорлиги шахсий ва ижтимоий вазифаларни эпчиллик ва моҳирлик билан бажаришда яратувчиликка қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади.

Ташаббускорлик инсон ҳаётининг ҳамма соҳалари учун зарур бўлган қимматли иродавий сифат ҳисобланади. Ташаббускор шахслар ҳамма вақт ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгар эканликларини тўғри ҳис қиладилар. жавобгарлик ҳисси одамни ўз ҳаракатларининг тўғрилиги, зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилишидир. Одатда, бу ижобий иродавий хос ҳаракатларга бегараз, самимий баҳо бериш ҳамда ҳаққоний танқиддан тўғри ҳулоса чиқара олишда кўринади.

Шахснинг принципиаллиги ўзининг истак, тилак ва хоҳишларида намоён бўладиган иродавий сифатдир. Принципиал шахслар ўзларининг қарорларини ўзгартирмайдилар, уларнинг ҳаракатлари қатъий ва барқарор бўлади.

Иродалилиқ шахсни уч буюк балодан ахлоқий бузилишдан, юрак ҳасталигидан ва муҳтожликдан сақлайди.

Салбий иродавий сифатларга негативизм қайсарлик, мустақилсизлик ва абулия қабилар қиради.

Асоссиз равишда бошқаларнинг асосли фикрини рад этиш негативизмдир. Бу сифатга эга бўлган шахс атрофдаги кишиларнинг илтимос маслаҳат, талабларига ўйламай-нетмай, далилсиз равишда қаршилиқ кўрсатади.

Негативизм актив ва пассив сифатларга ҳам эгадир. Шахслар ўзгалар таъсирига берилмай, ўз фикрида қолиши пассив негативизм, ўзгалар фикрининг аксини бажариши эса актив негативизмдир. (негативизм ҳолатлари баъзи психик касалликларнинг натижаси ҳам бўлиши мумкин).

Бошқаларнинг илтимос, буйруқ ва таклифларига атайин қаршилиқ қилишдан иборат бўлган салбий иродавий сифат қайсарликдир. Қайсар шахс ўз билганини қилаверади, лекин бу ҳаракатнинг сабабларини объектив тарзда исботлай олмайди.

Шахс қаттиқ ғазабланган, жажли чиққан, хафа бўлган ҳолатларда унинг қайсарлиги яққол намоён бўлади. Бундай пайтда шахс далил келтира олмаган ҳолда ўз ҳаракатини давом эттиради.

У бошқаларнинг фикрига қулоқ солмайди, ўз фикридан қайтмайди.

Ўз фикр ва мулоҳазаларида ўзгалар таъсирига батамом берилиши мустақилсизликдир. Мустақил бўлмаган шахс ўз ҳатти-ҳаракатларининг сабабларини ўзи тушуниб етмайди, уни изоҳланишни бошқалардан кутади.

Мустақил бўлмаган шахслар принципсиз бўладилар. Уларда ўз қарорлари ва ҳаракатларига нисбатан жавобгарлик ҳисси бўлмайди, улар лақмалик билан ҳаракат қиладилар.

Лақма шахсларда танқидий фикр, мулоҳаза бўлмайди. Бошқалар ҳатто ёт-унсурлар таъсирига асосланиш иродасизликнинг энг юксак чўққиси абулия ҳолатидир. Муайян психопатологик сабабларга кўра ироданинг ниҳоятда бўшаши, кучсизланиши ёки тўла йўқолишидан иборат бўлган ялқовлик, дангасалик, ишёқмаслик абулиядир.

Иродавий ҳаракатлар иккига бўлинади:

1. Ихтиёрий ҳаракатлар.
2. Ихтиёрсиз ҳаракатлар.

Шахснинг аниқ, мақсадга қаратилган ва унга эришиш учун онгли равишда интилишидан иборат бўлган-ҳаракатлари ихтиёрий ҳаракатлардир. Ихтиёрий ҳаракатлар туғма ҳаракатларга эга амас. Бундай ҳаракатлар турмуш шароити таъсирида ва меҳнат фаолияти жараёнида вужудга келади ва мустаҳкамлана боради.

Ихтиёрий ҳаракатлар онгли ҳаракатлар бўлиб, бу ҳаракатлар натижасида аниқ юмуш ниҳоясига етказилади. Шунинг учун ихтиёрий ҳаракатлар мақсадли

келтириш иштиёқи билан яшайдилар. Шунинг учун ҳам бундай шахсларни доимо хурмат қилади ва эъзозлайди.

Ватанимиз тарихидан фидокорона қаҳрамонлик намуналарини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бирор нарсани рўёбга чиқаришда муттасил равишда иродавий зўр бериш қатъиятдир. Қатъият, чидам, тоқат каби сифатларни ҳам ифодалайди.

Турмушдаги баъзи қийинчиликлар одамдан алоҳида чидам ва тоқатни талаб этади. Қатъият шундай иродавий сифатки, шахс кўзлаган натижани қўлга киритиши ўзининг бутун куч-қувватини тўплайди, барча қийинчиликларга бардош беради, узоқ вақт давомида мақсадга интилади ва уни рўёбга чиқаради. Қатъият ҳамма касб эгалари учун зарур бўлган зўр иродавий кучдир. Илмий-тадқиқот ишларида, ихтирочиларда, билим эгаллашда, ҳунар ўрганишда қатъиятлилиқ одамга жуда қўл келади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, одамдаги чидам ва тоқат каби ирода, сифатлари ундаги мотивларнинг кучи ва барқарорлигига боғлиқ, бўлади! ҳаётда, турмушда, ҳар бир соҳада чидам ва тоқат намуналарини кўрсатувчи одамлар бор.

Мархум академик Х- М. Абдуллаев ниҳоятда кучли ирода эгаси бўлган. У билан 32 йил мобайнида бирга бўлган академик О.Г.Манонов бундай ёзади: "Ҳабиб тиним билмас тадқиқотчи эди. У бир неча йил ичида кетма-кет шундай асарлар яратдики, булар ўзбек геологиясидагина эмас, балки, бутун жаҳон геология илмига муносиб хисса бўлиб қўшилди". Тарихда бундай мисоллар жуда кўп.

Иродалилиқнинг муҳим сифатларидак яна бири мустақиллик ва принципиалликдир. Бошқалар таъсирига берилмаслик, ўзининг асосли муста қил фикрига эга бўлиш мустақилликдир. Шахснинг ижобий моҳиятга эга бўлган ирода кучининг мустақил ҳаракатларида ифодаланади.

Шахсдага мустақиллик аввало, унинг ташаббускорлигида намоён бўлади. Ташаббускор шахс ўз ҳаракатларида бошқалар ақлига муҳтож бўлмайди, четдан кўрсатма кутмай ҳаракат қилади. Академик И.П.Павлов таъбири билан айтганда, ихтиёрий ҳаракатлар шартли рефлекс ҳарактеридаги ҳаракатлардир.

Ихтиёрий ҳаракатлар содда ва мураккаб каби иккига бўлинади.

Содда ҳаракатлар (иродавий) шахсдан режа талаб қилмайди, осонлик билан бажарилади. Масалан, тушиб кетган ручкани олиш, дафтарни суриб қўйиш...

Одамиинг ўз олдига аниқ, мақсад қўйиш, унга эришишнинг йўллари ва воситаларини ва бу мақсадни рўёбга чиқаришда баъзи қийинчиликларга дуч келиши ва енгиб, мақсадга эришуви мураккаб иродавий-ихтиёрий ҳаракатдир. Масалан, ўқувчининг математикадан мисол ёки масала ечиши, талабаниннг маъруза ёзиши ва х.к.

Мотивлар (шахснинг фаолиятга киришишдан олдинги ички қарама-қарши-лиги) асосида шахснинг эҳтиёжлари ётади.

Эҳтиёжлар иккига бўлинади:

1. Моддий эҳтиёжлар.

2. Маънавий эҳтиёжлар.

Кишининг озиқ-овқатга, кийим-кечакка бўлган эҳтиёжи моддий эҳтиёжлардир. Илмга, ҳунарга, санъатга, сайр-томошаларга бўлган эҳтиёжлар эса маънавий эҳтиёжлардир.

Иродавий ҳаракатларнинг иккинчи тури ихтиёрсиз ҳаракатлардир. Иродавий ҳаракатлар кўп ҳолларда ихтиёрий фаолликка боғлиқ равишда содир бўлади. Йўталиш, акса уриш, кўз пирпиратиш, қош учириш, қўлга игна санчилганда тортиб олиш кабилар рефлекс тарзидаги ихтиёрсиз ҳаракатлардир.

Ихтиёрсиз ҳаракатларнинг физиологик асоси шартсиз рефлекслардир. Импульсив (онг назорати камроқ бўлган) ҳаракатлар ҳам ихтиёрсиз ҳаракатлардир. Ётқизиб қўйилган боланиннг гавдасини қимирлатиб ўйнаши, чапак чалиши импульсив ҳаракатлардир.

Ихтиёрсиз ҳаракатларнинг Яна бир тури инстинктив (онгсиз) ҳаракатлардир. Бу ҳаракатларнинг нерв механизми шартсиз рефлекслар бўлиб, ихтиёрсиз ҳаракатларнинг

автоматлашган шакли бўлган малака ва одатларнинг физиологик асоси шартсиз рефлекслардир.

Умуман олганда, иродавий ҳаракатларнинг физиологик асоси мия пўстлоғида аввалги тажриба натижасида ҳосил бўлган нерв алоқаларининг иккинчи сигнал системаларидир.

Иккинчи сигнал системалари иродавий ҳаракат пайтида кўзғалади ва иродавий ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради. Сўз иродавий ҳаракатда махсус роль ўйнайди. Чунки сўз ташқи сигнал (масалан ўқитувчининг кўрсатмаси) бўлиши билан бирга у шахснинг ўз-ўзига бўлган ички талаби, мустақил буйруғи ҳамдир. Ҳамма вақт сўзлар жавоб тариқасидаги ихтиёрий ҳаракат учун реал кўзғалувчидир.

Назорат учун саволлар

- 1.Ирода нима?
- 2.Иродасизлик нима?
- 3.Шахс мақсадга эришишида иродани ўрни?
- 4.Иродавий ҳаракатларга хос ижобий сифатлар қайсилар?
- 5.Қатъият деганда нимани тушунаси?
- 6.Ихтиёрсиз иродавий ҳаракатлар?
- 7.Абулия нима?
- 8.Иродани қандай тарбиялаш мумкин?

13 Мавзу: Психологияда характер муаммоси. Қобилият.

Мавзу режаси :

1. Характернинг тузилиши.
2. Характер хислатлари.
3. Миллий характерга этнопсихологик ёндашиш.
4. Қобилият тўғрисида тушунча.
2. Умумий ва махсус қобилиятлар.
3. Талант унинг келиб чиқиши. тузилиши.
4. Қобилият ва ирсият.

Умумий психологиянинг долзарб муаммоларидан бири мустақиллик шароитидаги шахснинг ҳуқ-атвори характер хислатларини кенг режада тадқиқ этишдир.

Республикаимизда ижтимоий муҳит ўзгарди, жамиятимиз таркибида янги-янги қатламлар вужудга келди, одамлар шуғулланадиган касблар бошқача мазмунга эга бўлаёпти фаолият қирраларининг ўзгараётгани натижасида одамларнинг ҳуқ-атвори ҳам янгилаш-миллийлик касб этмоқдаки, буларнинг ҳаммаси психология фани олдида долзарб муаммолар қўймоқда.

Ана шундай муаммолардан бири миллий характер масаласидир. Миллий характерни ўрганиш ҳозирга замон учун зарур бўлган муҳим масала бўлиб, уни умуминсоний қадриятлар негизида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Табиийки, миллий характерни ўрганиш учун ўзбек халқининг ҳаётини, турмуш тарзини чуқур билиш зарур. Чунки, ҳамма халқларнинг миллий характерида бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Бу хусусиятлар ҳар бир халқнинг кундалик ҳаётида, бошқа халқлар вакиллари билан мулоқотларида кўзга ташланади.

Миллий характерга хос хислатларнинг илдизлари ўзбек халқининг моддий ҳаёт шароитлари, яшаш учун зарур бўлган ноз-неъматлар ишлаб чиқаришдаги ўзига хослик, турли меҳнат фаолияти давомидаги ўзаро муносабатларидир. Ана шу манбаларда ўзбек халқининг ўзига хос характер сифатлари, ижтимоий-иқтисодий тажрибаси, тараққиёт омиллари ўз ифодасини топган бўлиб, буларнинг барчаси шу халқ, учун хос бўлган характер хислатларни ифодалайди.

Ҳар бир тарихий даврда шу давр ижтимоий муҳити, моҳияти талабларига асосланган характер хислатлари юзага келади ва ривож топади. Ана шу жараёнда умухарактер хислатлари билан биргаликда миллий характер хислатларини ҳам ҳукмрон бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, миллий характер хислатлари ҳозирги манбаларда қайд этилганидек, фақат ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, довюраклик, эрксеварлик кабилардангина иборат бўлмай, миллий характер хислатлари тизимига ўзбек халқининг ақлий камолоти, бошқа халқларга муносабати: шу халқ вакиллариининг ўзаро муносабатларини белгиловчи хусусиятлар ҳам киради.

Ҳар бир халққа хос бўлган характер хислатлари билан бир қаторда барча халқлар учун умумий бўлган характер хислатлари ҳам бор. Масалан, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, довюраклик, эрксеварлик барча халқларга хос фазилат бўлса-да, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, географик муҳити, меҳнат тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳар бир миллатда ўзига хос моҳият касб этади.

Меҳнатсеварлик ўзбек халқининг асосий характер хислатларидан бири бўлиб, бу сифат деҳқончилик, боғдорчилик каби меҳнат соҳаларида намоён бўлади. Ҳалқимизнинг пахтачилик, пиллачилик ва мевачиликдаги меҳнатсеварлиги унинг донғини дунёга таратди. Ҳозирги кунда республикаимизда ишбилармонлик ҳаракати кенг авж олдирилдики, бу мустақиллик шароитида меҳнатга янгича муносабатининг ёрқин намунасиدير.

Меҳнаткашлик-ўзбек халқининг миллий касби. У деҳқончилиكنинг ҳамма машаққатларига табиатнинг қудратли кучлари олдида ожизлик, баҳорги сув тошқини, қурғокчилик, сувсизлик. азобларига мардона бардош беради, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўз меҳнати билан янги ерлар ўзлаштиради, боғ-роғлар яратади, ерга ҳақиқий инсоний меҳр билан муносабатда бўлиб, дастурхон мўл-кўлчилигини таъмиилайди. Демак, захматкашлик авлоддан-авлодга ўтиб, ўзбек халқининг асосий характер хислати бўлиб қолган.

Ўзбек миллий характериға хос яна бир муҳим томони шундаки, ўзбек халқида. катталарни, ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг айтганларини сўзсиз ижро этиш қатъий одат тусини олиб, мустаҳкамланган ва шу халқнинг умумий характер хислати бўлиб келган. Оила шароитидаги ўзаро муносабатларда ёшлар ўзидан катталарға итоат этади, ҳурмат кўрсатади. Бу каби муносабатларнинг ёш авлод маънавий камолотида катта аҳамияти бор.

Умуман характер хислатларида бўлганидек миллий характер сифатлари ҳам доимий, ўзгармас эмас. Ижтимоий муҳит ва тарихий шароит билан боғлиқ ҳолда миллий характер хислатлари ҳам ўзгаради. Лекин миллий характернинг айрим сифатлари умуминсоний характер хислатлари тарзида сақланиб қолади. Чунки, миллий характер хислатлари умумбашарий характер хислатлари негизида вужудға келади ва унга зид бўлмайди. Ҳар бир халқ, бошқа халқлар билан мулоқотлар жараёнида улардан ўзида. йўқ характер хислатларини олади, айни вақтда уларда бўлмаган хусусиятларни уларнинг ўзлаштиришиға ҳам имкон яратади.

Ана шу каби имкониятларға асосланиб, характер термини (юнонча "характер") ўзбек тилиға белги, хислат, хусусият, нишон маъноларида таржима қилинади.

Шахснинг ижтимоий муҳит, таълим-тарбия таъсирида таркиб топган, унинг воқеъликка, ўзига ва. бошқаларға бўлган муносабатларида ифодаланадиган муайян шароитлардаги хатти-ҳаракатларидан иборат бўлган барқарор индивидуал-психологик хусусиятлар йиғиндиси характер деб айтилади.

Характерни ташкил этувчи хусусиятлар характер (хулқ-атвор) хислатлари дейилади. Характер хислатлари доимо ўзгарувчан моҳиятға эга бўлиб; шахснинг ҳаёт тарзиға, унга бериладиган таълим-тарбияға боғлиқ ҳолда таркиб топади, ўзгаради ва тарбияланади.

Характер хислатлари шахснинг ҳаёти жараёнида тарбия топган интеллектуал, эмоционал ва иродавий хусусиятлари йўналишнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, бу хусусиятлар шахснинг ҳаёт. шароитлари таъсирида вужудға келган муайян хулқ-атвор нормаларидир, Бу сифатлар шахснинг хулқ,-атвори негизини ташкил қилувчи хатти-ҳаракати ўзига ва бошқаларға, меҳнатға, жамиятға бўлган муносабатларида ифодаланади.

Ҳар бир шахсда беғамлик, беозорлик, моҳирлик, мустаҳкамлик, жозибадорлик, камсуқумлик, ёки ёқимтойлик, жонкуярлик, жиддийлик., фаросатлилик, мустаҳкамлик, оққўнгиллик, озодалик, билимдонлик, поклик, меҳнатсеварлик, маънавиятлилик. қатъийлик, синчковлик, итоатлилик, инсонпарварлик, социаллик, ифқатлилик камтарлик, тиришқоқлик, , софдиллик, уятчанлик, тартиблилик, хуштабиатлик, узоқни кўра билишлик, фидойилик каби ижобий хислатлар билан бирга гапдонлик, андишасизлик, виждонсизлик, разиллик, лоқайдлик, гўллик. беорлик, жураъатсизлик, очкўзлик, принципсизлик, писмиқлик, зикналик, фирибгарлик, кўрқоқлик, худбинлик, кўполлик, қасоскорлик, шилқимлик, таннозлик, эзмалик., қайсарлик, икки юзламачилик каби салбий сифатлар ҳам бўлади. Ана шу ижобий ёки салбий сифатларнинг намоён бўлиш даражасига қараб, у яхши инсон, у эса ёмон одам деб у ёки бу одам ҳақида гап кетганда унга баҳо берилади.

Ижобий характер хислатларининг шахс учун амалий аҳамияти катта. ижобий хислатлар шахс учун зийнат ҳисобланиб, унга софлик, латифлик, мусаффолик руҳини сингдиради. Эл орасида обрў-эътиборли қилинади. Салбий характер хислатларига эга бўлган шахслардан халқ нафратланади уларни сўзсиз қоралайди.

Психологик жараёнларнинг шахс фаолиятидаги ҳукмронлиги нуқтаи назаридан характер хислатлари ахлоқий, эмоционал ва иродавий хусусиятларга бўлинади. Воқеликка муносабат нуқтаи назаридан эса характер хислатлари қуйидаги гуруҳлардан иборатдир:

а) Шахснинг умумий руҳий тузилишини ифодаладиган хусусиятлар. Бундай хусусиятларга ғоявийлик, мақсадга интилувчанлик, принципиаллик, ҳалоллик, ватанпарварлик, мардлик, фаоллик, интизомлилик, адолатпарварлик каби. сифатлари киради;

б) Шахснинг бошқа одамларга муносабатини ифодаловчи хусусиятлар. Бундай хусусиятларга инсонпарварлик, саҳийлик, самимийлик, ҳурмат-эҳтиром, жамоатчилик, сезгирлик кабилар киради;

в) Шахснинг ўз-ўзига муносабатини ифодаловчи хусусиятлар. Бундай хусусиятларга ўз кадр-қимматини билиш туйғуси, камтарлик, мағрурлик, уятчанлик, худбинлик, ўз шахси, ўзининг кечинмалари билан банд бўлиш, ўзини ҳамиша ўз диққат марказида тутиш каби сифатлар киради;

г) Шахснинг ўз-қасбига, меҳнатга муносабатига ифодаловчи хусусиятлар. Бундай хусусиятларга ўз халқига, меҳнаткаш оммага меҳр, муҳаббат, қатъият, ижодкорлик. ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби муҳим фазилатлар киради;

д) Шахснинг буюмларга муносабатини ифодаловчи хусусиятлар. Бундай хусусиятларда шахснинг пухталиги, бепарволиги, тежамкорлиги, исрофгарчилиги, ўз ва ўзгалар мулкига муносабат нуқтаи назаридан ифодаланади. Кўриниб турибдики, шахснинг умумий психологик тузилишида, бешқа одамларга, ўз-ўзига, меҳнатга на буюмларга муносабатларида, характерининг ижобий хусусиятлари ҳам. салбий хусусиятлари ҳам намоён бўлади, Характернинг ижобий хусусиятлари орасида ахлоқли хусусиятлар муҳим роль ўйнайди. Ахлоқий хусусиятлар ахлоқий туйғуларга асосланган бўлиб, шахснинг жамият талабларига жавоб берадиган маънавий хулқ-атворини ифодалайди. Булар орасида айниқса, ватанпарварлик, байналминалчилик, инсонпарварлик сифатлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу юқори туйғуларда ҳар бир шахснинг ўз ватани, халқи, юрти, эли деб ёниб яшаши акс этади. Республикамиз мустақилликка эришган ҳозирги вақтда ватанпарварлик тушунчасининг моҳияти бошқача бўлиб қолди. Муқаддас Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган ҳар бир катта-ю кичик инсон унинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидай асраши зарур. Эндиликда ватанпарварлик фақат ҳис-туйғулардагина эмас, кундалик амалий ҳаракатларда, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қилинадиган фидокорона меҳнатда ўз ифодасини топиши керак. Ҳозирги шароитда ҳақиқий ватанпарвар бўлиш учун ҳар бир одамга ватанпарварлик сифати билан ёнма-ён тарзда инсонпарварлик, жамоатчилик, байналминалчилик ҳалоллик. ростгўйлик, тўғрилик, меҳнатга муҳаббат, халқ ва жамият олдида ўз бурчини чуқур англаш. бошқаларга фойда келтиришга доим тайёр бўлиш ғояларига садоқат ҳам зарурки, бу хислатларсиз шахсни тўлақонли ватанпарвар деб бўлмайди.

Шахснинг ижобий характер хислатларида куч-ғайрат, фаоллик, мардлик, уюшқоқлик, қатъийлик, сабр-матонат, мустақиллик, изчиллик каби иродавий хусусиятларнинг роли каттадир. Чунки, бу каби иродавий хусусиятлар шахсларда ўзаро ҳурмат, ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик, камтарлик, оилада бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбиясида ғамхўрлик қилиш каби маънавий сифатлар билан боғлиқ бўлиб, характернинг умумий ижобий хислатлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шахс фаолиятининг айрим ҳолларида намоён бўладиган қатъийлик, жасурлик, мардлик, матонатлилик, дадиллик, ўз-ўзини тута билиш каби сифатлар барқарор характер хислати бўла олмайди. Агар шахс жасорат кўрсатди, дадиллик қилди, ростгўйлик, софдиллик намоён этди, дейилса, маълум пайтдагина намоён бўлган бу сифатлар барқарор характер хислати бўла олмайди. Бундай хислатлар доимий ва барқарор бўлгандагина характер сифати бўла олади. Бу вақтда ундай шахслар ҳақида гап кетганда дадил, мард, жасур, ростгўй каби характер сифатлари қўшиб айтилади.

Шахс ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий муҳит маҳсули, унинг характер хислатлари ҳам ижтимоий муҳит ва шароитларнинг маҳсулидир. Жамият таркиби билан боғлиқ ҳолда характер хислатлари табақалашган моҳият касб этади. Турмуш шароитлари ва ижтимоий борлиқнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда жамиятимиз аъзоларининг характер сифатлари ҳам ўзгариб боради.

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон мустақилликка эришди. Бунинг натижасида республикамызда янги ижтимоий муҳит вужудга келди. Натижада жамиятимиз аъзолари ҳуқ-атворида умуминсоний қадриятларга асосланган миллий характер хислатларининг юзага келиши ва ривож учун мустақкам замин яратилди, мамлакатимиз халқларининг характер сифатлари янги мазмун касб эта бошлади.

Ҳозирги кунда мустақиллик шароити республикамыз аҳлининг индивидуал хусусиятларини, умуминсоний характер сифатларини, мукаммал қарор топтириш ва ривожлантириш учун кенг имкониятга эга бўлди. Қисқа тарихий давр мобайнида совет ижтимоий тузуми шахсига хос салбий характер сифатлари таг-томири билан инқирозга юз тутди. Эндиликда манманлик лаганбардорлик, принципсизлик, мустақилсизлик каби ўтмишда авж олган характер хислатлари кун сайин йўқолиб бормокда.

Янги мустақиллик шароити шахсига хос характер сифатлари жамиятимиз аъзоларининг меҳнатга муносабатларида, мустақиллик манфаатларига садоқатида, ўзаро муносабатларидаги юксак ахлоқий сифатларида, иродавийликнинг юқори кўринишларида ўз ифодасини топмокда.

Жамиятимиз аъзолари умуминсоний ахлоқ нормаларида ифодаланган ахлоқий тамойилларни ўзларининг барқарор характер хислати деб биладилар. Мустақиллик ғоялари садоқат, Ватанга чексиз муҳаббат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ижтимоий бурчни идрок қилиш, дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам, ахлоқий поклик, оддийлик, камтарлик, самимийлик, меҳрибонлик, ғоявий мустақкамлик каби характер хислатлари жамиятимиз аъзоларининг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айланмокда.

Шахсдаги характер хусусиятлари ҳамиша, бир-бири билан боғлиқ, ҳолда намоён бўлади ва бу хусусиятлар яхлитлиги (бир бутунлиги) характер тузилишини ташкил этади.

Шахс характери, тузилиши (структурасини) ташкил этувчи бошқа шахслар ва жамоага муносабатини, меҳнатга муносабатни, буюмларга (нарсаларга) муносабатни ҳамда ўз-ўзига муносабатларни ифодаловчи хислатлар одамга туғма тарзда берилмайди. Бунинг маъноси шуки, одам боласи дунёга келгач, унда қатъий характер хислатлари пайдо бўлиши ва ривож топишини олдиндан ҳеч ким айта олмайди. Гудакда биринчи характер хислатларининг кўртаклари оила шароити таъсирида вужудга келади. Бу кўртакларнинг келажакдаги моҳиятини ота-онанинг, оиладаги бошқа катта аъзоларнинг намунавий таъсир кучига эга бўлган ҳуқ-атвори белгилайди. Бу ҳақиқат ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган.

Кейинчалик мактабгача тарбия муассасалари болада ижобий характер хислатларининг ўсишида катта роль ўйнайди. Ясли ва боғчаларда болалар катталарни ҳурмат қилиш, улар билан самимий саломлашиш, тенгдошлари билан чин дўст тутиниш, ижтимоий мулкка

муносабат, озодалик, интизомга риоя қилиш ҳислатларини ўзлаштирадilar. Бу пайтда боланинг ижобий ҳарактер ҳислатларини ўзига мустаҳкам сингдиришига жиддий эътибор бериш керак. Чунки шахснинг келажакда ҳаёт йўли қандай бўлиши унда ёшлигида барқарор таркиб топган ҳулқ-атвор сифатларига боғлиқ, бўлади.

Ёш авлодни ижобий ҳарактер ҳислатлари руҳида тарбиялашга жиддий эътибор бермок лозим. Ижобий ҳарактер хусусиятларига эга бўлган киши ўз атрофида одамларнинг, қариндошлари ва дўстларининг меҳр-муҳаббати ва иззат-ҳурматиға сазовор бўлади. Салбий ҳарактер хусусиятиға эга бўлган шахсдан бошқалар ўзини олиб қочади, бундай шахс оилада ҳам, меҳнат жамоасида ҳам обрўға эга бўлмайди, дўстсиз, биродарсиз ҳаёт кечиради. Демак, салбий ҳарактер ҳислатларига бурканган шахс мазмунсиз ҳаёт тарзини ўтайди, турмушнинг лаззатли онларидан бебаҳра қолади, кимсасизлик дардиға мубтало бўлади. Бу эса тирикликдаги ўликликнинг айни ўзидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, катта ёшдаги одамлар онгли равишда ўзларидаги салбий ҳарактер ҳислатларига қарши курашиб, улардан халос бўлиши мумкин. Бунинг учун аввало шахс ўз устида ишлаш малакасиға эга бўлиши, ўз ҳулқ-атворидаги нуқсонларни аниқ билиши уларға қарши курашнинг педагогик усулларида тўғри фойдалана олиши зарур.

Психологик жиҳатдан шахснинг ўз ҳарактер ҳислатларига тўғри баҳо бериши, ўз нуқсонларини аниқ пайқаб, буйниға олиши жуда кийин масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошқалар фикриға кулоқ солиш, танқиддан ҳафа бўлмаслик, меҳнат жамоаси ҳар қандай шахсға ҳолисона баҳо беришни тўғри тушуниб, ўз ҳарактер ҳислатини ўзгартириш борасада иш олиб бориш яхши натижа беради.

Шахс гуруҳ, ёки жамоада фаолият кўрсатади. Одамлар орасида яшаб, меҳнат қилар экан, бошқалар ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлувчи ижобий ва салбий ҳарактер ҳислатларига ўз муносабатини билдиради, ижобий сифатларға хайрихоҳлик, салбийларига нафрат ҳиссини изҳор этади. Шунинг учун жамоа ғоят катта тарбийвий кучдир. Чунки одамнинг ҳарактери унинг фаолияти жараёнида таркиб топади ва мулоқотлари ҳамда ҳаракатларида намоён бўлади.

Шахснинг тайёр билим ёки кўникмаға эга бўлмай туриб у ёки бу нарсани тез фахмлай олиши, билимларни тез ўзлаштириши. ҳозиржавоблиги, олинган билимни кенг ҳажмда ва узоқ муддат хотирада сақлай олиши кабиларда намоён бўладиган тезлик сифати қобилият деб айтилади.

Маълумки, ҳар бир шахснинг камол топиши унинг организмнинг ўсиши, ижтимоий шарт-шароит ва таълим-тарбияғаина боғлиқ бўлмай, ўша шахснинг шахсий фаолилиги, ғайрати. шижоати ва мустақиллигиға ҳам боғлиқ бўлади. Шахс камолотида меҳнатсеварлик ҳамда ўзини дуруст англашнинг муҳим аҳамияти бор. Умумий психологик таълимотға кўра, одамда компенсация қобилияти бор. Бунинг маъноси шуки, шахс руҳиятидаги бир хосса ўрнини бошқа бир қанча хоссалар тўлдиради. Унда бўлмаган қобилиятлар ўрнини босадиган бошқа қобилиятлар вужудға келади.

Бу жараёнда ижтимоий муҳит ва тўғри йўлга қўйилган таълим ва тарбия алоҳида ўрин тутади. Психологик нуқтаи назардан ҳар бир шахс ўзидан қобилиятлилиқ сифати жиҳатидан бошқалардан ажралиб туради. Қобилияти жиҳатидан одамлар ўйинда ҳам, ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Қобилиятли одам у ёки бу ишни тез, сифатли бажарса, қобилиятсиз одам ҳудди шу ишни секин ва сифатсиз бажаради. Ёки фаолият турларининг рўёбға чиқиши қобилиятли шахсларда серунум ва самарали бўлса, қобилиятсиз шахсларда бунинг акси бўлади. Демак, одамдаги қобилиятлилиқ сифати унинг ижодийлиги, мустақиллиги ва тезкорлиги каби ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Шахснинг муҳим индивидуал сифати ҳисобланувчи қобилият шахснинг бошқа индивидуал сифатлари билан боғлиқ, ҳолда хилма-хил бўлади. Бунинг сабаби шундаки. ҳар бир фаолият тури шахсдан қобилиятлилиқнинг маълум даражасини талаб этади. Иккинчидан, шахс фаолиятининг турларига мувофиқ. тарзда назарий, амалий. илмий, ижодий, техникавий, мусиқий, педагогик, тарбиячилик каби қобилият турлари мавжуд.

Бундан ташқари, умумий ва махсус қобилиятлар ҳам бор. Умумий қобилиятга эга бўлган киши фаолиятнинг турли соҳаларида унинг фаоллигини таъминлайди. Агар талаба умумий қобилият соҳиби бўлса, у барча фанларни барабар ўзлаштиради, таассуротларни тўғри ва тўлиқ, идрок қила олиши билан бошқа талабалардан ажралиб туради. Махсус қобилиятлар шахсга фаолиятнинг маълум соҳасидагина муваффақиятга эришиш имконини беради. Агар талаба махсус қобилият соҳиби бўлса, у айрим фан соҳаларини дуруст ўзлаштиргани ҳолда барча фанларни дуруст ўзлаштиришни уддалай олмайди.

Умуман шахсда қобилиятлилиқ лаёқати бўлади. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, айрим шахсларда умумий қобилиятлар мавжуд бўлгани ҳолда, бошқалардан махсус қобилиятлар мавжуд бўлади. Шундай қилиб, умумий ва махсус қобилиятга эга бўлган шахслар ўткир зеҳн, идрок, ижодкорлик, ўз ишига масъулиятли ёндашувлари билан фарқланадилар. Буларнинг фаолияти алоҳида назарга олинади ва баҳоланади. Қобилиятсиз шахсларга нисбатан умумий ва махсус (айниқса, умумий) қобилият эгалари алоҳида эъзозланадилар, уларга умуман фаол шахслар сифатида қаралади.

Талабалиқ ёши шахсда индивидуал сифатларнинг тез ўсиши билан характерланади. Шахс ҳаётининг бу даврида қобилиятлилиқ билан боғлиқ сифатлар ҳам турли ҳилларда намоён бўлади. Бу жихатдан талабаларни қуйидаги қобилият соҳибларига ажратиш мумкин.

1. Зеҳни ўткир, билим эгаллашга интилувчи, тиришқоқ талабалар. Бундай қобилиятга эга бўлган талабалар дарсларни тез ўзлаштиради. Уларга илмий озуқа берилса, фикри ўсаверади, оқилона йўл кўрсатилса, шошилмай, толиқмай мақсад сари интилаверади.

2. Зеҳни ўткир, гапга қулоқ соладиган талабалар. Бу тур қобилият эгаларига хос сифат шундаки, улар билимларни секин ўзлаштирадилар, ўқитувчининг доимий назоратига муҳтож бўлади.

3. Зеҳни ўткир, билимга интилувчан, лекин ўзбошимчалиқ ва ўжарликка мойил талабалар. Бу турдаги қобилият эгаси бўлган талабалар узлуксиз тарбияга муҳтож бўлади. Тўғри таълим ва тарбия берилса, улардан буюк одамлар етишиб чиқади.

4. Гапга кирадиган, ҳамма нарсани билишга қизиқадиган, билимларни секин ўзлаштирадиган ва бўшанг талабалар. Булар талабалар билан изма-из бора олади. Бунинг учун уларга илтифот қилиб, жуда қаттиқ талаблар қўймай, кўнглини кўтариб, амалга ошираётган ишларини маъқуллаш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, бундай талабалар истейдодли талабалар даражасига кўтарлилади хотираси кенг қамровли ва махсулдор бўлади.

5. Зеҳни паст, бепарво ва бўшанг талабалар. Уларни донолик, сабр-тоқат билан ўқитиш ва тарбиялаш мумкин. Шундагина булар ҳам яхши мутахассис бўлиб етишади.

6. Баджаҳл ва ғайри табиий талабалар. Улар қийинчилик билан тарбияланадилар. Улардаги ўжарлик ҳислатини йўқотиб, ижобий томонга йўналтириш машаққатли меҳнат эвазига амалга оширилади.

Юқоридаги қобилият турларига мансуб талабалар билан ҳам жамоавий, ҳам индивидуал тарзда тарбиявий тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, талабалар қобилияти жихатидан қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг инсоний табиати ва физиологик аъзолари ҳам бир хилдир.

Демак, умуман одамлар ўйин, ўқиш ва меҳнат жараёнида бир-бирларидан фарқ қиладилар. Уларнинг баъзилари бир ишни тез ва сифатли адо этсалар, иккинчилари суст ва сифатсиз бажарадилар. Баъзи шахслар ўз фаолиятларида илғор, ташаббускор, самарали ва серунум бўлади. Анна шу каби ҳислатларига асосланиб уларнинг қобилиятли кишилар деб юритилади.

Кишининг қобилияти хилма-хил бўлиб, қизиқишлар туфайли ўз устида ишлаш натижасида пайдо бўлади ва ривож топиб бораверади. Одам фаолиятининг характерига қараб қобилият ҳам турлича бўлади. Масалан, математик қобилият, педагогик қобилият ва х.к.

Шахс фаолиятининг бирор соҳасига нисбатан бўлган қобилиятлилиқ унинг фаолиятини бошқа томонларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиқиб

қобилият ҳам, турли касб эгаларида турлича намоён бўлади, айрим шахслар бир неча соҳаларга нисбатан ҳам қобилиятли бўладилар.

Қобилиятнинг янада юқори ва сифатли кўриниши танлант ёки истеъдоддир. Шахс қобилиятларида намоён бўладиган туғма хусусиятлар истеъдод деб юритилади. Шахсдаги истеъдодлилиқ сифати унда қобилиятнинг юқори кўриниши билим ва малакаларни тез эгаллаш, у ёки бу юмушни тез ва соз адо эта олиш билан аниқланади.

Истеъдодлилиқ даражасига эришган шахсда ақл, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби руҳий жараёнлар анча ривож топган, ирода сифатлари барқарорлашган, нутқ ривожланган бўлади. Шунинг учун уларнинг кузатувчанлиги, билимларни ўзлаштириши, олинган билимларни амалда қўллаши, ўз соҳаси бўйича янгилик яратишга мойиллиги бошқалардан фарқ қилади. Ўз навбатида олинган билим ва ҳосил қилинган кўникмалар шахсдаги истеъдод даражасининг янада ўсишига хизмат қилади. Талантли шахслар йирик ҳажмдаги амалий ва назарий масалаларни ҳал этадилар, илғор ҳарактерга эга бўлган янгилик ва ижодий ишларни амалга оширадилар.

Талантли шахсларда сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, ҳиссиёт, ирода каби руҳий ҳолатлар тараққий этган бўлади. Бу ҳолл шахсни янада фаоллаштиради, унинг талантини кенгроқ намоён этади.

Талантли шахслар ўз касбининг усталари бўладилар, уларнинг фаолиятларига ибрат-намунавийлик ҳосдир. Талантли педагог, талантли санъаткор, талантли олим, талантли шоир деганда, ўз фаолияти нуқтаи назаридан бошқаларга ўрнатқ бўлувчи ошахслар назарда тутилади. Талантли бўлишнинг ягона шарти шахснинг ўз устида систематик тарзда ишлашидир. Агар инсон ўз устида мунтазам ишлашни давом эттирмаса, ундаги талантлилик сифати сусая боради ва сунади.

Талант ўзининг гений, генал каби даражаларига эгадир. Ҳар томонлама тараққий этган авлодлар тажрибасини ижодий ўзлаштирадиган, уни ўз даврига тадбиқ этиб янги билим ва тажриба билан бойитадиган, мустақил фикрлаш асосида яратувчилиқ, ижодкорлик, хусусиятларига эга бўлган оптимистик ғоя билан суғорилган, Ватан ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан иш тутадиган илғор дунёқараш эгаси бўлган ўзининг ижтимоий бурчига ҳамма вақт содиқ бўлган шахслар гений шахслардир. Гений шахслар гармоник ривожланган шахслар бўлиб, ижтимоий ҳаёт воқеаларини ва илм-фанни чуқур ўзлаштирган бўладилар. Улар фан соҳаларига, ҳаёт воқеаларига ижодий ёндошиб, уни янада бойитадилар, воқеалар ривож, келажагани олдиндан кўра биладилар. Гений шахслар ўта меҳнатсевар ва кучли иродали бўладилар. Улар учун халқ, манфаати, Ватан келажага ҳар нарсадан устун туради.

Гений шахсларнинг ижтимоий ҳаётни ўрганиш соҳасида тўплаган тажриба ва билимлари инсоният тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келади. Улар ўз халқлари ва ватанлари учун бахтли фаровон ҳаётни ҳадия этиш билан бирга бу ҳаётни келажаги, истиқболи ва тараққиёт қонунларини ҳам кашф этадилар.

Генийлиқнинг яна бир муҳим томони шундаки, бундай шахслар табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида келгувси авлод учун битмас-туганмас назариялар яратадилар. Бу назариялар келгувси авлод қўлида ғоявий қурол бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, генийлиқ даражасига кўтарилган шахс ўз фаолиятида жамият учун катта ютуқларнинг қўлга киритилишига сабаб бўлади ва бу ҳол ўша шахснинг шахсиятини янада, улуғлаб, номини абадийлаштиради.

Имом Бухорий, Махдуми Аъзам ёки Алишер Навоий. ёки Л.С.Пушкин, И.П.Павловнинг генийлиги фан соҳасида, Мичуриннинг генийлиги табиатни ўзлаштиришда, К.Е.Циолковскийнинг генийлиги планеталараро космик учиш масалаларида намоён бўлади. Юксак талант эгаси бўлган бу даҳоларнинг фан соҳасида яратган янгиликлари кейинги авлодлар учун абадий билим манбаидир.

Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Форобий, Беруний, Ал-Хоразмий каби машҳур олимлар фан оламида генийлиқнинг юксак чуққисига кўтарилдилар.

Шундай қилиб, шахснинг гений ёки генийлиқ сифати узоқ муддат мобойнида ўз устида самарали меҳнат қилишнинг, ўқиб-ўрганишнинг натижасидир.

Машхур рус ёзувчиси А.М.Горький ҳақли равишда таъкиллаганидек, шахснинг индивидуал сифатлари меҳнат жараёнида юзага келади ва ривож топади.

Шахснинг қобилияти туғма лаёқат асосида муҳитга, таълим ва тарбияга боғлиқ ҳолда ўсиб боради. Ҳар бир одам боласи «мудраб ётган» лаёқат (туғма имконият) билан дунёга келади. Ундан сўнг у мансуб бўлган ижтимоий муҳит бу лаёқатни юзага чиқаради. Лаёқат айниқса, ёшлик чоғларида жадал ривожланади. Масалан, Серёжа Халяпин (Москва шаҳри) 14 ёшида ўрта мактабни тамомлаб, Д.И.Менделеев номи Москва химия-технология институтининг талабаси бўлди. Америкалик Майк Грост 11 ёшида Мичиган университетига қабул қилинди. Англиялик Майбелле 4 ёшида биринчи синф ўқувчиси бўлди. Ереванлик Давид Арутюнян 12 ёшида политехника институтининг кибернетика факультетига қабул қилинди. Олти ёшли қирғиз йигити Асилбек Сийданов машхур эпос-"Манас"ни ёддан айтиб, республика кўригида биринчи даражали диплом билан тағдирланган. Мексикалик Антонио Хаурес эса, бир вақтнинг ўзида испан тилида гаплашиб туриб, инглиз тилидаги текстни бемалол ёза олади.

Бундай мисолларни катталар ҳаётидан ҳам келтириш мумкин. Чунончи, Тошмуҳаммад Саримсоқов 30 ёшга тўлмай академик бўлди. Николай Назаров 14 ёшида ТошДУни битирди. Шавкат Олимов ва Раҳим Хаитовлар 25 ёшида профессор бўлишди. Илхом Мамедов 20 ёшида фан номзоди бўлди ва х.к. Бу каби ўта қобилиятли бўлишнинг пойдевори оилавий муҳит ҳисобланади. Оила муҳити уларни қизиқтирган нарса устида жиддий бош қотиришга ундаши туфайли доимо ақлий озуқага ташналик юзага келтирган. Натижада болалар учун мураккаб ҳисобланган ақлий мушоҳада улар учун оддий ва осон бўлиб қолган.

Ҳозирги вақтда айниқса, қобилиятли ёшларга эҳтиёж кучаймоқда. Мустақил республикамызда истеъдод эгаларининг кўпайиши учун зарур ижтимоий муҳит муҳайё этилмоқда лаёқатли ёшлар билан махсус шуғланишга алоҳида қаратилмоқда.

Бунинг боиси бор, албатта истеъдодли ёшлар турли мазмундаги таассуротларни миёда қайта ишлаш, умумлаштириш, саралаш ва хулоса чиқариш тезлиги ва ростлиги билан ажралиб турадилар, уларда фикрлаш жараёни ва хиссий идрок этиш тараққий этган бўлади, янгиликларни осонлик билан ўзлаштирадилар.

Қобилиятлилиқ истеъдодлилиқ ва талант каби сифатлар шахсда фақат меҳнат, тинимсиз интилиш туфайли вужудга келади ва ривож, раванқ, топади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, агар ижтимоий муҳит ноқулай бўлса, одам ўз устида ишламаса, ундаги қобилият ва истеъдод аломатлари йўқолади. Лекин қобилиятнинг ўсиши учун фақат ижтимоий муҳит таъсирининг ўзида кифоя қилмайди. Бунда яна бир муҳим восита таълим ва тарбиядир. Қобилият таълим жараёнида, билимларни ўзлаштириш ва ижодий қўлланишида тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишда, фаолият жараёнида камол топади.

Ҳар бир шахснинг ўзи фаол ҳаракат қилгандагина ижтимоий муҳит, таълим ва тарбия унинг лаёқатини истеъдод ҳамда қобилиятини ўстирмоғи мумкин. Агар шахс ўз касбини севиб, унга кучли меҳр қўйса, унинг қобилияти тез ўсади. Кишининг қобилияти унинг қизиқишлари билан ҳам мустаҳкам боғлиқ бўлиб, қизувдшлар таъсирида қобилият ўсади ва у бошқа индивидуал сифатлар мазмунига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда қобилият тарбияси, ёш авлоднинг истеъдод ва талант соҳиби сифатида вояга етишини таъминлаш, ҳар бир йигит-қизнинг ёшлик чоғида эришиши мумкин бўлган улуғ ғоялардан баҳраманд этиш, келадак авлодни уларга қайта насиб этмайдиган болалик нашидасидан маҳрум қилмаслик бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

- 1.Характерни ўрганишдан мақсад ва вазифалар нималардан иборат?
- 2.Характерология нима?
- 3.Характер хислатларини айтинг?
- 4.Характерни тарбиялаш мумкинми?
5. Қобилиятга таъриф беринг.

6. Шахс қандай қилиб талант ва истъдод сифатларига эришиши мумкин?
7. Умумий ва хусусий қобилиятларнинг таркиб топиш шароитларини айтиб беринг?
8. Шахс қобилиятлилигининг амалий аҳамияти нимада?
9. Шахслардаги лаёқатни қандай намоён этиш мумкин?
10. Талантли шахс қандай хислатларга эга бўлиши зарур деб ҳисоблайсиз?

14-Мавзу: Темперамент ва мижоз.

Мавзу режаси:

1. Темперамент ҳақида тушунча.
2. Темперамент шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси.
3. Темперамент типлари тўғрисида Шарқ мутафаккирлари, И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимоти.
4. Темперамент типларига таъриф.

Шахс ўзининг кундалик фаолияти давомида ўз атрофида бир қанча одамлар билан мулоқатда бўлади. Ана шу мулоқот жараёнида уларнинг хилма-хиллигини идрок этади. Уларнинг бир қисми жўшқин, ҳиссиётли, кенг қизиқишли, серҳаракат бўлса, иккинчилари аксинча, вазмин, камгап, ҳаракатлари суст, бепарво, осойишта ҳиссиётли бўладилар. Одамлар ўртасидаги бу фарқланиш улар индивидуал сифатларининг муҳим соҳаси бўлган темперамент типлари хусусиятларининг натижасидир. Шахсга хос ҳиссиётларнинг юзага келиш тезлиги ва кучи, умумий ҳаракатчанлигининг суръат ва сифати темперамент тип сифатларининг мажмуи ҳисобланади. Бу мажмуани нерв системасининг кучи, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ўртасидаги мувозанат ҳамда нерв жараёнларининг ҳаракатчанлик хусусиятлари ташкил этади.

Темперамент латин тилидаги «темпераментум» сўзидан олинган бўлиб, аралашма, қоришиқ деган маънони билдиради.

Психология фани тарихида темперамент ҳақидаги таълимотни биринчи бўлиб қадимги грек олими Гиппократ (э.а.460-356 йй) яратди. Гиппократ темпераментнинг моҳияти ва темперамент типларининг номларини асослашга ҳаракат қилди. Лекин Гиппократнинг одам, гавдасининг асосий элементлари ҳақидаги фикрлари, сингари темперамент типларининг сабаблари ҳақидаги фикрлари ҳам илмий нуқтаи назарга тўғри келмайди.

Холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик темпераментлар қадимги Греция файласуфларининг тўрт элемент: ҳаво, сув, олов ва тупроқ элементлари ва бу элементларга мувофиқ келадиган сифатлар: иссиқлик, совуқлик, қуруқлик ва намлик сифатлари тўғрисидаги гипотезаларига асосланган эди. Улар организмда бу элементларга тўғри келадиган тўртта асосий суюқлик бор деб ҳисоблайдиқлар, темпераментлар орасидаги фарқнинг сабаби шу суюқликлардан баъзиларининг ортиқ бўлишидир деб изоҳладилар. Темперамент типларининг номлари ҳам ана шу суюқликлардан келиб чиққан. Масалан, холерик грекча "холе" сўзидан олинган бўлиб, ўт ёки сафро демакдир; сангвиник "сандус" сўзидан олинган бўлиб, қон демакдир; меланхолик грекча "меланхоле" сўзидан олинган бўлиб, қора ўт демакдир; флегматик грекча "флегма" сўзидан олинган бўлиб, балғам, шилимшиқ модда демакдир.

Юқоридаги суюқликларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси, ўз иши бор Чунончи, унинг хусусияти қуруқликдир. Унинг иши организмдаги қуруқликни сақлаб туриш, баданни қуруқ тутишдир. Қоннинг хусусияти иссиқлик бўлиб, иши организмни иситиб туришдир. Қора ўтнинг хусусияти намлик бўлиб, иши баданнинг намлигини тутиб туришдир. Балғамнинг хусусияти совуқлик бўлиб, иши баданни совутиб туришдир.

Гиппократ таълимотига мувофиқ, ҳар қайси одамда юқоридаги тўрт хилдаги суюқликдан кўпроқ бўлиб, устун туради. Уларнинг қайси бири устун бўлишига қараб одамлар темперамент жихатидан ҳар хил бўладилар. Холерикларда ўт ёки сафро устун. Сангвиникларда қон, меланхоликларда қора ўт, флегматикларда эса балғам устун туради.

кўриниб турибдики, Гиппократнинг темперамент ва унинг типарига оид таълимоти қадим замонлардан бизнинг давримсизгача сақланиб келаётган бўлса ҳам ҳеч қандай илмий асосга эга эмас.

Темперамент ва унинг типлари ҳақидаги мукаммал илмий назарияни машҳур рус психологи И.П.Павлов яратди ва бу соҳада ўзининг "Нерв системасининг типлари" номли таълимотини кашф этди. Академик И.П.Павлов нерв системасининг кучли, мувозанатсиз, сушт (холерик темпераментга асос бўлган), кучли, мувозанатли, эпчил (сангвиник темпераментга асос бўлган), кучсиз (меланхолик темпераментга асос бўлган), кучли, мувозанатли, сушт (флегматик темпераментга асос бўлган) каби тўртта умумий типини аниқлади.

Академик И.П.Павлов жуда кўп тажрибалар натижасида нерв системасининг кучи хужайралардаги физиологик моддаларнинг запас миқдори билан белгиланишини исботлайди.

Нерв системасининг кучи кўзғалиш жараёнига ҳам, тормозланиш жараёнига ҳам тааллуқли бўлиб, кучли кўзғовчиларга бардош бера олиш қобилиятида номоён бўлади.. Худди шунинг сингари нерв системасидаги мувозанат нерв системасининг кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг куч даражасини барабар тутиб тура билишда кўринади. Кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари барабар даражада кучли ёки кучсиз бўлганда, нерв системасида мувозанат бўлади. Агар кўзғалиш ёки тормозланиш жараёнларидан бири кучлироқ, ёки кучсизроқ бўлса, нерв системасида мувозанат бўлмайди.

Нерв системасининг илдамлиги миёна пўстининг бирор қисмидаги кўзғалишнинг тормозланиши ёки кўзғалиш билан нақадар енгил алмашилишидан иборатдир.

Шундай қилиб, шахснинг хатти-ҳаракатларнинг, имо-ишораларнинг аниқ ва равшанлиги, ҳиссий ҳолатларнинг кўзғалиш кучи, барқарор ва бекарорлигида номоён бўладиган индивидуал сифат темперамент ёки мижоз деб айтилади.

Темперамент типларининг характеристикаси қуйидагилардан иборат;

1. Холерик темперамент. Бу темпераментдаги киши бирор нарсага қаттиқ киришади. Унинг фаолияти, кучи, ғайрати ошиб кетади. Арзимаган тўсқинликдан кучли ғазабланади. Натижада руҳи, ғурури, раҳми, қасос олиш кайфияти, иззат-нафси охириги чегарасига бориб етади. У кам, ўйлаб, тез ишга киришади, ўзини ҳамма вақт ҳақли деб ҳисоблайди ва ўз билганидан қолмайди, йўл қўйган хатоларини бўйнига олиши жуда қийин. Унинг интилишлари, қизиқишлари барқарор. ўз қарорларида қатъий ва мустаҳкам, эмоционал ҳолатларининг алмашилиши жуда секин.

2. Сангвиник темперамент. Бу темпераментдаги кишиларда хузур-халоват кўришга интилиш кучли, ҳиссиёт тез кўзғалади, лекин узоққа чўзилмайди. У ўзининг кўнглига ёққанини қилади, бошқалар билан тезда дўстлашади, аммо майли тез ўзгаради, жажли тез чиқади ва тез қайтади. Бу темпераментдаги шахс ваъда беради-ю, бажаришни унутиб қўяди. Сангвиник ҳар нарсага тез ишонаверади, режа тузади, лекин ундан тезда воз кечади. Унга тасалли, бериш осон, у очиқ, ширин сўз, раҳмдил, улфатчиликни севадиган, нафсониятни билмайдиган шахс.

Сангвиник темпераментдаги шахсни интизомга қақариш осон, у диққатини тез тўплайди. ақли тез ишлайди, топқир. Ҳаракатлари, ҳиссиётлари, кайфият ва қизиқишлари барқарор, малакалари тез ўзлаштиради, дарсларда тез-тез қўл кўтаради.

3. Меланхолик темперамент. Бу темпераментдаги шахслар ғам-ғуссага жуда мойил бўладилар улар осон ҳаяжонланадилар. Улардаги ноҳуш ҳолат ёқимли ҳисларга нисбатан тез-тез сиртга тепади ва узоқ давом этади.

Меланхоликлар арзимаган нарсага ҳафа бўладилар. Уларнинг ҳаётида учрайдиган тўсиқлар умидсиз, ғайратсиз, қийинчиликларидан қутилишга ноқобил қилиб қўяди, ғам-ғуссалари босилмайдиган, ғамгинлик аломатлари кучли бўлади.

Меланхолик типдаги шахслар ниҳоятда аразчан бўлади. Улар самимий бўлиб, секин йиғлаб оз куладилар, ўзларига ишонмайдилар, дарсда кам қўл кўтарадилар, уларнинг диққати тез чалғийди ва бекарор бўлади.

4. Флегматик темперамент. Бу темпераментдаги шахс ҳиссиётга тез берилмайди. Бу темпераментдаги шахслар босиқ бўлиб, ўзини бемалол тута олади ва бунинг учун ҳеч қандай жисмоний куч сарфламайди. Флегматик темпераментдаги шахслар жўшқин ва чуқур ҳиссиёт таъсирига берилмайдилар. Ўз фаолиятлари учун дарҳол қарор қабул қила олмайдилар. Улар оғир, арз-ҳолини ҳадеб айтавермайдилар, азоб-уқубатларни секин ўтказадиган, бошқаларнинг азоб уқубатларига парво қилмайдиган бўладилар.

Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романидаги Алимқул образи флегматик типнинг яққол тимсоли бўла олади. Сотволдининг душманлар томонидан ваҳшиёна ўлдирилиши унинг қариндош-уруғларида душманларга нисбатан кучли ғазаб, нафрат уйғотади, баъзиларида оҳ-фарёд ҳолатларини вужудга келтиради. Алимқулда бу ҳолат сабр-тоқат, ич-ичидан аламзада бўлиш тарзида ўтади. Унда сабр-тоқатлилиқ юраги кенглик, ювошлик, мўминлик, жахли чикққани ҳам, хафаҳоллик кучи ҳам сезилмайди. Алимқул бировдан нолимайди, шикоят қилмайди, камгап, барчага барабар муносабатлари билан ўзини намоён этади.

Флегматик темпераментдаги шахслар ўз истакларини ҳамиша биладилар, бировларнинг ишига аралашмайдилар, уларга ялқовлик, хафсаласизлик, беғамлик, хуноблик, анқовлик каби ҳислатлар хосдир. Флегматикларни кулдириш, жахлини чиқариш, кайфиятини бузиш жуда қийин:

Флегматиклар ўз диққатларини бир нуқтага секин тўплайдилар ва қийин кўчирадилар. Улар янги шароитга секин мослашадилар ва ўз малака ва одатларини секин ўзлаштирадилар, янги одатларни секин ўзлаштирадилар ва ташқи таъсиротларга секин жавоб қайтарадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, доимий ва ўзгармас темперамент, шунингдек яхши ва ёмон темперамент ҳам йўқ. Муҳитга, шароитга, таълим ва тарбияга қараб темперамент типи ҳам ўзгаради. Масалан, буюк масалчи И.А.Крилов ва саркарда М.И.Кутузов флегматик темпераментли шахслар, шоир В.А.Жуковский, композитор Т.И.Чайковский, ёзувчи Н.В.Гоголь эса меланхолик темпераментдаги шахслар бўлганлар.

Психологик тадқиқотлар натижасига кўра, ана шу темперамент турлари соф ҳолда, яъни соф холерик, соф сангвиник, соф меланхолик ва соф флегматик тарзда бўлмайди. Аксарият одамлар аралашган темперамент турига эга бўладилар. Одамда қайси хилдаги темпераментнинг хусусиятлари кўпроқ намоён бўлса, шунга қараб уни у ёки бу типга мансуб деб айтамыз. Масалан, серғайрат, серҳаракат, тиниб-тинчимас, ҳамма нарса билан қизикадиган шахсни флегматик темпераментдаги одам деб ҳисобланади.

Ҳар бир темперамент типининг ижобий ва салбий томонлари бор. Яхши тип ҳисобланган холерик шахснинг салбий томони шундаки, унда тормозланиш жараёни суст бўлади, холерик баъзи ҳолларда ноҳўя ҳаракатлардан ўзини тия олмайди. Холерик типдаги шахснинг ижобий ҳислатлари унинг ғайрати, қатъийлиги, ҳаракатлар тезлиги, ўткир зехнлиги билан юзага келади. Флегматик типдаги шахсга хос салбийлик шундаки, у жуда сусткаш ва бепарво бўлади. Флегматикнинг ижобий фазилатлари унинг ақлий суствлигида, вазминлигида намоён бўлади.

Хозирга шароитда таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, уларнинг темперамент типини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, турли типдаги темпераментли ўқувчилар ўқув ва тарбия ишлар жараёнида ўз-ўзини тута билишга ўргатиш, уларда бир меъёрга ишлаш одатини доимийлик ва системалилик одатини таркиб топтириш педагогик муваффақиятнинг зарур шартларидан биридир.

Одамга туғма равишда бериладиган темперамент хусусиятлари ёшнинг ўғайиши билан боғлиқ тарзда ўзгаради. Темперамент типи хусусиятларининг сифат мазмуни ислоҳ этилишида ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир шахсдаги темперамент типи сифатларини ўзгаришда, ўсишда дсб қараш мақсадга мувофиқдир.

Кўрииб турибдики, юқоридаги тўрт типнинг ҳар бири алоҳида сифатларга эга бўлиши билан бирга уларда такрор учрайдиган, турли ситуацияларда тез ўзгаришга мойил хусусиятлар ҳам бор. Шундай экан, табиат тоза, фақат бир типгагина хос бўлган сифатлардан иборат темперамент учрамайди. Темперамент алоҳида олинган ҳар бир

кишининг умумий ва унинг нерв системасининг асосий тавсифи бўлиб, бу тавсиф шахснинг бутун фаолиятига таъсир этади.

Темперамент типлари психологиясини ўрганишнинг далолатича, бир хил темпераментдаги одамлар ҳам хилма-хил бўладилар Маълумки, ҳар бир киши такрорланмас шахс ҳисобланади. Шунинг учун уни юқоридаги темперамент типларидан бирига киритиш ҳамиша ҳам тўғри булавермайди. Иккинчидан, айрим одамларнинг шахси биргина типдан ташқари икки ва ундан ҳам кўпроқ типнинг белгиларига эга бўлади. Шунга мувофиқ шахсда холерик ва сангвиник, меланхолик ва флегматик типлар хусусиятлари аралаш тарзда учрайди.

Яна бир муҳим масала шуки, бир темперамент типини яхши, бошқасини ёмон дейиш илмий жихатдан тўғри эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир темперамент типининг ўзига хос ижобий ва салбий сифатлари бор.

Шундай қилиб, темперамент сифати шахснинг кўзга яққол ташланиб турадиган индивидуал психологик хусусияти бўлиб, ҳар бир одамнинг қайси темперамент типига мансублигини аниқлашнинг жуда катта аҳамияти бор. Биринчидан, темперамент типини билиш шахслараро муносабатларда ижобий роль ўйнайди. Иккинчидан, ёш авлод таълими ва тарбиясини давр талаби асосида ташкил этиш муваффақиятга эришув гарови бўлиб хизмат қилади.

Назорат учун саволлар:

1. Темпераментни таърифланг.
2. Темперамент типларига доир фикрлар тарихи ҳақида сўзланг.
3. Темперамент типларининг хусусиятлари доимийлиги
4. Темперамент типлари сифатларини амалий тушунтиринг

15 МАЪРУЗА: Шахс тараққиётининг даврларга бўлиниши.

Мавзу режаси:

1. Шахс ҳақида умумий тушунча.
2. Чет эл психологиясида шахс назариялари.
3. Ёш даврларини табақалаш назариялари.
3. Психологияда ўсмирлик ва илк ўспиринлик даври , уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Психология фанида инсон зотиға хослик, яъни индивид масаласи (лотинча индивид- ажралмас, алоҳида зот деган маънони англатади) шахс, индивидуаллик тушунчалари орқали акс эттирилади.

Катта ёшдаги руҳий сўлом одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивид ҳисобланади. Бироқ булардан биринчисигина шахс деб аташ анъана тусига кириб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудод, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла олади. Индивид сифатида ёруғ дунёға келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалик чоғиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасида бўлади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланган бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр ижтимоий муносабат, муомала, мулоқот тизими билан ттаниша боради. Ижтимоий қуршов (оила аъзолари, маҳалла аҳли, жамоатчилик, ишлаб чиқариш жамоаси), ижтимоий гуруҳ ичида(кишилар орасида, уларнинг қалб тўрида) одамнинг бундан кейинги ривожланиши уни шахс сифатида шаклланишига, унинг онги ва иродасининг хусусиятларига мутлоқо боғлиқ бўлмаган ҳар хил хусусиятли муносабатлар мажмуасини вужудга келтиради.

Жаҳон психологияси фанида онда-сонда бўлсада, аммо учраб турадиган шахсни ижтимоий муҳитнинг сушт маҳсули деб тушунтириш ва унда фаолликни инкор этиш ўта баҳсли масаладир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни одимнинг ўзича амалга ошираётган фаолиятига ва унинг билан қандай мақсад кўзлаётганига нисбатан муносабатни акс эттирувчи руҳий дунёси орқали намоён бўлади. Одатда, фаоллик шахсга хос хулқ- атвор, фаолият, муомала мотивларида, йўл-йўриқларида, амалий кўникмаларида кўзга ташланади.

Бир хил турмуш шароитлари шахс фаоллигининг турли шакллари яратиш ҳамда ҳар хил ҳаётий вазиятни вужудга келтириш имкониятига эга. Ҳаётда бирон-бир танбех беришнинг ўзи кимдандир руҳий ҳисни уйғотса, бошқа бировнинг сиртига ҳам юкмайди. Шундай қилиб ” шахс ” деган тушунча, одамга таъсир қилувчи барча ташқи қўзғатувчилар ижтимоий шарт- шароитларга, фаолиятнинг ички тарбиявий қисмлари, тузилиши, йиғиндиси билан бойитилиши эвазига ҳосил бўлади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири-бу унинг индивидуаллиги, яъни яккахоллигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, қобилиятлари ва шу қабилар қиради. Психик хусусиятлар бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Шахс ўзининг қард- қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ватарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол бетакрор олий зотдир.

Одам жамиятда турли гуруҳлар фаолиятида қатнашар экан, кўпинча. Уларда ҳар хил вазифаларни бажаради, бир-бирига ўхшамаган ролларни ижро этади. Масалан, ота-она ва оиланинг ” эгови ” инжиқ, ” зўравон ” бола ўз тенгқурлари даврасида эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, ўзини тамоман бошқача тутди. Шунингдек, жиддий, талабчан, ҳазмат вақтида бошқаларга қўшилмайдиган, саёхат даврида меҳнат фаолиятида, улфатчиликда ҳазилкаш ва қазақчига айланиши мумкин. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, битта одамнинг ўзи турли вазиятларда мазмунан бир-бирига қарама- қарши ролларни бажаради. Аксарият ҳолларда одам турли-туман вазиятларга, шароитларга мос, уларга мутаносиб бўлган жиҳатларни, жабҳаларни намоён қилади, унинг оилада, хизмат вазифасида, жамоатчилик орасида, спорт мусобақасида ва шу сингариларда ўз зиммасига олган ролларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро ҳамоҳанг тарзда ўйнайди. Ана шу инсон фазилатларининг, ҳаслатларининг бир-бирига мослиги шахснинг яхлитлигини кўрсатувчи аломатлардан бири бўлиб, айнаи чоғда ундаги қарама-қаршилик, зиддият ва шаклланиб улгурмаган хусусиятларнинг кўрсаткичи унинг турли вазиятларда бажариладиган ролларнинг ўзаро бир-бирига зидлиги ёки номутаносиблигини кўрсатади.

Инсон жамиятнинг турли гуруҳларида ўз зиммасига олган вазифалари, роллари қанчалик ранг- баранг бўлмасин, турмушдаги мавқеи кўп маъно ва кўп қиррали хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар, унда инсон шахсига тўла мос келадиган ҳақиқий тавсиф бериш имконияти сақланиб қолади. Унга бериладиган тавсиф фақат унинг ўйнайдиган асосий роллари, эгаллаган мавқеининг индивидуаллигини намоён қилувчи мотивлари билан эмас, балки уни ишлаб чиқаришга, моддий бойликларни ўзлаштиришга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали аниқланади. Ўзбекистонда инсон шахсига бериладиган асосий тавсиф унинг гуманистик, мустақил, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнига нисбатан ҳамда бу ижтимоий жараёнда фаол қатнашиши каби муҳим мезонларга асосланади..

Жаҳон психология фанининг илғор, тараққийпарвар, гуманистик тадқиқотчиларининг тажрибаси кўрсатишича, шахснинг психологик тузилиши, психологик хусусиятлари (характер ҳислати, темперамент хусусиятлари, иродавий сафатлари, ақлий қобилиятиари, истёъдод даражалари, барқарор қизиқишлари, ҳукмрон мотивлари, ҳиссиёти ва шу қабиларнинг мажмуаси) ҳар бир алоҳида одамда бетакрор, барқарор, турғун бирликни

ташқил этади. Бу эса, ўз навбатида, шахсни психологик тузилишининг нисбийлиги, қатъийлиги, стереотиплиги тўғрисидаги фикрни қатъий тасдиқлаш имконини яратади.

Психик ҳолатлар, ҳодисалар, ҳиссиёт, ҳошия, орзу, тафаккур ва шу қабилар узлуксиз равишда ўзгариб туриши, ижтимоий гуруҳларда, ҳаётини вазиятларда одам ўз зиммасига олган ролларига алоқадор ҳуқуқ атирофининг ўзгариши, ёши улғайиб бориши ҳам шахснинг психологик кифоиси муайян даражада барқарорликни сақлайди. Мазкур нисбий барқарорлик одамнинг яшаш шароитлари, жисмоний хусусиятларининг кўриниши билан уйғунликда шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг доимийлиги билан узвий бўлиқдир.

Демак, шахснинг нисбатан барқарор ва ўзгарувчан хусусиятлари инсон хислатларининг яхлитлиги ва ўзаро бўлиқлигидан таркиб топувчи мураккаб бирликдан иборатдир.

1.2. Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позициядан туриб, муаммонинг моҳиятини яратишда ўзига хос тарзда ёндашдилар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, сотсиогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналистик, бихевиористик назарияларни киритиш мумкин. Қуйида санаб ўтилган назариялар ва уларнинг айрим намоёндалари томонидан шахсни ривожлантириш принциплари тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Биогенетик назариянинг негизида инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг тараққиёти ихтиёрий хусусият касб этиб, улар билан шунчаки ўзаро алоқа тан олинади, ҳолос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг бош мақсади-биологик детерминантларига қаратилади ва уларнинг моҳиятидан социал-психологик хусусиятлар келтириб чиқарилади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи, даставал биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида шарҳланади ва талқин қилинади.

Биогенетик қонунни Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар кашф қилишган. Биогенетик қонуният органнинг тараққиёти назариясини ташвиқ қилишда ва антидарвинчиларга қарши курашда муайян тарихий ўрин тутди. Бироқ бу қонуният тарафдорлари органнинг индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда қўпол хатоларга йўл қўйганлар. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти (онтогенези) бутун инсоният тарихий тараққиётининг (филогенези) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган фикр ўртага ташланади.

Немис психологи В.Штерннинг фикрича, чақалоқ ҳали у одам эмас, балки фақат сутэмизувчиларга дахлдор ҳайвондир, у олти ойликдан ошгач, психик тараққиёти жиҳатидан фақат маймунлар даражасига тенглашади, икки ёшида эса оддий одам ҳолига келади, беш ёшларда ибтидоий пода ҳолатидаги одамлар даражасига этади, мактаб давридан бошлаб ибтидоий даврни бошидан кечирилади, кичик мактаб ёшида ўрта аср кишилар онгига ва ниҳоят етуклик давридагина у ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

Биогенетик назариянинг йирик намоёндаларидан америкалик психолог С. Холл психологик тараққиётнинг бош қонуни “рекапитуляция қонуни” (филогенезни қисқача такрорлаш) деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқинига кўра, гўдаклик ҳайвонларга хос тараққиёт палласини қайтаришдан бошқа нарса эмас. Болалик даври эса қадимги одамларнинг асосий машғулоти бўлган овчилик ва балиқчилик даврига айнан мос келади. 8-12 ёш ораллиғидаги бола ўсиш даври ўсмирлик ёшидан иборат бўлиб, ёшайишликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолот чоғқисига ҳамоҳангдир. Ўспиринлик эса жинсий етилишдан (12-13) бошланиб то етуклик даври кириб келгунга қадар (22-25) давом этиб, романтизмга эквивалентдир. С.Холлнинг талқинига қараганда, бу даврлар “бўрон ва тайзиқлар”, ички ва ташқи низолардан иборат бўлиб, уларнинг кечиши давомида одамда “индивидуаллик туйғу”си вужудга келади. Шахс ривожланишининг ушбу назарияси ўз даврида бир талай танқидий мулоҳазалар манбаи

вазифасини ўтади, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари фелогинезни айнан такрорламайди ва такрорлаши ҳам мумкин эмас.

Биогинетик концепсиянинг бошқа бир тури немис “конституцион психологияси” (инсоннинг тана тузилишига асосланган назария) намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э.Кречмер шахс (психологияси) типологияси негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий бўлиқлик мавжуд, деб тахмин қилади. Э.Кречмер одамларни иккита катта гуруҳга ажратади ва уларнинг бири **сиклоид** тоифасига хос (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчиси эса **шизоид** тоифасига (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) хос одамлар эканлигини айтади.

Биогенетик назария намоёндаларидан америкалик психологлар А.Гезел ва С.Холл тараққиётнинг биологик модели асосида тахминий иш кўрадилар ва бу жараёнда мувозанат, интеграция, янгилиниш цикллари ўзаро ўрин алмашиб туради, деган хулосага келдилар.

Психология тарихида Зигмунд Фрейднинг шахс талқинида биологизмнинг энг яққол кўриниши ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан, шахснинг барча ҳатти-ҳаракатлари онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айниқса, биринчи навбатда, у жинсий майлига бўлиқдир. Бироқ бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари ҳамма вақт инсон хулқини белгиловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажаради дея олмаймиз.

Биогенетик назариянинг қарама-қарши кўриниши- бу аксил кутбга жойлашган **социогенетик** назария ҳисобланади. Социогенетик ёндашишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашув усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон биологик тур сифатида туғулиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Ғарбий Европанинг муҳим назарияларидан бири- бу роллар назариясидир. Ушбу назариянинг моҳиятига кўра, жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳақ-ҳуқуқ) деб номланган ҳатти-ҳаракатнинг бирқарор усулларимажмуини тақлиф қилади.

АҚШда кенг тарқалган назариялардан яна бири- бу индивидуал тажриба ва билимларни мустақил эгаллаш назариясидир. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш ва билимларни ўзлаштиришнинг самараси, қўзғатувчини узлуксиз рившда мустаҳкамланиб боришнинг маҳсулидир. (Э.Торндайк, Б.Скиннер ва ҳоказо).

Юқорида таҳлил қилинган ҳар бир назария шахснинг ижтимоий хулқини ўзгалар учун ёпиқ ёки чекланган муҳит хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради, бу ўринда одам ҳоҳлайдими ёки йўқми бундан қатъий назар мазкур шароитга мослашмоғи зарур, деган ақидага амал қилинади.

Психологияда **психогенетик** ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик, социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, аксинча психик жараёнлар тараққиётини биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Умумий психология фанида шахснинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари ҳамда уларнинг механизмлари тадқиқ қилинади. А.Г.Ковалевнинг фикрича, шахс- бу ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир. А.Н.Леонтев ушбу масалага бошқачароқ ёндашиб, унга шундай таъриф беради: шахс- бу фаолият субъектидир. К.К.Платановнинг талқинига қараганда: жамиятда ўз ролини англовчи, ишга лаёқатли, яроқли аъзоси шахс дейилади. Бу муаммонинг моҳиятини чуқурроқ очишга ҳаракат қилган С.Л.Рубинштейн таърифича. Шахс- бу ташқи таъсирлар йўналишини ўзгартирувчи ички шарт-шароитлар мажмуидир.

Бизнингча, муайян жамоа аъзоси, жисмоний , жинсий, ижтимоий камолотга эришган, биологик ва сациологик шартланган хислатлар эгаси, ўз имкониятларини рўёбга чиқарувчи, билимга интилувчи, фаолият, хулқ, муомала субъекти **шахс** дейилади.

Одам. Сутэмизувчилар синфига дахлдорлик, биологик жонзот эканлиги одамнинг ўзига хос хусусиятидир. Тик юришлик, қўлларнинг меҳнат фаолиятига мослашганлиги, юксак тараққий этган мияга эгалиги, унинг ўзига хос томонларидир. Ижтимоий жонзот сифатида одам онг билан қуролланганлиги туфайли борлиқни онгли акс эттириш қобилиятидан ташқари ўз қизиқиш ва эҳтиёжларига мутаносиб уни ўзгартириш имкониятига ҳам эгадир.

Шахс. Меҳнат туфайли ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан ва жамиятда ривожланувчи, тил ёрдами билан, бошқа кишилар билан мулоқотга киришувчи одам шахсга айланди. Шахснинг асосий тавсифи ижтимоий моҳияти ҳисобланади.

Индивид. Ҳар бир инсон бетакрор ўзига хос хусусиятларга эга. Шахснинг ўзига хос қирраларининг мужассамлашуви индивидуалликни вужудга келтиради. Индивидуаллик шахснинг интеллектуал, эмоционал ва иродавий соҳаларида номоён бўлади.

Бизнингча, индивид, шахс, субъект ва комил инсон тўғрисида мулоҳазалар юритилганда уларнинг онгсизлик, онгостилик, онглилик ва ўта онглилик ҳолатлари билан узвий алоқадорлигини унутмаслик лозим. Юқорида келтирилган атамалар онгли мавжудодга тааллуқли эканлигини жаҳон психологияси фанининг илмий манбаларида атрофлича талқин қилинган , лекин уларнинг иерархияси, моҳияти баёнида турлича ёндашувлар мавжуд. Бирон-бир фаолият инсон томонидан тишқил қилингандагина онг шахснинг ушбу фаолиятини регулятори вазифасини ўтайди. Бироқ одам функционал ҳолатининг ўзгариши билан онглиликдан онгсизликка ўтиб, ижод ташаббус унинг учун муомала, фаолият негизига айланиши ўлироқ шахс аста мувофиқлашув ҳолатига кириб бориши мумкин.

XXI асрда яшовчи инсон онгли, онгости ва онгсизлик ҳолатларидан ташқари ўз-ўзини англаш имкониятига ҳам эга. Шу боис ўз-ўзини англашни қуйдаги таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқ :

1. ўтмишдаги “мен” (ўзлик)
2. ҳозирги “мен” (ўзлик)
3. бўлағуси “мен” (ўзлик)
4. идеал “мен” (ўзлик)
5. динамик “мен” (ўзлик)

Ўз-ўзини англаш жараёни миллий ўзлигини англаш билан узвий боғлиқ бўлиб, муайян вақт, муддат ўтишини, яъни маълум даврни тақазо этади, лекин у ҳам эволюцион, ҳам революцион йўл таъсирида амалга ошиши мумкин. Ўз-ўзини англаш беш таркибдан иборат бўлиб, у ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг таркиблари бирин-кетин англашилиш имкониятига эга эмас. Чунки, инсонда ўзанинг ҳаёти ва фаолияти ютуқларини, нуқсонларини, хулқ- атвор кўникмаларини, ақл-идрок даражаларини, ички имконият захираларини, кадрият ҳамда маънавият кўрсаткичларини оқилона баҳолаш этишмайди. Инсон ўз-ўзини англаш жараёнида кўпинча реалликдан бошлайди, ҳозирги ва фавқуллоддаги ҳолатни таҳлил қилади, шахсий имконияти билан таққослайди, маълум мезон ёки намуна, ибрат танлаб, унга тенглашишга интилади. Ўз-ўзини англашнинг навбитдаги босқичида шахс ўтмишини таҳлил қилади, ундаги қусурли ва ибратли жиҳатларни ўзаро қиёслаб устуворликни аниқлашга интилади, бу борада айрим силжишларга эришади. Ижтимоий ҳаётдан у ўзига идеал бўлувчи шахсни танлайди ва ундаги ижобий хислатлар, хусусият ва кўринишларни, кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштира боради.

2. Психология фанида ёш даврларини табақалаш бўйича қатор мустақил назариялар мавжуд, улар инсон шахсини тадқиқ қилишга ҳар-хил нуқтаи назардан ёндашади ва муаммонинг моҳиятини турлича ёритади. Уларга биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психо-аналитик, бихевиораористик назарияларни киритиш мумкин.

Психогенетик назария биогенетик ва социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи даражали аҳамиятга эга деб

ҳисоблайди. Психиканинг иррационал таркибий қисмлари: эмоция, майл ёрдамида шахснинг хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика, дейилади. Бу назариянинг йирик намояндаларидан бири америкалик психолог Э. Эриксондир. У инсоннинг умрини ўзига хос бетакрор хусусиятларга молик 8та даврга ажратади.

Биринчи давр- гўдақликда ташқи дунёга онгсиз “ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигидир.

Иккинчи давр- илк болаликда ярим мустақиллик ва шахсий кадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки, аксинча, уларнинг тескарисси-уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши унга ўз танасини бошқариш учун кэнгимконият яратиб, бўлғусишахс хусусиятларидан тартиб ва интизом, маъсулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳозирлайди.

Учинчи давр-ўйин ёши деб аталади ва унга 5-7 ёшли болалар киради. Бу даврда ташаббус туйғуси, қандайдир ишларни амалга ошириш, бажариш майли таркиб топади. Мазкур даврда давра, яъни гуруҳ ҳйинларга, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш муҳим аҳамият касб этад

Тўртинчи давр- мактаб ёши болалардаги асосий ўзгаришлар: кўзлаган мақсадига эришиш учун интилиш, удабуронлик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради. Бу ёш даврининг салбий жиҳатлари ҳам бўлиб, улар ижобий ҳислитлари етарли бўлмаслиги, онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ҳал қилишда ақл-заковот даражасининг пастлиги ва ҳоказолардир.

Бешинчи давр- ўспиринлик бетакрор ҳислати, ўзига ҳослиги, бошқа одамлардан кескин фарқланиши билан характерланади. Эриксон ўспиринларда ўзини ўзи англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал қизиқиш, патоген жараёнларни ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини баён қилади.

Олтинчи давр-ёшлик бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Бунда айниқса, жинсий майл алоҳида ўрин тутади.

Еттинчи давр-етуклик даврида ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатда, ғамхўрликда, тажриба узатиш ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўладива эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасин бажаради.

Саккизинчи давр- қарилик инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, турмушнинг кэнгўмровлигидан қаноатланиш туйғулари билан характерланади.

Э.Шпрангер “Ўспиринлик даври психологияси” номли асарида бу даврга 13-19 ёшли қизларни, 14-22 ёшли йигитларни киритишни тавсия қилади. Унингча, бу ёш даврида юз берадиган асосий ўзгаришлар: а) шахсий “Мен” ни кашф қилиш; б) рефлексиянинг ўсиши; в) ўзининг индивидуаллигини англаш ва шахсий хусусиятларини эътироф қилиш; г) ҳаётий эзгу режаларнинг пайдо бўлиши; д) ўз шахсий турмушини онгли ҳолда қуришга интилиш ва ҳоказолардир.

Ж.Пиаженинг ақл-идрок назарияси, ақл-идрок функциялари ҳамда унинг давлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Муаллиф интеллектни қуйдаги ривожланиш давлариги ажратади: 1) сенсомотор интелекти (туғилишдан 2 ёшгача); 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача); 3) конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача); 4) формал (расмий) операциялар даври.

Яна бир франциялик йирик психолог Р.Заззо ўз ватанидаги таълим ва тарбия системасининг принципларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ талқин этиб, инсоннинг улғайиб боришини қуйдаги босқичларга ажратишни тавсия қилади:

- 1) Биринчи босқич- боланинг туғилганидан 3 ёшгача даври.
- 2) Иккинчи босқич- 3 ёшдан 6 ёшгача.
- 3) Учинчи босқич- 6 ёшдан 9 ёшгача.
- 4) Тўртинчи босқич – 9 ёшдан 12 ёшгача.
- 5) Бешинчи босқич – 12 ёшдан 15 ёшгача.
- 6) Олтинчи босқич - 15 ёшдан 18 ёшгача.

Г.Гримм онтогенезда инсоннинг камолотини қуйдаги даврларга ажратишни лозим топади: 1) чақалоқлик-туғилгандан 10 кунликкача; 2) гўдақлик- 10 кунликдан 1 ёшгача; 3) илк болалик-1ёшдан 2 ёшгача; 4) биринчи болалик- 3 ёшдан 7 ёшгача; 5) иккинчи болалик- 8 ёшдан 12 ёшгача; 6) ўсмирлик-13 ёшдан 16 ёшгача ўғил болалар, 12 ёшдан 15 ёшгача қизлар; 7) ўспиринлик- 17 ёшдан 21 ёшгача йигитлар, 16 ёшдан 20 ёшгача қизлар; 8) етуклик-биринчи босқич: 22 ёшдан 35 ёшгача эркаклар, 21 ёшдан 35 ёшгача аёллар; иккинчи босқич:36 ёшдан 60 ёшгача эркаклар, 36 ёшдан 55 ёшгача аёллар; 9) кексайиш(ёш қайтиши) – 61 ёшдан 75 ёшгача эркаклар, 55 ёшдан 75 ёшгача аёллар; 10) қарилик- 76 ёшдан 90 ёшгача (жинсий тафовут йўқ) ; 11) узоқ умр кўрувчилар 91 ёшдан юқориси.

Д.Бромлейнинг тавсифи бошқаларникига мутлоқо ўхшамайди, чунки унда ёш даврларининг ўзи ҳам давр ва босқичларга ажратилган: **биринчи давр**- она қорнидаги муддатни ўз ичига олади, **иккинчи давр**- (болалик): а)гўдақлик- туғилгандан 18 ойликкача; б) мактабгача босқичдан олдинги- 19 ойликдан 5 ёшгача; в) мактаб болалиги- 5 ёшдан 11-13 ёшгача; **учинчи давр**-(ўспиринлик)-1) илк ўспиринлик- 11 ёшдан 15 ёшгача; 2) ўспиринлик- 15 ёшдан 21 ёшгача; **тўртинчи давр**- (етуклик)- 1) илк етуклик- 21 ёшдан 25 ёшгача; 2) ўрта етуклик- 25 ёшдан 40 ёшгача; 3) етукликнинг сўнги босқичи- 40 ёшдан 55 ёшгача; **бешинчи давр**-(қарилик) –1) истёфбо босқичи- 55 ёшдан 65 ёшгача ; 2) қарилик босқичи- 65 ёшдан 75 ёшгача; 3) энг кексалик- 76 ёшдан юқориси.

Биз чет эл психологиясидаги ёш даврларини табақалашнинг йўналишлари ва назариялирига қисқача тўхталиб ўтдик.Улардан кўриниб турибдики, бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилмаган.

Рус психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Виготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган.

Л.С.Виготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб ёш даврларини қуйдаги босқичларга ажратади:

Чақалоқлик даври инқирози.

Гўдақлик даври- 2 ойликдан 1 ёшгача.

Бир ёшдаги инқироз.

Илк болалик даври- 1 ёшдан 3ёшгача.

3 ёшдаги инқироз.

Мактабгача давр – 3 ёшдан 7 ёшгача.

7 ёшдаги инқироз.

Мактаб ёши даври – 8 ёшдан 12 ёшгача.

13 ёшдаги инқироз.

б) Пубертат (жинсий етилиш) даври- 14 ёшдан 18 ёшгача.

17 ёшдаги инқироз.

Л.С.Виготскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий- тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва олға сурган ғоялари ҳозирги куннинг талабига мосдир.

Л.С. Ваготскийнинг шогирди Л.И.Божович инсоннинг камол топишини ёш даврларига бўлишда мотивларни асос қилиб олди, шунинг учун бу бўлишни мотивацион ёндашиш, деб аташ мумкин. Л.И. Божовичнинг мулоҳазасига кўра ёш даврлари қуйдаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқич- чақалоқлик; туғилгандан 1 ёшгача; иккинчи босқич- мотивацион тасаввур: 1 ёшдан 3 ёшгача 4 учинчи босқич- “Мен”ни англаш даври: 3 ёшдан 7ёшгача; тўртинчи босқич- ижтимоий жонзотликни англаш даври; 7 ёшдан 11 ёшгача; бешинчи босқич- а) ўзини ўзи англаш даври: 12 ёшдан 14 ёшгача; б) ўз ўрнини белгилаш(топиш) даври: 15 ёшдан 17 ёшгача.

Л.И.Божович ҳар бир босқични психологик тавсиялашда унда намоён бўладиган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг сабаблари, амиллари, манбалари, механизмларини ҳам баён қилади.

Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида фаолиятнинг бирор устунлик қилиши мумкин лига асосланади. Д.Б.Эльконин ёш давларини қуйдаги босқичларга ажратишни лозим топади:

гўдақлик даври- туғилгандан 1 ёшгача; асосий фаолият- бевосита эмоционал мулоқот;

илк болалик даври- 1 ёшдан 3 ёшгача; асосий фаолият- предмет билан нозик ҳаракатлар қилиш;

мактабгача давр- 3 ёшдан 7 ёшгача; асосий фаолият- ролли ўйинлар;

кичик мактаб ёши даври- 7 ёшдан 10 ёшгача; асосий фаолият- ўқиш.

Кичик ўсмирлик даври- 10 ёшдан 15 ёшгача: асосий фаолият- шахснинг интим мулоқоти;

Катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври- 16 ёшдан 17 ёшгача: асосий фаолият- ўқиш, касб танлаш.

Болалар психологияси фанининг йирик номоёндаси А.А.Люблинская инсон камолотини ёш давларига ажратишда педагогик психология, фаолият нуқтаи назаридан унга ёндашиб, қуйдаги давларни атрофлича ифодалайди:

Чақалоқлик даври- туғилгандан бир ойликкача.

Кичик мактабгача давр- 1 ойликдан 1 ёшгача.

Мактабгача тарбиядан олдинги давр- 1 ёшдан 3 ёшгача.

Мактабгача тарбия даври- 3 ёшдан 7 ёшгача.

Кичик мактаб ёши даври- 7 ёшдан 11 (12) ёшгача.

Ўрта мактаб ёши даври (ўсмирлик) – 13 ёшдан 15 ёшгача.

Катта мактаб ёши даври – 15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли номоёндаси В.А.Крутецкий ансоннинг онтогинетик камолотини қуйдаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Чақалоқлик (туғилгандан 10 кунликкача).

2. Гўдақлик (10 кунликдан 1 ёшгача).

Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача).

Бўчагача ёши (3 ёшдан 5 ёшгача).

Бўча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача).

Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача).

Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача).

Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15- 18 ёш).

Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради холос. Уларда ёшлик, етуқлик, қарилик, давларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар этишмайди.

Ҳозирги психологиянинг йирик вакили А.В.Петровскийнинг инсон камолотига, шахснинг таркиб топишига социал- психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ёш давларини ўзига хос таснифини яратди. У шахснинг камол топиши учта макрофазадан иборатлигини қайд этиб, биринчиси- болали даврига тўғри келишини, унда ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация) рўй беришини; иккинчиси- ўсмирларга хос индивидуаллаштириш; учинчиси- ўспиринликда, яъни етуқликка интилиш даврида ўзига хос ҳолатларни мувофиқлаштириш хусусиятлари пайдо бўлишини баён қилади, шахснинг шаклланиши қуйидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

1. Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр)- туғилгандан 3 ёшгача.

2. Бўча даври- 3 ёшдан 7 ёшгача.

3. Кичик мактаб ёши даври- 7 ёшдан 11 ёшгача.

4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик) даври – 11 ёшдан то ёшгача.

5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври – 15 ёшдан 17 ёшгача.

А.В.Петровскийнинг таснифи мукаммал бўлсада, камолотнинг орилиқ босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Умуман психологлар томонидан ёш давларини табақалаштиришнинг пухта илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назариялари ишлаб чиқилган. Улар онтогинетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса бўлиб қўшилди, амалий ва назарий муаммоларни ҳал қилишда кэнгқўлланмоқда.

3. Ҳозирги замон психологиясида ёш давлари қуйдагича табақаланган:

Гўдаклик даври- туғилгандан 1 ёшгача.

2. Илк болалик даври – 1-3 ёшгача.

3. Бўча даври – 3-6-7 ёшгача.

4. Кичик мактаб даври- 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача.

5. Ўсмирлик даври- 10-11 ёшдан 14-15 ёшгача.

Ўспиринлик даври – 14-15 ёшдан 17-18 ёшгача.

ХИХ асрнинг 60 йилларида ўсмир даври педагогик психологияси тўла равишда принциплари ишлаб чиқилиши илмий йўлга қўйилди. Комил инсонни шакллантириш учун мана шу даврда ўсмир ёшидаги болани комплекс ўрганишни илмийлаштирилди.

Болани тўлақонли ривожлантиришига катта урғу берилди. Ақлан бу ишни бажаришда педагогика ёки психология эмас, бошқа фанларнинг роли ҳам қамраб олинди.

Ўсмирлик ёши ривожланишида 3 та фанга таянади:

1. Психология

2. Физиология

3. Логика

Булар қуйидаги фанлар ўртасида бўланиб ўрганилади яъни медицина ва дидактиканинг роли беқиёсдир.

Педагогика ва психологиянинг бўланиши болаларнинг ўсмир ёшларда ҳар қандай фикрларнинг пайдо бўлишида асос бўлган. Бу нарса педагогика ва психология деган термин пайдо бўлишига, фан сифатида кўпгина муаммолар ва ишланмаларни олиб келинишига сабаб бўлади.

Педагогика билан физиологиянинг бўлиқлиги ҳам психологик жиҳатдан инсонни янги тарбия олишига чорлайди. Ақлий тарбияга катта ёрдам беради. Шу билан биргаликда шахснинг гигиеник нормалари ишлаб чиқилди. Психологик ва физиологик жиҳатдан ривожланишига ёрдам берди. Бу эса мактаб гигиенаси алоҳида фан тармўи сифатида шаклланишига олиб келди.

Педагогика ва логика ўртасидаги алоқа психология мантикий ривожланиши натижасида янги ёндошиши яъни, масалаларни ҳал қилишнинг дидактик йўллари билан ўсмирлик ёшида мантикий йўллари ўрганиш пайдо бўлди. Шундай қилиб мана шуларнинг илдизи болани ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг ривожланишда қонуний тўғри эканлиги ва оптимал йўллар яратилди.

Болани ўрганишда жуда ҳам катта қизиқишларга сабаб бўлган нарса шунда кўриндики, умумий психологиянинг ривожланишига катта йўл очилди.

Илмий илдизлар.

Болаларнинг ривожланишини назарий билим илмий жиҳатдан очилиши жуда ҳам кўп методик изланишлар, кузатишлар инсонни психологик билим ва психологияда кўпгина экспериментлар қилишга олиб келди. Шунинг учун ҳам биринчи экспериментни рус психологи Сикорский 1879 йилда очиб берди.

Мана шу йиллардаги инсонпарвар демократик анъаналар жуда ҳам кўп олимларни шу иш билан шуғулланишга ундайди, лекин улар фақатгина ривожланишда қолмасдан комил инсоннинг ривожланишига шаклланишига катта ҳисса қўшдилар.

ХИХ асрнинг 60-йилларига келганда бурилиш даври бўлди, қайсики янги этап психология ва педагогика фанида янги йўналишларни шунингдек болани ўрганиш ва тарбиялашда янги йўналишларни очиб берди.

70-80 йиллардаги реакцион ва сиёсий ҳаётга қарамасдан Россияда илмий ва маданий ҳаёт давом этаверди. Мана шу йилларда илмий кенгаш олимларнинг съездлари ва журналларни чоп эттирди.

Илмий кенгаш вакиллари ўзларининг илмий билимларини кўпчиликка ёйиши учун омма ичида маърузалар ўқишарди. Атрофдаги илмий кенгашни кенгайтириш учун мамлакатнинг ички ва ташқарисидаги олимлар билан алоқада эдилар. Масалан, Москва табиатни ўрганувчилар кенгаши 1887 йилда ўзининг ишларини алмаштириш билан биргаликда 97 та илмий ишларнинг алоқалари, 512 та илмий илмгоҳлари ва 17 та Европа мамлакатлари билан алоқада эди. 1885 йилда Троицкий бошчилигида Москва психологик маркази ташкил этилди. Унинг бошчилигида 1889 йилда биринчи рус психологик журнали чоп этилди. У “Философия ва психология саволлари” деб номланди.

1885 йилда Қозон Университетини психиатрия кафедраси В.М.Бехтерев томонидан биринчи рус психология лабораторияси ташкил этилди.

70-80 йилларга келганда ўтказилган мутахассисларнинг давомий йиғилишлари турли фанларнинг ривожланишига олиб келди. Бу нарса олимлар ўзларини табиий фанлар бўйича ўз ишларини олиб борди. Биринчи табиий фанлар йиғилиши 1867 йилда Петербургда бўлди. Иштирокчилар 465 та кишини ташкил этди. Лекин 70 йилда ўтказилган йиғилишда қатнашувчилар сони 1400 га кўпайди. 1889 йилга келганда 2200 та олимлар қатнашди. Лекин бу йилларда педагогик-психологик илмий йиғилишлар бўлмаган. Лекин психолог ва педагоглар бошқа соҳа съездларида қатнашишган. Лекин улар йиғилишларда ўзларининг психологик муаммоларини кўтарганлар. Ўқитувчилар йиғилишларида ҳам мазкур саволларни кўтарганлар ва улар Фребле уюшма ишини кўтариб ва унга қатнашган 70 йиллардан бошлаб рус олимлари кўпроқ жаҳон илмий кенгашларида кўриладиган бўлдилар. Бу даврга келганда кўплаб чет эл олимлари рус тили ва адабиёти билан таниша бошлашди. Европа журналлари рус муаллифларининг асарлари пайдо бўла бошлади ва рус асарлари чоп этила бошлади.

80 йилларга келганда Ковалевский (тарихчи, юрист, социолог, этнограф) Европадаги илмий марказга ўзининг маърузалари ўқиш учун чақириб олинди. Бу эса ўша давр учун жуда ҳам катта ютуқ эди. Кўпгина вилоятларда рус мактаби ташкил этилди. Бунда Менделеев, К.А. Тимирязов, П.Р.Лебедев, И.М.Сеченов ва И.П.Павлов каби рус олимларининг таржима қилган илмий ишлари жаҳон фанининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Рус олимларининг турли мутахассислари турли съездларда ва халқаро йиғилишларда иштироки ниҳоятда кўпайди. Рус олимлари Флоренцияда халқаро ботаниклар йиғилиш Лондондаги ориантал йиғилиш, Стокгольмдаги антропологлар йиғилишида 1875 йилда географларнинг Парижда статистик йиғилишда қатнашди. 1889 йилда халқаро биринчи психологларнинг Парижда конгресси бўлиб ўтди. Рус делегацияси энг кўп бошқаларга нисбатан кўп эди. Бу конгрессда физиологик психологиянинг энг муҳим масалалари ўрганилди ва Сеченов энг ҳурматли Президент сифатида сайланди.

Шунинг учун 80 йилларда тўлақонли равишда жарангладики, рус фани ютуқлари ва рус адабиёти, рус маданияти ҳаётий фактни олиб келдики, бу умумий Европага ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

90 йилларда Россияда саноат ривожланиши ва ишчилар ҳаракат тўлқинланган бўлиб, бу эса фанларнинг ривожланишига халқнинг саводли бўлишига уни демократик ривожланишига ўқитиш системасига сифатли бўлишини талаб қилди. Шунинг учун ҳам қишлоқ мактабида катталар учун ва мактабдан ташқари ўқитиш муассасалари ташкил этилди.

Педагогиканинг назарий жиҳатдан ўргана бошлади. Бу эса педагогика ва психологияни 60-йиллардагига нисбатан кўпроқ ёйилди ва ўрганилди. Болани ўрганишда асосий йўналиш бўлиб қолди. 70-80 йилларда биринчи аниқ натижаларнинг илдизлари пайдо бўлди. 1887 йилда Каптерев “Педагогик психология” деган атамани олиб кирди. Кўпгина нашрларда педагогик психология ва ўсмир деган мавзулар, педагогик журналларда чиқа бошлади. Булар қуйидагилар “Тарбия даракчиси”, “Рус мактаби” деган журналлар эди.

Ўсмирлик ёшига ўтиш талабаларнинг ўқишфаолиятидаги муҳим қайта ўзгаришлар билан бўлиқдир. Ўқиш фаолиятининг янги ва юқорирок босқичи унинг мустикаллик даражаси билан белгиланади. Д.Б.Эльконин, Т.В.Драгунова ва бошқа психологлар материалларининг кўрсатишича, ўсмирлик ёшининг дастлабки даврида ўқиш фаолияти тараккиётининг босқичларида жуда катта ҳар хилликни кузатиш мумкин. Мустикал ишларни элементар даражада ҳам ташкил қила олмайдиган, нихоятда паст, қуйи босқичдан босқичдан бошлаб, мустикал ишлар фақат уй вазифаларини бажаришда кузатиладиган қатор оралик шакллардан ўтиб, янги материаллар ва ҳатто билимларнинг янги соҳалари (астрономия, механика, радиотехника) мустикал ўзлаштириладиган энг юксак босқичларни кузатиш мумкин. Бирок тараккиёт нуқтаи назаридан сўнги босқич истиқболдир. Ўсмирлик ёшининг бошланиши ўқиш фаолияти энг юксак босқичининг таркиб топа бошлаши билан бўланади. Ўсмир учун билиш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мустикал билим орттириш тарзидаги ўқиш фаолиятининг маъноси секин-аста очила бошлайди.

Воқеликка бўлган онгли муносабатнинг умуман ўсиши билан ўсмирларнинг ўқишга бўлганонгли муносабатлари сезиларли даражада кучаяди. Ўзларининг ўқишфаолиятларида улар секин-асталик билан шахсий маъно касб этадиган ҳақиқий, чуқурбилимлар билан янги муносабатларда боғланган янги, юксакрок босқичга кутариладилар. Рус психологларининг тадқиқотлари шуни белгилаб бердики, ўсмирлар ўқиш фаолиятининг мотивлари мураккаб тузилишга эгадир. Ўсмирлар ўқиш фаолиятининг мотивлари таркибига кэнгижтимоий мотивлар (билим орттиришнинг ижтимоий жихатдан муҳим эканини англаш, мустикал ҳаёт ва меҳнатга тайёрланиш учун ўқиш зарурлиги), аслида муваффақиятга интилиш, иззат- нафс билан боғлиқбўлган билиш мотивлари ва шахсий мотивлар (болалар жамоасида обрў қозонишга интилиш ва раҳбарлик ролини ўйнаш) бирга қўшилиб кетгандир. Бунда баъзан қарама-қаршилиқ кузатилади: билим орттиришга бўлган интилиш мактабдаги ўқишга бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда бўлиш билан, мактабдаги баҳоларга «хушчақчақ-менсимаслик» (Д.Б.Эльконин) муносабати билан аралашиб қўшилиб кетиши мумкин. Бу ўқишдаги у ёки бу хилдаги муваффақиятсизликка, ўқитувчибилан бўлган низога нисбатан узига хос реакция бўлиши мумкин. Ўсмир одатда узининг ўқишдаги муваффақиятсизликларини қаттиқ ичдан кечиради, лекин унинг иззат нафси баъзан бу муваффақиятсизликка бўлган ҳақиқий муносабатни ниқоблаш ҳоҳишини туғдиради. Натижада талабаўқишдаги муваффақиятларга ўзини мутлақо бефарқдек ва бепарводек тутади, ҳатто сохта мардлик курсатмоқчи бўлади. Ўсмирнинг ўқишларининг пайдо бўлиши (китоб ўқиш, шахмат ўйнаш, филателия, яъни марка тўплашва бошқалар) билан тушунтириш мумкин.

Нихоят, ўсмир хотирасининг ўзига хос хусусияти анча мураккаб ассоциацияларни, янги материалнинг эскиси билан бўланишини аниқлаш, янги материални билимлар системасига киритишдир. Ю.А.Самарин ва унинг ходимлари билимлар тизимини таркиб топтириш жараёни ҳар хил даражадаги ассоциацияларни белгилаб олишга аосланишини аниқлаганлар. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги бола учун характерли бўлган айрим ассоциациялар (Ю.А.Самариннинг фикрича, локал ассоциациялар) ва алоҳида системали ассоциациялар (бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўладиган алоҳида масалаларга доир хусусий билимлар) ҳосил қилишдан анча юқори даражада-фанлар ичидаги (системалар ичидаги) ассоциацияларни (ўқув предмети ичидаги билимларини акс эттирувчи ассоциацияларни) таркиб топтириш даражасига ўтади, ўсмирлик ёшининг охирида энг юксак даражага-фанлараро (системалараро) ассоциацияларга ўтиш учун шароит яратилади. Бу турли ўқув предметларининг материалларини бир-бири билан бўлаш, ҳар хил фанлардан бериладиган билимларнинг умумийлигини, бирлигини тушуниш имконини беради.

Диққатнинг тараккий этиши маълум зиддиятлари билан: бир томондан, ўсмирлик ёшида барқарор ихтиёрий диққатнинг таркиб топиши билан, бошқа томондан, ўсмирдаги таассуротлар, кечинмалар, жўшқин активлик ва импульсивлик кўпинча бекарор диққатга олиб бориши билан, унинг тез чалғиши билан ажралиб туради.ҳамма нарса иш шароитига, материалнинг мазмунига, ўқувчининг кайфияти ва психик ҳолатига, унинг ишга

бўлганмуносабатига боғлиқдир. Дикқатнинг танловчилик қобилияти, яъни унинг турлича характеристикаси ўша нарсага бўлган қизиқиш кўлами ва даражасига боғлиқбўлиши ўсмирда жуда яққол ифодаланган. Бу дарсда (ўзи ёқтирмаган дарсда) эътиборсиз ва парижонхотир бўлиб ўтирган талабабошқа, ўзи яхши кўрган дарсда ниҳоятда, ҳушёр, фикрини бир ерга тўплаб олиб, ҳеч нарсага мутлақо қалғимасдан бемалол ишлаши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўсмирлик ёшида дикқатнинг кўлами, шунингдек, дикқатни бир операциядан бошқа операцияга қаратиш, фаолиятнинг бир туридан бошқа турига жалб этиш қобилияти сезиларли даражада ортади. Кичик мактаб ёшидаги талабалардан фарқли ўлароқ, ўсмир учун одатда уз фаолиятини ўзгартиришга қандайдир алоҳида психологик тайёргарлик кўриш талаб этилмайди.

Дикқатни ташкил этишнинг энг яхши усули ўқитувчининг қандайдир алоҳида усулларни қўлланишга эмас, балки ўқиш фаолиятини ўсмирда дикқатни узок вақт мобайнида бирор нарсага қалғитиш учун на вақт, на истак ва на имконият қолмайдиган қилиб уюштири олишига бўлиқдир. Қизиқарли иш, қизиқарли дарс ўсмирни шунчалик камраб олишга қодирки, у жуда узок вақт давомида зўр иштиёқ билан ишлайди. Шуниси ҳам борки, ўсмир учун қизиқарли бўлган нарса-ҳамиша ҳам шунчаки қизиқарли нарса эмас. Ишнинг бир туридан бошқа турига вақти-вақти билан ўтиб туриладиган мазмунли машғулотлар, актив билиш фаолияти-ана шу нарса дарсни ўсмир учун қизиқарли дарсга айлантиради, ана шунинг ўзи унинг дикқатини уюштиришга ёрдам беради. Н.Ф.Добринин ва унинг ходимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ўсмирлар иродавий зўр бериш билан ушлаб туриладиган ихтиёрий дикқатдан кейинги дикқат деб аталадиган дикқатга тобора кўпроқ ўтиб бормокдалар. Бу дикқат олдиндан ўйлаб қўйилганва муайян мақсадга қаратилган дикқат бўлиб, ишга «кашфиётлар»га бўлган қизиқишнинг аста-секин ортиб боиши асосида юзага келади, шунга кўра ҳам бу дикқатни тутиб туриш учун иродавий куч сарфлаш талаб этилмайди.

Ўсмирлик ёшида фикрлаш фаолиятида муҳим силжишлар юз беради. Кичик мактаб ёшида эришилган тафаккур тараққиётининг даражаси ўсмирга фан асосларини муваффақиятли ва системали ўрганиш имконини беради. Ўрганиладиган фанларнинг мазмуни ва ўқув курслари тузилишининг мантики билимларни ўзлаштиришнинг янги характери, мустақил тафаккурга таянишни талаб этади, абстракциялаш ва умумлаштириш, таккослаш, мулоҳаза юритиш, ҳулосалар чиқариш, исботлаш қобилияти зарур бўлади. Бирок, шуни назарда тутиш керакки, ҳамма ўсмирлар ҳам исботловчи тафаккурга осонгина ўтавермайдилар. Улардан баъзиларига, масалан, умумлаштирилган геометрик исбот ғоясининг ўзи тушунарли бўлмайди: ўзининг ҳақ ёки ноҳақ эканлигининг кўриб туриб ишонч ҳосил қилганидан кейин исботлаб ўтиришнинг нима кераги бор? Ўсмирлардан бири хайрон бўлиб, бундай деб жавоб берган: «Ўқитувчи доскага иккита тэнгучбурчакни чизади ва уларнинг тэнгэканлигини узок вақтгача тушунтириб ўтиради».

Умумлаштирилган ва муҳокамали тафаккурни тараккий этириш учун математикани ўқитиш жуда муҳимдир. Алгебрани системали тарзда ўргана бошлаш умумлашмани умумлаштириш билан боғлиқбўлган юқорироқ даражасига ўтишга ёки икки барабар абстракцияга ўтишга рағбатлантиради (арифметика предметидан сони абстракциялашдир). Геометрияни ўрганиш фикрлаш, исбот қила билиш, мантиқан қатъий асослаш қўникмаларини ўстиради.

Ўсмирлик инсоннинг балўатга этиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолотнинг бошқа пўоналаридан кескин фарқланади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Балўат даврига 11 (12) - 15 ёшли қизлар ва ўғил болалар киради. Ўсмирларда юракнинг ҳажми ва тириклик сиғими ҳар йили 25% катталашиб боради. Бўйнинг жадал ўсиши ва тана ўирлигининг ортиши билан қон ҳамда кислородга эҳтиёж ҳам ортади, бу эҳтиёж юрак ҳажмининг кенгайиши ва функционал фаолияти кўрсаткичларининг бойиши эвазига таъминланади. Мазкур даврда тананинг умумий ҳажмидан 7-8 фоизини қон ташкил қилади, қон босими бирмунча ошади, симоб устунининг 110- 115 мм даражасида бўлади. Юрак қисқаришининг

частотаси бир қадар секинлашади, масалан, 11 ёшда дақиқада 85- 90 марта урган бўлса, 14-15 ёшларда 70 мартагача пасаяди.

Ўсмирлик диврида нафас олиш органлари жадал ривожланади. Ўпканинг тириклик сигими қуйдагича бўлади:

Ўғил болаларда- 11 ёшда 1900- 2000мл; 15 ёшда 2600- 2700 мм.

Қизларда- 11 ёшда 1800- 1900 мл; 15 ёшда 2500- 2600 мл. Шунинг учун нафас олиш ҳар дақиқада 2 марта камаяди.

Ўспиринлик ёши даврига 14-15 ёшдан 17-18 ёшдаги болалар киради. Бу даврда талабажисмоний бақувват, мустақил меҳнат қила оладиган, олий мактабда ўзини синаб кўриш имкониятига эга бўлади, маънавий жихатдан етукликка эришади. ўспирин 16 ёшида мамлакат фуқароси ва 18 ёшида эса сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Буларнинг барчаси ўспиринга фуқаро сифатида ижтимоий жихатдан вояга этиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун жамики шарт-шароитларни яратади.

Мавжуд шарт-шароитлар остида ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жихатдан ўсишига ўзига хос сифатлар ва фазилатлар намоён бўлади. Юқори синф талабалари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишида фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларни илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний туйғуларнинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижодий ёндошиш кучайишига олиб келади.

Ўспириннинг оилада, мактабда меҳнат фаолияти ортади, фанларни ўрганишда, касб-ҳунар танлашда ўспиринлар учун кэнгимкониятлар яратиб берилган янги типдаги мактаблар, ўспиринларнинг мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзланган мақсадларни амалга оширишга, аввало мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада комил инсонларни тарбиялаш ва вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Академик лицейлар талабаларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, йигит ва қизларда илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига юксак, маънавий хис - туйғунинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга жиддий ёндошиш кучайишига олиб келади. Шундай фарзандларимиз борки, улар коллеж ва лицейларда таълим олиш жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидорлари, истеъдодларини намоён этадилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш катта аҳамият касб этади. Жойларда ташкил қилинган ва қилинаётган касб - ҳунар коллежлари, академик лицейлар, вилоятлар марказлари ва шаҳарларда ташкил этилган Ташхис марказлари 9-синфни тамомлаган ёшларнинг иқтидорли ва лаёқатли, қизиқишларини ўз вақтида аниқлаш, уни психологик методлар ёрдамида диагностика қилишни амалга оширади. Ўспиринлик даврида аввало ўзини англашдаги силжиш яққол кўзга ташланади - ўзининг руҳий дунёсини, шахсий фазилатларини қобилият ҳамда имкониятларини аниқлашга интилиш кучаяди, баъзан ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб манманлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади, айрим ўспиринлар эса аксинча, ўз имкониятларига паст баҳо бериб камтарона тутишга ҳаракат қиладилар.

Ўспиринларнинг яна бир муҳим хислати — уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, мухаббатнинг вужудга келишидир. Аттракция (ёқтириш, ўзига жалб этиш) деб аталадиган ҳиссиёт пайдо бўлади(бу даврларда) ёқтиришдан то севги, мухаббат каби чуқур эмоционал бўлиқлик ҳам шу ҳис асосида пайдо бўлади: ижтимоий психологияда мазкур ҳиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлари — шерикларнинг битта макон ва замонда эканликлари, тез- тез учрашиб туришлари таъсирида пайдо бўладива ўспириннинг ўз - ўзини ҳурмат қилиши, бошқалар билан муносабатда тоқатлироқ бўлишига таъсир кўрсатар экан, ўспирин атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши катта тарбиявий аҳамияга эга.

Дўстлик ўспирин учун «алтер-эга» яъни иккинчи «мен» ҳисобланиб, у билан бирга дарду - хасратларини муҳокама қилади, одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади. Асосан 2 киши, баъзан 3 - 4 киши бўлиш мумкин. Дўстликнинг асосий шarti - ўзарo бир -бирини тушунишдир. Дўстлар гап - сўзлар ҳам юз ифодаси, юришни тушуниб оладилар.

Дўстлик — бир - бирини аяш, ғамхўрлик қилиш, қўллаб - қувватлаш, меҳр, хатоларни биргаликда тузатиш демакдир. Мана шу сифатлар ардоқланса дўстлик узоқ давом этади.

Ёш ўтган сари бу дўстлик юксак қадриятга айланади. Атракция 2 кўринишдадир. У ўспиринни самимийроқ ҳар нарсага қодир ва кучлироқ қилади.

Дастлаб симпатия — ёқтириб қолиш босқичи, кейинчалик эса ҳақиқий севги пайдо бўлади. Баъзи ота-оналар бу даврдаги авждан чоғчийдилар, баъзи айниқса қизларга тақиблайдилар ҳам. Севги — бу ёшлар учун дастлабки ҳаёт синовии эканлигини англаб олишларига ёрдам бериш керак. Ўспирин йигит билан қизнинг ўзарo яқинлиги, ҳаётга қарашлари, қизиқишлари, дидлари, ниятларининг умумийлиги билан характерланади. Ўспиринларда билимга қизиқиш амалий хусусият касб этади. Сезгирлик, кузатувчанлик такомиллашиб боради. антиқий хотира етакчи роль ўйнайди, тафаккур фаол, мустақил ва оддий хусусиятга эга бўлиб боради, лекин барча фаолият босқичида мустақил фикр юрита олмайдилар. Ҳозирги даврда таълим олдидаги муҳим вазифа ҳам ёшларда ёшларда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Дарсликлар, адабий асарлар, вақтли матбуот, телевидение ва радио орқали берилаётган маълумотлар мунозара ва баҳс, дарсларни янги педагогик технология асосида ўтиш орқали бунга эришиш мумкин.

Назорат учун саволлар?

1. Шахс тушунчасига таъриф беринг?
2. Чет эл ва совет психологиясида шахс назарияларини тушунтириб беринг?
3. Ёш даврларини табақалашда чет эл психологларининг қарашлари?
4. Ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятларинини айтинг?
5. Ўспириннинг психологик хусусиятларини тавсифлаб ўтинг?
6. Ўспирининг ҳис-туйғулари ҳақида гапириб беринг?

16- Мавзу: Таълим ва миллий психология. Таълимнинг ноанъанавий усуллари. Мустақил тафаккурни ривожлантириш Режа:

1. Таълим психологияси.
2. Ўқиш фаолиятининг мақсад ва вазифалари. Ўқув жараёнида муаммоли вазият.
3. Миллий психология.
4. Ноанъанавий таълим ҳақида умумий тушунча
5. Уқувчилар билиш фаолиятининг босқичлари.
6. Таълим жараёнини бошқариш муаммолари.

Педагогик психология таълим ва тарбиянинг психологик қонуниятларини ўрганади. ўқувчининг билиш фаолияти ва уларнинг ақлий ривожланиши билишнинг мулоқотга киришиши ва меҳнатининг онгли субъектлари сифатида шаклланиб бориши педагогик психологиянинг предмети ҳисобланади.

Таълим психологияси шахснинг билимларни эгаллаш, мустаҳкамлаш услубларидан иборат фаолият жараёнини қамраб олувчи қатор саволларнинг тузилишини ўрганади, шунингдек, уларнинг натижасида одамнинг индивидуал тажриба, билим, малака ва кўникмалари шаклланади. Инсон дунё билан ҳамкорликдан нимадир янги нарса ўрганиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш услубларини такомиллаштириб борганлиги сабабли ҳам билим олишга бўлган интилиш инсоннинг бутун умри давомида таъкиб этиб боради, чунки одам ҳар бир амалиёт билимини ҳаётдан ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, таълим олиш ҳар бир фаолиятда мавжуд бўлиб, у субъектнинг шаклланиш жараёнини ўз ичига қамраб олади.

Шундай қилиб, таълим олиш етарли даражада кенг тушунчадир, у ўз ичига нафаъат таълим олишнинг уюштирилган шакллари, (мактаб, курслар, олийгоҳ), балки инсон томонидан кундалик ҳаётда эгаллаётган билим ва малакаларни ҳам ўз ичига олади.

Бошқа фаолият турлари бўлмиш ўйин ва меҳнатдан ўзининг махсуслиги моҳияти билан ажралиб турувчи бу фаолиятни психологик фаолияти сифатида ёндошилганда, ўқиш фаолиятининг уюшган шакллари кўрилади. Унинг энг муҳим жиҳати шуки, у исталган бошқа бир фаолиятга инсонни тайёрлайди ва унинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Психологларнинг бу борадаги изланишларига кўп бўлгани йўқ (тахминан 50 йиллардан бошланган) ва бу соҳада ҳали у даражада сезиларли ишлар қилинган эмас. Аммо ўқиш фаолиятини ташкил қилиш учун асос етарли даражада шаклланган, ва улар ўқитиш назариясининг аниқ савол-муаммоларига психологиянинг бир ёқлама ёндошишига йўл қўяди.

Ўқиш фаолиятининг назариясининг асоси нима ва у психология ўқитиш методикаларини ишлаб чиқишда қандай аҳамиятга эга?

Авваломбор психологиянинг қайси соҳасида ишлашдан қатъий назар, ўқитувчи ўқиш фаолияти назарияларининг асосий қонун қоидаларини билиш зарур. Бу билим эгаллаб олиш қоидалари ва ўқитиш методикаларини тўғри тузиш учун жуда муҳим. Ўқиш фаолияти психологияда илмий тушунча сифатида бир яққол ифодага эга эмас. Совет педагогикаси ва психологиясининг «классик» назарияларида - бу «кичик мактаб ёшдаги етакчи фаолият», «ижтимоий фаолликнинг асосий шакли» сифатида эътироф этилади.

Д.Б.Эльконин ва В.Давидовнинг таъкидлашича ўқиш фаолияти - бу ўқувчининг назарий билимлар - ўзлаштиришга қаратилган ва фикрлашнинг ўсишини таъминлайдиган фаолиятларидан бири сифатида кўрсатилади. Ўқиш фаолияти ўқувчининг ўзи амалга ошириб ўзини ўзгартириш учун махсус ташкил қилинган фаолият бўлагидир. Ўқиш фаолиятининг муҳим қисми ўқув топшириқ ҳисобланади. Топшириқ ечилиш жараёнида, ҳар бир амалий машғулотдаги каби, ўқувчи томонидан ўрганилаётган объектда ёки бу ҳақдаги тасаввурда маълум бир ўзгаришлар юзага келади, аммо натижада субъектнинг ўзи ўзгаради. Ўқув топшириғи субъектда олдиндан берилган ўзгариш содир бўлгандагина ечими топилган деб ҳисоблаш мумкин. Ўқиш фаолияти жараёнида (ёш авлод) ўқувчилар катталарнинг тарбиясига таянади, ўрганади. Ҳар бир ёш авлод дунё ҳақидаги билимларни бевосита уни ўраб турган борлиқдан олади, аммо ёшлар бу билимларни ўзи яратмайди, балки уларни катта авлодлардан «нарсаси (буюмлари), махсус ташкилот ва янги авлоднинг бу нарсалар билан боғлиқ фаолияти орқали» олади.

Айнан мана шу «буюмлар билан» махсус уюштирилган фаолияти, инсоният тажрибаси, катта авлоднинг ана шу буюм - махсулотни яратиш бўйича тажрибасининг эгаллаши ўқиш фаолиятидир.

Ўқиш фаолиятининг аҳамияти - бу «ўқувчиларни ташқи олам билан боғловчи фаолияти»нинг бевосита натижасидир. Бу ўқувчилар фаолияти бўлиб ўқитувчи томонидан ташкил қилинган ва у билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўқув фаолияти қуйидаги умумий тузилишга эга: эҳтиёж - топшириқ-мотивлар-ҳаракат-операция.

Эҳтиёж ўқувчининг у ёки бу предметни назарий ўзлаштиришга қаратилган ўқув фаоллигидир. Назарий билимларга аниқ бир предмет ривож ва келиб чиқиши ҳақидаги қонун - қоидалар киради. Буларни фақат уюштирилган таълим - назарий ўрганиш фаолиятида ўзлаштириш мумкин.

Ўқиш фаолияти тузилишининг муҳим элементларидан бири ўқув топшириғидир. Уни бажаришда ўқувчилар аниқ бир ҳаракат ва операцияларни бажарадилар. Ўқув фаолиятлари ҳар - хил бўлиш мумкин, аммо асосий мотив бўлиб (махсус) ўрганишга қизиқиш ҳисобланади. Ўқиш фаолиятининг амалга оширилиши ўқувчи томонидан бажарилаётган, маълум бир мотив билан бошқарилаётган ўқув фаолияти ёки ўқув топшириғини ечишга қаратилган операция ташкил этади.

Бу фаолиятнинг мақсади - назарий билимни эгалашдир.

Хуллас, ўқув топшириқларини ечиш ва ўқув фаолиятини махсус таркиб топиши, унинг тузилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўқув топшириғининг моҳияти нимада? Психологлар ўқув топшириғининг қатъий фарқланиши хилма-хиллиги ва ҳаёт давомида юзага келадиган амалий машғулотларнинг турли туманлиги ҳақида кўп ёзишган. Агар ҳар бир амалий машғулот ечилиши алоҳида фанларнинг ўзгаришига олиб келса, ва бу мақсад бўлса, унда ўқув топшириғни ечишдан мақсад предметни ўзлаштириш эмас, балки бу ўзгаришларни киритиш услубларини ўзлаштиришдир. Масалан, техник телевизор бузилганида тузатса, политехника институти талабаси бу ишни амалий машғулотда бажарар экан, у нафаъат буни тузата олади, балки уни бартараф этиш усулларини ҳам ўрганиб олади. Натижада иш билан бирга ўқиш фаолиятида субъект сифатида янгилик олади ва ўзгаради. Аммо телеаппаратура созловчиси бўлиш учун биргина бунинг ўзи кифоя эмас, у ҳар томонлама мутахассис бўлиш учун бу ишни яна бир неча бор такрорлаши зарур ва айнан ўқиш фаолиятининг вазифаси шундаки, ўқувчи топшириқнинг қандайдир бир-бирига ўхшаш жавобини эмас, балки, ҳар қандай турли босқичдаги топшириқлардан принципиал жавобини топа олишни билишдир. Ўқитувчи эса, ўқувчи олдида шундай топшириқ қўйиши керакки, у турли умумий ва аниқ вазиятларда ўқувчини муаммони умумий ечимини топишга йўналтириши керак.

Мактаб ва олийгоҳ талабалари амалиётда назарий билимларни тажриба асосида ўрганиб боришади. Жумладан, математик масала мисолида хусусий (умумий 1) масаланинг аниқ бир ечимидан, ўқув топшириғини умумий ечим йўли билан ишлашни кўрсатиш мумкин.

Ўқувчи томонидан ўқув топшириғини ечилиш жараёнининг ўзи - бу ўқув фаолияти дейилади. Бу жараённинг таркибий қисми бўлиб) ўқитувчи томонидан ўқувчи олдида ўқув топшириғининг қўйилиши; б) ўқувчи томонидан топшириқ ечимини қабул қилиниши; в) ўтилатган фани билан боғлиқликни излаш мақсадида ўқувчи томонидан ўқув топшириғининг қайта кўриб чиқиши; г) ажратилган муносабатни моделлаштириш; д) бу муносабатни «соф ҳолда» ўрганиш учун моделни ўзгартириш; е) умумий усул билан ечиладиган топшириқлар тизимининг қурилиши; ж) аввал бажарилган ҳаракатнинг назорат қилиниши ва кейинги ҳаракатга ўтиши; з) баҳолаш (ўз-ўзига баҳо бериш) ҳамма ҳаракатларнинг яхши бажарилиш услубини ўқув топшириғининг ечилишининг умумий услубини ўзлаштириш ва бошқалар.

Барча юқоридаги элементларнинг кетма-кет ўқув топшириғида бажарилиши талабанинг ўқиш фаолиятини ташкил этади.

Экспериментал ва назарий текширишлар ўтказилган мактабларда ўқиш фаолиятининг асосий назарий муаммоларини ишлаб чиққан жамоат психологлари назарияси фаолият ва психиканинг бирлик принциpidан самарали фойдаланганлар. Аммо умумий назарияни ўқитиш мумкин, қўлланилиши маълум олдини олиш чоралари нафақат мактаб таълимининг, балки ўқитишнинг бошқа турларига катталар (талабалар) тажрибаси асосида қурилган.

«Ўқиш фаолияти» тушунчасининг ўзининг пайдо бўлганлигига кўп бўлгани йўқ, кўпи билан 20 йил аввал, бу ўқувчиларнинг билим савияси критериялари тавсияномаси ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлган. Ўқув фаолиятининг тўлалигича кўриб чиқиш зарурати билан у нафақат билим, кўникма, малака ва улар ортидаги усуллар, ўқувчиларнинг ўқув материали билан ҳаракат операцияларини, балки, ўқувчи томонидан ўқув материалининг қабул қилиниши, унинг ўзи томонидан назорат қилиниши, ўз-ўзига баҳо беришини ҳам ўз ичига олади.

Ўқиш - бу мустақил фаолиятни бажариш, буни ўқув материалига ижодий ёндашмасдан, ўқув топшириғини ўзини таҳлил қилиш ва ўзини баҳолай билмасдан бажариб бўлмайди. Ўқишга ўрганиш - бу ўқув фаолиятини бажариш талаба учун зарур топшириқ бўлиб ҳисобланган.

П.Я.Гальперин таъкидлашича - «Инсоннинг ҳар бир ҳаракатининг назорат, бажарув ва мўлжал қисмлари мавжуддир. Ўқув жараёнида ўқувчи йўл-йўриқни мўлжалга қараб

фаолиятни бажаради ва бу ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Йўриқнома ҳам ўқитувчи томонидан берилади.

Бу концепция асосида ўқитиш фаолиятини ташкил этишнинг яхши натижа бериши нафақат П.Я.Гальперин издошлари томонидан, балки бутун унинг мактаби томонидан ҳам исботланган.

Таълим психологиясининг яна бир йўналиши бўлиб назарий юксалтиришга асосланган субъектнинг фаоллиги шакли деб айтиладиган ўқув фаолияти ҳисобланади, у авлодларнинг ижтимоий тажрибаси натижасида индивидуал ривожланиш шартига қаратилган бўлади. Д.Б.Эльконин ўқув фаолиятининг муҳим қисми бўлган ўқув топшириғининг ечимини топиш натижасида фаолиятни бажарувчи субъектнинг ўзгариши, унинг дунёқараши, билими, малакаларини шаклланишига сабаб бўлишини кўрсатиб берган. В.В.Давидов, ўқув фаолияти - бу назарий билимни эгаллашни ўзи, ўқиш фаолиятининг шаклланишига эса мустақил ўқиш ва ижодий ёндошиш сабаб бўлиши аниқлаган.

Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидов 1960-1970 йилларда ўқитишни ривожлантириш тизмини ишлаб чиқадилар ва мактаб амалиётида синаб кўрдилар. Унинг асл моҳияти бўлиб нафақат ўқитувчиларни ўқув жараёнида маълум бир билимлар билан қуроллантириш, балки уларни ҳар қандай илмий маълумот билан ишлай олишга ўргатиш бўлиб ҳам ҳисобланади. Бу мактаб намоёндалари фикр юритишга ўргатиш лозимлигини, яъни ўқувчиларда замонавий фикр юритиш асосларини эгаллашлари илгари сурадилар. Бошқача қилиб айтганда, ўқишни шундай ташкил этиш керакки, доимо у «Ривожланувчи характерга» эга бўлиш лозим.

Демак ўқиш - бу фикр юритишга ўрганишдир. Ривожланувчи ўқитиш ғояси ўша йилларда бошланғич мактаб дастурига (уни эгаллаб олиш 3 йил мабойнида бўлади 4 йил эмас) ва 5-8 синфлар (алоҳида предметлар) ўрганадиган алоҳида фанлар дастурига ҳам киритилган эди. 1996 йилда бу дастур билан 1000 дан ортиқ ўқитувчилар ишлаган.

Эльконин - Давидов системаси бўйича экспериментал синфларда «асосан ўқув фаолиятининг шаклланиш жараёнининг тавсифномаси, интеллектуал ривож, ўқувчилар жамоаси ва шахснинг ривожланиши сифати билан бу ўқитиш жараёнларининг анъанавий шароитдаги ривожлантириш, ўқитиш ғояси тизими тавсифномаси билан кўриб чиқилганда тўғри келади». Бу натижалар тавсифномаси анъанавий ўқитиш тизимида одатда режалаштирилмайди ва ўқитиш натижаси сифатида юзага чиқмай баҳоланади.

Эльконин - Давидов ғоявий тизимида ўқитиш натижалари тавсифномаси ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади; а) ўқиш фаолиятининг шаклланганлик даражаси; б) ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси; в) ўқувчилар жамоасининг ва шахснинг ривожланиш даражаси; г) ўқитиш охирида ўқувчиларнинг билим, малака ва эгаллаган кўникмалар даражаси.

Биз кўрганимиздек, тавсифномалар ичида, деярли яқка ва асосий анъанавий тизимда ўқитишнинг сифати кўрсаткичида билим ҳажми даражалари мавжуд эмас. Бундан кўринадики, ривожлантирувчи ўқитиш тизими томонидан билимнинг зарур ва кераклилари инкор этиладими? Албатта йўқ, бу ерда эътибор билим сонига эмас, шахснинг қандай билим, малака ва кўникмалар, услублар ва бошқа сифатли жиҳатларини эгаллаганига қаратилади. Ахир билим шахснинг ривожланишига ҳисса қўшиш ва фақатгина ўқитиш мақсади бўлиб қолмаслиги керак.

Шундай қилиб, ўқув фаолияти - субъект фаолиятини ўзгартирувчи, ҳеч нарсани билмагандан билувчига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаган шахсга айлантиришдир. Шунинг учун ҳам ўқув фаолияти ўз-ўзини ўзгартириш, ўзини намоён этиш фаолияти деб аниқланиши мумкин ва бунинг предмети сифатида ўқувчиларнинг ижтимоий тажриба орттириш орқали эгаллаган тажрибаларини олиш мумкин. Ижтимоий тажрибанинг эгалланган бўлаги ва бу аввалги тажрибани ўзгартириш ҳисобига ўқув фаолиятининг махсулини ташкил этади.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки: ўқув фаолиятининг предмети, махсули, мақсад ва натижаси бўлиб фақат билим бериш ҳамда эгаллашгина эмас, балки ўқувчининг интеллекти, шахсий сифатлари, ва олган билимининг натижаси бўлган билим, малака ва кўникмалари

ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб ўқувчининг илмий назариялари асосида мустақил фикр юритишга ўргатиш ҳисобланади.

Агар ўрта, олий ёки бошланғич мактаб фикрлашга ўргатиш лозим бўлса, у ҳолда бунини қандай амалга ошириш лозим? Бу саволга жавоб бериш учун фикрлаш психологиясидан келиб чиқиш керак. Замонавий илмий тасаввурлар бўйича фикрлаш - бу шундай махсус муаммонинг ечимики, унинг баъзи шартлари юзада ётади, (ёки юзаки) бошқалари эса мавжуд бўлмайди. Фикрлаш бу - предмет таҳлилининг кузатишлардан яширин бўлган муносабатларни намоёни этишга (очишга) қаратилган психологик фаолиятдир. Агар топшириқнинг барча шартлари ёритилган бўлса, у ҳолда фикрлаш талаб этилмайди ва инсон бу топшириқни хотира ёки бевосита қабул қилиш, шунингдек ўзига хос қарорга олиб боровчи йўл билан ҳал этиши мумкин. Фикрлаш топшириқ бўлганда, (савол) тайёр жавоб на хотирада ва на диққатда бўлмаганида ишга тушади. Шундай қилиб, инсон муайян вақтда муаммоли кўринган вазиятга тушиб қолади, ноаниқ ва номаълум бўлган нарсани ёритиш фикрлашни тақозо этади. Айнан шу нарсага талабалар ва ўқувчиларни ўргатиш лозим. Фикрлашга ўрганиш - бу билимлар ўртасидаги тафовутни ечиш, ўловчи эга бўлган ва ўқувчи эга бўлмаган аммо юзага келган муаммо - топшириқни ечишда унга асқотадиган билимлардир.

Бу борадаги тавсиялар М.И.Махмутовнинг «Ўқитиш муаммолари» китобидан ўрин олган. Худди шу ном билан chop этилган И.Я.Лангернинг брашюриси ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар иккиси ҳам педагогик фанлар доктори бўлиб, вазиятни «Педагогик нуқтаи назаридан таърифлайди Лангернинг таърифига кўра, - бу шундай ўқитиш, бунда ўқувчилар ўқув материаллари асосида тузилган тизимли муаммолар ва муаммоли топшириқларни ечишга жалб этиладилар. Муаммоли ўқитишда билимлар ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, - деб ёзади М.И.Махмутов балки, муаммоли вазият жараёнида уларнинг ўзи томонидан ўрганиш фаолиятида эгалланади. Психологлар Т.В.Кудрявцев ва А.М.Матюшкин бу фикрни аниқлаштирган ҳолда: муаммоли ўқитиш фақатгина ўқувчи олдида муаммоли вазиятни қуйиш билангина фаоллаштирилмайди. Замонавий фикрлаш психологиясининг имкониятлари нафақат ўқувчилар олдида муаммоли вазиятни қўйиш, балки улар учун муаммони ечимини топиш ва бу муаммо ечимини бошқариш имкониятини ҳам беради. Демак, муаммоли ўқитишнинг психологик нуқтаи назаридан аҳамиятга молик томони бу ўқувчиларни олдида фақатгина муаммоли вазият-топшириқ қўйиш эмас, балки бу муаммоларни психологик билимнинг фикрлаш қонуниятлари асосида ечишга ўргатиш ҳамдир.

Бунда ўқитиш назариясида муаммо, муаммоли вазият, муаммоли топшириқ, муаммоли савол, муаммоли машғулот каби тушунчалар кўп учрайди - худди муаммоли ўқитиш тамойили сифатида. Бу тушунчаларга қандай маънолар сингдирилган?

Муаммо (грекча - проблема - топшириқ) - назарий ёки амалий савол, қайсики унга тайёр жавоб йўқ, шунинг учун ҳам ўрганиш, текшириш жавобни топиш учун керак бўлади. Одатда киши олдида муаммолар бирор бир эски методлар билан ечиб бўлмайдиган топшириқ пайдо бўлганда келиб чиқади. Ўқитиш мақсадида ўқитувчи, методик муаммолари, методист томонидан ўқувчи олдида атайин қуйилган бўлиши мумкин. Ўқитиш жараёнидаги муаммо ҳаётий муаммонинг моделидир.

Муаммоли вазият - бу субъектнинг муаммо билан тўқнашгандаги психик ҳолати, у томонидан қийинчилик сифатида аниқ ёки нотўлиқ идрок қилинаётган ва уни ечиш учун янги билимлар талаб этилиши билан боғлиқ бўлган интеллектуал муаммодир. Муаммоли вазиятда пайдо бўлган янги билимлар субъектнинг эгаллашга қаратилган эҳтиёжи шахснинг ўрганишга бўлган фаоллигидир.

Муаммоли вазият субъектнинг юзага келган муаммони ўрганишга бўлган муносабатини билдиради, бироқ бу шундай муносабатки, унга кўра уни ечиш йўлини билмайди, бу йўлни эса топиш лозим. Аммо топиш эҳтиёжи фақатгина муаммони аниқ ҳис этишдагина юзага келади. Гап шундаки, маълум бир муаммога дуч келган субъект уни маълум вақтга қадар шунчаки бир қийинчилик деб ўйлайди, лекин муаммо деб

ҳисобламайди, қачонки ʔандайдир алоҳида йўл билан ечиш лозим бўлгандагина муаммо сифатида назарда тутилади.

Шундай қилиб, объектив мавжуд бўлган тўсиқ субъект томонидан муаммо сифатида қабул қилинмаслиги ҳам мумкин экан. Ахир фикрлаш фаолияти субъект муаммони аниқ ҳис этгандагина ишга тушади. А.Н.Леонтьев томонидан қуйидаги мисол келтирилади; Авиомодель тўғарагига қатнашувчи ўқувчилар катта қизиқиш билан учадиган авиомоделларни ясар эдилар. Инструктор улардан учиш назариясини ўрганиб келишларини талаб этди. Аммо, энг қийин ва майда ишларни ҳам бажарган ўқувчилар учиш назарияси билан жуда кам, деярли қизикмаган эдилар. Назарияни билиш зарурлиги ҳақидаги ҳеч қандай ташвиқот фойда бермади ва болалар авиаадабиётни ўқиб туриб ҳам фақат амалиётга тааллуқли бўлган жойларни тушинар ва эслаб қолар эдилар. Нимага болалар назарияни ўргана олмадилар? Чунки уни билмаслик уларни ҳеч қандай муаммоли вазиятга қўймас ва амалиётда ҳалақит бермас эди. Топшириқни бажаришда қуйидаги усул таклиф қилинди, яъни авиомоделни ясовчилар уни ясабгина қолмасликлари, балки уни учирешлари ҳам лозим деб ўзгартирилди ва натижада модель 2 метр ҳам учмай тўхтаб қолганида, нега бундай бўлди деган муаммоли вазият юзага келди. Шунда инструктор уларга назарияни тушунтириб берди ва энди болалар муаммоли вазият ёрдамида назарияни ҳам ўрганиш лозимлиги, унинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини тушиниб етдилар.

Кўпинча шундай бўладики, аввал тўла тўқис англамаган қийинчиликлар аста-секин муаммоли вазиятга айланади ва шахсни фикрлаш, фаоллигини ошириб, янги билимларни, янги услубларни эгаллаш эҳтиёжини туғдиради.

Психологлар аниқлашча, фикрлаш жараёни аксарият ҳолларда муаммо, савол, ҳаракатланиш ёки қарама - қаршилиқдан бошланади. Айнан шундай муаммоли вазиятда субъектнинг фикрлаш фаолиятининг даражаси аниқланади. Аммо юқоридаги фикрлар билан ҳар қандай муаммоли вазият фикрлашнинг фаоллигини кўрсатиб беради деб айта олмаимиз. Вазиятни муаммоли деб қабул қилишдан ташқари субъект бошида қандайдир билимлар заҳираси бўлиши лозим. Масалан, «референт гуруҳ» нималигини билмаган талаба ижтимоий психологиядан қуйидагича қўйилган саволга жавоб беролмайди: бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ҳам «референт», ҳам «катта», ҳам «кичик» ҳам «профессионал», «табиий» бўла оладими? Бундан шуни англаш мумкинки, индивид томонидан муаммоли деб қабул қилинган вазият ҳали тўғри йўналишда муаммони ечиш учун фикр юритиш имконияти бўлмайди. Унда бошланғич билимлар заҳираси бўлмаса, у нима ҳақида ўйлаш, фикр юритиш лозимлигини била олмайдди. Демак муаллиф ёки ўқитувчидан муаммоли вазиятни ечиш билимлари агар аввалдан талабага берилмаган бўлса, у ҳолда шу муаммоли вазият билан бирга берилишини талаб этиш лозим.

Муаммоли вазиятлар объектив ва кундалик ҳаётда жуда кўп юзага келади, ва бу субъектдан ишга ижодий ёндошиш ва умуман тўғри фикрлашни талаб этади. Бунинг учун яна олийгоҳда ўқиш даврида ҳаракатлар қарама-қаршилигидан келиб чиқадиган муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олишни ҳам билиш лозим.

Ўқиш жараёнида эса бундай муаммоли вазиятлар ўқитувчи, методист, муаллиф томонидан юзага келтирилади.

Миллий ўз-ўзини англаш-одамнинг ижтимоий умумийликка (бирликка) мансублигида, ижтимоий соҳадаги муносабатларда ўз миллатининг эгаллаган мавқисини яққол тасавур қилганларида, миллий манфаатдорлигида ўзиингёрқин ифодасини топади. Оилавий таъсир (оиланинг турмуш тарзи, ота-онанинг нуфузи, оиладаги шахслараро, фарзандлараро муносабатлар мароми), миллий тил муҳити, маъваиятга интилиш ва у билан ўзини ўша турмушдаги қариндош-уруғчилик риштаси ёрдамида ўз-ўзини англашда намоён бўлади. Миллий ўз-ўзини англашнинг қатор объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллари мавжуд. Ана шу омилларнинг етилиши, муайян шарт-шароитларнинг муҳайё бўлиши мазкур жараёнини жадаллаштиради.

Миллий туйғу (ғурур, ифтихор) шахслараро муносабат жараёнида хиссий таъсирланишда, юксак маънавий ички туғёнларда (нафосат, лаззатланиш, роҳатланиш,

кониқиш), ижодий ғоялар туғилишида, миллий завқ ва шавқда, кайфият, хуш кўриш, ёқтирмаслик каби ички кечинмаларда ак сетади.

Миллий куй - халқ хис-туйғуси ва кечинмаларининг уйғун бир маромдаги товушлар орқали ифодаланишидир. Бинобарин, миллий санъат, адабиёт, расм-таъсир, меъморчилик ўзининг жилоси, мароми, гафдаланиши, миллий руҳи, охангдорлиги ва монандлиги билан бетакрордир. Хатто ўзбек миллатининг қомат тутиши, кийиниши, либоси, имо-ишораси, ўз ҳаракатлари, табассуми, туйғуси, хиёлоти, таъзими, маросимлари, халқ ижодиёти (фольклори), таъби, диди, очиқ қалблиги ижтимоий-тарихнн шарт-шароитларнннг маҳсули сифатида ёрқин гандаланади.Фойдананилган адабиётлар. И.Н..Турсунов, К.Қ.Мамедов. маънавият- қишлоқ хўжалиги тараққиётининг асосидир т.:2003,

6 бет

Миллий юриш-туриш тарзи кишиларнинг миллий хусусиятини тўғрисида оқилона ҳолис бўлмаган тахминий фикр юритишга олиб келган. Бундай мураккаб ҳолат миллатларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларини қийинлаштиради. Айрим ҳолда миллатлараро мулоқотга киришишда ижтимоий тўсиқ вазифасини ўтайди. Шунинг учун халқ элатларнинг барқарор хулқ-атворини (хатто стерсотипларини) атрофлича ўрганмасдан туриб. хох у катта. хох кичик миллат бўлишидан қатъий назар миллатлараро тенгликни ўрнатиш мумкин эмас. Бинобарин, халқ ва элатлар маънавияти ва руҳиятини болаларга, укувчиларга. талабаларга сингдириш учун, аввало, ишни оиладан ва мактабдан бошлаш керак. чунки. тарбиянинг асосий қисми 6 ёшгача бўлган даврда амалга оширилади. Мактабгача тарбия ва таълим инсон камолотининг қарийб 50 фойзини ташкил этади. Қолаверса. Миллий характер, миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш айни муддаодир.

Шуни унутмаслик кераки. хатто ўзбек халқининг қўшиқлари ва рақслари ҳам миллий турмуш тарзи, машғулот турини акс этирди. ижтимоий воқелик товуш ва тартибли ҳаракатларга кўчирилади. Улар шўх на ўйноқилиги, ғамгин ва вазминлиги ва мураккаблиги ва уларга ўхшаб қалбларга осон, енгиб кириб боришлиги қаҳр ғазаб ёки юморга бойлиги, маросимбоплиги қуриниши билан ажралиб турадн. Бизнингча, миллий таълим қайси босқичли бўлишидан қатъий назар.. ўзининг ташқи қуриниши билан: биринчидан, унинг биноси миллий услубда, халқ Маъморчилик қилган ҳолда қурилиши; иккинчндан. мактаб томорқаси миллий боғдорчиликка уйғун бўлиши: учинчидан, унинг спорт майдонлари ҳам миллий жилоларга билан ажралиб туриши керак. Бинонннг ички қисми миллий нақш ва ганч ўймакорлиги намунаси билан безатилиши. кордорларнннг яхлит манзарасида миллий туйғу ҳукмронлик қилиниш,ёғоч ва ганч ўймакорлиги безаклари ўз аксни топмоги, шарт афсоналаридай тараннум этилмоғи лозим. Минг афсуски. ҳозирги замон илимгоҳ биноларининг кўпчи- | лигида пардоз уз ифодасини тулик топмаган.

Табиат ва жамиятга бағишланган кўрғазмалар, маҳаллий жихозлар ашёлар асосида туб жойлик халқнннг уруш ва меҳнат фаҳрийлари ҳаётдан рспубликанинг сўлим жойлари, бахтли болалик хушманзара Чимён тоғлари, миллий сунъий денгизлар тасвири билан безатилмоғи, осиб қўйиладиган шиорлар, кўчирмалар аксарият ҳолларда ўчбек мақоллари, маталларидан ту-зилмоғи шарт. Имконият борица ҳамюртларимиз тўғрисида ишонарли лавҳалар акс эттирилмоғи, залларда илғор кишиларимизнннг суратлари, қайноқ ҳаётимизни кенг акс этирувчи курғазмалар урин олмоғи зарур.

Таълим ва тарбия жараёнида республикамизнинг тарихи, маданияти, узоқ аждодларимиздан етишиб чиққан жаҳонгашта кишилар,илм-фан арбоблари.мутафаккирлар, маърифатпарварлар тўғрисида билим уруғини сочиш укувчиларга ва талабаларга ғурур на ифтихор туйғусини вужудга келтиради. Ўзбекистонинг фан ва техникаси, унумдор она тупроги, сахий ва захматкаш халқи, фойдали қазилмалари, жаҳон ва умумхалқ бочоридаги пахтаси, ипаги, қоракўли, олтиннинг салмоғи ошиб боришини тушунтириш — талабаларда миллий онгни ўстиради, миллий ўз-ўчини англаиши такомиллаштиради. Ижтимоий фазолликни жадаллиштиради,уларни ижодий изланишлар сари етак-лайди.фан асосларини эгаллашга қизиқишини оширади.

Уқитишда узбек миллий таълим усулларида, топишмоқлардан муаммолардан, топқирлик қилиш машқларида, ижодга ундовчи воситалардан унумли фойдаланиш талабалар ақлни машқлари вазифасини бажаради. ривожлантиради, ақлни ҳисоблаш ахлоқий қобилиятларини ўстиради.

Олий таълим тарбивий ишларида миллий анъаналар, маросимлар, расм-русумлар, байрамлар (Наврўз, ўзбек тили куни, Мустақиллик куни, олтин куз, кўчат ўтқазиб мавсуми, қовун Сайли, учум сайли, ҳосил байрами, пахта байрами, сумалак ва ўзбек таомларининг кўриклари) маълум даражада ўч ўрнини топса, талабаларга энг самарали таъсир угкачали, чунки, умумий ҳаракатлар жамоатчилик фаолияти билан уйғунлашали, мустаҳкам жамоа бўлиб яшашга ундайди. Мазкур ишларда талабаларнинг ижтимоий қатнашуви уларда фаолликни орттиради, ҳар бйр шахс ўз қобилияти ва укувини синаб кўради. Талабаларнинг бундай фаолиятларда иштирок этишлари уларга мустақиллик, ташаббускорлик ташкилотчилик сингари ҳислатларни таркиб топтиради.

Талабалар ўртасида миллий орасталик, соч ўстириш, тараш, уриш ва кийиниш маданияти, ворислик масъулияти, миллий таъб ҳамда мувофиқ равишда иш юритиш ҳақида маслаҳатлар кўрсатмалар бериш, амалий укувлар билан қуроллантириш юқори самара беради. Миллий кийимнинг иқлим шароитига мослиги. мансумбоплиги юзасидан билдирилган фнкрлар уларда илиқ кечирмалар ҳосил қилиши мумкин.

Ота-боболаримиздан халқимизга мерос қолган сахийлик, меҳмон дўстлик ростиқўйлик, тантилик. садоқатчилик, поклик. одобчилик фазилатлари миллий характернинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу ҳислатларни таълим-тарбия жараёнида талабалар онгида шакллантириш. улар руҳиятини халқ дурдолари билан бойитиш. миллий қадриятларнинг оқилона эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ахлоқ ва одобли бўлиш. ота-оналар ва катта ёшдаги одамларга . ўқувчиларга ҳурмат, самимийлик., ифбатлик, ўзаро ёрдам бериш каби инсони ҳислатлар ўзбек халқи маънавиятининг рамзи саналади.. Тугушганларга аввало. ота-онага нисбатан миллий туйғудаги муносабат. қон-қардошлик ришталари ҳам миллий руҳиятни акс этиради Бу нарсаларнинг барчаси халқнинг бой маданияти тили адабиёти. обидаларида ўз ифодасини топади, Ана шу сабабдан миллий маънавий ойламининг талабалар чуқур миллатларни учун унинг бебаҳо даромадларини кенг булар тугрисидаги билим ва маълумотларни талабалар онгига кўпроқ сингдиришимиз зарурки, улар кўп асрлик қадриятимиздан хабардор бўлмоғи керак. Зотан буларнинг барчаси қулоч ёшини учун пухта замин хозирлаймиз

Миллий урф-одатлар ва маросимларнинг барқарор бўлишни янги мазмун. янги моҳият касб этади, уни янада бойитади. каби ҳислатлар Турон халқларида. Туркистонда азалдан мавжуд бўлган. Улар, айниқса, эндиликда, истиқлолдан кейин янгича маъно бошлади. Халқимизда оилавий турмушда содир бўлаётган воқеаларни унутилмас дамларни нишонлашга, ўз навбатида янгича анъана ва маросимлар ва тугулган кун. мактабга бориш, балогатга етиш олий укув юртига жойлашиш никоҳдан ўтиш, янги меҳмони қутлаш укув юртини бититириш кечаси курсдошлар билан учрашувлар фарзандни аскарликка кузатиш. қайтиб келганини нишонлаш қабиларда бевосита иштирок этиш ёшлар олдида янги талабалар кўяди, уларнинг ижтимоий жиҳатдан қамолатга етишувига хизмат қилади.

Миллий анъаналар, миллий урф-одатлар ва маросимлар шаклида намоён бўлади. Урф-одат муайян хатти-ҳаракатлар айнан такрорланиб туришини, унга тўла амал қилинишини тақозо этади, шунингдек, у ижтимоий маданиятнинг ўзига хос амалий ифодаси ҳисобланади. Маросимлар эса урф-одатларнинг барқарорлашган шаклини билдириб, ички яхлитликка, шаклан бежиримликка эга бўлади. Маросимларнинг энг муҳим ҳислатларидан бири-бу халқ назокати, латофати, нафосати, руҳияти-туакс этиришидир. Ота-онага ҳурмат, кексаларга ҳурмат эҳтиром қабилар ўчбек ва Марказий Осиё халқларининг энг асосий урф-одатлари ҳисобланади.

Халқ расм-русумлари, маросимлар иа урф-одатлар доирасига мансуб бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатини англатади. Расм-русумлар, маросимлар ва урф-одатларнинг намоён

бўлиши шакли тариқасида тасниф қилинади. Масалан, тўй, меҳмон кутиш, дафн билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар умумий жиҳатлар билан бир қаторда, ўзбек миллатида сўз ва ҳаракатлар билан ажралиб турадиган ўзига хос маҳаллий хусусиятга эга.

Ўзбек халқининг азалий ҳашар, қонун сайли, ҳосил байрами каби анъаналари ҳозирги даврда янгича моҳият касб этиб жумҳурият миқёсида давом этмоқда.

Анъана ва урф-одатлар моҳиятига кўра инқилобий, жанвогарлик ва меҳнатсеварлик хусусиятига эга бўлиб, умумийлик, халқаро, байналмилал ва миллийликни ўзида акс этиради. Масалан, атоқли кишиларнинг таваллул топган саналарини нишонлаш (Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Удугбек, Амир Темур, Алишер Навоий ва Ҳоказо), Наврўз пахта ва ҳосил байрами, учун сайли қабилар эса миллий хусусият касб этади.

Ҳозирги даврда чақалоқларни тантанали равишда рўйхатга олиш, гўдакка исм қўйиш, 16 ёшга етган паспорт топшириш, биринчи кўнғироқ, сўнгги кўнғироқ, биринчи курслар билан учрашув, катта ҳаётга йўлланма бериш маросими, тантанали равишда ишчилар, деҳқонлар, сафига қабул қилиниш, меҳнат фахрийларини нафақага кузатиш, «Кумуш тўй», «Олтин тўй», «Ховли тўй», «Пайгамбармиз ёши» «қабилар анъаналар қаторига киради.

Миллат ва миллат билан боғлиқ бўлган кўплаб омиллар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаб келган ва бундан кейин ҳам узоқ давргача ўз аҳамиятини йўқотмайди. Олимларнинг кўрсатишича ижтимоий - иқтисодий ва маданий тараққиётни турли босқичларида турган 4 мингга яқин миллат ва элат ҳамда турли халқлар мавжуд экан.

Уларнинг ҳар бирини ўз тарихи, маданияти ва миллий қадриятлари бор. Уларни ўрганиш миллатлараро муносабатларини ташкил қилишда, турли иқтисодий, маданий алоқаларни ўрганишда катта ёрдам беради. Лекин, яқин давргача бизнинг ижтимоий фанлар тизимида миллий масалалар ва унда психология омилларининг тутган ўрнига етарлича баҳо берилмай келинди. Айрим ҳолларда эса асоссиз равишда инкор этилди. Ҳатто баъзи бир тадқиқотчилар миллий хусусиятлар, этнопсихология масалаларини ўрганишга шубҳа билан қарашди. Бунда улар этнопсихология масалаларини ўрганиш бир халқни мактаб, иккинчисини камситишга олиб келиши, ирқчилик, миллатчиликни келиб чиқишига сабаб бўлади, деб хавотирланишди. Этнопсихологияга оид айрим тадқиқотларда муаллифлар ўз миллатларини ҳаддан ташқари кўкларга кўтариб юбориш, бошқа кўшни халқлардан устун қўйиш ҳоллари бўлганки, бу табиий турли норозиликларни туғилишига сабаб бўлган. Шунинг билан биргаликда халқларнинг воқелик ва табиатни идрок қилиш, кийиниш, авлодлар тарбияси, авлодлар ўртасидаги муносабатлардаги ўзаро ҳослигини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас.

Этник ўзига ҳослигини инкор этиш, миллий муносабатларда ҳисобга олмаслик турли салбий муносабатларни, ҳатто этник низоларни келтириб чиқаради. "Этнопсихология"- этнография ва психология фанларининг қўшилишидан ташкил топган бўлиб, грекча "этнос" халқ, қабила "психология" рух илми деган маъноларни англатади.

Бу фан маълум миллат ва этник бирлик вакилларининг ўзига хос рухий қиёфаси, ҳулқ атворининг, замонавий термин билан айтсак, менталитетни ўрганади. Ҳар бир халққа хос бўлган миллий характер, урф-одат ва анъаналар, миллат туйғулари ва дид, этник онг ва миллий ўзини-ўзи англаши, вужудга келтириши, намоён бўлиши, ўзгариши ва ривожланиши каби масалалар ҳам этнопсихологияни ўрганиш объекти ҳисобланади.

Тадқиқотчилар томонидан этнопсихология масалаларини ўрганишда маълум муваффақиятларга эришилган бўлса ҳам, лекин унинг кўп муаммолари ҳали ўзининг ечилишини тўла топган эмас. Шулардан бири- миллийлик ва байналминаллик хусусиятларининг ўзаро муносабатидир. Миллат синфлар ва турли ижтимоий гуруҳларни ўрганишда файласуфлар, социолог ва тарихчилар, асосан уларнинг моддий ва маънавий маданияти, тартиби, ижтимоий муносабатларга эътиборини қаратган бўлсалар, психологлар эса, шахс психологиясини ўрганиш билан чекланиб қолишган.

Этнопсихология муаммоларини тадқиқ этувчи жаҳон олимларининг жуда кўпчилиги, бу муаммоларни ўрганиш қийин эканлигини, бу соҳада учрайдиган мураккабликларни таъкидлашади. Чунки этнопсихология хусусиятларини эмперик тадқиқ этиш қийин. Барча

мураккабликларни қамраб оловчи методлар яратилмаган. Бир мамлакат халқини ўрганиш учун яратилган методлар бошқа мамлакат халқини ўрганишга тўғри келмайди, акс ҳолда қарама - қарши муносабатларни пайдо қилиши мумкин.

Бу соҳадаги муаммо яна шундаки, бир этнос ичидаги турли синфлар, социал гуруҳларда миллий хусусиятларнинг намоён бўлиши маълум даражада бир - биридан фарқланади. Шунинг билан биргаликда тадқиқотчи этник психологиядаги ўзига хослик, бошқа этник гуруҳлардан фарқ қилувчи маҳсуслик ва умумийлик томонларини очиб бера олиши керак. Ва ниҳоят этнопсихология хусусиятлари қотиб қолган, ўзгармайдиган нарса эмас. Улар маълум бир ижтимоий ўзгаришлар натижасида, айрим бир хусусиятларни ўзгартириши, янги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи ҳислатларни ҳосил қилиши мумкин.

Инсон узининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида объектив дунёни билиб боради. Билиш дунёни инсон онгида акс этишининг мураккаб жараёни бўлиб, у билмасликдан билишга, ноаниқ ва тула бўлмаган билимлардан анча аниқ ва тула билимларга томон ҳаракат қилиш сифатида соодир бўлади. Билиш теварак-атрофдаги одамнинг нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок қилишдан бошланади. Ташки оламнинг сезги, идрок ва тасаввурнинг ҳосил бўлишига олиб келади, булар реал борликдаги нарсаларни инсон онгида акс эттиради. Теварак-атрофдаги оламга муваффақиятли таъсир этиш учун бу олам ривожланишининг объектив қонуниятларини билиш керак. Фақат ҳиссий билиш ёрдамидагина бу қонунларнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Абстракт тафаккур табиат ва жамият ҳаёти ривожланишининг объектив қонунларини билишга хизмат қилади. Абстракт тафаккур ҳиссий билиш ахборотларини умумлаштириб, нарса ва ҳодисалардаги ҳамма муҳим бўлмаган тасодифий томонлардан узоклашади ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориб, уларнинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиб беради. Умумлаштириш натижалари фан тушунчалари ва қонуниятда ифодаланади. Уларнинг ҳақиқийлиги амалиётда тикширилади, амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини курсатувчи олий мезондир.

Бирок олимнинг ҳали номаълум бўлган сирларини билиши билан, укувчининг фанлар соҳасида баён қилинган билимларни билиши уртасида катта фарқ бор, яъни олим янгиликни кашф қилади, укувчи эса тайёр синалган бор билимларни узлаштиради. Укувчиларнинг билимларни узлаштириш жараёни узига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Аввало бу узлаштириш бу узлаштириб олиш укувчи раҳбарлигида бўлади ва шунинг учун тугри йул билан амалга оширилади. Бу узлаштириш инсоннинг борлиқни билиб олиш жараёнида учрайдиган эгри-бугри йуллар ва янгилишувларни четлаб ўтиб, анча қисқа йул ва муддатда руй беради.

Укувчилар уқиб, укув фанларининг мазмунини узлаштира бориб, объектив оламни билиб борадилар. Улар илмий билимларнинг ҳаммасини эмас, балки уларнинг «фан асослари» деб аталадиган бир қисминигина узлаштириб оладилар. Маълумки, одам муайян билим, қуниқма, малака ҳосил қилиш учун ҳулқ-атвор шакллари хам урганиб олиши учун, ижтимоий тажрибалардан ташкил топган малакаларнинг асосий ҳажмини эгаллаб олиш учун у укув-тарбия тизимининг турли соҳалари билан машғул бўлмоғи ва бу ишларга жалб этилмоғи керак. Бундай ҳодисаларда тегишли бир мазмунни узлаштириб олиш бир-бири билан алоқадор бўлган икки жараён: таълим олиш (ёки ўқиш) ва ўқитиш жараёнининг натижаси сифатида зикр этилади. Фан-техника тараккиёти ҳамда узлуксиз таълим олиш гоёси амалга ошириладиган бир шароитда таълим инсон социал фаоллигининг предметли фаолиятнинг субъекти ҳамда ижтимоий тараккиётнинг фаол иштирокчиси сифатида узини доимий равишда қамолга етказишга қаратилган фаол социал фаолиятнинг мураккаб шакли сифатидан қупрок аҳамият касб эта боради.

Таълимда қупрок сузлар-тушунчалар шаклида ифодаланган умумлаштирилган билимлар укувчи томонидан баён этилади, укувчилар томонидан эса бу билимлар идрок қилинади, узлаштирилади, реал нарсаларни идрок қилиш эса (нарсаларнинг ўзи, макети, расми ва х.) бунда ёрдамчи роль ўйнайди.

Укувчилар таълим жараёнида билим, куникма ва малакаларни эгаллаб оладилар. Билимларда объектив олам умумлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Билимларни узлаштириш фактлар, тушунчалар ва қонуниятларни урганишни назарда тутлади.

Укувчининг билимлари тула булиши, унинг билимлар тизимини эгаллаб олиши жуда муҳимдир, бу билимлар тизимида фактик материални билиш унинг мантикий жихатдан тугри деб топилган тузилиши ва умумлаштирилиши билан қушилиб кетади.

Хар қандай таълим, айниқса ишлаб чиқариш таълими, факат тасаввур ва утушунчалар тизимининг ҳосил булиши билан чекланиши мумкин эмас. Ишнинг қандай бажарилиши ҳам етарли эмас. Уни бажара билиш керак. Куникма ва малакалар исталган меҳнат турида билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланишга хизмат қилади.

Куникма – кишининг маълум бир ҳаракатларни онгли равишда бажариш қобилиятидир, бу қобилият билимлар ва энг оддий тажриба асосида ҳосил қилинади. Билимлар бажарилаётган ҳаракатнинг назарий асоси ҳисобланади. Билимлар туфайли ҳаракатларнинг айрим босқичлари ва уларнинг кетма-кетлиги тушунарли бўлади. Куникмалар – бу амалдаги билимлардир. Куникмаларнинг турлари жуда хилма-хилдир.

Малака – машқ қилиш йули билан ҳосил буладиган иш-ҳаракатдир. Машқ қилиш натижасида юриш, уқиш, ёзиш, оғзаки ҳисоблаш, хилма-хил меҳнат операцияларини бажариш малакалари ҳосил қилинади. Укувчи ҳаракатни бажаришнинг муайян усулларини эгаллаб олади ва бу ишни гуё онгнинг назоратсиз, автоматик тарзда бажаради. Масалан, механизмни йиғиш учун операциялар кетма-кетлигини тасаввур қилиш, керакли асбобни танлаш лозим. Агар ҳаракат одатдаги бир ҳаракатга айланса, у онгнинг зохирий иштирокисиз бажарилади. Масалан, детални қисқичга қисиш юзасидан қилинадиган ҳаракатларни қўл марта такрорлаш ишчини ҳар доим бу ҳаракатнинг кетма-кетлигини уйлаб қўришдан озод қилади. Ишнинг мазмуни, шакли узгаргандагина одатдаги шароитлари узгаргандагина ишчининг онги ишга киришади.

Индивидда жамият томонидан уша предметлардан фойдаланиш юзасидан қабул қиланган усулларнинг психик механизмлари шакллантирилган бўлмоғи лозим. Агар укув фаолияти маънавий маданият мазмунини эгаллаб олишга қаратилган бўлса, ундай ҳолларда индивиднинг шахс онгида тегишли мазмунни қайта тиклаш учун зарур бўлган муқаммал ҳаракат ва операцияларни эгаллаб олмоғи муҳимдир. Чунки, тадқиқотларнинг қўрсатишича, теварак аторфдаги воқеаликнинг инъикоси инсон билан унинг фаолияти жараёнида объектив реаллик образини киши онгида фаол шакллантиришдан иборат бўлади.

Укув фаолияти ўз навбатида бир қанча компонентлардан ташкил топади. Уларни шартли равишда қўзғовчи, программа-мақсадли, ҳаракат-операцион ҳамда назорат қилувчи-мувофиқлаштирувчи компонент деб аталиши мумкин бўлган структурали компонентларга ажратиш мумкин.

Қўзғовчи компонент билишга бўлган эҳтиёжларни ана шу боисда шакллантирилган укув мотивларини ўз ичига олади. Янги билимлар олиш эҳтиёжи мотив сифатида қизиқиш қўринишида булиши мумкин. Хар қандай фаолиятнинг, шу жумладан, укув фаолиятининг асосида ҳам қўзғатувчи компонент ётадики, у барча компонентларга, уларнинг қечиш динамикаси ва ҳосил қилинадиган пировард натижага ҳам бевосита таъсир қўрсатади.

Укув фаолияти программали-мақсадли компонентнинг асосий элементи сифатида майдонга чиқади, аниқроғи, уша фаолиятнинг идеал тарздаги пировард натижаси сифатида намоён бўлади. Укув мақсадининг мазмуни ҳамда унинг шаклланиш жараёни, аввало, бир қатор вазиятларни укувчилар томонидан тула англаб етилиши билан белгиланади. Укувчининг укув фаолияти асосида ётган мотивларни, конкрет шароитда укув вазияти (вазифаси), конкрет билим олиш шароитида ҳамда ўз фаолиятини муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун зарур қўникма ва малакаларга конкрет укув шароитида қўйиладиган талабларни алоҳида ажратиб қўрсатиш лозим. Ўз олдига аниқ мақсад қўйиш – укув фаолиятини қенгайтира боришдаги муҳим босқичдир. Пировард натижада мулжалланган аниқ мақсадга эришиш учун ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, бундай мақсаднинг асосини ташкил қилади.

Харакатли-операцион компоненти укув фаолиятидаги хатти-харакат ва операцияларни узида мужассамлаштиради. Бундай хатти-харакат давомида илгари тузиб чикилган дастур амалга оширилади. Укув фаолияти структурасида перцептив, мнемоник, предметли, нуткли ва аклий фаолият ҳаракатларини ажратиш курсатиш мумкин. Укув фаолиятининг таркиби, аввало, укув материалининг мазмуни, укув фаолиятининг мақсади, укувчилар томонидан укув ишлари усулларининг эгаллаб олиш даражаси муайян педагогик вазиятда укувчининг муносабати билан белгиланади. Операциялар укув фаолиятини амалга ошириш усули ҳисобланади. Н. Ф. Тализина таъкидлаб утганидек, операцияларни изчил бажара бориш фаолият жараёнини ташкил этади. Укув фаолиятини амалга ошириш усуллари қараб чиқилар экан, бу ерда Е. Н. Кабанова – Меллер фанга киритган укув ишининг усули деган тушунча билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Укув ишининг усули – бу бир қатор укув ҳаракатларининг йиғиндиси бўлиб, улар муайян бир тизимга бирлашади. Мазкур тизимнинг ишга солиниши қуйилган укув мақсадига эришишни таъмин этади.

Укув фаолияти билан боғлиқ бўлган, бу фаолиятни баҳолаш, назорат қилиш ва уз-узини мувофиқлаштириб туриш сингари узига хос хатти-харакатларни назорат қилувчи – мувофиқлаштириб турувчи компонентни ташкил этувчи элементлар ҳисобланади. Мана шу ҳаракатлар ёрдамида амалга ошириладиган укув жараёнида ҳосил қилинган натижаларни назорат қилиш баҳолаш таъмин этади. Ҳосил қиланган натижаларни фаолиятнинг мақсади ва қундалиқ вазифалари билан таққослаш асосида, агар зарур бўлиб қолса, укув ҳаракатлари тизими коррекция қилинади. Дастлабки босқичларда укув фаолиятини уқитувчи баҳолайди ва назорат қилиб боради. Лекин укув фаолияти билан шугулланаётган шахснинг баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ҳаракатларини эгаллаб олиш даражасига қараб бундай фаолият узига-узи баҳо бериш ҳамда уз-узини назорат қилиш фаолияти билан алмаштирилади. Бундай ҳолларда уқиш жараёнида укувчилар эгаллаб олган укув ишининг усуллари фаолият ориентирлари сифатида майдонга чиқади. Укув фаолиятини бошқаришда уз-узини мувофиқлаштириб туриш механизмларининг вужудга кела боришига қараб, дастлабки вақтларда фақат топшириқларни бажариш натижалари асосида белгиланадиган фаолиятнинг самарадорлиги аста-секин фаолият мақсадини рўёбга чиқариш учун танлаб олинган усуллар уша фаолият мақсадига мувофиқ келадими ёки йўқми деган масалага жорий баҳо бериш ишларига қучириб борилади. Бу тенденция прогноз қилинадиган уз-узини назорат қилишни ривожлантиришга олиб келади ҳамда уқишни инсоннинг мустақил равишда узи ташкил этадиган ва йўналтириб турадиган фаолиятга айланиб боришидан далолат беради.

Индивиднинг укув фаолиятини психологик таҳлил қилиш мана шу укув фаолият натижаларини ҳам уз ичига олади. Шахснинг онгида ва унинг ҳулқ-атворида содир буладиган у ёки бу узгаришлар ана шу фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Педагогик психологияда укув фаолияти натижаларининг моҳияти «таълим» деган тушунча орқали ёритиб берилади. Л. Б. Ительсон таълим тушунчасини «жисмоний ва психик фаолият (ҳулқ-атвор) да содир буладиган барқарор ва аниқ мақсадга қаратилган узгаришлар бўлиб, улар илгари амалга оширилган фаолият (ёки ҳулқ-атвор) туфайли вужудга келади, аммо организмда содир буладиган бевосита тугма физиологик реакциялар орқали вужудга келмайди» деб таърифлайди. Бинобарин, укув жараёнини таълимни мақсад қилган фаолият тури сифатида қараб чиқиш мумкин.

Таълим натижалари тугрисида гапирганда конкрет укув вазияти шароитида киши эгаллаб оладиган билимлар, қуникма ва малакаларнигина санаб утиш билан чекланиб қолмаслик керак. Бундай ҳо лшу билан изоҳланадики, бу ерда укув фаолиятининг субъекти сифатида муайян психик хусусиятларга эга бўлган укувчининг яхлит бир шахси, бутун бир тизим майдонга чиқади. Маълумки, у ёки бу тизимга ҳар қандай йўл билан таъсир қурсатилиши бутун системанинг ҳолатида узгаришлар содир бўлишига олиб келади. Шунинг учун укув фаолияти натижасида кишида илгари мавжуд бўлган билимларга, тевақал атрофдаги ҳаётни иникос этиш усулларига унинг ҳаракат дастурларига қўшимча тарзда, таълимнинг бошқа ҳар қандай фактлари вужудга келганда содир бўлгани сингари шахснинг онгида ҳамда унинг психик хусусиятлари мазмунида ҳам узгаришлар содир бўлишига олиб келади.

Ана шу хол индивиднинг узлуксиз таълим олиш жараёнини шахснинг таркиб топишида, унинг ахлокий кифоиси ва гоёвий этикоди шаклланишида муҳим омил деб қараш учун асос беради.

Ҳозирги вақтда шу нарса исбот қилинганки, эгаллаб олинган билимларнинг шахсга қай даражада таъсир қурсатиши уша билимлар қандай узлаштириб олинганига боғлиқ экан. Билимлар турли даражада узлаштириб олинган бўлиши мумкин. Бу эса: а) ҳодиса тугрисида янги олинган ахборотни илгари мавжуд бўлган шу ҳилдаги ахборотга яқинлаштириш; б) илгари узлаштирилган ахборотни қайта тиклашга таянган ҳолда таянган ҳолда воқеа-ҳодисани баён этиш; в) ҳодиса-нинг моҳиятини белгилаб берадиган энг муҳим хусусиятлар, алоқа ва муносабатлар уз аксини топган тегишли шунга ухшаш ҳодисанинг киши онгида қайта тикланадиган образи (ёки модели) дан фойдаланилган ҳолда содир бўлаётган воқеаларни изоҳлаб бериш; г) предмет ва ҳодисаларни фаолият вазифаларига мувофиқ равишда қайтадан узгартириб боришни амалга ошириш ва бунинг учун шу мақсадга илгари эгалланган билимларни ривожлантириб бориш имконини беради. Масалан, материалларнинг пластик хусусиятга эга эканлиги ҳодисаси тугрисидаги билимлар, дастлабки босқичда эгаллаб олинганлиги туфайли пластик материални пластик бўлмаган материалдан фарқлаш имконини беради. Иккинчи босқичда—пластик материалларнинг баёнини бериш мумкин. Учинчи босқичда – пластиклик сабабларини изоҳлаш, туртинчи босқичда – уша материалнинг ички тузилишини зарур тарзда узгартириш асосида материалнинг пластиклигини оширишга имкон беради. Биринчи босқичда узлаштириб олинган билимлар таништирувчи билимлар, иккинчи босқичда эгаллаб олинган билимлар нусха қучирувчи билимлар, учинчи босқичдаги билимлар – қуникма билимлари, туртинчи босқичдаги билимлар – трансформация билимлари дейилади. Узлаштириб олинган билимларнинг функционал имкониятлари уртасидаги фарқлар материалнинг хусусиятига қараб, укувчининг укув вазиятидаги позициясига қараб – укувчида ҳаётий масалаларни баён этиш, изоҳлаш ва уларни узгартириш усуллари қай даражада шаклланганлигига қараб белгиланади.

Укув жараёнида ҳосил қилинган билимлардан ташқари укувчи шахсини шакллантиришга укув фаолиятининг узи ҳам таъсир қурсатади, чунки бу фаолиятни узлаштириш ва амалга ошириш ҳам психиканинг муайян даражада ривожланган бўлишини такозо этади. Укув фаолияти жараёнида укувчи уқитувчи раҳбарлигида укув фаолиятининг барча компонентларини эгаллаб олади. Бу укувчининг укув субъекти сифатида қарор топишига шарт-шароит яратади.

Усмирлик ёшидан бошлаб уқиш укувчи учун энг аввало социал фаолликни ташкил этиш воситасига айлана бошлайди. Таълимнинг социал аспекти биринчи планга олибю чиқилади. Укувчи тенгдошларининг хатти-ҳаракатларига уртоқларча баҳо бериш иштиёқлари рефлексия объектига айлана боради. Унинг моҳиятига тушуниш натижасида бу ҳол шахс томонидан узи-узи баҳо бериш, назорат механизмлари ҳамда уз ишини узи мувофиқлаштириб бориш одатлари вужудга келишига таъсир қурсатади. Усмирлик даврида укув фаолияти фақат ижтимоий-тарихий тажрибани узлаштиришдангина эмас, балки у укувчининг дунёқарашини узгартириш, билимини кенгайтириш ва бойитиш функцияларини ҳам бажаради. Уқиш киши учун унинг сермахсул фаолиятида қулга киритиладиган самарадорликни таъминлаш воситаси бўлиб қолади, фан-техника таракқиёти шароитида у узлуксиз уз билимини бойитиш ва уз-узи такомиллаштириш жараёнига айланади.

Билиш фаолиятининг босқичлари. Укувчиларнинг билим, қуникма ва малакаларни узлаштириш жараёни бир қатор босқичлардан: билимларни идрок қилиш, тушуниш, мустаҳкамлаш ҳамда уларни амалда қуллаш босқичларидан иборат бўлади.

Сезги ва идрок асосида реал воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўлади. Сезгилар – олам ҳақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Идрок бир қатор сезгиларни уз ичига олади, бироқ у фақат сезгиларнинг йигиндиси эмас, балки айни шу дақиқада сезга аъзоларимизга таъсир этаётган нарсаларни билишга қаратилган, сифат жиҳатидан анча мураккаб жараёндир. Идрок фақат сезгиларга эмас, балки

кишининг илгариги тажрибасига, амалий ишларига ҳам асосланади. Апперцепция ходисаси – илгари тажрибалар идрок мазмунини бойитади, тулдиради.

Идрок – маълум бир мақсад ва танлаш қобилияти билан характерланидиган фаол жараёндир. Вазифа аниқ қилиб қуйилса, идрок қилишнинг ҳаётий зарурлиги тушунилса, киши онгида буюмнинг кузга ташланиб турадиган томонларигина эмас, балки идрок қилиш учун маълум бўлган иродавий куч талаб қилинадиган томонлари ҳам ақс этади.

Янги материални идрок қилиш уқитувчининг тушунтириши билан бирга боради, бунда уқитувчининг тушунтириши уқувчилар билиш фаолиятининг ривожланиши ва улар тафаккурининг таркиб топиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Уқитувчи уқувчилар билан суҳбатлашиш жараёнида уларда пайдо бўлган тасаввурларнинг тугрилиги ва аниқлигини текширади. Бироқ ҳамма тасаввурларни фақат шу йул билан ҳосил қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, билишнинг бошланғич босқичи уқувчиларнинг конкрет нарсаларни идрок қилишдан иборатдир, бунинг учун уқувчиларнинг аввалги ҳамма тажрибалари, кузата билиш малакаси, нутқи ва тафаккури, яъни бевосита ва билвосита усуллар билан тасаввурлар ҳосил қилиши катта аҳамиятга эга.

Уқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқич – билимларни тушуниш ва умумлаштиришдир. Тасаввурлар асосида уқувчиларда тушунчалар ҳосил бўлади, бу тушунчаларда урганилаётган нарса ва ходисаларнинг энг муҳим белгилари, улар уртасидаги қонуний боғланишлар ва муносабатлар ақс этади. Тушунчаларнинг ҳосил бўлиши мураккаб жараёндир. Уқитувчи тушунча бурар экан, фикрни бошқаради, тафаккур жараёнини ташкил этади, бунда солиштириш ва таққослаш, шунингдек анализ ва синтез муҳим рол уйнайди, изоҳлайди, ухшатади.

Янги тушунчалар ҳосил бўлиши жараёнида индукция ва дедукция каби фикрлаш операциялари катта рол уйнайди. Индукция – хусусий ҳоллардан умумий қоидага олиб боради, дедукция эса – умумийдан хусусийга борадиган фикр юритиш йулидир.

Тушунчалар ҳосил бўлишида таърифларни узлаштириш катта урин эгаллайди. Шунингдек, тушунчалар ҳосил бўлиши уқув фанининг мазмунига ҳам боғлиқ. Масалан, уқувчилар махсус технология дарсларида моддий бойликлар ишлаб чиқариш учун табиат маҳсулотларидан фойдаланиш усуллари билан танишадилар. Бу усуллар табиат қонунларини билишга таянади. Шунингдек, тушунча ҳосил қилиш уқувчининг ёш хусусиятлари ва қулатувчанлик сифатларига ҳам боғлиқ бўлиб, абстракттушунчалар шаклланиши тезлигига ва сифатига таъсир этади.

Тушуниш ва умумлаштириш уқувчиларнинг билимларни узлаштириш жараёнидаги муҳим шартдир. Бунда уқитувчи раҳбар-лиги ута муҳимдир.

Уқувчиларнинг билиш фаолиятидаги учинчи босқич-билимларни мустаҳкамлаш ва қуллашдир. Мустаҳкамлашнинг моҳияти янги материаллашдир. Билимларни мустаҳкамлаш жараёнида буш ва барқарор боғланишлар мустаҳкамланиб боради. Янги билимларни тушинтиргандан кейин утиладиган материални дастлабки мустаҳкамлаш ҳақида гапириш мумкин. Уқувчиларнинг фикр юритишдаги фаоллигини ошириш учун материални дастлабки мустаҳкамлаш вақтида материалга оид саволлар қуйиш билангина қифояланмаслик керак. Бунинг учун уқувчининг қитоб ва дарсликлар билан мустиқил ишлашидан, турли хил машқларни ва амалий ишларни бажаришдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Материалнинг кейинги мустаҳкамлиниши уй вазифаларини бажариш жараёнида давом этади. Материални пухта ва мустаҳкам узлаштирилишида тугри тақрорлаш (хар мавзунини утгандан кейин, бўлим ёки боб утилгандан кейин), ҳозирги қунда қулланаётган жорий, оралик ва якуний назорат усули худди шу асосда ташкил этилади. Тақрорлашлар материални эсдан чиқаришнинг олдини олади, урганилган материалнинг мустаҳкамланишга, тақомиллаштириб боришга ва умумлаштиришга ёрдам беради.

Билим, қуниқма ва малақаларни муваффақиятли эгаллаб олиш воситаларидан бири–аввал узлаштириб олинган билимларни амалда қулланишдир. Амалиёт материални янада яхшироқ қилиб олишга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

МС: «Электрон дарслик» сингари таълимий воситаларни яратишга қандай талабларни қўйиш мумкин?

Назорат учун саволлар:

1. Таълим психологиясининг, мақсад ва вазифалари қандай?
2. Ўқув фаолиятининг психологик асосий қонуниятлари қандай?
3. Муаммоли вазият нима?
4. Ўқув фаолияти нима?
5. Таълим жараёнига миллийлик тадбиқ этилишининг сабаби?
6. Этнопсихология нима?
7. Таълим ёки уқитиш, унинг моҳияти нима?
8. Билим эгаллаш босқичлари қайсилар?
9. Билим олишни бошқариш муаммолари қайсилар?
10. Узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва интенсивлаш.

17-МАВЗУ: Педагогик қобилиятларнинг таркиб топиши ва уларнинг ўқув фаолиятини бошқаришдаги аҳамияти

Мавзу режаси:

Кириш.

1. Ўқитувчи психологияси.
2. Ўқув фаолияти ва уни бошқараш.
3. Ҳозирги замон ўқитувчиларининг қобилият қирралари.

Шундай бир касб борки, жамият учун зарур бўлган бирор мутахассис унинг иштироки ва меҳнатисиз уз касбини мукамал эгаллаб чиқа олмайди. Бу -уқитувчилик касбидир. Уқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касбидир. Чунки ҳар қандай одам ҳам бу мураккаб касбни эгаллаб ололмайди. Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълим тугрисидаги қонунда ҳозирги замон уқитувчиси қайси сифатларга эга бўлиши кераклиги шундай санаб утилади:

– педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;
– миллий маданият ва умум инсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол;
– Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараккий этишга ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тугри англаган, эътиқодли фукоро;
– ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек назарий илмларни мукамал эгаллаган;
– Уқитувчилик касбини ва болаларни яхши одам бўлишига чин қўлдан келгандек ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида қамол топишига қўллашадиган;
– эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Бундан ташқари ҳозирги замон маданиятли кишиси эга бўлиши керак бўлган барча сифатларга, жумладан юксак маънавиятга эга бўлиш, фан–техника тараккийи ва ундан қўлдан келгандек ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида қамол топишига қўллашадиган;

Мустақил Ўзбекистон Республикасида уқитувчиларга қўйилган талабларни жуда қўлдан келгандек ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида қамол топишига қўллашадиган;

Ўзбек халқи қадимдан устозни эъзозлаб келган халқ бўлиши билан шўхрат қозонган. « Устоз отангдан азиз », « Уста қандай-шогирд шундай », « Устоз билимли- шогирд илмли » сингари халқ мақолларида ҳам уз ифодасини топган.

Техника тараккиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш шароитида одамларнинг умум таълим ва касбий тайёргарлигига ҳарбир кишининг меҳнатга энг биринчи ижтимоий бурч сифатида онгли, ижодий муносабатни шакллантиришга нисбатан қуйиладиган талаблар ҳам ошиб бормокда. Ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган умум таълим ва ҳунар таълимини ислох қилиш тадбирлари, таълим тугрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастур ва бошқалар мана шу талабларга жавоб беради. Мактаб ислохотини амалга оширишда уқитувчи ҳал қилувчи рол уйнайди.

Шуни айтиш керакки, миллий дастурда қўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш суръатлари қўжикхатдан умум таълим ва касб-ҳунар мактаби уқитувчисининг фаоллигига, унинг назарий ва амалий тайёрлиги сифатига ва даражасига боғлиқ. Ҳозирги замон ижтимоий воқелиги замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий йўналишларининг асосларини, уни интенсивлаштиришнинг етакчи йўналишларини урганишни янада пухтароқ йўлга қўйишни талаб этади. Уқувчиларнинг компьютер саводхонлигини таъминлашэса, айниқса зарурдир. Умуман таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш принципини янада тулароқ қўёбга чиқаришга, таълим бериш самарадорлигини оширишга, ёшларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тўбдан яхшилашга, замонамизнинг онгли қўрувчиларини тарбиялашга янада қатъийроқтарзда эришмоқ керак.

Бирок, уқитувчининг функцияси у дарс пайтида қўрсатган фаолият билангина чекланиб қолмайди. Уқитувчи уқувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда бажариладиган синфдан ташқари ишларни ташкил этади, синф, гуруҳ раҳбари вазифасини бажара бориб, болаларнинг ота-оналари билан иш олиб боради. Бундай шароитларда уқувчиларнинг уқув ва ўқишдан ташқари фаолиятини ягона таълим тарбия жараёни сифатида режалаштириш ва ташкил қилишга нисбатан комплекс ва изчил ёндошишнинг уқитувчи фаолиятидаги роли ортиб боради. Бундай фаолият уқувчиларни билимлар билан қўроллантиришга ҳамда билиш, мулоқот ва меҳнатнинг онгли субъектлари сифатида улар шахсини шакллантириб боришга қаратилмоғи керак.

Уқитувчи меҳнатини педагогик-психологик тадқиқ этиш шуни исбот этганки, уқувчиларнинг уқув фаолияти самарадорлигига қўят қатта таъсир қўсатади. Уқитувчининг илмий жихатдан билимдон-лиги, унинг шахсига ҳос ижодий фазилатлар уқувчиларга тарбия беришнинг, уларда онгли фаолликни ҳамда мустақил ижодий билишга бўлган интилиш фаоллигини шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Уқитувчининг дунёқараши – ундаги педагогик маданиятнинг ҳамда тарбиячи сифатидаги маҳоратнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Бугунги кунда ўзини педагогик касбига бағишлаган талаба ёшлар шуни яхши билишлари керакки, ҳозирги замоннинг ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ҳозирги замоннинг қўят долзарб ва кескин муаммолари юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказа олиш, одамларни ишонтира олиш, мустақил тугри ҳўлоса ва умумлашмалар чиқара олиш маҳоратини эгаллаб олишлари қўят муҳим аҳамиятга эгадир.

Уқитувчининг тарбиячи сифатидаги фаолияти, унинг бошқа соҳа билимларидан ҳабардор бўлиши, ўз фанига доир фундаментал билим-га эга бўлиши ҳамда мактаб уқувчисининг шаклланиб қўлаётган шахси психологияси, унинг қўбилиятлари тугрисида қўқур билимга эга бўлиши, кишилиқ оламида содир бўлаётган социал воқеа-ҳўдиса-ларни тугри идрок эта билиши ва уларга тугри баҳў бера билиши, синф жамоасини яхлит ва ҳар бир уқувчини пухта ургана билиши, уларнинг ҳўлк-аўвори ва социал фаолиятини олдиндан айтиб бера олиш маҳорат қўят қатта аҳамиятга эгадир.

Уқитувчи касб маҳоратининг ортиб боришида уқитувчига нисбатан мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, уқувчилар, ота-оналардан қўтиладиган социал муносабатлар жўда муҳимдир. Уқитувчининг обрўси унинг дарсдаги фаоллиги, мактаб жамоасида олиб қўрадиган ишлари, ота-оналар билан мулоқоти – ҳўллас, ўз аҳлокий идеалига мувофиқ ҳатти-ҳаракатлари билан белгиланади. У ўз уқувчиларида бўюрилган иш ўчўн юксак даражадаги социал маъсўлиятни ҳис қилиш одатини, олийжанобликни тарбиялаши, унинг интеллектуал қамолўтига эришиб, маънавий жихатдан мўсаффо киши бўлиб тарбияланишига эришмоғи керак.

Укитувчи фаолиятида, унинг укувчилар турли ёш боскичларида улар билан қандай услубда иш олиб бориши катта роль ўйнайди. Психологик–педагогик адабиётларда укувчиларга раҳбарлик қилишда тез-тез учраб турадиган қуйидаги беш хил иш услуби алоҳида ажратиб қўйилади: 1) Авторитар (ўзини устун қўйиш, «баланддимог»), 2) Авторитар (маъмурий бўйруқбоз), 3) Демократик (жамоага суяниб иш олиб боровчи), 4) Либерал – лоқайд (амалда раҳбарликдан четда, ўз вазифасини номигагина бажаради), 5) Ноизчил (укувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатларда вазиятга қараб иш тутайди, «унинг қим тарафдори эканини билиб бўлмайди!»), Реал ҳаётда укитувчи фаолиятида унинг раҳбарлик усули ҳар турли субъектив ва объектив омилларнинг таъсири остида шаклланиб боради. Бундай омиллар – педагогик фаолиятнинг бир субъекти сифатида укитувчининг юксак даражадаги педагогик маданияти қарор топиши учун зарур шартлардандир.

Укитувчи билан укувчи ўртасидаги турли хил вазиятлардаги ўзаро муносабатларни таҳлил қилиш натижасида болалар жамоасидаги психологик муҳит ва коммуникатив маданият укитувчининг укувчилар билан қиладиган муомала стили (тарзи) ва унинг педагогик такти (назоқати) га қўп жихатдан боғлиқ бўлади, деган ҳулосага қилиш мумкин.

Ҳуллас, педагогик касбини танлаган киши аввало соғлом бўлиши, яъни ташқи қуринишида бирдан қўзғатиланган нақсонни йўқ (буқри, оқсоқ, қилай бўлмаслиги), сузларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин бўлиши қарор. Шунингдек юқорида санаб қўйилган сифатларга эга бўлиши зарур.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб бера оладиган, болаларга таълим тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Укитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) Укитувчи шахсининг хусусиятлари; 2) Укитувчининг руҳий–педагогик тайёргарлигига қўйилган талаблар; 3) Махсус тайёргарлик ҳажми ва мазмуни; 4) Ихтисосга оид усулий тайёргарликнинг мазмуни.

Педагогик фаолиятнинг тузилиши: Ўқитувчининг ўзига ҳослиги фақатгина унинг ҳар томонлама педагогик фаолиятидаги фазилатлари билан боғлиқдир. Ўқитувчи фаолияти ўзаро компонентлардан иборат. Педагогик фаолиятнинг 3 компоненти фарқланади: конструктив, коммуникатив ва ташкилотчилик.

Конструктив компоненти.

Ташкилотчилик компоненти.

Коммуникатив компонент.

Ўқитувчиларнинг таълим олувчиларга нисбатан 5 хил эмоционал муносабатни ўз ичига олади: ижобий эмоционалликнинг сузлиги, салбий эмоционалликнинг активлиги, салбий эмоционалликнинг сузлиги ва ҳар хиллиги.

Ўқитувчидаги эмоционал қилма-қиллик ўқувчиларга нисбатан шубҳали ва салбий йўналтирилган бўлади, бу сентиментал ва ўқувчиларни асоссиз қўнғайтиради, бу эса синфда бир-бирига нисбатан асабий ва ва нотеқис муносабатларни қўнғайтириб чиқаради. Педагогик фаолиятнинг коммуникатив томони қарчча педагогик қараёнларни ўз ичига олади.

Қарсда янги материални қўшунтиришда ўқитувчининг эмоционал ўзатиши ўқувчиларда қилимни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

Яққа тартибдаги ёндошув инсоннинг коммуникатив фаолиятининг бир томони бўлиб унинг ишдаги ютуғини белгилаб беради. Ўқитувчи ўқувчидаги ўзига ҳос хусусиятларини сезиши ва қилиши қарак, унга қима ёрдам беради-ю, қима ҳалақит қиладди. Ўқувчининг сузлиги унинг темпераменти билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчидан такт ва қабр-қардошлиқни ва анатомо-физиологик хусусиятларнинг ўзига ҳослиги, нутқдаги қамчилиқлар қавжуд бўлган ўқувчиларга алоҳида эътиборни талаб этади.

Ўқув фаолиятидаги ҳар бир қарс қараённинг қосқичи ва айниқса сўроқ ўтқазилишида олдиндан ўйланган режалаштирилган мулоқот имқониятларини талаб қиладди. Қапни бўлмай тинглашни қилиш, ўз вақтида юзага қелган саволни қериш, қавобни ҳаққоний

баҳолаш, таълим олувчиларга субъектив муносабатда бўлмаслик, педагог шахсининг ўқувчига нисбатан ижобий таъсирини белгилаб беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бошланғич синфда ўқитувчининг фаолиятида конструктив ва ташкилотчилик компонентлари эмас, балки коммуникатив компонентлари муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўқитувчида ўқувчиларга нисбатан ижобий ёки салбий стереотипларни муносабатларини келтириб чиқариб, бу ўқитувчида хулқ-атворини ўзгартириш ва анализ қилишни талаб қилади.

А.И. Шербаков юқорида санаб ўтилган компонентлардан ташқари, педагогик фаолиятнинг қуйидаги тўлдирувчи томонларини очиб берган. Бу ахборотли томони (материалга эга бўлиш ва уни маҳоратини етказиш); ривожлантирувчи (ўқув шахсининг яхлит ҳолда ривожланишига йўналтириш); ҳаракатлантирувчи (таълим олувчиларга ақлий фаолиятларини фаоллаштириш ва уларни мустақиллигини ривожлантириш мўлжалланган (шахсни мотив ва идеалларига йўналтириш); изланувчан (педагогик жараёндаги ижодий изланишлар), ўз малакасини ошириш ва ўз маҳоратини жоимий равишда такомиллаштириш. Педагог касби учун шахсий хусусиятлар кўлами жуда муҳим ҳисобланиб, ўқитувчида педагогик фаолиятида ва худди шу вақтнинг ўзида унинг ютуқларини таъминлашда англаш ва фаолият юритиш бирлиги шаклланган бўлиши керак.

Педагогик фаолият мотивлари. Кўпгина мотивлар орасидан ўқитувчи шахси учун бош мотив сифатида касбий мотив ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий мотиви ҳар қандай мотивация сингари мураккаб тузилишига эгадир. Унинг таркибига педагог касбни танлаш мотиви, ўқитувчининг меҳнат фаолиятида вужудга келадиган мотивлар, педагогик фаолиятни мукаммаллаштирувчи мотивлар киради. Шубҳасиз, мазкур мотивлар негизда: жамият олдидаги бурчи, ватанпарварлик каби кенг ижтимоий установкалар ётади. Айнан бу хиссиётлар барча мотивларни ва фаолиятни белгилайди.

“Аммо педагогик меҳнат жараёнида мазкур ижтимоий установкаларни аниқ фаолиятга жалб қилиш мотивлари билан мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ушбу мотивга асосий эътиборини қаратмоғи лозим.

Педагог касбни танлаш мотив таркибига болалар билан ишлашга бўлган қизиқиш, ташаббускорлик қобилият, тақлид (севимли ўқитувчига нисбатан), болаларни текшириш ишлари ва бошқалар киради.

Педагог касбни танлаш мотиви ва педагогик фаолият жараёнида пайдо бўладиган мотив кўпгина ҳолларда бир-бирига мос келади. Масалан: педагогик коллеж ва институтларда ўқиб юрган кезларда ҳам ўқитувчининг барча ишларига бўлган тортиши янада фаоллашади. Бунга болаларга бўлган қизиқиш (ёки кўпгина ўқитувчилар айтишича болаларни яхши кўриш), ўқитувчи меҳнатининг жамиятда муҳимлиги, педагогик қобилиятларнинг бўлиши (масалан, дарснинг ижобий ташкил этилиши) кабилар киради. Қолган мотивлар ўқитувчилик ишини бошлашдан олдин жой эгаллаб (масалан: юқори синфларда севимли ўқитувчига тақлид қилиши аниқ фаолиятга нисбатан янги маълумотлар йиғилиб юқоридаги ҳислатларга қўшилиб кетади.

Педагогик фаолиятини такомиллаштириш мотивларини пайдо бўлишига ўқув дастури омил бўлиб хизмат қилади. Сўнги йилларда кўпгина назарий материаллар мураккаблашиб умумий, назарий тушунчаларни билиш учун билим салоҳиятини ошириш талаб қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик қобилиятларини такомиллаштириш мақсадида-ўзининг билим ва малака даражасини ошириш мотиви ҳосил бўлди. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчилар мустақил ўқишга малакасини оширишга олий педагогик маълумотни олиш учун сиртки бўлимга ўқишга интилдилар. Лекин бу умумий установкаларни-билим ва малакани оширишда турли эҳтиёжлар тегишли бўлиши мумкин.

Жамиятнинг мактабда ўқитишнинг билимларни такомиллаштириш учун утилитар ёндошув каби янги талабни кўйди. Ўқитувчи фақат йиғинди таркибини бошқармайди. Жамиятнинг кескин ривожланишини ўқитувчи ижодий ишида ҳал этади. Шунинг учун ўқитувчи

жамиятнинг катъий педагогик-психологик жараёнида янги назарий билимларга интилиши керак. Шундагина таълим олувчиларнинг ривожланиш даражаси замон талабига мос келади. Ўқитувчиларда касбий шахс хислатлари шаклланади.

Педагогик қобилият. Психологик тадқиқотларда аниқланишича, ўқитувчининг шахсида шахсий хислатлар ва билим, малака, кўникмалар синтези пайдо бўлар экан. Шунинг учун ҳам ҳар бир педагог ўзининг психик хусусиятларни чуқур англаши натижасида ўзининг тарбияси билан шуғуланишга олиб келади.

Ўсиб келаётган авлодни таълим-тарбиясининг муваффақияти биринчи навбатда қуйидаги хусусиятларга, яъни мустақиллик руҳини онгига сингдириш, маънавий хислатлар ва эркин эмоционалликни шакллантириш ва педагогик йўналтириш танланган касбга нисбатан муҳаббат ва садоқатни ўйғотиш кабиларга боғлиқдир.

Ўқитувчи фаолияти учун ҳамда бошқа турдаги фаолият мутахассислари учун диққатнинг барқарорлиги, мустақил фикрлаш, дадиллик каби умумий қобилият муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бошқа турдаги соҳаларда ҳам педагогик фаолиятда ҳақиқий муваффақият бўлиши педагогик қобилиятнинг ривожланишига боғлиқдир. Мазкур фаолият орқали индивидуал психик хусусиятларни муваффақиятга эгалланишига ёрдам беради.

Педагогик қобилият: Педагогик қобилият инсон-жисмоний ёки руҳий ҳаётини тизимга солиш тўпламидир. Бугунги кунда ўқитувчининг психологик хусусиятларини шахсий фазилатларини чуқур ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Педагогика-психология фанларидан ўқитувчининг касбий тайёргарлигига лаёқатига, шунингдек, шахсий сифатларини шакллантириш масаласига оид тадқиқот ишларини қўллаши кескин равишда ортади. Ўқитувчининг характер хислатлари, педагогик қобилиятлари, унинг иқтисодий кўникма ва малакалари унда тарбиячилик маҳоратида таркиб топтириши шартлари ўрганилмоқда. Ўқитувчининг касбий сифатларини шакллантиришининг механизмлари ва қонуниятларини кашф қиладиган махсус илмий изланишлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Касбий тайёргарликка оид тараққиётларда, ўқувчиларида ўқитувчилик касбига тайёргарликка оид, мотивлари, ўқувчлар педагогик йўналишни таркиб топтириш, тарбия жараёнининг илмий-назарий муаммолари ўқитувчилик маҳоратини эгаллашининг психологик манбалари, педагогик қобилиятларини ривожлантириш хусусиятларини, ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳамкорлик фаолияти, педагогик мулоқотлик психологик асослари олиб борилмоқда.

Бу соҳанинг йирик тадқиқотчилари қаторига И.В.Страхов, Н.В.Кузьмина, А.И. Шербаков, Ф.И. Гоноболин, В.А. Слистенин, С.Р.Ражабов, М.О.Очилов, М.Г. Давлетшин, Р.З. Гайнутдинов ва бошқалар киритиш мумкин. Рус педагогика И.В.Страхов, «Педагогик такт психологияси номли асарида ўқитувчини психологик одоби масаласини тадқиқ қилиб олинган натижаларини умумлаштириб берган. Унинг фикрича педагогик одобда асосий ўрин ўқувчига таъсир этилиши мақсадга мувофиқ кузатиш, кундалик педагогик ҳолатларни ҳисобга олиш зарурлиги, ҳамкорлик фаолиятида ўқувчини шахс хусусиятлари билан унинг имкониятларини эътиборга олиш эгаллайди. Бу асарда педагогик одобни (такидни) шакллантириш хусусиятлари ва унинг босқичлари тўғрисида умумлашган мулоҳазаларга яқун ясалади. Ана шу сабабдан И.В.Страховнинг мазкур иши ўқитувчи шахсини тадқиқ қилишга бағишланган дадил илмий қадам ҳисобланди.

Рус олими Н.В.Кузьмина ўқитувчилик фаолиятида педагогик қобилиятларни роли ва уларни таркиб топтиришга оид қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Муаллиф шахсий тадқиқотларида педагогик қобилиятларини гностик (билимга оид) проектив (олдиндан режалаштиришга қаратилган) конструктив ташкилий ва коммуникатив турларига ажратиб, уларни ҳар бири чуқур психологик тасниф билдиради, Ҳар бир таркибий қисм тажриба материаллари билан мустаҳкамланади. Н.В. Кузьмина педагогик қобилиятини муҳим аломатлари қаторига кузатувчанликни ҳам киритади, ўқитувчининг бу хислатлари ўқувчининг ички кечинмалари, хис туйғулари каби омиллари аниқлашга хизмат қиладди, бу нарса ўқувчининг фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини илғашга имкон яратади, унда айрим ўзгаришни кўриши ва таҳлил қилиши

шарт-шароитлари туғилади. Ўқитувчида кузатувчанлик пайдо бўлиши натижасида у диагностик сифатини вужудга келтиради.

Рус психологик А.И. Шербаков фикрига кўра педагогик фаолият бу ўқитувчининг олдида ҳудудий талаблар кўядиган талаблар психологик актдир. Педагогик фаолият ўқитувчининг чуқур ва пухта билимга педагогик қобилиятига, мустаҳкам ҳарактерга, юксак маънавиятга эга бўлишини тақозо қилади, А.И.Шербаков, ўқитувчи шахсини 6 та касбий таркибий қисмдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтади:

1. Юксак савиядаги билим ва маънавият.
2. Йўналишнинг аниқ йўналганлиги.
3. Юксак ахлоқий ҳисларнинг мавжудлиги.
4. Юқори даражада юзага келувчи фаоллик ва барқарор мустақиллик.
5. Қатъий ва силлиқ характер.
6. Педагогик қобилият.

А.И. Шербаков педагогик фаолиятда маҳорат жуда муҳим ўрин эгаллашни таъкидлайди, ўқитувчининг шахсий фазилатлари, унинг билимлари амалий кўникма ва малакалари ўзаро бирлашиб педагогик маҳоратни вужудга келтиради дейди. Педагогик маҳоратни шаклланиши ўқитувчи шахсининг такомиллашиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Рус психологи Ф.Н. Гонаболин педагогик қобилиятларини қуйидаги турларига ажратиб ўрганишни таклиф қилади.

1. Дидактик қобилиятлар.
2. Академик қобилият.
3. Перцептив қобилият.
4. Нутқий қобилият.
5. Ташкилотчилик.
6. Авторитар.
7. Коммуникатив.
8. Педагогик ҳаёл.
9. Диққатни тақсимлаш қобилиятлари ҳисобланади.

Ф.Н. Гонаболин педагогик қобилиятларни таркиб топтириш босқичлари хусусиятлари, хоссалари тўғрисида мукамал маълумотлар беради. Таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришда педагогик қобилиятларни роли тажриба материалларига асосланиб шарҳлаб беради. Шундай қилиб, кўпгина олимлар ўз асарларида ўқитувчининг муҳим фазилатлари мавжудлигини баён қилганлар.

Энг асосий сифатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқитувчининг ҳар томонли баркамол бўлиши;
- ўзининг юксак хислатлари,
- ҳис-туйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши,
- болалар руҳиятига осон кира олиш қобилияти,
- тараққиётида орқада қолганлар билан яқка тартибда ишла ўқувчанлиги.
- ўз касби фаолияти ва болаларни севишни,
- таълимда ҳиссий билим услубидан унумли фойдаланиши,
- мустақил ишлаш малакасини ошириш қобилияти,
- психологик муамола ва одобга эга бўлиши кабилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак улар томонидан таҳлил қилинган ўқитувчининг сифатлари то ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Демак, аجدодларимизни ғоясини такомиллаштириш, эвазига ҳозирги замон таълим босқичга кўтариш мумкин.

Марказий Осиё мутафаккирларини бой илмий маданий меросига асосланиб, Ўзбекистон педагог ва психолог олимлари ўқитувчилик, касби унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганганлар ва ўрганишда давом этмоқдалар. Йирик ўзбек олими С.Р.Ражабов бутун умр фаолиятини ўқитувчи шахсини тадқиқ қилишга ўқитувчилар тайёрлашни такомиллаштиришга бўлғуси муаммолари шарқона тарбиялашга бағишланганлар. Ўқитувчининг йирик сиймолар намунасида тарбиялаш ахлоқий тарбия умум-тарбиянинг етакчи бўғини эканлиги С.Р.Ражабов ва унинг юзлаб шогирдларининг ишлари ҳам ўқитувчининг педагогик ва психологик хусусиятларига қаратилганлар. Ўзбек олими М.О.Очиловнинг кўп йиллик тадқиқоти ичида ўқитувчи шахсини шакллантириш Марказий ўринни эгаллайди. Умуминсоний хислатлар ва миллий хусусиятларни чоғиштирган ҳолда

булғуси ўқитувчи шахсини таркиб топтириш ғояси муаммонинг муҳим ютуғидир. Ҳозирги кундаги тадқиқотларида М.О.Очилов бевосита халқ педагогикасига асосланиб, миллий тарбияни вужудга келтириш устида изчил илмий ишларни олий бормоқда.

Психолог М.Р. Давлетшин ва унинг шогирдлари томонидан ўқитувчи психологиясининг турли жабҳаларига қаратилган, тадқиқотларни амалга оширмоқда. Ўқитувчилик касбига ўқувчиларни йўналтириш, ўқитувчилик касбини танлаш мотиви, ўқитув ва тарбиялаш ишларини такомиллаштириш ўқитувчининг профессиограммасига асосланиб хусусий ихтисосликнинг ўзига хос жиҳатларини кашф этиш, ўқитувчи тафаккури каби масалалар шулар жумласидандир.

Психолог проф Э.Ғозиев томонидан тавсия этилган замонавий ўқитувчининг педагогик қобилият қирралари қуйидагилардан иборат.

1. Дидактик қобилият (Осон йўл билан мураккаб билимларни талабаларга тушунтириш уқувчанлиги)

а) ўқув материални аниқ тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа билиш

б) болаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғота олиш, уларнинг мустақил фикрлашларини фаоллаштириш,

в) ўқувчиларни янги тушунчани излаштиришга тайёрлаш, уларнинг ҳар бирининг тайёргарлик даражасини билиш.

г) таълим-тарбия жараёнида ҳар бир боланинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, индивидуал ёндашиш, мазмунини болалар имконият, эҳтиёж ва тайёргарлик даражалари билан мувофиқлаштира олиш.

2. Академик қобилият (Барча фанлар юзасидан муайян билимга эга бўлишлик).

а) ўзи дарс берадиган фаннинг илмий-назарий асосларини мукамал билиш

б) мутахассислиги бўйича фан янгиликларини доимий равишда ўзлаштириб, ўзининг назарий тайёргарлик даражасини мунтазам равишда ўстириб бориш

в) ўз фани бўйича ижодий изланиш, кичик бўлса-да, илмий тадқиқот иши олиб бориш (тажриба-синов, дастур, дарсликлар устида ишлаш).

3. Нутқий қобилият (ихчам, маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, нутқнинг жарангдорлиги, унинг пауза, мантикий урғуга риоя қилиш).

4. Перцептив қобилият (қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати).

а) ўқувчиларнинг ички хис-туйғуларини, руҳий ҳолатларини хис қилиш, сезиш

б) психологик кузатувчанлик

в) болаларга ҳамдард бўлиш

5. Ташкилотчилик қобилияти (синф, гуруҳи ёки жамоани уюштириш, фаолиятни режалаштириш, ҳамкорлик, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш).

6. Обрўга (нуфузга) эга бўлишлик қобилияти (ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл фаросатлилиги, мустақил иродаси билан обрў орттириш уқувчанлиги).

7. Муомала ва мулоқот ўрната олиш қобилияти.

8. Психологик ташхис (диагноз) қобилияти (инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилишидан иборат башорати).

9. Дикқатни тақсимлаш қобилияти (бир неча объектларга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш уқуви)

10. Иймон-эътиқодга, фаол ҳаётий позицияга йўналтириш қобилияти.

11. Ташаббусга, ижодга илҳомлантириш қобилияти.

12. Ақли донишлик қобилияти (билимдонлик).

13. Конструктив қобилият (ўқув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти).

14. Гностик қобилият (тадқиқотга лаёқатлилиқ қобилият)лари шаклланган бўлиши лозим.

15. Коммуникатив қобилияти. (дарсни режалаштириш)

16. Педагогик ҳаёл (башорат қириш)

17. Репродуктив (янги материалларни болалар онгига етказиш).

18. Адаптивлик (мослашиш)

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек муҳим, олийжаноб вазифаларни бажараётган, ижодий фаолияти бугунги кун талаб даражасига жавоб берадиган ўқитувчининг қобилияти, хусусияти, хислати, фазилатлари ҳамда маҳоратининг амалий ишда, педагогика соҳасида тажриба орттириш жараёнида таркиб топади ҳамда тараққий этади. Шу билан бирга ўқитувчи ўз малакасини ошириш, ўз малака, кўникма ва малакаларини доимий равишда оширишга эришмоғи лозим. Бунинг учун:

1. Замонавий педогог ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини юқори савиядаги қобилият ва маҳорат билан бошқаришида яқка-тарзда ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиши лозим.
2. Ҳар бир ўқувчи шахсини руҳий дунёсини ва ташқи таъсирларга муносабатларини ҳисобга олиши лозим.
3. Ўқувчи ёшлардаги ёш даврлари ва психологик тараққиёти, қизиқиши, лаёқати, қобилиятига эътибор бериши зарур.
4. Ўқувчи шахсияти, ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро яқка тарзидаги муносабатларининг маънавий нуқтаи назарда савиясини юқорилиги;
5. Ўқитувчи томонидан ёшларнинг соғлом ақлий интилишларини қўллаб-қувватлаш.
6. Педагогик жамоа ва ўқувчилар гуруҳларидаги соғлом психологик иқлимни яратиш;
7. Ўқувчилардаги мавжуд ижобий ҳислатларни тараққий эттириш;
8. Ўқувчиларнинг ҳулқ-атворида ана шундай хислатларни юзага келтириш;
9. Ўқувчининг ўқув-тарбия жараёнидаги ижобий ҳатти-ҳаракатларини ўз вақтида рағбатлантириш;
10. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини шакллантириш;

Ишларини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим деб биламиз. Ана шу мезонлар орқали ўз олдимишга қўйган улкан вазифани, яъни комил инсонни тарбиялаш йўлидаги таълимий ва тарбиявий ишлар самарали кечиши таъминланади деб ўйлаймиз.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиятлардан ташқари ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлак каби қатор инсоний хислатларга эга бўлиши лозимдир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Замонавий ўқитувчиларнинг Педагогик қобилият қирралари?
2. Психология фанида ўқитувчининг касбий қобилиятлари?
3. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилиятнинг ўрни?
4. Ўқитувчи қобилияти ҳақида тадқиқот ўтказган Шарқ ва Ғарб олимларининг фикрлари?
5. Психолог профессор Э.Ғозиев томонидан тавсия этилган ўқитувчининг педагогик қобилиятлари?

18 -МАЪРУЗА. Касб таълими психологияси предмети ва унинг вазифалари.

Мавзу режаси:

Кириш.

1. Касб таълими психологияси хақида тушунча.
 2. Касб танлашга йўллаш ва касбий маслахатлар.
 3. Касбга яроклилиқни аниқлаш муаммолари.
 4. Янги касбларни лойиҳалаш.
 5. Касб эгаллаш ва мослашиш босқичлари.
 6. Новаторлик ва рационализаторлик хусусиятларини аниқлаш.
-
1. Мустақил Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ қилиш куп жихатдан укув-тарбия ишларини ислох қилиш, укувчилар ёш хусусиятларини билиш, ҳар қайси ёшдаги болалар билан олиб бориладиган педагогик, психологик

жараёнлар хусусиятларини канчалик яхши билган мутахассисларга боглик. Юкорида саналган муаммоларни хал килишда катор гуманитар ва махсус фанлар ёрдам беради. Педагогик психология, ёш психологияси, мухандислик (инженерлик) психологияси, махсус фанларни уқитиш методикаси сингари фанлар шулар жумласидандир.

Ишчини касб фаолияти билан боглик булган хар кандай масала унинг касб махорати, техникани канчалик эгаллаганлиги даражаси, касбини севиши даражаси билан боглик.

Илмий техника тараккиёти (ИТТ) ҳозирги кунда техниканинг тобора жадаллашиб бораётган техника билан боглик, уни яратиш ва ишлатиш куникмаларини эгаллаган шахсни тайёрлашни кун тартибига кескин килиб куймоқда. Бу муаммони оз булсада тезрок хал килиш тайёрланаётган мутахассисларнинг уз махоратларини ёшларга, уз уринбосарларига кай даражада бера олишларига боглик.

Шунинг учун бугунги мухандис хам уз касб сирларини, хам шу касб махоратини ёшларга бера олиши лозим. У умумий психологияни, ёш психологиясини, педагогик психологияни, касб-таълими ва унинг психологиясини билиши талаб килинади.

Ҳозирги замон ишлаб чикариши инсоннинг у ёки бу фаолият турида ишлаши учун узида мавжуд булган хам жисмоний, хам интеллектуал потенциал имкониятларига эга ёки эга эмасликларини аниклаш жуда мухим. Ақл, фикр юритиш тезлиги яъни реакцияси куп масалани хал килиш ёки уудалай олмаслик сабаби булиши мумкин. Буни аниклаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш билан мухандислик психологияси, меҳнат психологияси шугулланади.

Бошка хар кандай меҳнат куруллари сингари техника хам инсон имкониятларига максимал даражада мослаштирилиши керак. Бу энг аввало меҳнатнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боглик булса, кейинрок ишчининг саломатлиги ва нихоят ишлаб чикаришда техникани кулланиш хисобига меҳнат самарадорлигини орттириш масаласи билан богликдир. Одам ва техника муносабатлари бир-бирига мослиги масалаларини меҳнат психологияси, унинг тармоги мухандислик психологияси урганади.

Касб-хунар таълими коллежлари укувчиларига техниканинг конструктив хусусиятларини, мухандислик психологик талабларини хисобга олишни, энг мухими кулланадиган техника инсон имкониятларини кай даражада хисобга олганлигини, яъни, тех-никанинг гуманизациялашувини хисобга олишини билиб ишга ёндошуви масалаларини аниқ тасаввур килиши билан боглик. Бу муаммо мухандислик психологиясида урганиладиган марказий бош мавзу одам – машинага тизими ОМТ— (русча СЧМ – «система человек-машина») хисобланади. Одам-машина тизими ва унинг асосий муаммолари касб таълими укутувчиси ва касб таълими устаси махоратининг назарий, педагогик-психологик тайёрлигининг асосини ташкил килади.

Мухандислик психологияси меҳнат психологиясининг бир тармоги булиб, у одам ва машина узаро ахборот алмашувидаги узаро таъсир утказишнинг объектив конуниятларини, уларни амалий кулланиш ва «жамоа-одам-машина» тизимини лойихалаш ва эксплуатация килиш муаммоларини урганади.

Мухандислик психологияси муаммолари XX асрнинг 20 – 30 йилларидан бошлаб урганила бошлади. Дастлаб трамвай-вагон хайдовчиси, телефонистка, кутарма кран машинисти, учувчи фаолиятини урганиш билан бошланди. Чет элда 40 – йиллардан бошлаб кенг урганила бошланди. Мухандислик психологияси буйича биринчи илмий – тадқиқот лабораторияси 50 – йилларда Ленинград университети кошида ташкил этилган.

Мухандислик психологиясининг асосий вазифалари куйидагилардир:

Одам функциясини «одам-машина» тизимида тахлил килиш, оператор фаолияти структураси классификациясини урганиш;

Одам-оператор ахборотлар алмашилиш жараёнларини урганиш (одамнинг ахборотларни кайта ишлаш жараёнининг асосий 4 боскичини уз ичига олади: ахборотни кабул килиш, кайта ишлаш, қарор кабул килиш, бошқариш таъсирини амалга ошириш);

Оператор иш уринларини ташкил килиш принципларини ишлаб чиқиш;

«Одам-машина» тизими самарадорлигига психологик омилларнинг таъсирини урганиш;

«Жамоа-машина» тизимида операторларни танлаш ва тайёрлаш принцип ва методларини ишлаб чиқиш. (Касб тайёрлиги куйидагиларни уз ичига олади: касб таълими, жамоани шакллантириш, тренировка –машк килиш);

«Жамоа–одам–машина» тизимини мухандислик – психологик лойихалаш ва баҳолаш;
Мухандислик – психологик ишламаларининг иктисодий самарасини аниклаш;

Касб танлашга йўллаш. Касб таълими психологиясининг асосий муаммоси – шахсининг касбга яроклилигини аниклаш, уни тайёрлаш, меҳнат фаолиятига йўллаш масалаларидир. Булар профессиографиядан бошланади.

Профессиография. Инсонга куйиладиган талаблар нуктаи-назаридан касблар ва унинг уз ичига олган ихтисосликларини умумлаштириб тавсифланиши профессиография дейлади.

Профессиография натижаси профессиограмма бўлиб, бир касб доирасидаги ихтисосларнинг инсонга, одамлар гуруҳига куйиши мумкин бўлган талаблар асосида тузилган умумлаштирилган тавсифномалардир.

Профессиограмманинг бир қисмини психологик профессиограмма, қолган бир қисмини – инсон психикасига куйиладиган талаблар, яъни касб қобилиятлари руҳати ташкил қилади. Профессиография касблар классификациясини ҳам уз ичига олади, бу турли мезонлари билан ифодаланади: технологик, гигиеник, психологик ва бошқалар. Ҳар қандай касбни урганиш ва тавсифлаш ҳар доим маълум мақсадни кузлайди ва шу мақсадга бўйсунанади.

Профессиограммалар куйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган ҳилларда бўлиши мумкин: кадрлар тайёргарлигини асослашга, гигиеник шароитларни ҳисобга олиш ва уни соғлом-лаштиришга; касб танлашни асослашга; касбий маслаҳат ва касбий танловни асослашга; меҳнатга баҳо бериш нормативларини, меҳнат хавфсизлиги савиясини қутариш ва бошқалар.

Меҳнатни тадқиқ қилиш билан шугулланадиган фанлар (медицина, меҳнат физиологияси, меҳнат психологияси ва бошқалар). Профессиография уз олдига турлича вазифаларни қўяди. Меҳнат психологияси соҳасидаги барча тадқиқотлар, ҳоҳ назарий ҳоҳ амалий вазифаларни қўямасин, энг аввало конкрет касб фаолиятини урганишдан бошланади. Яна шунинг ҳам эсда тутиш керакки, илмий-техника тараққиёти муносабати билан меҳнат фаолияти шароитларигина эмас, меҳнат мазмуни ҳам узғариб бормоқда. Масалан, тепловоз ва паровоз машинисти касби кечагиси ва бугунгиси билан бир ҳил эмас. Касб фаолияти узғаришига қараб касб профессиограммага мос қеладиغان касб психограммаси ҳам узғариши керак. Айрим касблар йўқолиб боради, янгилари пайдо бўлиб боради, ёки узғариб боради. Шунинг учун профессиография ишлари ҳеч қачон тугамайди.

2. Касб танлашга йўллаш ва касб маслаҳатларини уюштириш. Касб танлашга йўллаш энг аввало одам имкониятлари ва у яшаётган муҳитнинг бир қанча шароитларини урганишдан бошланади. Буларни умумлаштириб меҳнат экспертизаси деб айтилади.

Меҳнат экспертизаси – бу одамнинг конкрет касб бўйича меҳнатга яроклилигини маълум мутахассислар томонидан аниқланишидир.

Одамнинг у ёки бу меҳнат турига яроклилиги куйидагиларга боғлиқ бўлиши мумкин: ёшига; тегишли билим, қўлима ва малакага эга бўлишга; мазкур касб бўйича ишлашга қизиқиш ва истёждоди мавжуд бўлишига. Бундан ташқари яшаётган социал муҳит ва жинсига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Меҳнат экспертизасига турли мутахассислар ва ташкилотлар жалб қилинади: врачлар, психологлар, педагоглар, инженерлар ва бошқа мутахассислар қабул комиссиялари, ходимлар бўлими, тиббий эксперт комиссиялари (ВТЭК–врачебно–трудовая экспертная комиссия), ҳарбий врачлик комиссиялари–ВВК), локомотив машинистлари, шофёрлар, шахтёрлар ва бошқаларни танлаш комиссиялари ва бошқалар.

Меҳнат экспертизаси ташкилий шаклларида катъий назар куйидаги умумий масалаларни ҳал қилиш билан шугулланади:

Одам маълум ишни бошлаб қета оладими?

Тегишли лавозимда ишни давом эттира оладими?

Одамдан қайси соҳа ёки вазифада фойдаланиш маъқул?

Бахтсиз ходиса юз берганда, бунга одам кай даражада алокадор, ишга кабул килинган, тайинланганлар – чи?

Мехнат фаолиятининг барча турларида мехнат экспертиза-сининг асосий вазифаси куйидагилардир:

Одамнинг ёшига, саломатлигига, маълумотига, психологик ва бошқа хусусиятларига мос келмайдиган ишга кириб қолишнинг олдини олиш;

Мазкур касбга энг қобилиятли кишини танлаб олиш;

Тасодифан шу касбни танлаб ишга кирган одамни уз вақтида четлатиш, даволанишга, мос келадиган бошқа ишга утказиш;

Одамнинг қайси касбга яроқли эканлигини билдириб, у – ёки бу фаолият турини тавсия қилиш;

Психодиагностика маълумотлари асосида прогностик психологик мехнат экспертизаси кишининг келгуси мехнат фаолиятини белгилашга ёрдамлашади.

Бу талабларни ҳар бир педагог ва ота-оналарнинг билиши ва амал қилиши. Айниқса боланинг 9–синфни тугатиш ва ҳаёт йулини белгилаб олиши даврида жуда муҳимдир.

Мехнат экспертизасининг навбатдаги тури ретроспектив мехнат экспертизаси дейилади (Ретроспектив–утмишга назар солиш маъносида).

Ретроспектив мехнат экспертизаси кузатувчининг утмиши–укув ва ишлаб сикариш фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ҳатоларини аниқлашга, айрим қунгилсиз ҳолатларга сабаб бўлган ҳолатларни (авария, брак маҳсулот, травма) ва урганишга хизмат қилади. Бу укувчи ёки ишчининг келгуси мехнат фаолиятини белгилаб олишида катта аҳамиятга эга. Мехнат экспертизаси бир вақтнинг узида касбга йуллаш муаммоларини ҳал қилишга ҳам ёрдам беради.

Касб танлашга йуллаш–бу психолого–педагогик, тиббий ва давлат тадбирлари мажмуи бўлиб, ҳаётга кириб келаётган одамга илмий асосланган шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жамият ва шахсий манфаатларга мос келадиган фаолият турини танлаб олишда ёрдам беришдир. Кишининг қобилиятларига мос келмайдиган касб тунлаши қупинча фожияларга сабаб бўлиб шахс учун моддий, маънавий зарар етказиши билан жамиятга ҳам қимматга тушиши мумкин. Оила ва жамият маблағини совуриш, кадрлар қунимсизлиги, қайта тайёрлаш ҳаракатидаги ҳаражатларнинг ортиши ва ҳ.

Касб танлашга йуллаш муаммолари одамларни азалдан ташвишлантириб келган. Касб танлаш давлат аҳамиятига эга масала эканлиги биринчи марта Испанияда 1575 йилда Хуан Уарте томони-дан уртага қуйилган эди. Давлат бу масала билан шугулланадиган одамлар ва ташкилотлар бўлиши кераклигини тақдиф қилган эди.

ХИХ аср охири ва ХХ аср бошларида қатор мамлакатлар олимлари ва жамоат арбоблари (АҚШ, Германия, Франция, Россия ва бошқалар). Йирик ишлаб чиқариш саноат корхоналари учун ёшлардан махсус тайёргарлик қурган кадрларни танлаб олиш, уқитиш, касб ургатиш зарурлиги масаласини қуйдилар. Асримизнинг 60 – йил-ларидан бошлаб собиқ иттифок даврида В.Н.Шубкин, Л.Л. Кон-дратьева, Л. В. Ботякова, Г. Г. Голубев, А. Е. Голомшток (Россия), К. Давлатов, В. Чичков, А. Исмоилов, Н. Шодиев (Ўзбекистон) ва бошқалар шугулландилар. Бу долзарб вазифани ҳал қилиш мактабдаги политехник таълим зиммасига юклатилди, бироқ қутилган натижани ҳар доим ҳам беравермади. Касб танлашга йуллаш маслаҳат беришдан нарига утмади.

К. К. Платонов касб танлашга йуллашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиб, бу «касб танлашга йуллаш учбурчаги» схемасини тақдиф қилди.

Унинг бир томони касбларнинг киши ва унинг организмга қуядиган таълаблари. Иккинчи томони бозор имкониятлари (мехнат бозор талаблари, қайси касбдагилар кераклиги). Учинчи томони усмир қобилиятларини билиш ва давлат сиёсатида ҳисобга олишдан иборат.

Касбий маслаҳат – (профконсультация) касбга йуналтириш тизимининг бир қисми бўлиб, одамнинг қобилиятларини урганишга, тегишли маслаҳатлар беришга, батафсил

шақлланишини таъминлашга хизмат килади. Бунинг уч боскичи бор: тайёрлов, хал килувчи (яқунловчи) ва аникловчи.

МС: Касб танлаш ва касбга мослашиш қайси босқичларни ўз ичига олади?

Тайёрлов боскичида оиладаги, мактабдаги урганиш – уқиш давридаги оладиган маслахатлар. Яқунловчи тайёргарлик 9 – синфдаги олиб бориладиган ишлар (уқишни давом эттириш шаклини танлаш билан боглик).

Аникловчи касбий маслахат урта мактаб доирасидан ташкарига чиқади. Бу коллежда, лицейда, олий укув юртида давом этади.

Касбий танлов – меҳнат прогностик экспертизаси шакли булиб, одамнинг қайси касбга яроқлилиги хақида қарор бериш билан боглик жараён. Энг муҳими қайси касб унинг учун номанбаул, зарарли эканлигини аниқлаштиришдир. Касбий танлов натижалари касб-хунар билим юртларида ҳисобга олиниб укувчи қайси касб бўйича уқиши ёки бошқа соҳага ишга утказилиши муҳокама қилинади.

Касб қобилияти вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Шунинг учун зарур шароитлар яратиш, қўлғуси фаолият турини белгилаб олишга маслахат берилиши мумкин.

Касбий маслахатнинг пировард натижаси шахс мойиллигини аниқлашдир. Мойиллик шахс сифати булиб, унинг таркибига маълум фаолиятга қизиқиш ва уни бажаришга интилиш, ўз – ўзига асосланган баҳо беришдир.

Мойилликнинг икки тури бор: потенциал ва фаол мойиллик. Потенциал мойиллик қўпгина кишини яширинган имкониятлари билан боглик, ҳатто ўзи ҳам билмаслиги мумкин. Фаол мойиллик бевосита иш жараёнида намоён бўладиган қизиқиш билан боглик.

Профадaptация, унинг асосий ва моҳияти. Касб танлашга йўллашнинг хал килувчи даври укувчини бирор касб ичига аста секин кириб бориши, мослашуви босқичидир. Бунда укувчи шогирдликдан малакали ишчи даражаси сари такомиллашиб боради. Профадaptациянинг икки босқичи бор: тайёргарлик ва бевосита касб эгаллаш босқичи. Тайёргарлик укув жараёнида умумтехника ва махсус фанларни урганади, айрим конкрет қўникмаларни ҳосил қилади. Бу биологик, социал – психологик адаптация қўринишига эга.

Қорхонада бевосита ишлаб чиқаришда профадaptация нисоҳасига етқизилади.

Профадaptацияни мувоффақиятли нисоҳасига етиши уч нарсига боглик:

Қоллеж укутувчилари ва усталарининг ўз соҳаларига қандай тайёрлашларига назарий ва амалий билим беришлари, қўникма ва малака ҳосил қилишлари, касбга қизиқиш ўйғота олишлари.

Ишчилар ва мураббийлар уртасидаги шахслараро муносабат шакли.

Укувчи бориб тушган меҳнат жамоасидаги социал психологик муҳит (синчков, меҳрибон, лоқайд, янги болага ишончсизлик билан қараш ва ҳоказо.)

Социал психологик адаптация жараёнида билиш, эмоционал ва амалий аспектлар фарқланади.

Новаторлик ва рационализаторлик хусусиятларини аниқлаш. Касбий адаптация малакали ишчи етишуви билан нисоҳасига етади. Бунда энг қўзғатувчи ташланадиган сифат ишчининг ижодий меҳнат қилишидир.

Новаторлик – ишлаб чиқаришда фан-техниканинг энг сўнғи ютуқларидан фойдаланишга интилиш.

Рационализаторлик – ижодий меҳнат қилиш орқали қўникма ва кўч сарфлаган ҳолда қўп ва сифатли маҳсулот чиқаришга киришиш, шахсий тақлифлари билан қилиш ва бошқалардир.

19-МАВЗУ: ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ

Мавзу режаси:

1. Тарбия психологияси..
2. Ўқитувчи тарбиячига қўйиладиган талаблар.
3. Ёшларда ахлоқий онғни таркиб топтириш.

Тарбия психологияси: Ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тўғрисида гапирилар экан, ижтимоий психология ишлаб чиқаётган референт группа тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, ҳамма одамлар ҳам, ҳатто энг яқин теварак-атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Ҳар бир одам учун бўлганидек, ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим группалар (баъзан бундай группа бир кишидан таркиб топган бўлиши мумкин) мавжуд бўлади, у шахс сифатида бу группаларнинг фикрлари, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган мулохазалари билан ҳисоблашади. Оила, синф, синфдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, ҳовлидаги улфатлар, яқин дўст ва ҳоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун ана шундай референт группалар бўлиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларга бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда бўлиш ҳолларига кўпинча ўқувчининг тарбиячига маълум бўлмаган референт группа позициясида туриши сабаб бўлади. А.В.Петровскийнинг оқилона фикрига кўра, агар тарбиячи, мактаб ўқувчиси ҳеч нарса ва ҳеч ким билан ҳисоблашмайди, унинг учун ҳеч қандай обрўли одамлар йўқ, унга ҳеч ким таъсир қила олмайди, деб даъво қиладиган бўлса, бу нарса одатда тарбиячининг мактаб ўқувчисининг ахлоқий поэзиясини белгилаб берадиган таъсирли референт группалардан мутлақо хабарсиз эканлигини билдиради.

Агар референт груҳнинг қизиқишлари, идеаллари ва мақсадлари ижтимоий аҳамият характерини касб этган бўлса, унинг таъсири яхши бўлади. Бироқ бунинг акси ҳам бўлиб туради. Агар мактаб ўқувчисига ҳар хил нуқтаи назардаги ёки ҳатто бир-бирига қарама-қарши нуқтаи-назарлардаги бир қанча референт группалар (масалан, мактаб ва оила, мактаб ва ҳовлидаги улфатлар ва бошқалар) таъсир этадиган бўлса, одатда бу нарса бузилишга, оғир психологик кечинмаларга, йўлдан озиш ҳамда тўқнашувларга олиб келади.

Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян программанинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан, таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари ва методларининг қўлланилиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Л.И.Божович туғри таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир бола шахсини кўнгилдагидек таркиб топтиришга эришиш имконини берадиган, бирор салбий ҳислатнинг олдини оладиган тарбиявий жараёни илмий асосда ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиш ҳам педагогик психологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. А.С.Макаренко алоҳида таъкидлаб бундай деган эди, соғлом тарбиявий вазиятсиз муаммал шахс вужудга келган ёки, аксинча, тўғри тарбиявий иш олиб борилган пайтда бузилган шахс, таркиб топган бирорта ҳолни билмайман.

Шахс бир бутун мавжудот бўлиб, ундаги ҳар бир сифат бошқа сифатлар билан узвий равишда боғланиб кетган бўлади, бинобарин, шахснинг ҳар бир ҳислати унинг бошқа ҳислатларига бўлган муносабатларига қараб ўз аҳамиятини, кўпинча мутлақо ҳар хил аҳамиятларини касб этади. Масалан, қатъиятлилиқ узоқ муддат давомида мақсадга эриша олиш ҳислати сифатида қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб, юксак маънавий ҳислар, тараққий этган жамоавийлик ҳисси билан бирга қўшилган тақдирдагина ижобий аҳамият касб этади. Агар бу ҳислат кучли тараққий этган худбинлик эҳтиёжлари билан жамоа, бошқа кишилар манфаатларини менсимасдан, шахсий манфаатларга эришишга интилиш билан боғлиқ бўлса, мутлақо бошқача мазмун касб этади. Жасурлик ўзининг эҳтиёткорлик ва ўйлаб иш қилишлик билан, импульсивлиги билан, юксак ғоявийлик ёки майда мағрурлик ҳамда ўзини катта олишлик билан бирга қўшилиб кетганлигига қараб мутлақо ҳар хил мазмун касб этади. Ҳатто ўртоқлик ва жамоавийлик ҳиссига ҳам абстракт тарзда қараб ҳамда баҳолаб бўлмайди. Бу сифат ҳамкорликдаги фаолият шароитида юксак ижтимоий фойдали мақсадлар туфайли ёки, шахсий, аммо жамият ахлоқига зид келмайдиган мақсадлар туфайли ёки, ниҳоят, у ҳамманинг бир-бирига қафиллиги ҳиссига айланиб кетадиган жамиятга қарши ахлоқсиз мақсадлар туфайли юзага келиш-келмаслигига қараб, мутлақо бошқача мазмунга

эга бўлади. Шунинг учун ҳам, инсонни қисмларга ажратиб тарбиялаб бўлмайди, шахс ҳамма вақт бус-бутунлигича тарбия қилинади, дейдилар.

Мактаб ўқувчисининг муайян қоидалар ва нормаларни билиши маънавий хулқ-атворнинг зарур шартидир. Бироқ ахлоқ нормаларини шу тариқа билиш ўз-ўзидан ахлоқий хулқ-атворни тегишли даражага эриштирмайди. Бунинг устига, билимларни маънавий хулқ-атвор амалиётисиз ўзлаштириб олиш маънавий билимлар билан маънавий хулқ-атвор ўртасидаги ажралишда ифодаланадиган «ахлоқий шакллик» (Л.И.Божович) деб аталувчи формализмнинг юзага келишига олиб боради. Шунинг учун мактаб ўқувчисининг ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ажобий ахлоқий, ижтимоий хулқ-атвор тажрибаси унинг шахсини таркиб топтиришда асосий нарса бўлиши керак. Ўқувчида бу нарса тарбиячи раҳбарлигида ҳосил бўлади. Бу нарса ўқувчиларда билимлар тизимини- табиий, ахлоқий ва ғоявий-сиёсий билимлар тизимини, (бу билимлар муайян даражада етакчи роль ўйнаган пайтда) таркиб топтириш билан юз бериши керак. Ана шундай шароитдагина мактаб ўқувчиларида дунёқараш шахснинг асосий ифодаси ва унинг хулқ-атворидаги асосий стимул сифатида таркиб топади.

Рус психологларининг берган маълумотларига кўра, биргина фаолиятнинг ўзида (бу фаолиятнинг бола учун нима сабабдан юз беришига ҳам қараб) шахснинг ҳар хил (ва ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз ўқувчиларни бошқаларни очикдан-очик ва дадил танқид қилишга ўргатамиз. Ана шундай қилиш билан болада принципааллик, жасурлик, соф диллик, танқидий кўз билан қараш фазилатлари таркиб топади деб ҳисоблайдилар. Аммо, биз айтилганларни ҳисобга олмасак, ҳамиша ҳам ўзимиз кўзлаган мақсадга эришаверамизми? Йўқ, чунки хулқ-атворнинг анна шу тўғри шакли негизида мактаб ўқувчиси амал қиладиган мотивлар ётади. Бу хулқ-атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар хил сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи ўз ўртоғини принципаал мотивлар асосида танқид қиладиган бўлса, бу танқид унинг ўртоғида характернинг принципааллик, қатъийлик, ҳалоллик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради; борди-ю, ўз айбини ўртоғининг бўйнига кўйиш истаги билан танқид қиладиган бўлса, бу худбинлик, индивидуализмнинг таркиб топишига ёрдам беради. Агар шахсий ғараз билан танқид қилинадиган бўлса, унда шу асосда қасоскорлик, маккорлик, инсофсизлик ҳислатлари таркиб топади. Агар бундай танқид қилишга, ниҳоят, ўқитувчидан қўрқиш ва унга ёқиш истаги ёки мағрурлик истаги, принципаалсизлик сабаб бўлган бўлса, унга лаганбардорлик, икки юзламачилик сингари ҳислатлар таркиб топиши мумкин. Бинобарин, тўғри хулқ-атвор тажрибаси бу хатти-ҳаракат муайян мотивлар асосида амалга оширилган вақтдагина кўзланган мақсадга олиб боради. Шунинг учун хулқ-атворнинг тўғри мотивларини тажрибада тарбиялаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ўқувчиларида муайян вазиятларда тарбиявий таъсирлар воситасида юзага келадиган ижобий мотивлар уларнинг тажрибасида мустаҳкамланиши ва барча бошланғич вазиятларга тарқалиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, шахснинг ҳар бир сифат тузилишига, биринчидан, мактаб ўқувчисининг тегишли хатти-ҳаракатига ижодий муносабатда бўлишига имкон берадиган мотив, иккинчидан, хатти-ҳаракатларнинг мустаҳкамланган усули киради. Шундай қилиб, шахснинг сифати, Л.И.Божовичнинг ибораси билан айтганда, хатти-ҳаракат мотивлари ва бу мотивлар тегишли шакллариининг ўзига хос бирикмасидир. Хатти-ҳаракат барқарор, ҳукмрон (асосий) мотивларнинг тизимини баъзи психологлар (Л.И.Божович, М.С.Неймарк) шахснинг йўналиши деб таърифлайдилар. М.С.Неймарк мактаб ўқувчиларининг йўналишини тадқиқ қилди ва бу йўналишнинг учта асосий турини-жамоавий, шахсий ва ишчанлик йўналишларини (ишга, фаолият жараёнига бўлган йўналишни, ижодий фаолиятга қизиқишни) алоҳида ажратиб кўрсатди. Йўналишнинг жамоа, шахсий турлари бир хил, тўғри характеристикага эга бўлмаслиги керак. Ҳақиқий жамоа йўналишдан ташқари «худбинлик группаси» деб аталган йўналиш-бошқа жамоаларнинг қизиқишларини мутлақо менсимаган ҳолда фақат битта коллективнинг, (группа, синфнинг) қизиқишларинигина эътироф этадиган йўналиш ҳам бор. Шахсий йўналиш шахсий ютуқларга эришишга

қаратилган йўналиш сифатида ҳамма вақт ҳам жамоа йўналишга қарама-қарши бўлавермайди.

Рус психологлари (Л.И.Божович ва бошқалар) Яна шу нарсани аниқладиларки, мактаб ўқувчиси шахсининг таркиб топиши гарчи ўша ўқувчи яшайдиган ижтимоий шароитлар билан, мазкур ижтимоий шароитларда у оладиган таълим ва тарбия билан белгиланса-да, турмуш шароити ўқувчи шахсининг юзага келиши ва қарор топишини тўғридан-тўғри, бевосита, автоматик тарзда эмас, балки ўқувчининг ўзи бу шароитлар билан қандай муносабатда бўлишига қараб белгилайди. Ана шунинг учун ҳам битта ташқи шароитнинг ўзида ўқувчиларда шахсининг турли-туман хислатлари таркиб топиши мумкин.

Мактаб ўқувчисига кўрсатилган ташқи таъсир билан унинг ички дунёсининг ўзаро муносабати характери ва унинг ўзига кўрсатиладиган ташқи таъсирларга шахсий муносабати ниҳоятда муҳим. Ўз вақтида Л.И.Божович ҳатто махсус тушунчани-мактаб ўқувчисига қўйиладиган талаб унинг ўзи учун ва катталар учун тарлича маънога эга бўлган пайтда тарқалган воқеани ифодалаш мақсадида «маъно тўсиғи» тушунчасини тавсия этган эди. Маъно жиҳатидан бундай тафовут мактаб ўқувчисига қўйиладиган талабнинг таъсир қилишига ғам ғов (тўсиқ) бўлади.

Битта ташқи таъсирнинг ўзи маънавий заминнинг қанақалигига, мактаб ўқувчисига таркиб топиб бўлган маънавий қиёфанинг қанақалигига қараб мутлақо ҳар хил самара бериши мумкин. Мактаб ўқувчисининг маънавий қиёфаси эса асосан унинг турмушда орттирган шахсий тажрибасига: унинг фаолиятига, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатлари характерига, унинг оила ва мактаб жамоаларига, катталар ўртасида тутган ўрнига боғлиқ бўлади. Мактаб ўқувчисининг тажрибаси унинг теварак-атрофдаги кишилар ҳаёти ва фаолиятини, уларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини кузатиши, улар билан ўзаро алоқалари билан ҳам белигланади. Шахсий тажриба асосида юзага келадиган бевосита хис-туйғулар ва мулоҳазаларни мактаб ўқувчиси ҳамма вақт жамиятимизда қабул қилинган ахлоқ нормалари ҳамда ўзига нисбатан қўйиладиган бирор шаклдаги талаблар жумласига киритади. Боланинг шахсий тажрибаси жамият ахлоқий талабларига қай даражада мос келишига қараб ўқувчи шахси шаклланади. Масалан, агар унинг шахсий тажрибаси ахлоқ меъёрларига ва теварак-атрофдагиларнинг унинг ўзига қўядиган талабларга зид бўлса, ўқувчи бу талабларни расмийат учун қабул қилиши, уларни катталарнинг олдидагина бажариши мумкин.

Шундай бўлиши ҳам мумкин: бундай номувофиқлик юз берган пайтда ўқувчи ўзига қўйилган талабларга расман бўйсунмайди ҳам. У ўзини катталарга, жамоага қарама-қарши қилиб қўяди ва ўз ахлоқига очикдан-очик амал қилади. Бундай ҳолда ўқувчилар, одатда, жамоадан ажралиб қоладилар, худди ўзларига ўхшаш ўзини болалар жамоасига қарама-қарши қилиб қўядиган мактабдан ташқаридаги ўртоқлари муҳитига тушиб қоладилар. (Л.И.Божович тадқиқотлари).

Тарбиячиларнинг талабларини ўқувчиларнинг ўзлаштириб олиш жараёнини, бу талабларнинг «ўз-ўзидан» талабга айланиши жараёнини, масалан, А.А.Бодалев тадқиқ қилди ва бу жараённинг бир қанча босқичларни босиб ўтишини аниқлади. Дастлаб бу ўқувчининг ўзи учун ташқи таъсир бўлиб қоладиган талабларни мажбуран қабул қилишидир. Сўнгра ўқувчи қарорларни ихтиёрий равишда, ўз бурчларини англаб қабул қилади. Тугалланувчи босқичда сиртдан қўйиладиган ахлоқий талаблар хусусий, шахсий, ички талабларга айланиб қолади, ўз-ўзига бўлган ҳақиқий талабчанлик юзага келади.

Шундай қилиб, мактаб ўқувчисининг маънавий қиёфасини таркиб топтириш пайтида унинг шахсий тажрибасини шандай йўлга қўйиш керакки, бу тажриба ижтимоий ахлоқ меъёр ва қоидаларини ўзлаштириб олиш учун қулай замин яратсин. Шахсий тажриба ва ижтимоий талаблар бир-бирига таъсир кўрсатиб турган вақтда ўқувчи шахсини таркиб топтириш жараёнида болада унинг хатти-ҳаракатларини ҳамиша ҳаракатга келтирувчи мотивларга айланиб қолган эътиқод ва идеаллар тизими юзага келади. Ана шу асосда шахсининг ахлоқий барқарорлиги, яъни одамнинг ўзи ўзлаштирган принципларига ва уларга

мос келадиган хатти-ҳаракатига ҳар қандай шароитда содиқ бўлиб қолиш қобилияти пайдо бўлади.

Ўқувчи тушиб қолган ахлоқий-эмоционал муҳитга эътибор бериш, ўқитувчида турли ахлоқий тасаввурлар мавжудлиги пайтида унда ахлоқий хислар ҳамда истакларни таркиб топтириш ва тараққий эттириш мактаб тарбиявий таъсирининг муҳим психологик шарт-шароитларидан биридир. Бироқ, фақат шунинг ўзини билиш кифоя қилмайди. Эътиқод-шундай билимлар, қоидалар, мулоҳазалар, фикрлардирки, улар ўзларининг ҳақиқатлигига, шубҳасизлигига, ишонарлигига чуқур ишониш ҳамда хиссий кечиниш билан боғлиқдир. Эътиқод-тушуниланган, фахмлаб олинган нарсасига эмас, балки чуқур тарбиялаш учун ўқувчи таъсирланадиган ижобий мисолга эга бўлган (бевосита, ёки «бадий»-кино, театр, адабиёт ёки ниҳоят, тарбиячининг жонли, еркин, образли ва эмоционал сўзи) камол топиб бораётган одамнинг шахсий бойлигига айланиб бўлган, кишинининг ўзи учун хатти-ҳаракатлар, ишга бўлган ўзига хос ахлоқий билимлар, уларга берилган баҳо, кечинмалар ва истакларнинг йиғиндисига айланиб қолган тақдирдагина ахлоқ қоидалари хатти-ҳаракатларнинг эмоционал мотивларига айланади.

Энди ўқувчи ўз эътиқод ва идеалларини ҳимоя қилишга ҳамда ўз хатти-ҳаракатлари ва ўз ҳаётини уларга бўйсундиришга интилибгина қолмайди, балки турмушни ўз эътиқод ҳамда идеалларига мувофиқ тарзда ўзгартиришга ҳаракат қилиб, теварак-атрофдаги кишиларга, ўртоқларига, катталарга фаол таъсир кўрсатишга интилади. Бошқача қилиб айтганда, муҳитнинг муайян таъсири остида таркиб топган ўқувчи шахси бу босқичда тараққий эта бошлаган бўлиб, ўз навбатида, ана шу муҳитга муайян мақсадни кўзлаган ҳолда онгли таъсир кўрсата бошлайди, унга тескари таъсир эта бошлайди (Л.И.Божович тадқиқотлари), энди ўқувчи бизга ёт бўлган хислатларга қарши (худбинлик, интизомсизлик, ўжарлик, кўполлик, виждонсизлик ва ҳоказоларга қарши) фаол кураша олади. Шунинг учун тарбиянинг бу босқичдаги асосий вазифаси ўқувчининг кўрсатиб ўтилган имкониятдан тўғри фойдаланиши учун унинг ижтимоий активлигини ўстиришдир.

И.М.Краснобаев, В.А. Крутецкий, В.И. Селиванов ва бошқаларнинг олиб борган тадқиқотлари бир қанча ўқувчиларда ахлоқий тушунчалар соҳасида жуда кўп камчилик ва англашмовчиликлар борлигини кўрсатди. Айрим ўқувчилардаги бу хато қарашларга мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар сабабчи бўлган. Уларда тўғри ва аниқ ахлоқий тушунчаларни таркиб топтиришга, тегишли билимларни эгаллашга, хато ҳамда камчиликларга барҳам беришга ёрдам берадиган кенг, планли ва махсус уюштирилган иш зарур.

Ахлоқий онгни таркиб топтиришнинг энг муҳим йўли ўқувчиларнинг ўзларида тўғри хулқ-атворни юзага келтириш билан ахлоқий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йўлидир, албатта. Ўқувчилардаги ахлоқий билимнинг турли-туман шакллари, уларнинг онги ва хис-туйғуларига жонли, ёрқин оташин сўзнинг таъсири бу ишни анча тўлдириши мумкин.

Махсус тадқиқотлар, шунингдек ўқитувчиларнинг тажрибалари кўрсатганидек, юқорида санаб ўтилган барча методлар ўқувчиларга ахлоқий тарбия бериш соҳасида катта фойда келтиради, бироқ улар асло кўруқ, зерикарли, жонга тегадиган панд-насихатга айланиб қолмаслиги керак.

А.Г.Ковалев жуда тўғри таъкидлаб, ахлоқ қоидалари «ўқувчи фалон қилиши керак» дейиш сингари муҳокамалар тарзида баён қилинганда ўқувчининг эътиқод шакллари насихатгўйлик билан аралаштириб юбориш ярамайди, бу фойдалан кўра кўпроқ зарар келтиради, дейди.

Хатто актив таъсир кўрсатишнинг ажойиб устаси бўлган А.С.Макаренко ҳам ахлоқий (этик) суҳбатларнинг чинакам тарафдори эди. Унинг ўзи назарий ахлоқий турдаги суҳбатларнинг конспектини ёзар, уларда энг яхши бундай ахлоқий назариянинг катта самараларини кўрар эди.

Муайян принциплар ишлаб чиқилган бўлиб, ахлоққа доир суҳбатлар ўша тамойил асосида тузилиши керак. Бу тамойил қуйидагилардир:

1.Ахлоққа доир суҳбатлар мазмуни жиҳатидан тегишли ёшдагиларга тушунарли бўлиши лозим. Мавҳум ва абстракт тушунчалар, мураккаб мулоҳазалар билан толиқтириб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди.

2.Одатда, суҳбат ўтказиладиган жамоани, унинг йўналишини, бу жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини ўқитувчига, ўқиш ва бошқаларга муносабатини яхши бўлиш зарур.

3.Бундай суҳбатларни нихоятда тез-тез утказиб турмаслик даркор. Агар суҳбатлар аниқ сабаблар билан, мамлакат ёки жамоа ҳаётидаги бирор воқеага, масалан, октябрь революциясининг қатнашчилари билан, қаҳрамонлар билан учрашувларга, янги китоб ёки кинофильм чиққанлигига, мактаб ҳаётида юз берган бирор ижобий ёки салбий воқеага тўғрилаб ўтказилса, жуда яхши натижа беради.

4.Суҳбатни ёрқин, яхшилаб танлаб олинган аниқ мисолларни, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.

5.Эмоционал тарзда келтирилган, ёрқин ва таъсирчан образга оқилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асарларига жамоа бўлиб бориш ёхуд уларни жамоа бўлиб эслаш) зарур.

6.Ўқувчиларнинг онгига сингдириладиган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамма нарсани тушуниб олишга ва бунинг оқибатида далил қабул қилишга, оқилона исботларга рози бўлишга қодир бўлган ўсмирлар ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш пайтида жуда муҳимдир.

7.Ўқувчиларда максимал активлик уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва ўзларини ахлоқ масалалари устида ўйлаб кўришга мажбур қилиш зарур.

8.Ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан эмоцияларни уйғотишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарқ ва шавқ-завқсиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказганидагина эришиш мумкин. Ўқитувчи ўзининг эхтиросли эътиқоди ўсмирларга юқишини унутмаслиги даркор. Ўсмирларнинг ўзлари хис этадиган туйғуларни тахминан қуйидаги шаклда англаб олишларига эришиш жуда муҳимдир: «Нима учун бу ходиса менда шунчалик ғазаб ва нафрат уйғотади?» «Нима учун мен бу хатти-ҳаракатдан шунчалик хайратландим?».

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзидан тарбиялашига раҳбарлик қилишда тўртта вазифани кўзда тутиши керак. Биринчи вазифа-ўқувчида – ўқувчида ўзида шахснинг ижобий хислатларини тараққий эттиришга ва ўз хулқ-атворидаги ёмон томонлардан халос булишга истагини уйғотиш.

Ана шундан иккинчи вазифа-ўқувчига ўз шахсига танкидий муносабатда бўлишда, ўз хулқ-атворидаги хусусиятларни диққат билан ва одилона тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фахмлаб олишда ёрдамлашиш вазифаси келиб чиқади. Ўз-ўзига баҳо бериш, бу баҳонинг объективлиги ёки субъективлиги шахснинг таркиб топиши жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш программасини тузишда, шахс хулқ-атвори хислатининг қайси хусусиятларини (масалан, ўзини ушлай билиш, қатъийлик ва шунинг сингариларни) тараққий эттириш, қайсиларига (масалан, ўжарлик, ялқовлик, қўполликка) барҳам бериш кераклигини белгилаб, ҳамда ҳал қилиб олишда ўқувчига ердам берадилар. Худди шу ерда шахс сифатларини тўғри ва объектив баҳолашда, уларни келиб чиқиш сабаблари ҳамда мазмуни жиҳатидан баҳолашда ҳам ўқувчиларга кўмаклашиш муҳимдир.

Нихоят, тўртинчи вазифа-ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид энг мақсадга мувофиқ ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар.

Агар ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчилар жамоасининг раҳбарлиги ва назорати остида амалга оширилса, жуда яхши натижа беради. Агар жамоанинг ўзи ўз аъзосига қатъий

талаблар кўйса ва уларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб турса, бу ҳол ўқувчини ўз устида ишлашга ниҳоятда рағбатлантириб юборади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

- 1.Тарбия психологияси деганда нимани тушунасиз?
- 2.Ахлоқий онг нима?
- 3.Тарбиявий таъсир нима?
- 4.Ахлоқий онгни таркиб топтириш шартлари?

МУНДАРИЖА

Кириш-----	4
Психология фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва аҳамияти-----	5-14
Умумий психологиянинг илмий-тадқиқот методлари -----	14-20
Психика ҳақида тушунча. Психология фанининг тарихи-----	21-28
Мия ва психика. Олий нерв фаолияти -----	29-33
Шахс психологияси. Шахс ва жамоа -----	33-43
Фаолият психологияси. Эҳтиёжлар -----	44-52
Сезгилар психологияси. Идрок -----	52-62
Диққат -----	62-66
Хотира назарияси. Хаёл -----	66-76
Тафаккур -----	77-82
Нутқ ҳақида тушунча, функциялари, турлари. Мулоқот психологияда шахслараро таъсир сифатида -----	82-92
Ҳиссиётлар. Шахсда ирода психологияси -----	93-102
Қобилиятлар. Характер -----	102 -109
Темперамент -----	110-113
Шахс тараққиётининг даврларга бўлиниши -----	113-126
Таълим ва миллий психология. Таълимнинг ноанъанавий усуллари. Мустақил тафаккурни ривожлантириш -----	126-140
Педагогик қобилиятларнинг таркиб топиши ва ривожланиши -----	140-147
Касб таълими психологияси предмети ва унинг вазифалари -----	147-151
Тарбия психология -----	151-157
Мундарижа-----	158
Фойдаланилган адабиётлар-----	159

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент: “Шарқ”, 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й.
3. Ғозиев Э. Психология. – Тошкент, 1994 й.
4. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”. 1997 й.
5. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. – Тошкент. «Ўқитувчи», 1994 й.
6. Каримова В.М. Ижтимоий психологияси асослари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994 й.
7. Умумий психология А.В.Петровский таҳририда. – Тошкент, 1992 й.
8. Психология. Қисқача изоҳли луғати. Тузувчи: Д.Хусанова. – ТДПУ, 2001 й.
9. Педагогик психология. Маърузалар матни. Тузувчи: Хусанова Д. ТДПУ, 2001 й.
10. Ш.А.Дўстмухамедова Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси. Т., 2000 й.
11. Ғ, Э.Ғозиев «Умумий психология». - Тошкент 1999 й.
12. Э.Искандаров «Ўқувчилар руҳиятини ўрганиш услублари». Сам-1998
13. В.М.Каримова. Психология. Ўқув қўлланма. – Т., 2002
14. В.Каримова. Ижтимоий психология асослари. – Т., 1994
15. В.М.Каримова. Ф.Акрамова. Психология. Маърузалар матни,. – Т., 2000
16. А.В.Петровский таҳрири лстида. Умумий психология. – Т., 1975
17. Психология. Под ред. А.А.Крылова. – М., 1998
18. Голфура Ж. Что такое психология. – Т. 1. Гл 5. М., 1992
19. Э.Ғозиев. Умумий психология... – Т., 2002
20. Немов Р.С. Психология. – Кн.1. – М., 1998

